



АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

А. Р. МУХАМЕДЖАНОВ, Т. НИГМАТОВ

НЕКОТОРЫЕ ИСТОЧНИКИ
К ИСТОРИИ
ВЗАИМООТНОШЕНИЙ
БУХАРЫ И ХИВЫ
С РОССИЕЙ

Под редакцией члена-корреспондента
Академии Наук УзССР Я. Г. Гулямова

ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗССР

ТАШКЕНТ — 1957

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Т. НЕҶМАТОВ

БУХОРО ВА ХЕВАНИНГ
РОССИЯ БИЛАН
МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИГА
ДОИР БАЪЗИ МАНБАЛАР

ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент
аъзоси Я. F. Гуломов таҳрири остида

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 1957

А. Муҳаммаджонов ва Т. Невъматов ёр тоқларниң ушбу асарларида XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро ва Хева ҳоналигининг Россия билан иктиносидий, сиёсий ва қисман жаданий соҳада олиб борган муносабатларига оид қиммат ли материаллар келтирилади.

Масаланинг муҳим томони шундака, а вторлар Ўрта Осиёнинг Россияяга қўшилишигача бўлган даврда Бухоро ва Хеванинг Россия билан олиб борган муносабатлари ҳароатирини ёритиб берадилар. Китобда иккى ўртадаги дипломатик влечиликлар, Россиядан Ўрта Осиёнга юборилган геологинк экспедиция, Англия муноғиқ агентларининг Ўрта Осиёдаги қонли излари ҳақида гапирилиб, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшил иши учун замин пайдо бўла бошлаганилиги қайд этилади.

Хурматли китобхонлар шу нарасани эътиборга олишларга керакки, авторлар Россия билан Хева ва Бухоро ҳонликлари ўртасидаги 30—35 йиллик тарихий муносабатларни эмас, балки шу муносабатлар тарихини ёритишгә асос буладиган манбаларни ўрганиб, илмий ходимларнинг дижкотини ана шу манбаларга қарашадилар.

А. Муҳаммаджонов ва Т. Невъматов ўртоқларниң бу асарлари гуманитар фанлар соҳосида ўқиётган стуфентлар, илмий ходимлар ва тарих ўқитувчилари учун жўлжалланган.

А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ

**БУХОРО ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ
ТАРИХИГА ДОИР БАЪЗИ МАНБАЛАР
(XIX АСРНИНГ 20 – 50-ЙИЛЛАРИ)**

ҚИРИШ

Үрта Осиё халқлари билан улуғ рус халқи ўртасида асрлар давомида ривожланиб ва мустаҳкамланиб келган иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқалар Үрта Осиё халқларининг ижтимоий ва иқтисодий тарихида энг кам ёритилган проблемалардан ҳисобланади.

Бу икки қардош халқнинг ўзаро алоқаларини ҳар томонла ма чуқур ўрганиш ва илмий асосда ёритиб бериш, бу актуал масалага бағишилангаи биринчи дараҷали манбаларни ўрганиб, марксизм-ленинизм таълимоти асосида характерлаб беришни талаб этади.

Автор бу ишда юқоридаги умумий масаланинг бир қисми— XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро ҳоилиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид нашр этилган асосий манбаларни шарҳлаш ва уларнинг икки давлат ўртасидаги алоқаларини ёритиб беришдаги қимматини кўрсатиб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро ҳоилиги ва Россия муносабатларига оид нашр этилган асосий манбаларнинг деярли кўпгина қисми мемуар характерга эга бўлиб, улар Россияни ва Үрта Осиё ҳонликлари ўртасида юборилган дипломатик миссия ва элчиликлар составида қатишган мутахассис, саёҳатчи ҳамда савдогарларнинг ёзиб қолдирган сафоратнома, хотиралома ва кундакликларидан иборатидир.

Бу мемуар асарлар асосан Үрта Осиё ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасида яратилиб, шу муносабатларнинг маҳсулни бўлиши билан бирга, Үрта Осиё халқлари тарихини, шунингдек Россия билан бўлган алоқалар тарихини ўрганишда бош манба сифатида хизмат қиласди.

Россия ва Үрта Осиё муносабатлари иштирокчиларининг мемуар асарларида Үрта Осиё халқлари тарихининг кўпгина томонларини ёритиб берадиган қимматбаҳо маълумотлар тўплланган бўлиши билан бирга, уларда Үрта Осиё билан Россия ўртасидаги алоқаларга оид жуда ажойиб ва бой материаллар

берилган. Шунинг учун ҳам биз XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқаларга оид нашр этилган манбаларни ўрганишда Г. Мейендорф¹, Э. Эверсман², Будрин³, Н. Хаников⁴, А. Леман⁵, Богословский 2-й⁶, К. Бутенев⁷, Н. Игнатьев⁸, Н. Залесов⁹ ва бошқаларнинг асарларини асосий, бош маңба сифатида талқин этдик. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир асар устида фикр юритилар экан, унга фақат Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги олиб борилган муносабатларга оид берган маълумотлари ҳамда бу маълумотларнинг асосли ва тўғри кўрсатилганинг қараб баҳо берилган.

В. И. Ленин кўрсатадики, «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»¹⁰. Масалага

¹ G. Meyendorff. Voyage d'Orenbourg a Boukhara fait en 1820, a travers les steppes qui s'étendent a l'est de la mer d'Aral et au-delà de l'ancien Jaxartes, Redigé par M. le baron G. de Meyendorff et revu par M. le chevalier Amédée Jaubert. Paris, 1826, 508 p., III. 1 cart.

² E. Evermann. Reise von Orenburg nach Buchara. Nebst einem Wortverzeichniss aus der afghanischen Sprache, begleitet von einem historischen Anhange und einer Vorrede von N. Lichtenstein. Berlin, 1823, 150, 40 s. I Plan von Buchara, 2 pl. III.

³ Б у д р и н . Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца). «Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год». Оренбург, 1871. 45-бет.

⁴ Н .Х а н и к о в . Описание Бухарского ханства, СПб, 1843, 279-бет.

⁵ Alexander Lehmann's Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842. Nach den hinterlassenen Schriften desselben bearbeitet und mit Anmerkungen versehen von G. v. Helmersen. Nebst einem zoologischen Anhange von J. F. Brandt. Mit 5. Illograph. Tafeln und einer Karte. St. Petersb., 342 S, 5 tab., 1 Kart. (Beiträge zur Kenntniss d. Russ. Reiches.. Bd. XVII)

⁶ Богословский 2-й. Записка о долине Зеравшана и горах ее окружающих. «Горный журнал», 1842, X китоб, 2-қисм, 206-бет.

⁷ К. Бутенев, а) Минеральные богатства Бухарии. «Горный журнал», 1842, IV қисм, 11-китоб, 137—148-бетлар, б) Заводское дело в Бухарии. «Горный журнал», 1842, V қисм, 11-китоб, 148—154-бетлар. в) Монетное дело Бухарии. Уша журнал, 154—169-бет. г) Замечания о ковке булаты в Бухарии. Уша журнал, 163—168-бетлар. д) об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухаре. Уша журнал, 168—175-бетлар. е) Результаты метеорологических наблюдений на пути из Оренбурга в Бухару во время пребывания в ней 1841—1842 гг. Уша журнал, 175—183-бетлар.

⁸ Н. Игнатьев. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника Н. Игнатьева. СПб, 1897, 278-бет.

⁹ Н. Залесов. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 г. «Русский вестник», т. 91, № 2, 1871, 421—440-бетлар; т. 92, № 3, 1871, 42—82-бетлар.

¹⁰ В. И. Ленин, Асарлар, т. II, Ҳаздавнашр, Тошкент, 1950 йил, 190-бет.

Е. И. Лениннинг бу кўрсатмаси асосида ёндашганимизда, мазкур авторларнинг хизматлари шундаки, улар ўз асарларида Ўрта Осиё тўғрисида ўша вақтларда мавжуд бўлган барча маълумотларни тўплаш билан бирга, шахсан ўzlари Ўрта Осиё хонликларида бўлиб, у ерда олиб борган кузатишлари натижасида йигилган янги ва жуда қимматбаҳо материаллар билан юқоридаги маълумотларни бойитганлар.

Шоҳидларнинг кўплари Ўрта Осиёда бир марта бўлишларига қарамай, у ерда яшовчи ҳалқарнинг урф-одати ва ижтиёмий ҳаётига қизиқишлари сабабли, ҳар бир воқеа ва масалага, шунингдек, тарихий ёдгорликларга зўр диққат билан қараб уларни мукаммал ўрганиш ва улар тўғрисида тўпланган маълумотларни батафсил тасвир этиш учун ҳаракат қилганлар.

Шундай қилиб, бу асарларнинг қиммати шундаки, уларда авторлар шахсан ўzlари бориб кўрган мамлакатни ва ўzlари кузатган ҳалқни тасвир этадилар.

Гарчи Россия ва Ўрта Осиё муносабатлари иштирокчиларининг асарлари Ўрта Осиё ҳалқлари тарихини, жумладан Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқалар тарихини ўрганишда биринчи даражали манбалардан ҳисобланса ҳам, аммо уларда келтирилган баъзи бир маълумотларни, шунингдек авторларнинг айрим масала ва воқеалар устида олиб борган мулоҳазалари ҳамда берган фикрларини танқидий ўрганишга тўғри келади. Чунки, Россия ва Ўрта Осиё алоқаларида иштирок этган мутахассисларнинг деярли кўпчилиги чор ҳукумати маъмуриятининг вакилларидан бўлиб, ўз асарларида илмий мақсадларни оғла сурган бўлсалар ҳам, уларнинг асарлари ҳоким-синф идеологияси билан сугорилгантири.

Бу ишимида юқорида кўрсатилган асосий манбалар билан бир қаторда, нашр этилган ҳужжатлар ва уларда берилган маълумотлар устида тўхтаб ўтилди. Бу ҳужжатлар Россия ва Бухоро хонлиги ҳукмрон доиралари ўртасида олиб борилган ҳар хил расмий хат; элчилик, дипломатик миссия ва савдо картонлари бошлиқларига берилган ёрлиқ ҳамда баёнотлардан иборат бўлиб, улар бу икки давлат алоқаларига оид турли хил-фактик материаллар берадилар.

Булардан ташқари, юқоридаги манбаларга таққосий материал сифатида Ўрта Осиё маҳаллий тарихчилариңинг Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги алоқаларга доир берган маълумотлари келтирилиб, босма асарлар билан бирга, мустасно тартиқасида қўлёзма асарлар ҳам характерланди. Чунки, XIX асрнинг иккинчи ярмигача Ўрта Осиёда китоб нашр этиш мавжуд бўтмай, маҳаллий котиблар ўз асарларини қўлёзма ҳолида таржатганлар.

Россия ва Бухоро хонлиги ҳукмрон доиралари ўртасида олиб

борилган дипломатик ҳужжатлар ҳамда маҳаллий тарихчиларнинг қўллэзма асарларида келтирилган материаллар асосий манбаларда берилган материалларни кўпгина фактик далиллар билан тўлдириб, Россия ва Бухоро хонлиги муносабатларини ўрганиша ёрдамчи манба бўлиб хизмат қиласидар.

Демак, Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларда иштирок этган рус мутахассисларининг мемуар асарлари, Урта Осиё маҳаллий тарихчиларининг бу икки давлат алоқаларига доир берган маълумотлари ҳамда давлатларнинг ўзаро олиб борган дипломатик ҳужжатларида келтирилган материаллар XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасида олиб борилган алоқаларни ўрганишда жуда қимматбаҳо манбадир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу мемуар асарларнинг кўпгина қисми чет тилларда ёзилганлиги сабабли, кўпчилик ўқувчи омма учун тушунарсиз бўлиб, таржима қилишга муҳтождир. Шунингдек, бу асарларнинг нашр этилганлигига бир аср ва ундан кўпроқ вақт ўтганлиги сабабли, марказий кутубхоналарда ҳам жуда оз нусхалардагина сақланиб, нодир китобларга айланганлар. Бу қимматбаҳо мемуарларни таржима қилиш ва уларни комментариялар билан қайта нашрга тайёрлаш совет тарихчилари ва манбашуносларининг шарафли ишларидан биридир.

Биринчи боб

XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА БУХОРО ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРГА ОИД АСОСИЙ МАНБАЛАР

1. XVIII АСРНИНГ ОХИРИ ВА XIX АСРНИНГ БОШИДА РОССИЯ ВА БУХОРО САВДО АЛОҚАЛАРИ

XVIII асрнинг юхрии ва XIX асрнинг боши Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида савдо ва дипломатик алоқаларнинг кенгайини ва мустаҳкамланини билан характерланади.

Бу вақтларда Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқалар, асосан, икки тарафдан: Сибирь ва Оренбург савдо йўллари орқали олиб борилиб, Оренбург орқали бўлган мунисса-батлар айниқса аҳамиятлидир.

XVIII асрнинг юхридан бошлаб Россия билан Ўрга Осиё хонликлари, жумладан Бухоро хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларнинг ривожланишида Оренбург савдо йўли катта аҳамиятга эга бўлиб, Оренбург шаҳарининг ўзи Россия ва Ўрга Осиё савдосида айирбошлишнинг марказига айланади. Чунки, бу вақтларда Ўрга Осиё савдогарлари учун Россиянинг кўпгина ички ярмаркаларида савдо қилишга руҳсат этилмай, одатда улар ўз маҳсулотларини кўпроқ Оренбургда рус саноат молла-рига айирбош қиласидилар. Шунингдек, Россия савдогарлари ҳам Ўрга Осиёга камдан-кам қатиаб, Россиянинг саноат моллари Ўрга Осиёга бозорларига деярли маҳаллий савдогарлар во-ситаси билан олиб келинар эди.

XVIII асрнинг юхрида Россия Бухоро савдосининг ҳажми ва характеристини 1787--1796 йилларда Россия ва Бухоро ўртасида олиб борилган товар оборотидан кўриш мумкин. Масалан, мана шу ўн йил ичida Россиядан Бухорога 3 миллион 680,9 минг сўмлик мол чиқарилган бўлса, Бухородан Россияга эса 4 миллион 150,9 минг сўмлик маҳсулот чиқарилган¹.

Бу давр ичida Бухоро ва Россия савдосининг умумий ҳаж-

¹ Е. В. Бунаков. К вопросу о сношениях России с среднеазиатскими ханствами в XIX в., «Советское востоковедение», т. II, М.—Л., 1941. 9—10-бетлар.

ми унчалик катта бўлмаса ҳам, лекин у тез суръатлар билан ўсиб бормоқда эди. Масалан, 1787—1790 йиллар давомида Оренбург орқали Бухородан Россияга ўртacha ҳисоб билан йилига 360 минг сўмлик, 1790—1793 йиллар ичида йилига 405 минг сўмлик ва 1793—1796 йилларда йилига 465 минг сўмлик мол чиқарилган бўлса, XIX асрнинг бошига келганда, 1801 йилнинг ўзидаёқ, Бухородан Россияга чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажми 732,2 минг сўмга етади. Россиядан Бухорога чиқариладиган молларнинг миқдори эса 547 минг сўмгача ошади¹. Бу фактлар Оренбург орқали Бухоро билан Россия ўртасидағи савдо-сотиқ охирги 4—5 йил давомида аввалги ўн йил ичида максимал мол чиқарилган йилга² қарагандা яна 50 процентга ошганлигини кўрсатади.

Россия—Бухоро савдосининг бундай суръатлар билан ривожланиши асосан Россияяда капиталистик муносабатларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, ривожланиб бораётган рус тўқимачилик саноати кўпроқ Ўтра Осиё хомашёси—пахтага муҳтоҷ эди. Шунинг учун ҳам XVIII асрнинг охиридан бошлаб, Ўтра Осиё Россия саноатининг энг зарур ва энг муҳим хомашё манбаларидан бирига айланаб, пахта ва йигирилган ипдан ташқари, Россияга хом тери, қоракўл, ипак, реванд ва қуруқ мева-лар чиқариларди.

1801 йилда Бухородан Россияга 483,7 минг сўмлик йигирилган ип чиқарилиб, у умумий савдо оборотининг 68 процентини ташкил этса; 19,5 минг сўмлик пахта, ёки савдо оборотининг 2 процентини, 42,5 минг сўмлик газлама, ёки савдо оборотининг 5 процентини, 101,7 минг сўмлик хом тери, ёки савдо оборотининг 13 процентини, 45,8 минг сўмлик қоракўл, ёки савдо оборотининг 6 процентини, 25,7 минг сўмлик реванд, ёки савдо оборотининг 3 процентини ва қолган бошқа хилдаги маҳсулотлар савдо оборотининг 3 процентини ташкил этарди³. Демак, XIX асрнинг бошида Бухородан Россияга чиқариладиган маҳсулотлар ичида йигирилган пахта ипи билан хом пахтанинг ўзи умумий савдо оборотининг 70 процентини ташкил этади.

Россияга олиб бориладиган хомашё ичида пахтага нисбатан йигирилган ипнинг салмоғи катталиги ҳали бу вақтларда Россияяда ип йигирив фабрикаси мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, 1805 йилда Россияяда 59 тўқув ва 5 газлама бўяш ва пардозлаш фабрикалари бўлса-да, аммо бир дона ҳам

¹ Ўзбекистон халқларининг тарихи, т. II, 213-бет, (русча нашри).

² 1795 йилда Бухородан Россияга 502 минг сўмлик мол чиқарилган эди.

³ Е. В. Бунаков. Уша асар, 9—10 бетлар. Яна қаранг: Узбекистон ССР тарихи, 2-китоб, Тошкент, 1956, 28-бет (русча нашри).

ип ўигириув фабрикаси бўлмаган¹. Шунинг учун ҳам тўқимачилик саноатини хомашё билан таъмин этишда кўпроқ ярим фабрикат-йигирилган пахта или талаб этилиб, бу ярим фабрикат Россия ва Ўрта Осиё, жумладан Бухоро савдосининг асосини ташкил этарди.

Бу вақтларда Россиядан Бухорога асосан металл, темир, мис, пўлат, чўян, кумуш ва олтин, шунингдек мўйна, чарм, мовут ва бошқалар чиқарилиб, металлар Россия ва Бухоро савдосида биринчи ўринда туради.

1801 йилда Россиядан Бухорога 217,7 минг сўмлик олтин чиқарилиб, бу умумий савдо оборотининг 40 процентини ташкил этса, 112 минг сўмлик мовут ва бошқа хилдаги тўқима моллар, ёки умумий савдо оборотининг 25 процентини, 83 минг сўмлик кошенил қизил бўёғи, ёки савдо оборотининг 16 процентини, 76 минг сўмлик мўйна, ёки савдо оборотининг 15 процентини, 16 минг сўмлик чарм, ёки савдо оборотининг 3 процента ва бошқа хилдаги моллар чиқарилиб, улар савдо оборотининг 5 процента ташкил этарди².

Ўрта Осиёда Россиядан келтириладиган металларга бўлган талабининг ортиб бориши, асосан, бу вақтларда Ўрта Осиё хонликларида иқтисодий кўтарилиш натижасида шаҳарларнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш корхоналарининг, айниқса, дегрезлик корхоналарининг кенгайишига боғлиқ эди. Чунки Ўрта Осиё хонликларида ишлаб чиқариш кучларининг заиф бўлганидан тоғ саноати тамоман ривожланмаган бўлиб, ҳали маҳаллий металл ишлаб чиқарилмас эди. Бухорода ишлаб чиқариладиган металл буюмлар деярли Россиядан келтириладиган металлар ҳисобига ишланиб, Россия мисидан турли хил рўзғор буюмларидан ташқари, чақа пул зарб қилинар эди. Россия пўлати, темири ва чўянидан қишлоқ хўжалик асбоблари, қурол-яроғлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариларди. Россиядан олтин ва кумуш пул шаклида келтирилиб, улардан олтин пул-тилла ва кумуш танга зарб қилинарди.

Ўрта Осиё бозори учун энг керакли ва умумий талабга сазовор бўлган металларни Ўрта Осиёга чиқариш то XIX асрнинг бошигача ман қилинган эди. Аммо Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг юксалиб бориши чор ҳукуматини 1801 йилдан бошлаб мазкур бозорларга металл чиқариш учун рухсат беришга мажбур этди³.

¹ Сборник сведений по истории статистики внешней торговли России. В. И. Покровский таҳрири остида. СПб, 1902, 297-бет.

² Е. В. Бунаков. Уша асар, 10-бет. Яна қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи, т. I, 2-китоб, Тошкент, 1956, 28—29-бетлар.

³ Ўзбекистон ССР тарихи, т. I, 2-китоб, Тошкент, 1956 йил, 29-бет.

Гарчи Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо алоқалари жонланиб бораётган бўлсада, лекин унинг нормал ҳолда олиб борилишига хонликларнинг ўзаро олиб борган феодал урушлари ва савдо йўлларидаги талон-тарожликлар анчагина тўсқинлик қиласиди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида савдо йўлларидаги нотинчлик аввалгидан ҳам кучаяди. 1799 йилда Дўртқорин қабиласидан бўлган Сари Олтой ва Қора Олтой бошлиқ қозоқларнинг бир группаси Бухорога кетаётган савдо карвонини талаб, унинг 295 минг сўмлик молини ўзлари билан олиб кетганлар¹.

Бухоро амири Ҳайдарнинг Россия императори Александр I га ёзган хатида, Россияяга қарши французларнинг ҳужуми бошланган вақтларда Бухоро савдогарлари қозоқларнинг талончилик гуруҳлари томонидан талон-тарож этилганлиги тўғрисидағи хабар баён қилинган².

XIX асрнинг бошига келганда Бухоро-Россия савдо алоқаларининг борган сари юксалиши натижасида, биринчи навбатда савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш ва савдо муносабатларини янада мустаҳкамлаш бу икки давлат ўртасидағи дипломатик алоқаларнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

1797 йилда ёқ Оренбург генерал-губернатори Барон Ингельстром Урта Осиё хонликлари билан савдо муносабатларини кенгайтириш ва уларни нормал ҳолда олиб бориш учун карвон йўлларининг хавфсизлигини таъмин этишда савдо карвонларини Урта Осиё бозорларига доимий суратда ҳарбий соқчи билан кузатишни, маҳаллий Урта Осиё савдогарлари учун Россиянинг ички ярмаркаларида савдо қилишга рухсат этилишини ва Оренбургда Урта Осиё бозорларини мунтазам ўрганувчи рус савдо муассасаларини барпо этишни таклиф қилган эди³.

Урта Осиё билан савдони ривожлантириш мақсадида XIX асрнинг бошида чор ҳукумати маҳаллий Урта Осиё савдогарларига Россиянинг ички районларида ва рус ярмаркаларида, биринчи навбатда, Нижегород ярмаркасида савдо қилиш учун рухсат этди⁴.

Оренбург генерал-губернаторининг савдо карвонлари қаттандайдиган йўлларнинг хавфсизлигини таъмин этиш учун карвонларни қуролланган конвой билан Урта Осиё бозорларига

¹ Л. Мейер, Киргизская степь Оренбургского ведомства (Материалы для географии и статистики России). СПб, 1865, 25-бет.

² Муншаот ва ёрлиқот **منشاات و بارليقات** Кўллэзма, УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Изв. № 300, 126—13а.

³ Е. В. Бунаков, Уша асар, 11—12-бетлар.

⁴ Узбекистон халқлари тарихи, т. II, Тошкент, 1947, 215-бет.

кузатиш тўғрисидаги таклифи эса, 1803 йилга келиб амалга ошиди.

1803 йил, июль ойида Орск крепостидан савдо карвонини Бухорога биринчи марта ҳарбий эскорт мудофааси остида жўнатишли. Ҳарбий соқчилар билан кузатилаётган савдо карвони билан элчи ва сафоратнинг бошлиги Гавердовский, доктор Большой, карвонбошилардан Иванов ва Богданович, таржимонлардан Бекжонов ва Бекчуринлардан иборат Бухорога рус элчилиги юборилди¹.

Рус савдо карвони 1803 йил, 23 июля Орск крепостидан чиқиб, Сирдарёнинг Майлибош кечувига 30 чақирим қолгандан қозоқ ва хеваликлардан ташкил топган талончилик гуруҳлари бу кечувининг атрофига жойлашганикликтарини эшитиб, Бухорога бормасдан орқага қайтиди. Лекин қозоқтар карвонининг орқасидан қувиб этиб, унга ҳужум қиласидилар. Натижада карвонни талон-тарож этиб, ҳарбий отряднинг кўпгина қисмини, элчиликнинг аъзоларидан доктор Большойни ва элчилик бошлигини Гавердовскийнинг рафиқасини асир қилиб, ўзлари билан олиб кетадилар². Гавердовский эса, бир неча кишилар билан зўрга қочиб қутидилари. Шундай қилиб, Бухоро билан савдо алоқала-рини кенгайтириш ва уларни нормал ҳолда олиб борни мақсадида савдо карвонларини қуролланган отряд билан кузатиш учун Россиянинг ўюштирган талбири биринчи галда натижасиз тугайди.

Россия ва Ўрта Осиё ўртасида қатнайдиган савдо карвонларини қўриқлаш учун ўюштирилган бу тадбир натижасиз тугаган бўлса ҳам, лекин унинг Бухоро ва Россия муносабатларига тарихида аҳамияти жуда катта эди. Чунки, бу тадбирнинг ўюштирилиши Россиянинг Ўрта Осиё билан бўлгаган савдодан ман-фаатдор эканлигини ҳамда уни ривожлантириш учун қилган амалий ҳаракатларини кўрсатади.

XIX асрнинг бошида Ёвропада халқаро вазиятнинг жиддий-лашуви, Россиянинг Наполеонга қарши курашда қатнашиши (1805—1807) ва Россияда Ватан урушининг (1812) бошланиши Россия—Бухоро муносабатларига, айниқса, савдо алоқала-рига анчагина таъсир этади. Чунончи, бу вақтларда карвон йўллари тамоман хавф остида бўлиб, савдо карвонлари қозоқ-ларнинг талончилик отрядлари томонидан тўхтовсиз талон-тарож қилинар эди.

Қисқа муддат ичидаги қозоқ ва хеваликларнинг бирлашгани шайкалари, қозоқ сultonлари бошлиқ, Россия савдогарлари-

¹ Я. В. Ханыков. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями. «Записки Русского Географического общества», СПб, 1851, V китоб, 327-бет.

² Г. Мейендорф. Ўша асар, 5—6-бетлар (французча нашри).

нинг 178 минг 127 сўмлик; Бухоро савдогарларининг 1 миллион-204 минг 700 сўмлик молларини талаганлар¹. Бу вақтларда қозоқ султонлари томонидан Бухоро савдогарлари талон-тарож этилганлиги тўғрисида Бухоро амири Россия императорига қуийдагиларни ёзади: «Французнинг фитна ва исёни вақтида қирғиз ва қозоқлар фурсатдан фойдаланиб, Россияяга тобе бўлгаси чегара районларда (бухороли—М.А.) савдогарларни, жумладан мазкур миrzонинг 1500 олтин баҳосидаги молини талон-тарож этганлар»².

Л. Мейер ўша асарининг 33-бетида Қозоғистон чўлида ўзаро курашлар қескинлашуви сабабли, 1812—1815 йилларда чўл орқали савдо карвонлари мутлақо ўта олмаганликлари ҳақида ёзади.

Савдо йўларида бу қийинчиликларга қарамасдан, Россия ва Ўрта Осиё, жумладан Бухоро хонлиги ўртасидаги савдо алоқалари тобора кенгайиб боради. 1804—1807 йиллар ичидагар Россиядан Ўрта Осиё бозорларига, ўртача ҳисоб билан, йилига 988 минг сўмлик мол чиқарилган бўлса, худди шу йилларда Ўрта Осиёдан Россияяга, ўртача ҳисоб билан, йилига 2. 071, 6 минг сўмлик мол олиб келинган эди. 1812—1815 йиллар давомида эса, Россиядан чиқариладиган молнинг ҳажми, ўртача ҳисоб билан, йилига 3. 582,9 минг сўмгача ошиб, айни замонда Ўрта Осиёдан олиб келинадиган молнинг миқдори 4. 071,6 минг сўмга етган эди³.

Ривожланиб бораётган Бухоро—Россия савдо алоқаларига қозоқ ва хеваликларнинг узлуксиз талончилик ҳужумларини билан тўсқинлик қилишлари Бухоро хонлиги ҳукмрон доиралари ва савдогарларининг бу савдолан манфаатдор қисмидаги қозоқларга нисбатан норозилик туғдирди. Ҳатто қозоқ султонларининг бу савдодаги тўсқинликларига қарши курашда улар Россиянинг ёрдамига муҳтож бўлиб, бундай ёрдамнинг зарур эканлигини тушуна бошлаган эдилар.

1775 йилда Россияда бўлган Бухоро элчиси Эрназар Мақсадов қозоқларнинг талончилик гурухлари томонидан талон-тарож этилиб зарар кўрган савдогарларнинг норозилигини баён қилиб, Бухоро савдогарларининг 12 йил давомида талончилик

¹ Л. М е ё р. Киргизская степь Оренбургского ведомства, 34-бет.

² Мактубот, муншоат ва маншурат **مکتوبات مونشاات و منشورات** Шарқшунослик институти, И nv. № 286, л. 199 а—б.

³ Ханыков Я. В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями, 257-бет. Қаранг: И. А. Ремез, Внешняя торговля Бухары до мировой войны. Опыт историко-статистического обзора внешней торговли ханства вне сферы таможенного объединения его с Российской империей. Покровский таҳрири остида. Тошкент, 1922, 40—41-бетлар.

гурӯҳлари томонидан тортиб олинган моллари ўз эгаларига қайтарилишини ва савдода хавфсизлик учун қозоқларнинг бўй-сундирилишини илтимос қиласди¹.

Бухороликларда қозоқ султонларига нисбатан бундай норо-зилик кайфиятининг пайдо бўлганлигини амир Ҳайдарнинг Россия императорига ёзган хатида берилган маълумотлардан ҳам сезиш мумкин. «Шон-шавкат эгаси (Россия императори—М. А.) қозоқ жамоасига танбеҳ ва жазо бериб, мазкур мирзо-нинг (Бухоро элчисининг—М. А.) ва савдогарларнинг моллари-ни қайта олиб бериш учун ўз чегара районларидаги ҳокимлари-га бўйруқ беришларига ишонамиз»².

Булардан маълумки, бухороликлар ҳам Россия билан бўл-ган савдодан манфаатдор бўлиб, унинг нормал ҳолда олиб боришига тарафдор эдилар. Ҳатто бу савдога тўсқинлик қила-ётган қозоқ султонларига нисбатан уларда норозилик пайдо бўлиб, уларга қарши курашда Россиянинг ҳарбий кучлари Қо-зғистонга кириб келишига ҳам рози эдилар.

Бухоро ва Россия савдо алоқаларининг юксалиши билан бу икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳам тобора мустаҳкамланиб борди. 1804—1808 йилларда Бухоро хонлиги-дан Россияга Миралоуддин, 1816 ҳамда 1819 йилда Мирза Му-ҳаммадюсүф «кўрчибоши» бошлиқ элчиликлар юборилди. Россия ҳам Бухоро хонлиги билан алоқаларни мунтазам олиб бориш учун Бухорога ўз элчи ва миссияларини юборарди. Масалан, 1803 йилда Говердовский, 1809 йилда Абдулносир Субҳонкулов элчиликлари ва 1820 йилда А. Ф. Негри бошлиқ катта дипломатик миссия юборилади.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасида олиб борилган дипломатик муносабатлар, асосан, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва уларни нормал ҳолда ва мунтазам олиб боришга қаратилгандир.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Бухоро билан Россия муносабатлари тўғрисида келтирилган бу қисқа маълу-мотлардан қуйидаги хulosага келиш мумкин:

а) Россияда саноатнинг ривожланиши ва унинг хомашёга бўлган талабининг ортиши билан хомашё манбаи ва саноат молларининг бозори сифатида Ўрта Осиёнинг аҳамияти ошди;

б) рус ҳукумати Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини кен-гайтириш учун ҳаракат қилиб, XIX асрнинг бошида Россиядан Ўрта Осиё бозорларига металл чиқаришга ва маҳаллий Ўрта

¹ Архив Государственного совета, т. I, 2-қисм, СПб, 1869, 629—630-бетлар.

² Муншаот ва ёрлиқот. Инв, № 300, л. 13 а.

Осиё савдогарларига Россиянинг ички ярмаркаларида савдо қилишга рухсат этди;

в) ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун бу вақтларда асосий тўсқинликлардан бири Қозоғистон чўлларидаги талончилик бўлиб, Россия бу талончиликлардан савдо карвонларини мудофаа этиш учун биринчи марта карвонларни ҳарбий отряд билан кузатишни уюштири;

г) Бухоро ҳам, Россия ҳам ўзаро иқтисодий алоқалардан манфаатдор бўлиб, ўз дипломатик алоқаларида бу савдони кенгайтишишга ва уни мунтазам олиб боришга ҳаракат қиласди.

II. XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА БУХОРО ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР НАШР ЭТИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАР

XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия муносабатларига доир нашр этилган манбаларни ўрганишда бу икки давлат алоқалари иштирокчиларининг асарлари асосий ўринни тутиб, улар ичida 1820 йилда А. Ф. Негри бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссия составида қатнашган Г. Мейендорф, Э. Эверсман ва Будрин асарлари¹; 1824 йилда ҳарбий отряд мудофааси остида Бухорога юборилган савдо карвонининг бошлиғи Е. Кайдаловнинг хотираномаси² ва Г. Спасскийнинг асари³ айниқса характерлидир. Бу асарларда XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия ўртасида олиб борилган савдо ва дипломатик алоқаларнинг умумий ҳолатини; ўзаро савдода чиқариладиган ва олиб келинадиган молларнинг тури, ҳажми, нархлари ва савдо оборотида уларнинг тутган ўрни ҳамда дипломатик миссия ва элчиликларнинг юборилиш сабаблари, уларнинг олдига қўйилган асосий вазифалар ва келтирган натижаларини аниқлаб берувчи жуда қимматбаҳо маълумотлар келтирилган.

Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат...» номли асари француз тилида турколог Амедий Жоберт таҳрири остида 1826 йили Парижда нашр этилиб, шу йилнинг ўзидаёқ, немис

¹ G. Meyendorff. Voyage d'Orenbourg à Boukhara fait en 1820, Paris, 1826, 508 p.

E. Evermann. Reise von Orenburg nach Buchara... Berlin. 1823, 150, 40 s.

Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году. (Записки очевидца). Оренбург, 1871, 45-бет.

² Е. Кайдалов. Караван-записки во время похода в Бухарию Российского каравана под воинским прикрытием в 1824 и 1825 годах, веденные начальником оного каравана над купечеством Евграфом Кайдаловым, 1—3 кисм, 1827—28, 439-бет.

³ Г. Спасский. Новейшее описание Великой Бухары, составленное на основании сведений, большей частью на месте собранных. «Азиатский вестник», 1825, 1-китоб, 3—15-бетлар; 2-китоб, 75—80-бетлар; 4-китоб, 231—240-бетлар; 5-китоб, 304—311-бетлар; 6-китоб, 374—380-бетлар.

тилидаги таржимаси¹ К. Херм ва В. Шейдер таҳрири билан босилиб чиқди².

Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, унинг охирида Петербург университетининг профессори И. О. Сенковскийнинг³, М. Келернинг⁴ ва натуралист Х. Пандернинг⁵ мақолалари илова шаклида берилган. Шу билан бирга, китобда Бухоро хонлиги ва Бухоро—Оренбург шаҳарлари ўртасидаги савдо йўлини ўз ичига олган схематик харита берилган.

Асарнинг биринчи қисмida автор Оренбург ва Бухоро ўртасидаги масофани учга бўлиб, Оренбург—Махожар тоғлари, Махожар тоғлари—Сирдарё ва Сирдарёдан Бухорогача бўлган савдо йўлини тасвир қилади. Асарда қозоқ халқининг этнографиясига оид маълумотлар келтирилади, Бухоро амири томонидан 1820 йилда Россиядан юборилган элчиликнинг Бухорода қутуби олиниши ва расмий равишда қабул қилинишдаги маросим устида тўхтаб ўтилади.

Асарнинг иккинчи қисми Марказий Осиё таърифига бағишлиниб, унчалик оригинал эмас, чунки у оғзаки маълумотлар ва адабиётлар асосида ёзилган. Бу қисмда Хева, Қўқон, Шарқий Туркистон, Ҳисор, Кўлоб, Рометон, Бадахшон, ҳамда Балхдан Кобулгача ва Бухородан Ҳиротгача бўлган йўллар тасвирланади.

Китобнинг энг ажойиб ва қимматли қисми учинчى қисм бўлиб, унда Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисадий ва давлат тузилиши систематик равишда баён қилинади. Асарнинг бу қисмida Бухоро хонлигининг экономикасига, этнографиясига, тарихига ҳамда ташқи давлатлар, жумладан Россия билан олиб борган савдо ва дипломатик алоқаларига бағишлиган маҳсус қимматли бўлимлари бўлиб, уларда Бухоронинг аҳолиси ва машгулотлари, қишлоқ хўжалиги, сурориши системаси, ҳунармандчилик, кустарчилик, ички ва ташқи савдо ҳамда ҳунармандларнинг, айниқса хотин-қизларнинг аҳволига оид жуда кўп қимматбаҳо маълумотлар келтирилади.

¹ G. Meyendorff. Reise von Orenburg nach Bouchara im Jahre 1820 [Baron G. de Meyendorff]. Nach dem franz, original bearbeitet von. C. Herm., V. Scheider. Jena 1826.

² Тарих фанлари кандидати, Узбекистонда хизмат кўрсатган кутубхоначи [Е. К. Бетгер] 1955 йилда Г. Мейендорфнинг асарини француз тилидан рус тилига таржима қилган.

³ J. Senkowski. Description des monnaies Boukhares, pp. 309—320.
J. Senkowski. Notice sur la route commerciale de Semé—Palatynsk à Cachemire, paries villes d'Elleh, d'Aksou, de Jarkent et de Tibet, pp. 329—345.

⁴ M. Kohler. Description d'un medaillon rapporte de Boukharie par M. le colonel Baron Georges de Meyendorff, pp. 321—328.

⁵ X. Pander. Histoire naturelle de la Boukharie, pp. 319—479.

Г. Мейендорфнинг асари, асосан авторнинг шахсий мушоҳадаси, кишилардан эшитган ва сўраб билган маълумотлари асосида ёзилиб, китобда келтирилган кўпдан-кўп изоҳлар ва далиллар Г. Мейендорфнинг Урта Осиё маҳаллий тарихчилари асарларидан ҳамда Урта Осиёга ўзидан аввал борган европали саёҳатчиларнинг ёзиг қолдирган хотираномаларидан кенг фойдаланганлигини кўрсатади.

Бухоро ва Россия муносабатлари тарихини баён қилишда автор А. Женкинсон¹ (1558), Бекович-Черкасский² (1714—1718), Ф. Беневени³ (1721—1725), Т. Бурнашевларнинг⁴ (1794—1795) элчиликлари тўғрисида ёзилган адабиётлар ҳамда Урта Осиё географиясига оид маълумотларни ўз ичига олган, XVII асрнинг 20-йилларида Москвада босилиб чиққан «Книга глаголемая Большой Чертеж» номли асаридан ҳам фойдаланган.

Хева хонлиги ва унинг Россия билан муносабатлари тўғрисида берилган маълумотлар, асосан, 1819 йилда Хева хонлигига юборилган рус элчиси Н. Муравьевнинг асари⁵ асосида ёзилган. Баъзи бир адабиётларда кўрсатилишича⁶, Г. Мейендорф ўз асарида Р. Данибек⁷ ва Э. Эверсман⁸ асарларидан ҳам фойдаланган. Булардан ташқари, Г. Мейендорф фойдаланган адабиётлар

¹ A. Jenkinson, Early voyages and travels to Russia and Persia by Anthony Jenkinson and other Englishmen. Edited by E. D. Morgan and C. A. Coot, vol. 1—2. London, 1886. (Г. Мейендорфнинг бу асарнинг қайси наширидан фойдаланганга мълум эмас—М. А.).

² Бекович-Черкасский элчилигига оид материаллар 1871 йилда Петербургда нашр этилиб, Г. Мейендорф қандай адабиётдан фойдаланганлигини кўрсатмайди Дело 1714—1718 гг. об отправлении лейт.-гвардии Преображенского полка капитана-поручика князя Александра Бековича-Черкасского на Каспийское море и в Хиву. (Документы). Материалы Военно-учетного архива Главного штаба, т. I, СПб, 1871, 197—506-бетлар.

³ Ф. Беневени элчилигига оид маълумотлар А. Поповнинг «Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом (Записки Русского Географического общества, т. IX, 1853, 237—3186)» деган китобида келтирилиб, авторнинг қандай адабиётдан фойдаланганини маълум эмас.

⁴ Т. Бурнашев. Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 году. «Сибирский вестник», III қисм, 1818. 37—110-бетлар.

⁵ Н. Муравьев. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819—1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров, М., 1822, I—II қисм.

⁶ О путешествии Г. Мейендорфа в Бухарию. «Северный архив», 1825, № 25, 398-бет.

⁷ Р. Данибек. Описание путешествия в Индию Рафаила Данибека Грузинского дворянина, посвященное императору Александру. Переведенное с Грузинского, СПб, 1816.

⁸ Е. Eversmann. Reise von Orenburg nach Buchara.. Berlin. 1823, 150, 40 s.

рўйхатини Улугбек¹, Абулғози², Г. Фостер³, П. С. Паллас⁴, К. Риттер⁵, А. Х. Лерберг⁶, Ф. Назаров⁷, Х. М. Френ⁸, К. Э. Келлер⁹, И. О. Сенковский¹⁰, Ф. Аделунг¹¹ ва бошқаларнинг асарлари ташкил этади. Бу адабиётларнинг рўйхати Г. Мейендорфнинг ҳали Урта Осиёга саёҳат қилмасдан туриб, уни чуқур ўрганганилигидан дарак беради.

Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорога саёҳат...» номли китоби чет тилларда нашр этилиб, фақат шу тилларни тўла эгаллаган кишилар учун тушунарли бўлса ҳам, Урта Осиё тўррисида ҳар хил маълумотларни ўз ичига олган бу тўплам Урта Осиё халқлари ҳаёти тўррисидаги янги, жуда бой ва ишончли манба сифатида кенг ўқувчилар оммасини ўзига торған эди.

Асарнинг француз тилидаги нашри пайдо бўлиши биланок, унинг Бухоро хонлигига бағишлиланган қисмлари рус тилига тар-

¹ Улугбек، سلطانی جد جد ریج (Зиж-и жадидайи султоний). УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Қўлэзма, инв. № 2214.

² Абул—Гази Бехадурхан. Шаджара—и тюрк и Могул. *Abulghasi Behadur Chanl Historia mongolorum et tatarorum ming prium tatarice edita auctoritate et munificentia illustrissimi Comitis Nicolai de Romanoff Ymperii Russici Cancellarii Supremi*, Casanii, 1825.

³ G. Forster. Journey from Bengal to England, through the northern part of India, Kashmir, Afghanistan and Persia and into Russia, by the Casian Sea, vol. 1—2 London, 1798.

⁴ Н. С. Паллас. Путешествие по разным провинциям Российской Империи, I қисм, СПб, 1809.

⁵ C. Ritter. Die Erdkunde der in Verhaltniss zur Natur und zur Geschichte des Menschen von Carl Ritter. Berlin, 1817.

⁶ А. Х. Лерберг. Исследования, служащие к объяснению древней русской истории. Изданы на немецком языке в 1816 г. Ф. Кругом. Русчага Д. Языком таржима қиласан, СПб, 1819.

⁷ Ф. Назаров. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса переводчика, посланного в Коканд в 1813 и 1814 годах, СПб, 1821.

⁸ X. M Fren. Das Muhammedanische Münzkabinet des Asiatischen Museums der K. Akademie der Wissenschaften zu St. Petersburg, 1821.

⁹ K. E. Keller Serapis oder Abhandlungen betreffend das griechische und romische Alterthum. 2. Theile. St Petersburg, 1822.

¹⁰ Y. O. Senkowski. Suplement a l'Histoire generale des Huns, des Tuts et des Mogols, contenant un Abrége de l'histoire de la domination des Uzbeks dans la Grande Bukharie depuis leur établissement dans ce pays jusqu'à l'an 1709 et continuation de l'histoire de Khanézim, depuis la mort d'Aboue—Ghazikhan jusqu'à la même époque st. Petersburg, 1824.

¹¹ Ф. Аделунг. О флорентинском купце Франческо Бальдуиччи Песолетти и его путешествии. Қаранг: Критико-литературное обозрение путешественников по России до 1700 года и их сочинений, Фридриха Аделунга. Немис тилидан А. Клававов таржима қиласан. I-қисм. М., 1864. (Г. Мейендорф бу асарнинг немис тилидаги нашридан фойдаланган бўлса керак—М. А.).

жима қилинади. «Статистический взгляд на Бухарию»¹ ва «Нравственное состояние Бухарии»² сарлавҳалари билан китобнинг учинчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи боблари ҳамда Бухоронинг ташқи давлатлар, айниқса Россия билан бўлган савдо алоқаларига бағишиланган қисмлари³ таржима қилинади.

Булардан ташқари, Г. Мейендорф асари тўғрисида рус вақтли матбуотида бир қанча мулоҳазалар чиқади⁴.

Г. Мейендорф ўз асарида Бухоро ва Россия муносабатлари устида тўхтар экан, уларнинг тарихига оид жуда қизиқ материаллар келтиради. Улар орасида қадимда Шарқий Европадан шарқ мамлакатлари: Ҳиндистон, Хитойга ўтган транзит савдо йўли Бухоро орқали ўтиб, бу савдода Бухоронинг воситачилик ролини кўрсатувчи маълумотлар бор. Автор, Бухоронинг Шарқий Европа давлатлари билан бўлган савдо алоқалари эрамизгача бўлган III асрлардан бошланиб, сомонийлар даврига (Х аср) келиб айниқса ривожланганлиги ва Чингизхон даврида бузилиб, амир Темур томонидан яна қайта тикланганлиги тўғрисида ёзади⁵.

Асарда ўрта асрларда Бухоро ва Россия муносабатларининг Сибирь ва Астрахань орқали олиб борилиши ва рус подшолари темурийлар билан савдо музокаралари олиб борганликлари тўғрисида жуда кўп қизиқ материаллар берилган. Авторнинг ёзишича, Бухоро савдогарлари XVIII асргacha Тара, Томск ва Тобольск шаҳарларига бориб, ўз газламаларини Сибирь мўйнасига ва темирга айирбosh қилардилар. «Барон Гербергштейн бухороликларни Москвада, Ермак бўлса, уларни Тобольскада учратганлар, шуниси ҳам борки, улар Сибирь билан қадим замонлардан бери савдо-сотиқ қилардилар»,—деб ёзади у⁶.

¹ Г. Мейендорф. Статистический взгляд на Бухарию. (Из книжки «Путешествие в Бухарию полковника барона Мейендорфа» С французского А. Каменский. «Северный архив», 1826, 23-қисм, 161—182-бетлар. Асарнинг 253—261-бетларидан ташқари еттинчи бобининг ҳаммаси таржи-мақалингандан.

² Г. Мейендорф. Нравственное состояние Бухарии. Из книги «Путешествие в Бухарию». Перев. А. Каменский. «Северный архив», 1826, 24-қисм, 72—85 бетлар. 25-қисм, 178—194-бетлар. Асарнинг бу боби тўла таржима қилинган.

³ Г. Мейендорф. О Бухарской торговле. (Из путешествия в Бухарию барона Г. Мейендорфа в 1820 г.) «Журнал мануфактур и торговли», 1832, № 6, 83—105-бетлар. Яна Г. Мейендорф. Сведения о Бухарии. «Журнал Министерства внутренних дел», 1835, 18-қисм, 405—482-бетлар.

⁴ Путешествие из Оренбурга в Бухару через степи, простирающиеся на восток от моря Аравского и древнего Яксарта, описанное Егором Мейендорфом, полковником Генерального штаба и просмотрено Амадеем Жобером. Париж, 1826, 508-бет. «Московский телеграф», 1826, X-қисм, № 15, 231—239-бетлар; XI қисм, № 16, 48—62-бетлар. Яна қаранг: Путешествие из Оренбурга в Бухарию в 1820 г. Изд. бароном Мейендорфом. «Русский инвалид». 1827, № 45, 47, 48.

⁵ Г. Мейендорф. Уша асар, 227—288-бетлар.

⁶ Г. Мейендорф. Уша асар, 231-бет.

Г. Мейендорф XVI—XVII асрларда Бухоро ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар анчагина кенгайиб, ўзаро элчиликлар тұхтосыз юборилиб туриши ва Россияда Бухоро савдогарлари айрим имтиёзлар билан таъмин этилғанлығи тұғрисида баён қиласы.

Г. Мейендорф бу икки давлат ўртасидаги муносабатларга баҳо берар экан: «Бухоро ва Россия ўртасидаги мавжуд бүлган алоқаларга назар ташласак, бу муносабатларнинг қадимилиги, узлуксизлиги ҳамда XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланыптырылғанын күрамиз»¹, деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам авторнинг Бухоро ва Россия муносабатлари тарихига оид берган маълумотлари унинг бу ифодасыга тұла жағынан беради. Автор XIX асрнинг биринчи чорагидаги Россия—Бухоро муносабатлари устида тұхтаб, биринчи навбатда у, бу икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг қолати; чунончы, ўзаро чиқариладын маҳсулотлар ва уларнинг җажми, рус ярмаркалари на савдо йўллари тұғрисида жуда кўп маълумотлар келтирады.

Асарда ёзилишича, Бухоро савдогарлари Россиянинг Ўрта Осиё билан бүлган чегара районларида, яъни Каспий денгизидан то Петропавловск шаҳари орасыда жойлашган ярмаркаларга қатнар, кўпроқ эса, Нижегород ва Троицк ярмаркаларида савдо қиласар эдилар. Бухоро маҳсулотларининг 10 дан 9 қисми Нижегородда сотиларди. Троицдан асосан, металлардан: темир ва мис сотиб олинар эди. Чунки бу буюмлар у ерда Россиянинг бошқа ярмаркаларига қараганда арzonроқ бўлар эди².

Автор асарда Россиядан Бухоро хонлигига чиқариладиган молларни қайд қилиб ўтар экан, бу савдонинг асосини ташкил этган металл ва саноат молларидан ташқари, қимматбаҳо буюмлар, маданий моллар, олтин, кумуш пуллар ва металл буюмлари ҳам олиб борилишини баён қиласы. Авторнинг берган маълумотларига қараганда, Россиядан олтин пул сифатида чиқарилиши ман қилинганига қарамасдан, Бухоро савдогарлари олтин пулни: голланд дукати, экюси, испан пиастри ва рус кумуш сўмликларини олиб чиқардилар³.

Бундан маълумки, 1801 йилда Россиядан Ўрта Осиё хонликларига металл, жумладан темир, мис, пўлат ва чўян чиқаришга рухсат этилган бўлса-да, лекин олтин ва кумуш чиқарилиши ҳали ҳам ман қилинган эди.

Асарда келтирилган факттик маълумотлар Бухородан Россияга чиқариладиган молларнинг асосини пахта, йигирилган ип, маҳаллий ип-газламалари—бўз, кашмир шол рўмоллари, куруқ мевалар, қоракўл ва маданий моллар ташкил этишини кўрсатиб

¹ Г. Мейендорф. Уша асар, 231-бет.

² Уша асар, 237-бет.

³ Уша асар, 244—245-бетлар.

берди. Бу молларнинг рўйхати ва ҳажмини китобнинг 241-бетида берилган жадвалдан ҳам кўриш мумкин. Бу жадвал 1819 йил давомида Оренбург орқали олиб борилган Бухоро моллари асосида тузилиб, унинг биринчи бўлимида молларнинг номи, иккинчи бўлимида эса, уларнинг ҳажми берилган. Масалан, бу рўйхат бўйича, 1819 йилда Бухородан Оренбург орқали Россияга 16 минг 813 пуд пахта, 18 минг 928 пуд йигирилган ип, 20 минг 410 тўп ип-газлама, яъни бўз (ҳар тўпида 23 аршин), 151 минг 600 тўп, ҳар тўпи 24 метрдан рангли газлама ва бошқалар чиқарилган эди.

Асарда Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо оборотига оид маълумотлар ҳам келтирилган. «Бухоро орқали Россияга тахминан 3 минг тужда олиб бориладиган молларнинг таннархи осоийишталик йилларда ассигнация билан 8 миллион сўмга этиши мумкин. Бу фақат икки ярим миллион аҳолига эга бўлган мамлакат учун жуда катта сумма бўлиб, бу—савдонинг бухороликлар учун қанчалик аҳамиятли эканини исботлайди»¹,—деб ёзади Г. Мейендорф.

Г. Мейендорф «Северный архив» журналида босилиб чиққан мақоласида² Бухоро Россия ўртасидаги товар обороти йилига ўртacha ҳисоб билан 20 миллион сўмга етади, деб кўрсатади.

Авторнинг бу икки мамлакат ўртасидаги савдо обороти тўғрисида келтирган юқоридаги маълумотлари жуда ошириб кўрсатилган бўлиб, бу билан у Россия билан бўлган савдо Бухоро хонлиги учун қанчалик фойдали эканини кўрсатмоқчи бўлган.

Г. Мейендорф Бухоро билан Россия ўртасидаги савдо муносабатларига баҳо бериб, бу савдонинг XIX асрнинг биринчи чорагида жуда ҳам ривожланганлиги ва ҳали узоқ вақт мана цу ҳолатда давом этиши мумкинлиги тўғрисида ёзади. Авторничг фикрича, бу икки давлатнинг савдо алоқалари, бир томондан, Россиянинг жанубий районларида пахтачилик ва ипакчилик ривожланмагунча, иккинчи томондан, Бухоро хонлигига саноат, айниқса металл ишлаб чиқариш ва тўқимачилик ривожланмагунча мана шундай ривожлана беради³.

Ҳақиқатан ҳам Г. Мейендорфнинг Бухоро—Россия муносабатлари тўғрисида берган мана шу фикри жуда ҳам тўғри бўлиб, саноати ривожланиб, пахта ва ипак сингари хомашёга муҳтож бўлган Россия ҳам, ўзида металл ва саноат моллари ишлаб чиқаришга эга бўлмаган ва уларга муҳтож бўлган Бухоро хонлиги ҳам бу савдодан мағфаатдор эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам Россия XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг

¹ Г. Мейендорф. Уша асар, 246-бет.

² Г. Мейендорф. Краткое начертание путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухарию в 1820 г. «Северный архив», 1822, № 2, 193-бет.

³ Г. Мейендорф. Уша асар, 246-бет.

бошидан төртиб, бу алоқаларни мустаҳкамлашга ва уларнинг юксалиши учун имконият яратишга ҳаракат қила бошлаган эди.

Г. Мейендорф ўз асарида XIX асрнинг бошида Бухоро савдогарлари учун Россияда яратиб берилган енгилликлар ва рус ярмаркаларида бухороликларнинг олиб борган савдо операциялари тўғрисида кўпдан-кўп ажойиб маълумотлар келтиради. Унинг ёзишича, Бухоро савдогарлари Россиянинг Ўрга Осиё билан чегарадош шаҳарларида; 1807 йилдан бошлаб эса, Нижегород, Ирбит ва Коренной ярмаркаларида савдо қилиш имтиёзига эга эдилар¹.

Г. Мейендорфнинг фикрича, Бухоро савдогарлари учун Россиянинг ички бозорларида очиқ савдо қилишга рухсат этилиши, биринчидан, Россиянинг чегара шаҳарларидағи чакана савдонинг бир мунча қисқариб кетишига олиб келган бўлса, иккинчидан, бухороликларни рус молларининг ҳақиқий баҳоси билан танишириб, рус савдогарларининг бухороликлар билан бўлган савдодан оладиган фойдаларидан анчагина маҳрум этган эди².

Ҳақиқатан ҳам, XVIII асрнинг охирларида Оренбургга олиб келинган Бухоро моллари кўпроқ рус савдогарларига кўтарасига берилган бўлса, XIX асрнинг бошида Россиянинг ички бозорларида бухороликлар учун савдо қилишга рухсат берилгандан сўнг, Ўрга Осиё савдогарлари Россиянинг ички ярмаркаларида ҳам чакана савдо қила бошлаган эдилар.

Бу асада Бухоро савдогарлари учун Россияда яратиб берилган енгилликлар ва имтиёзлар ҳамда улар учун Россия табаалигига ўтишга рухсат этилиши натижасида, бухороликларнинг Россия риоясига кира бошлаганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Авторнинг келтирган маълумотларига қараганда, Россия табаалигига кирган савдогарларга бутун Россия империяси бўйлаб очиқ савдо қилиш ҳуқуқи бериларди. Шунинг учун ҳам Россия табаалигини қабул қиласан кўпчилик Бухоро савдогарлари ўзларига берилган бу ҳуқуқдан фойдаланиб, ўз ватандошларининг молларини фақат айрим белгиланган ярмаркалардагина эмас, балки Россиянинг рухсат этилган бошқа бозорларида ҳам сотиб берардилар. Булардан ташқари, улар Россияни яхши ўрганганлари ҳолда, кўпинча контрабанда билан ҳам шуғулланар эдилар³. Автор бу ерда XIX асрнинг бошида ҳали олтиннинг пул сифатида Россиядан олиб чиқилиши ман қилинганлигига қарамасдан, Бухоро савдогарлари томонидан яширип олтин ва кумуш пуллар олиб чиқилишини асосга олган бўлса керак.

¹ Г. Мейендорф. Уша асар, 242-бет.

² Уша асар, 243-бет.

³ Уша асар, 243-бет.

Г. Мейендорф Россия билан Урта Осиё савдо йўларидағи талон-тарожликлар устида тўхтаб, уларга барҳам берилса, Россия ва Бухоро савдо алоқалари янада юксалиши мумкинлиги ҳақида ёзди. «Агарда Хева хонлиги Россия ҳукмронлиги остида бўлганда эди, бу йўл тамоман хавфсиз бўларди»¹, — деб ёзди Г. Мейендорф. Асарда автор Бухоро ва Хева муносабатлари кескинлашган вақтларда Бухоро савдогарларининг Россияяга Оренбург савдо йўли билан эмас, балки энг узоқ йўл—Петропавловск орқали қатнаганликларини кўрсатиб ўтади².

Булардан ташқари, Г. Мейендорф XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия муносабатларини қайд қиласр экан, бу савдода қозоқ халқининг воситачилик роли устида ҳам тўхтаб ўтади. Автор Россия ва Урта Осиё муносабатлари иштирокчиларини юқ ташувчи туялар билан таъмин этишда, савдо йўлларида карвонбошлиқ ва кузатувчилик ишларини олиб боришида қозоқ халқининг хизматлари тўғрисида жуда бой ва мукаммал маълумотлар беради. Унинг бу материаллари ўша вақтдаги Қозистоннинг иқтисодий аҳволини ўрганишда яхши манбадир.

Демак, Г. Мейендорфнинг асари XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо муносабатларини ўрганишда ва унинг умумий ҳолатини аниқлашда бош манба бўлиб, унда кўп қўймамтбаҳо маълумотлар тўпланган.

Г. Мейендорфнинг «Оренбургдан Бухорага саёҳат...» номли китобида XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқаларга оид жуда бой материаллар келтирилган. Бу даврда икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни ёзар экан, автор иқтисодий алоқаларнинг тобора-кенгайиши натижасида, унинг аҳамияти жуда тез оша бошланганигини баён қиласди. 1820 йилда Россиядан Бухорага юборилган дипломатик миссия устида тўхтаб, ундан аввал бу миссияни тайёрлашда ва унинг юборилишида катта аҳамиятга эга бўлган, Россияда узлуксиз бўлиб турган Бухоро элчилари ва уларнинг асосий вазифалари тўғрисида ёзди. Авторнинг ёзишича, 1775 йилдан то 1819 йилгача бўлган давр ичida Бухоро хонлигидан Россияяга бирин-кетин 11 марта элчилик юборилиб, улар Россияда бир неча йиллар яшар ва Бухоро савдогарлари учун янгидан-янги имтиёзлар талаб қилиб олар эдилар. Бухоро элчилари, асосан Россияда рус бозорларида кўпроқ талаб этиладиган молларни ўрганар ва улар тўғрисида ҳар хил маълумотлар тўплар эдилар³.

¹ Г. Мейендорф. Уша асар, 247-бет.

² Уша асар, 236—237-бетлар.

³ Уша асар, 235—236-бетлар.

XIX асрнинг биринчи чорагида Россияга юборилган Бухоро дипломатик элчиларининг вазифалари тўғрисида асарда берилган маълумотлар ўша вақтларда ва ундан кейинги даврлар ичida босилиб чиқсан манбаларда ҳамда адабиётларда мавжуд бўлмай, Г. Мейендорф асари бу ҳақда биринчи бўлиб маълумот беради. Автор 1820 йилда Россиядан Бухорага юборилган дипломатик миссияни тасвир этишда унинг юборилиш сабаблари, состави ва миссия аъзоларига берилган айрим топшириқлар устида қисқача тўхтаб ўтади. «Россия ва Бухоро ўртасидаги қадимдан мавжуд бўлиб келётган савдо алоқалари,—деб ёзди у,—XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб катта аҳамиятга эга бўла бошлади. Бухоро элчилари С. Петербургга тез-тез келиб турар эдилар. Улардан баъзилари пойтахтга 1816 йилда келган ва иккинчи марта 1820 йилда келгандা, ўз ҳокимининг рус вакилини Бухорода кўриш орзусида эканлигини баён қилган эди. Унинг бу таклифи олий ҳазрат император Александрга етказилиб, у Бухоро элчисининг таклифини олижаноблик билан қабул қиласди. Монарх (Александр I—М. А.), бу таклифи амалга ошириш фақат икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш ва хавфсизлантириш имкониятини берибгина қолмасдан, балки ҳали яхши ўрганилмаган мамлакатлар тўғрисида аниқ маълумотлар тўплашга имкон беради, деб ўйланган эди. Шу сабабли, император Бухоро хони ҳузурига ҳақиқий статский советник жаноб Негрини ўз вакили, коллежский ассесор Яковлевни элчиликнинг секретари қилиб тайинлади. Отоқли натуралист доктор Пандер ва Оренбургдан учта таржимон элчиликка бириктирилган эдилар. Бизнинг қадамимиз етиб борган жойларни географик томондан тасвир этиш менга (Г. Мейендорфга—М. А.) топширилиб, главштабнинг лейтенантлари: Волконский ва Тимофеевлар менга ёрдамчи сифатида тайин қилинган эдилар»¹.

Асарда XIX асрнинг 20-йилларида А. Ф. Негри бошлиқ Бухоро хонлигига юборилган рус миссиясининг вазифалари ва миссиянинг натижалари устида автор очиқ тўхтамаган. Лекин, шунга қарамасдан, авторнинг айрим масалаларни таъкидлаб беришидан ва уларни ҳар томонлама тасвир этиш учун ҳаракат қилишидан айни замонда бу масалаларнинг миссия вазифаларидан иборат эканлигини аниқлаш қийин эмас. Масалан, у Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги савдода Бухоро хонлигидан олинадиган божларни ёзар экан, Россияда Бухоро савдогарларни учун енгилликлар яратиб берилган бир вақтда, Бухорода рус савдогарлари томонидан олиб борилган моллар устидан ўн процент савдо божи ўрнатилганлигини баён қиласди. Г. Мейендорф-

¹ Г. Мейендорф. Ўша асар, IX—Х-бетлар.

нинг ёзишига кўра, Бухоро хони рус моллари устига солинган ўн процентли божни 1817 йилда рус савдо тарифи бўйича, Бухоро молларига етказилган заарарнинг ўрнини тўлдириш бадалига эваз деб ҳисоблаган эди. Амирнинг фикрича, бу тарифга асосан Бухоро молларига 25 процент бож солинган эди. Лекин, авторнинг баён қилишича, бу тариф бўйича Бухоро молларига солинган бож 5 процентдан ошган эмас¹.

Булардан очиқ кўриниб турибдики, миссиянинг асосий вазифаларидан бири, Бухорода рус савдогарларидан олинадигач божларни қисқартириш масаласи эди. Шунинг учун ҳам бу масалани муҳокама қилишда амир Ҳайдар ҳар хил важлар билан уни қайтарган. Савдо божини қисқартириш масаласи ечилмасдан қолганлигини авторнинг қўйидаги жумласидан билиш мумкин. «Бу қонун (Бухорода рус савдогарларидан ортиқча бож олиш қонуни—М. А.),—деб ёзади Г. Мейендорф,—русларнинг Бухоро билан олиб бораётган савдосини тамоман барбод қилишга қаратилганлиги аниқdir. Бу адолатсиз ишлар қачон бўлмасин бир куни уларга (бухороликларга—М. А.) қарши чора кўришга рус ҳукуматини мажбур этади»².

Авторнинг бу фикри тўғри бўлиб, ҳақиқатан ҳам Бухоро ҳукмрон доиралари Россия билан бўлган савдодан жуда катта фойдага эга бўлишлари сабабли, бу савдодаги ҳукмронликни доимо ўз қўлларida сақлашга ҳаракат қиласар.

Миссияга топширилган яна бир масала—савдо йўлини ўрганиш бўлиб, бу ҳақда асарда муфассал тўхтаб ўтилган. Китобнинг 8—12-бетларида Россиядан Бухорогача бўлган маршрутнинг жадвали берилган.

Г. Мейендорфнинг Россия ва Бухоро ўртасидаги масофани аниқлаштириб, унинг жадвалини берганилиги тўғрисида ўша вақтларда матбуотда қўйидагилар ёзилган эди. «Дам олиш ва тунаш жойларининг ораликлари билан тузилган Мейендорфнинг йўл жадвали келажакда Оренбургдан Бухорога борувчи саёҳатчилар учун ниҳоятда муҳимdir»³.

Элчиликнинг вазифаларидан учинчиси Бухородаги рус қуллари масаласи эди. Қитобда бу масала тўғрисида ҳам кўпгина маълумотлар берилган. Асарда автор Бухоро кўчманчилари рус-фуқароларини ўғирлаб, уларни қулликка айлантирадилар, деган европаликларнинг фикрларини қоралаб, Бухорога русларни қулқилиб сотувчilar, асосан қозоқ ва туркман кўчманчилари эканини исбот этади.

1 Г. Мейендорф. Ўша асар, 243—244-бетлар.

2 Ўша асар, 244-бет.

3 Отрывок из путешествия в Бухарию полковника барона Мейендорфа в 1820—1821 гг. «Северный архив», 1824, №3, 232-бет.

Г. Мейендорф рус қулларининг Бухорода жуда оғир аҳволда, экаци, хизмат қилиб ўзини озод этган русларни ҳам ўз ватанларига юборишга руҳсат этилмаганлиги ва, рус қуллари ҳисобига кейинчалик исломни қабул қилувчиларнинг сони камайиб кетиши мумкин, деган баҳоналар билан миссиянинг рус қулларини сотиб олишига Бухоро ҳукуматининг тўсқинлик қилгани тўғрисида ёзади¹.

Бу маълумотлар рус миссиясига топширилган қуллар масаласи ҳам ечилмасдан қолганлигини кўрсатади. Чунки, Бухоро ҳонлиги ҳали ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарафдан Россияга нисбатан жуда орқада бўлиб, бу ерда қулдорчилик жамиятининг қолдиқлари ҳамон сақланиб келмоқда ва қуллар кучидан фойдаланиш давом этмоқда эди. Авторнинг ёзишига кўра, ҳар бир хизматга яровчи қулнинг нархи 40—50 тилло, яъни 640—800 сўм бўлган. Агар сотилувчи қулларнинг дурадгорлик, темирчилик ёки косибчилик ҳунарлари бўлса, бундай қулларнинг нархи 100 тиллогача, яъни 1600 сўмгacha етиб борарди².

Маълумки, кўпчилик рус қуллари ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар Бухорода қурилиш, қишлоқ хўжалик ишларида ишлатилар эдилар. Аксарият рус қуллари амир ва унинг атрофидаги амалдорларнинг қўлларида бўлиб, улар рус қулларини ўз қўлларида сақлаб қолиш учун ҳар қандай виждонсизликлардан ҳам бош тортмас эдилар.

Асарда автор рус қулларини озод этиш мақсадида айрим саволларни бериб ўтади. Чунончи, осоийишталик вақтларда ўз ватанларидан ажратиб олиб келинган кишиларни сотиб олишга рус ҳукуматининг қонуний жиҳатдан ҳуқуқи борми? Рус ҳукумати ўз фуқароларини озод этиш учун Россияга келган Бухоро ва Хева савдо гарларини моллари билан тўхтатиб турса, бу адолатсизлик бўладими ёки бундан натижа чиқмасмикан³.

Аммо, авторнинг бу фикрларини амалга ошириш мумкин эмас эди. Чунки, биринчидан, агар уларни амалга оширилган вақтда, юксалиб бораётган Бухоро ва Россия савдосининг қисқариб кетиши, иккинчидан, бу—икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин эди. Бухорода Хева ҳонлигига қараганда, рус қуллари жуда ҳам камчиликни ташкил этиб, Россия бўлса, бундай таклифни амалга оширишга ҳаракат ҳам қилмас эди.

Л. Мейер ва А. Шепелевларнинг берган маълумотларига қараганда, 1820 йилда Россиядан Бухорага юборилган дипло-

¹ Г. Мейендорф. Уша асар, 286—287-бетлар.

² Г. Мейендорф. Уша асар, 285-бет.

³ Г. Мейендорф. Уша асар, 287-бет.

матик миссияга Оренбургдан Бухорогача савдо карвонлариии куролли кучлар билан кузатиш масаласи тўғрисида Бухоро ҳукмрон доиралари билан музокаралар олиб бориш топширилиб¹, Г. Мейендорф асарида бу масала ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди.

Демак, Г. Мейендорфнинг асари XIX асрнинг биринчи чораги давомида Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларининг умумий ҳолатини аниқлашда жуда катта аҳамиятта эгадир. У айни замонда бу икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни, жумладан 1820 йилда Россиядан Бухорога дипломатик миссиянинг юборилиши, юборилиш сабаблари, асосий вазифалари ва миссия аъзолари, ҳамда миссиянинг эришган натижаларини аниқлашда биринчи даражали манбалардан иборат асардир.

Кўрсатилган даврда Россия билан Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларни ўрганишда, юқорида айтиб ўтилган рус миссиясининг иккинчи иштирокчиси Будриннинг кундалик хотираномаси қимматли манбалардан ҳисобланади. Асар рус миссияси Бухородан қайтиб келиб, анчагина вақт ўтгандан кейин, 1871 йилда Оренбургда нашр этилади.

1820 йилда Бухорога юборилган рус дипломатик миссиясига бағишиланган Г. Мейендорфнинг ва Э. Эверсманнинг бир вақтда босилиб чиқсан асаларида, шунингдек, бошка оммабоп адабиётларда ҳам мазкур миссиянинг составида қатнашган рус руҳонийси Будрин ва унинг ёзиг қолдирган ажойиб хотираномаси тўғрисида эслаб ҳам ўтилмайди.

Будриннинг рус дипломатик миссияси составида қатнашганлиги натижасида шоҳиднинг мана шу хотираномаси яратилган эди.

Хотиранома тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмida автор Оренбургдан Бухорогача бўлган масофани қисқача тасвирлаб беради. Миссиянинг бухороликлар томонидан кутиб олиниши, биринчи аудиенция учун рус элчиси билан Бухоро амирининг вакили ўртасида олиб борилган музокаралар ва Бухорода миссиянинг қабул қилиниши ҳамда ундаги маросимлар тўғрисида ёzáди. Иккинчи бўлимда асосан рус элчиси А. Ф. Негрининг айрим масалалар юзасидан Бухоро амири билан олиб борган музокаралари баён қилинади. Учинчи қисмда эса, Бухоро шаҳарининг қисқагина тасвири берилиб, маъмурий бўлиниши, аҳолиси ва унинг машғулотлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар берилган. Туртинчи бўлимда Бухородан Оренбурггача бўлган қайтишдаги йўл тасвирланади.

¹ Л. Мейер. Киргизская степь Оренбургского ведомства, СПб, 1865, 34-бет. Яна қаранг: А. Шепелев. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азию до начала XIX в., Тошкент, 1895, 45-бет.

Асар рус тилида ёзилиб, юқорида тасвир этилган манбаларга қараганда унинг афзаллиги мана шу оммаболигидадир.

XIX асрнинг 20-йилларида Бухоро ва Россия муносабатларига оид Будриннинг хотираномасида берилган маълумотлар Г. Мейендорфнинг ва Э. Эверсманнларнинг асарларида, шунингдек бошқа адабиётларда ҳам келтирилмай, бу икки давлат муносабатлари тарихини ўрганишда мутлақо янги маълумотлардан иборатдир. 1820 йилда Бухорога юборилган рус миссиясининг Бухородаги ҳёти ва олиб борган ишлари тўғрисида берилган маълумотлар айниқса характерлидир.

Асарда рус миссиясининг Бухородаги ҳёти жуда зўр қизиқиш билан тасвирланади. Автор бу миссиянинг Бухорога етиб келишини тасвирлар экан, бу ерда бухороликлар томонидан зўр илтифот билан кутиб олингандиги тўғрисида ёzádi. Унинг сўзича, миссия ҳали Бухорога етиб келмасдан, Бухоро ҳукмрон доиралари томонидан маҳсус кишилар юборилиб, кутиб олинган эди. «13-декабрь куни эрталаб соат 11 да,—деб ёzádi Будрин,—бухороликлардан 40 киши элчини қарши олиб, уни бухороликлар ерига соғ-саломат етиб келганлиги билан табриклидилар. Сўнгра хон томонидан магиз, анор, қовун ва отлар учун ем-хашак ва буғдој ҳадъя қилдилар»¹.

Миссия Бухорога етиб келмасдан уни кузатиб келган эскорт учун алоҳида ва элчиликнинг состави учун алоҳида жойлар ажратилиб, уларга хизмат қилиб туриш учун маҳсус кишилар тайин қилинган эди. Ҳатто миссия аъзолари Бухорода бемалол юра олишлари учун уларга имконият яратиб берилади. Бу тўғрида автор қўйидагиларни ёzádi: «Рус кишиларининг (Бухорда—М. А.) юриши жуда ноқулай, чунки ёш болалар ва ҳатто бухороликларнинг ўзлари ҳам уларнинг орқасидан тўп-тўп бўлиб юришар эдилар. Биз турган вақтда шаҳарда бемалол юриш учун руслар орқасидан юрувчи ва уларни қандайдир бирон нарса билан безовта қилювчи ҳамда озор берувчи кишилардан жарима олиш учун хон томонидан буйруқ чиқарилган эди»².

Будрин ўзининг бу кичик кундалигида рус миссияси бошлиғи А. Ф. Негрининг Бухоро ҳукмрон доиралари билан олиб борган музокаралари ва учрашувларини мукаммал равишда тасвирлайди.

Рус миссиясининг Бухоро ҳукмдор доиралари томонидан яхши қарши олиниши ва илтифот билан қабул қилинишига қарамасдан, рус элчиси А. Ф. Негрининг Бухоро амири билан асосий масалалар юзасидан олиб борган музокараларида ке-

¹ Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году. (Записки очевидца), Оренбург, 1871, 14-бет.

² Будрин. Уша асар, 22-бет.

лишмовчилик пайдо бўла бошлаган эди. Будриннинг ёзишича, бўй келишмовчилик биринчى аудиенция ва ундан маросимларни белгилашда Бухоро амирининг вакили билан рус элчиси ўртасида бошланади. «19-декабрь куни эрталаб соат 10 да,—деб ёзади у,—элчининг ҳузурига хоннинг бир амалдори көлиб, унга соғлиқ тилади ва ўзаро элчиликни қабул қилиш тўғрисида мулоҳаза қилдилар. Гарчи рус подшосининг элчиси Россиянинг шон-шуҳратини кўзда тутиб, осиёликларнинг европаликларга нисбатан қиласидиган одатдаги камситишларисиз хон томонидан миссиянинг қабул қилинишини қатъий туриб талаб этса ҳам, лекин хоннинг шуҳратпастлиги, айниқса Бухорода ҳамма динлардан ҳам юқори ҳисобланган ислом дини кўзда тутилган ютуқларга эришишга йўл қўймас эди»¹.

Г. Мейендорфнинг берган маълумотларига қараганда, рус миссиясининг Бухоро амири томонидан расмий равишда қабул қилиниши тўғрисида амирнинг вакили билан миссия бошлиғи А. Ф. Негри ўртасида олиб борилган музокаралар 36 соат давом этган эди².

Бу музокаралар давомида рус элчиси икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бузилмаслигига ҳаракат қилиб, миссия олдига қўйилган вазифаларнинг кейинчалик мувваффиятли бажарилиши мақсадида, қабул қилиш маросимининг Бухоро вакилининг таклифи бўйича (яъни шу вақтларда Бухорода чет давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш учун ўрнатилган тартиб бўйича) олиб боришига ўз розилигини билдирган эди. Аммо, масаланинг бундай ечилишига қарамасдан, музокара вақтида рус элчиси бухороликларнинг қисман ён беришларига эришди, жумладан қабул қилиш маросими вақтида Бухоро амири билан музокарани рус элчисига ўтириб олиб боришига рухсат этилган эди³.

Бу воқеанинг ўзи Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларда катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, Бухоро ҳукмрон доираларини бироз бўлса ҳам рус элчисига ён беришга мажбур бўлганлигидан дарак беради.

Будрин Бухорода рус элчилигининг қабул қилиниши ва қабул қилиш маросимидағи тантаналар тўғрисида ҳам жуда қимматли маълумотлар келтиради. Масалан, рус миссиясининг Бухоро шаҳарига кириб келишини ва унинг Бухоро амири томонидан қабул қилинишини у қўйидагича тасвирлайди: «20-куни эрталаб соат 10 да Бухорога тантанали кириш тайин қилинган эди. Энг олдинда саф тортган ҳолда пиёда аскарлар, сўнгра отлиқ аскарлар, уларнинг орқасидан 8 киши катта-катта пат-

¹ Б удри н. Үша асар, 16-бет.

² Г. М ейендор ф. Үша асар, 83-бет.

³ Б удри н. Үша асар, 16-бет.

нусларда ҳар хил совғалар олиб борар эдилар. Булар: иккى дона совсар пўстини, ажойиб қилиб ишланган бир неча қилич, графинлар, пиёлалар, чилимлар, ойна ва бошқалардан иборат бўлиб, уларнинг сони 30 мингга етар эди.

Тантанали юриш, мулозимлари кузатган ҳолда жаноб элчи ва уларнинг олдида ливрея кийган икки кишидан иборат эди. Шундай қилиб, Бухорога кириб борилди. Сарой олдига етиб келингандан, элчига ҳадя ва мулозимлари билан, ҳамда отряд командирига 30 пиёда аскари билан киришга рухсат этилди. Қолган ҳарбий қисмлар эса, сарой олдида қолдирилди. Сарой ичига кира беришда ҳар хил йўллар, эшиклар ва хоналар орқали жуда ўнғайсизликлар билан, ниҳоят, бир хонага етиб борилди. У ерда катта ёстукдан ясалиб, гиламлар, шоллар билан қопланган ҳашаматли таҳтнинг устида атрофида бир қанча ўзининг амалдорлари билан хон ўтирас эди. Хонага кириш билан унинг амалдорлари совғаларни олдилар. Элчи ўз мулозимлари билан хонага киргач, у форс тилида табрик нутқи сўзлади. Ерлиқни вазирга берди, ва у подшога узатди. Хон уни ёқимли табассум билан овозини қўйиб ўқиди, сўнгра элчи билан форс тилида сұхбатлашиб, бир неча аскарларнинг киришини талаб этди. Улар пайдо бўлиши биланоқ, хон қаттиқ кулиб юборди. Ўнга честь берган вақтларида, «яхши» деди. Шу билан маросим тугади. Элчи ўз мулозимлари билан шаҳарда, унга ажратилган энг яхши хоналаридан бирида қолди. Эскорт эса Бозорчи қишлоғига қайтиб кетди...»¹.

Будриннинг Бухорода рус элчилигининг қабул қилиниши тўғрисида берган материалида қушбегининг рус ҳукумати томонидан юборилган ёрлиқни элчидан олиб, амирга узатиши ва уни амирнинг ўзи очиб ўқиши ҳақида берган маълумоти жуда ажойиб бўлиб, бу давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида катта аҳамиятга эга эди. Чунки, аввалги асрларда Бухорода ажнабий давлатларнинг элчиларидан хатни амир слар ва очиб «муншига» (секретарга) узатар эди. Рус ҳукумати томонидан юборилган ёрлиқни амирнинг ўзи очиб ўқиши Россиянинг Бухорода катта обрўга эга бўлғанлигидан ва Бухоро амирининг Россияядан олиб келинган хабарлардан шахсан ўзи қизиқишидан дарак беради.

Будрин ўз хотираномасида миссиянинг Бухорода давлат ҳисобига яшагани ва Бухоро ҳоким доиралари томонидан, оз бўлса ҳам, унга алоҳида маблағ ажратилгани тўғрисида ёзади. Авторнинг сўзича, миссия учун кунига икки дона червон пули (икки дона Бухоро тиллоси—М. А.), яъни 32 сўм ажратилган эди. Аммо, бу маблағ миссия учун жуда озлик қилишига қара-

¹ Б у д р и н . Ўша асар, 16—17-бетлар.

масдан, ҳамда миссия ичида бироз норозилик туғдирган бўлса ҳам, миссия бошлиғи А. Ф. Негри уни қайтариш билан Бухоро амирини очиқдан-очиқ ранжитмаслик учун қабул қилиб, маблағни фақатгина ўзи ва миссия аъзоларининг кундалик харжатлари учунгина эмас, ҳатто бошқа майдада-чуйда харажатлар учун ҳам етказишини баён қилган эди¹.

Демак, А. Ф. Негри бу масалани ечишда ҳам Бухоро ҳукмрон доиралари билан ўзаро муносабатнинг бузилмаслигига ҳаракат қилиб, уларнинг ажратган маблағларига рози бўлган эди.

Миссия бошлиғи А. Ф. Негрининг асосий масалалар юзасидан Бухоро амири билан олиб борган музокаралари тўғрисида Г. Мейендорф ва Э. Эверсман асаларида ҳеч қандай маълумот берилмай, гарчи қисқача бўлса ҳам, Будриннинг хотираномасида маълумот келтирилади. «Элчининг хон билан бўлган бутун алоқаси,—деб ёзади Будрин,—шахсан вазир билан музокара шаклида ёки хат орқали олиб борилар эди»².

Авторнинг ёзишига қараганда, А. Ф. Негри биринчи аудиенциядан ташқари, асосий масалалар юзасидан Бухоро амирининг ҳузурида яна икки марта бўлган. Рус элчиси амир билан бу учрашувларидаги асосий масалалар юзасидан олиб борилган музокараларида, бу масалаларнинг ўзаро дўстлик асосида ечилишига ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳар доим улар келиша олмас эдилар. Бу ҳақда Будрин қўйидагиларни ёзади: «Гарчи Россиянинг бу ҳаракатчан ва содиқ ўғли ўзига топширилган вазифаларни, имкони борича, энг катта ютуқлар билан бажаришга ҳаракат қилса ҳам, хонда ишонч ҳосил қилиш учун қанча уринса ҳам, бироқ хон унинг ҳамма талабларини ечмасликка қатъий туриб олган эди. Унинг қайта-қайта қилган мурожаатларига ахъён-ахъёнда жавоб қайтарилар эди»³.

Будриннинг берган бу маълумотларидан Бухорода рус элчи А. Ф. Негри ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришга ҳаракат қилганлиги ва кутилган натижаларга биринчи вақтларда эриша олмаганлиги очиқдан-очиқ кўриниб турган бўлса-да, лекин, бу ерда миссиянинг олдига қўйилган вазифалар нимадан иборат эканлиги кўрсатилмаган.

Авторнинг сўзича, А. Ф. Негрининг узоқ давом этган қатъий талабларидан сўнг, Бухоро амири уни 22-февраль куни қабул қилишга рози бўлган эди: «Бу аудиенцияда бошқа мұҳим масалалар юзасидан олиб борилган ўзаро музокаралар орасида,—деб ёзади Будрин,— (Бухоро амири рус—М. А.) қуллари ни Россияга қайтаришни қатъий суратда рад этди. Эртаси куни

¹ Бу дри н. Уша асар, 18-бет.

² Уша асар, 18-бет.

³ Уша асар, 18-бет.

у миссиянинг 12 кундан кейин муқаррар жўнаб кетиши ҳақида бўйруқ берди»¹.

Бу маълумотлардан, биринчидан, рус миссиясининг асосий вазифаларидан бири Бухородаги рус қулларини озод қилиш масаласидан иборат эканлиги равшан кўриниб турган бўлса, иккинчидан, авторнинг «бошқа муҳим масалалар» деган сўзида қуллар масаласидан ташқари миссия олдида яна бир қанча вазифалар мавжуд эканлиги ва улар устидан олиб борилган бу музокараларда рус элчиси А. Ф. Негрининг Бухоро амири билан келиша олмаганинг кўрсатади. Аммо, автор бу «бошқа масалалар» нимадан иборат эканлигини ёзмаган.

Будриннинг фикрича, рус миссиясининг олдига қўйилган вазифалар бажарилмасдан, муваффақиятсизликка учрашининг асосий сабабларидан бири, қуллар масаласидаги икки томондан зўр бериб тортишув ва келишмовчиликда эди: «Россия миссиясининг тегишли ҳурмат билан қабул қилиниши учун бўлган дастлабки талаб,—деб ёзади Будрин,—хон ва унинг яқин кишиларида ҳаддан ташқари норозилик пайдо қилди. Аммо жаноб элчининг рус қулларини озод қилиш учун интилиши ҳар икки тарафда ҳам ўзаро норозиликни кучайтирди. Шунинг учун ҳам жаноб элчининг ҳамма ишлари кутилган натижаларни бермади»².

Рус миссиясининг олдига қўйилган вазифаларнинг Бухорода муваффақиятсизликка учрашига, чунончи, А. Ф. Негрининг асосий масалалар юзасидан Бухоро амири билан келишга олмаслигига қушбегининг анчагина таъсири бўлган: «Худди вазирнинг ўзи, — деб ёзади Будрин, — хон билан миссия ўртасидаги келишмовчиликнинг сабабчиси эди. У, 10 та рус қулининг эгаси бўлганлиги учун, ўзининг бутун макр ва айёрлигини элчи билан хонни уриштириб қўйиб, хонни миссия талабларининг ҳаммасини рад этишга кўндиromoқ учун қаратган эди»³.

Ҳақиқатан ҳам, Будриннинг ўз сўзига қараганда, қушбегининг рус миссиясига нисбатан бундай муносабатда бўлиши, рус элчисининг Бухоро билан олиб борган музокаралариға салбий таъсир этган эди. Чунки, бу вақтларда Бухоро хонлининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қушбегининг таъсири жуда катта бўлиб, Бухоро амири давлат ишларидаги ҳар бир масалани ҳал қилишда ва уни ечишда қушбегининг маслаҳатисиз иш қилмас эди.

Бухородаги рус қулларини ўз ватанларига қайтариш учун миссия бошлигининг Бухоро амири билан олиб борган музо-

¹ Б у д р и н . У ш а а с а р , 19-бет.

² У ш а а с а р , 18-бет.

³ У ш а а с а р , 19-бет.

каралари тамоман рад этилгандан сўнг, миссия аъзолари рус қулларини сотиб ола бошлаган эдилар. Аммо миссиянинг бу ишига ҳам, авторнинг сўзича, амир ва унинг атрофидаги амалдорлари тўсқинлик қилганлар: «Жаноб элчининг бозорчадаги лагерда турган вақтида, — деб ёзди Будрин, — бир қанча қўллар (рус қуллари — М. А.) келиб ундан ҳомийлик сўраган эдилар. Ў, қулларнинг ҳар бирига 60—70 Бухоро чөрвонидан тўлаб, уларнинг кўпини сотиб олди. Озод этилгандарини эса, Россияга қайтариш мақсадида ўз ҳимояси остига олган эди. Лекин унинг бу ҳаракатига хон ва унинг вазирит ҳаддан ташқари тўсқинлик қилдилар. Хон, бухороликларнинг рус қулларини сатаётганликларини эшитган вақтда, қулларни сотган кишиларнинг ҳаммасига юз чөрвондан жарима солди»¹.

Булардан маълумки, ҳақиқатан ҳам қуллар масаласи Бухоро амири билан рус элчиси ўртасидаги келишмовчиликнинг асосларидан бирини ташкил этган эди. Аммо, Бухоронинг ҳеким доиралари Россия билан алоқани тамоман узиб юбориши тарафдори эмас эдилар. Уларнинг рус миссиясига нисбатан тутташ муносабатлари улар ўртасидаги масалаларнинг кўпроқ ўз фойдаларига ҳал этилишига қаратилган эди.

Будрин рус элчилигининг бошлиги А. Ф. Негри билан Бухоро амири Ҳайдар ўртасидаги музокараларни қайд қилас экан, миссиянинг олдига қўйилган вазифаларнинг деярли ҳаммасини натижасиз тамом бўлган, деб ёзди. Лекин у, савдо карбонларини Россиядан Бухорога қадар ҳарбий конвой билан кузатиш тўғрисида амир билан рус элчиси ўртасида олиб борилган музокаралар ва Бухоро амири рус ҳукуматининг бу таклифига ўз розилигини билдиргани² ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Бухоро амири Россия элчисининг ҳамма талабларини рад этган эмас. Чунки, бу вақтларда у Россия билан алоқани узмаслик учун ҳаракат қилас эди. Шунинг учун ҳам амир Ҳайдар айrim масалалар юзасидан рус элчиси А. Ф. Негри билан келиша олмаган бўлса ҳам уни охирги мартаба 7-март куни қабул қилишга мажбур бўлган эди. Бу сафар у, рус элчисини жуда илтифот билан қабул қилиб, ҳатто миссиянинг 20 марта гача Бухорода туришига рухсат берган эди. Сўнгра элчига 200 червон, Г. Мейендорфга 40 червон, отряд командирига 40 червон ва миссиянинг бошқа аъзоларига 15 чөрвондан пул совфа қилган эди³.

Амир Ҳайдарнинг рус элчисига қайта аудиенция тайин қилишидан мақсад, Россия билан алоқани узмаслик учун рус

¹ Б у д р и н . Ү ш а а с а р , 21-бет.

² А. М е й е р . Ү ш а а с а р , 34-бет. А. Шепелев. Ү ш а а с а р , 45-бет.

³ Б у д р и н . Ү ш а а с а р , 20-бет.

Элчисининг ўз ватанига жўнаб кетиш вақтида у билан муносабатни йўлга қўйиб юбориш эди.

Бундан ташқари, Будрин хотираномасида Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо алоқалари ва Россиядан Бухорога олиб келинадиган асосий маъсулотлар тўғрисида ҳам қисқача маълумотлар берилган. Будрин ҳам Россиядан Бухорога бу вақтларда кўпроқ металл ва бошқалар олиб келиниши ҳақида ёzádi: «Улар олтин, кумуш, мис, қалай ва темирларни Россиядан, қисман эса, Ҳиндистондан, Эрондан ва Хитойдан оладилар. Амирнинг ўзи элчига: Бухоро савдогарлари Россия билан савдо қила бошлаган вақтлардан бошлаб, Бухоро олтинга эга бўлди, деб иқрор бўлган эди»¹.

Будрин ўз асарида Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо муносабатлари устида тўхтаб ўтар экан, Бухорода Россия билан савдода иштирок этувчи савдогарлар давлат томонидан ҳимоя қилинмаслиги тўғрисида ёzádi. Авторнинг сўзича, давлат фақат савдогарлардан бож олиш билан чегараланиб, савдони тартибга солиш ва савдогарларга ҳомийлик қилиш билан маъалмий ва ажнабий савдогарларда ўзига нисбатан ишонч ҳосил қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўймаган².

«Биз Бухорода турган вақтимизда, — деб ёzádi Будрин, — Қизилқумда хеваликлар 600 туждан ташкил топган Оренбург карвонини, шунингдек, Орск ва Троицк карвонларини талон-тарож этганлар. Ўз молларидан ва, ҳаммадан ҳам Россиядаги кредитларидан ажралган бечора савдогарлар (Бухоро савдогарлари — М. А.) хондан ҳимоя қилиш тўғрисида илтижо қилмадилар. Ҳон уларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади ва ҳимоя қилмади. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги Россия билан савдони ташлаб кетмоқда эдилар.Faқат Қизилқумга конвой юборилганда эди, шунда ҳамма моллар ҳам бешикаст қолар ва давлат ўзининг энг асосий даромади ҳисобланган божларидан ҳам ажралмас эди»³.

Будрин Бухоро ва Россия савдо алоқаларига тўқинлик қиласётган Қизилқумдаги қароқчиларга қарши савдо карвонлари билан қуролли соқчи юборишни таклиф қиласди. Аммо, ўзи шу миссиянинг иштирокчиси бўлишига қарамасдан, миссиянинг асосий вазифаларидан бири савдо карвонларини Россиядан Бухорогача конвой билан кузатиш масаласи эканини билмайди.

Автор ўз асарида яна бир қизиқ маълумотни беради: рус миссияси Бухорода турган вақтда амир Ҳайдар буйруғи билан шаҳардаги бош дегрез томонидан Россия миссияси олиб кел-

¹ Бу дри н. Уша асар, 30-бет.

² Уша асар, 32-бет.

³ Уша асар, 33-бет.

дан тўплар намунасида икки дона тўп қўйдирилган эди. Авторнинг берган маълумотларига қараганда, рус тўплари тицида қўйдирилган Бухоро тўплари рус тўпларига ўхшамаган эди¹.

Г. Мейендорф, миссия Бухорога етиб келмасдан, қушбегининг уни йўлда учратганлиги ва миссия бошлиғи А. Ф. Негридан элчиликни кузатиб келаётган икки дона тўпни Бухоро амирига совға қилишини сўраганлиги, аммо А. Ф. Негри йўлдаги хавфларни назарда тутиб, унинг бу талабини қайтарганлиги тўғрисида ёзган эди².

Демак, Бухоронинг ҳоким доиралари бу рус тўпларини қўлга кирита олмаганликларидан кейин, худди ана шу хилда қилиб тўп қўйишни буюрганлар. Булардан маълумки, ўзини «амирул жаҳонгир» деб ҳисоблаб келган Бухоро амирлари, Россиянинг Бухородан ҳар томонлама устун эканлигини эндиликда сеза бошлаган эдилар. Ҳатто Бухоро тўплари ҳам Россия гўпларига нисбатан жуда оддий ва қўпол бўлиб қолган эди.

Шундай қилиб, Будриннинг 1820 йилда Россиядан Бухорага дипломатик миссиянинг юборилиши, айниқса унинг Бухорода олиб борган ишлари тўғрисида берган маълумотлари жуда янги ва қимматли бўлиб, мазкур миссия ҳақида Г. Мейендорф ва Э. Эверсманларнинг берган маълумотларини янги ва нодир фактик материаллар билан бойитади.

Будрин асарида, булардан ташқари, Бухоро экономикаси ва халқнинг аҳволи тўғрисида, қисқа бўлса ҳам, лекин жуда ажойиб маълумотлар келтирилган. Будрин Бухоронинг қишлоқ ҳўяжалигида пахтачилик ва ипакчилик катта аҳамиятга эга эканини, улардан ҳар хил моллар тўқилишини ва Бухорода ип ҳамда ипак моллари тўқиб чиқарадиган бир қанча корхоналар мавжуд эканлиги тўғрисида ёзади³.

Автор ўз асарида Бухорода яшовчи халқларнинг турмушини сўзлар экан, у айниқса, яхудий халқнинг жуда оғир турмуш кечиришини ва уларнинг Бухорода маҳаллий ҳокимлар томонидан арзимаган баҳоналар билан жазога тортилишини ҳамда жарималар тўлашга мажбур этилишини баён қиласди. Автор Бухорода хотин-қизлар тамоман ҳуқуқсиз эканини таъкидлаб, бу ҳакда у қўйидагиларни ёзади: «Улар (хотин-қизлар) бу ерда (Бухорода — М. А.) чўридек ҳисобландилар... Бухоро — бошига оқ салла ўраган эрлар ҳокимилигидир»⁴.

Демак, Будриннинг бу асари XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия ўртасидаги муносабатларни, шунингдек,

¹ Б у д р и н . Уша асар, 42-бет.

² Г. М е й е н д о р ф . Уша асар, 81—82-бетлар.

³ Б у д р и н . Уша асар, 26—31-бетлар.

⁴ Уша асар, 35—36-бетлар.

айни замонда Бухоро тарихини ўрганишда қимматли бош манба асардир.

Эдуард Эверсманнинг „Reise von Orenbourg nach Bushara“, исмли асари проф. Х. Лихтенштейн муқаддимаси билан 1823 йилда Берлинда немис тилида босилиб чиқди. Адабиётларда қўрсатилишича, бу асарнинг инглиз тилига таржимаси 1823 йилда Лондонда „Russian mission into the Interior of Asia“ нашр этилди¹.

Асар авторнинг Бухорода олиб борган шахсий кузатишлари асосида ёзилиб, В. Г. Гептнер бу ҳақда қўйидагиларни айтади: «Эверсман асарида бошқа адабиётлардан далил қилиб келтирилган ҳеч қандай қиёсий маълумотлар ва мисоллар бўлмай, унда автор кўрганларини баён қиласди. Лекин, воқеаларнинг бундай содда қилиб баён қилиншининг ўзи асарнинг фазилатларидан биридир»².

Э. Эверсманнинг бу китоби асосан икки бўлимдан иборат ёшлиб, унда Бухоро шаҳарининг схематик плани берилган. Планинг четида берилган иловага қараганда, у Бимбе томонидан тузилган.

Асарнинг биринчи қисмида бутун воқеалар кундалик хотирилар шаклида бериллиб, Оренбургдан Бухорогача бўлган маассфа тасвири этилади. Қозоқ ҳалқи тўғрисида ҳар хил этнографик ва тарихий маълумотлар бериллиб, рус миссиясининг бухороликлар томонидан қарши олиниши ва унинг Бухорога этиб келиши билан тамомланади.

Китобнинг иккинчи қисмида материаллар бир системага солиниб, Бухоро шаҳарининг тасвири берилган: унинг катта-кичиқлиги, деворлари, кўчалари, уйлари, амир турадиган арк, саройлари, регистон, мадрасалари, карвон саройлари, бозорлари: қуллар бозори ва қимматбаҳо буюмлар бозори; инглиз, рус, эрон, хитой моллари номма-ном санаб чиқилган. Шу билан бирга, Бухоронинг Шайбонихондан (1488 — 1510) то амир Ҳайдаргача (1800—1826) бўлган даврининг қисқача сиёсий тарихига очерк берилган. Булардан ташқари, Бухоронинг аҳолиси: тожик, ўзбек, яхудийларнинг характеристикаси, Бухорода асосий тил — форс тили, яъни тожик тили эканлиги, яхудийларнинг аҳволи ҳақида маълумотлар келтирилган. Бухорода сунъий сугориш ва қишлоқ хўжалиги тўғрисида, Бухоронинг ҳайвонот дунёси, иқлими, у ердаги касалликлар, табиблари ва бошқалари баён қилинади.

Э. Эверсманнинг Бухоро ҳонлиги тўғрисида берган маълумотлари қисқа бўлишига қарамасдан, XIX асрнинг бошида Бухоро тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, Бу-

¹ Ф. А. Брокгауз, И. А. Ефрон. Энциклопедический словарь, СПБ, 1904, т. 79, 130—131-бетлар.

² В. Г. Гептнер, Эдуард Александрович Эверсман, М., 1940. 22-бет.

хоро тарихини кўпгина қимматбаҳо ва нодир фактлар билан бойитади. «Исторический обзор путешествий в Бухарию» номли асарининг автори В. В. Завьялов Эверсманнинг китобига: «Бу асар ҳозиргача номаълум бўлган мамлакатни илмий ра-вишда тасвир этишда биринчи ажойиб иш», деб баҳо беради¹.

Китобнинг муқаддимасида Э. Эверсман биографияси тўғрисида маълумотлар берилган.

Авторнинг Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларга оид берган маълумотлари унчалик бой бўлмасдан, фақатгина юқорида тасвир этилган манбаларни бирозгина тўлдиради.

Э. Эверсман ҳам 1820 йилда Бухорога юборилган рус дипломатик миссиясининг юборилиш сабаблари, унинг олдига қўйилган асосий вазифалари ва миссиянинг Бухорода олиб борган ишлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Унинг берган маълумотларидан мазкур миссиянинг фақат савдо ҳарактерига эга эканлигини аниқлаб олиш мумкин.

Э. Эверсман Оренбург генерал-губернаторига ёзган хатида: «Қушбеги ва бошқалар, — деб ёзди, — Негрининг хон билан ўзаро савдони ривожлантириш учун музокара олиб бориши мақсадида келгани тўғрисида бирор тушунчага ҳам эга эмасdir. Уларнинг фикрича, биз бож тўламасдан, шол рўмол ва бошқа молларни сотиб олиш учун маҳфий равишда кўп миқдорда пул олиб келган эмишмиз»².

Э. Эверсман Бухоро ва Россия савдосини қўйидагича тасвирлайди: «Бу ерга (Бухорога — М. А.) ҳамма тарафдан: Россия чегарасидан, яъни Троицк, Орск, Оренбургдан ва Хева орқали Астрахандан савдо карvonлари келади. Улар инглиз, рус моллари: ип ва гулдор газламалар, ипак ва ип рўмоллар; жез, мис, темир ва темирдан ясалган буюмлар ва бошқаларни олиб келадилар. Савдогарларнинг асосий қисми бухороликтардан, Россия татарларидан ва астраханли арманилардан иборат эди. Бу ердан Россияга улар Бухоро маҳсулотларидан: ипак, пахта, йигирилган ип, кашмир ва эрон шол рўмоллари, нил бўёғи ва хитой чинни идишларини олиб кетадилар»³.

Э. Эверсманнинг бу маълумотлари шуни кўрсатадики, XIX асрнинг биринчи чорагида Россиянинг Ўрта Осиё савдосида туттган географик ўрни Англияга нисбатан ҳали ҳам қулай бўлиб, Англия саноат моллари Россия орқали, рус савдогарларнинг воситаси билан олиб бориларди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон бозорини босиб олиш билан банд бўлган инглиз

¹ В. В. Завьялов. Исторический обзор путешествий в Бухарию. Уфа, 1884, 12-бет.

² А. В. В а с и л ь е в . Путешествие доктора Эверсмана в Бухару. Оренбург, 1905, 205-бет.

³ Э. Эверсман. Уша асар, 76-бет (немисча нашри).

капитали бу вақтларда Ўрта Осиёга киришга ҳаракат қилиш у ёқда турсин, балки ўз маҳсулотларини Ўрта Осиё бозорлари га рус савдогарларининг воситаси билан бутун Россия орқали юборар эди.

Э. Эверсман ўз асарида Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо муносабатларини ва бу савдодаги асосий маҳсулотларни қайд қиласа-да, лекин унинг ҳажми ҳақида ва йилига ўртacha ҳисоб билан товар оборотини белгилаб бера оладиган ҳеч қандай маълумот келтирмайди.

Асарда Бухоронинг Қўйкон, Хева хонликлари ва Эрон, Ҳиндистон, шарқий Туркистон, Тибет сингари Осиё давлатлари билан олиб бораётган савдосининг ҳам Россия билан бўладиган савдосига боғлиқ эканини қўрсатувчи маълумотлар берилган. «Машҳад ва Хиротдан, — деб ёзди Э. Эверсман, — йилига Бухорога 500 туяда, асосан, эрон ипак ва ип моллари ҳамда шиол рўмоллари олиб келинар эди. Улар бу ердан рус моллари, асосан, ипак ва ип газламалар ҳамда хом пахта олиб кетар эдилар»¹.

Бу маълумотлар Ўрта Осиё хонликлари Россиянинг хомашё бозори сифатидагина эмас, балки шарқ давлатлари билан бўлган савдода ҳамон воситачи бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатади.

Булардан ташқари, Э. Эверсман ҳам Г. Мейендорфнинг Бухоро хонлигига рус савдогарларидан 10 процент миқдорида савдо божи олиниши тўғрисида берган маълумотларини тасдиқловчи далиллар келтиради.

Э. Эверсман Бухорога бориша Оренбург губернаторига йўлдан икки марта ва Бухоро шаҳрига етиб келгандан сўнг, яна бир марта хат ёзган эди. Хатлардан аввалги иккитаси, А. В. Васильевнинг ёзишига қараганда, сақланмаган².

Хатнинг учинчиси эса, А. В. Васильевнинг юқорида қайд қилиб ўтилган мақолосида келтирилади. «Северный архив» журналининг 1822 йил, 6-сонида аввалги хатлардан бири «Письмо доктора Эверсмана, находившегося при Российской миссии в Бухарии, полученное первого марта 1821 года в С. Петербурге» сарлавча остида босилиб чиқади. Э. Эверсманнинг бу хатлари ҳам Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатларни ўрганишда қимматли манбадир. Чунки уларда берилган маълумотлар қисқа бўлишига қарамасдан, XIX асрнинг биринчи чорагида бу икки давлат ўртасидаги алоқаларга оид бўлган материалларни айрим далиллар билан бойитди.

¹ Э. Эверсман. Уша асар, 77-бет.

² А. В. Васильев. Уша асар, 202-бет.

Э. Эверсман биринчи хатида миссиянинг Оренбургдан жўнаши, унинг состави ва йўлдаги ҳаракат тартиби¹ тўғрисида ёзди. Қозоғистонда қозоқ сultonлари ўртасидаги ўзаро феодал курашлар ва Орунғози томонидан миссиянинг Сирдарёга-ча кузатилишини баён қилади. Булардан ташқари, у, Қозоғистон чўлларида талончилик тўғрисида ёзар экан, миссиядан кейин Оренбургдан чиққан савдо карvonлари миссияга келиб қўшилганлиги ва Оренбургдан чиққан Хева савдо карvonлари эса, қозоқлар томонидан талон-торож этилганлигини ёзди. Э. Эверсманинг иккинчи хатида аввалги хатларда берилган маълумотлар бироз қайд қилиниб, уларни Бухоро тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдиради.

Э. Эверсманинг кейинги хати тўғрисида А. В. Васильев қўйидагиларни ёзган эди: «Бу хат немис тилида баён қилиниб, бизга қўшни бўлган районлар ва шарқ ўлкаларининг аҳволини тасвир этишда кўп ажойиб маълумотларни ўз ичига слади»².

Э. Эверсман бу хатида ҳам Оренбургдан чиққан Бухоро савдо карvonининг биринчи ярми миссияга келиб қўшилганлигини ва иккинчи ярми Қизилқумда қозоқлар томонидан талон-торож этилганлигини, шу билан бирга, Орскдан ва Троицк шаҳарларидан чиққан карvonлар йўлидаги бу хавфдан қўрқиб, яна Россияга қайтиб кетганлиги ҳақида ёзди.

Э. Эверсманинг савдо йўлида карvonларнинг талончиликка учраганилиги тўғрисида кейинги хатида берган маълумотлари аввалги хатида берган маълумотларидан бироз фарқ қиласди. Чунки, аввалги хатида Қизилқумда Хева савдо карvonлари талон-торож этилди деб ёзган бўлса, кейинги хатида эса, худли шу воқеани гапириб, Бухоро савдо карvonлари талани деб ёзди.

Агарда Э. Эверсман келтирган бу маълумотларни Будриннинг берган маълумотлари билан таққосланилса, унинг кейинги маълумотлари тўғри эканлигини кўрамиз³.

Бу охирги хат миссиянинг Бухорога етиб келиши, бухороликлар томонидан кутиб олиниши ва Э. Эверсманинг татарсавдогари ниқоби билан Бухорога кириб бориши билан тұгайди.

Шундай қилиб, Э. Эверсманинг XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ҳонлиги билан Россия ўртасидаги алоқалар, айниқса, дипломатик алоқалар тўғрисида берган маълумотлари Г. Мейендорф ва Будрин асарларида берилган маълу-

¹ Миссиянинг йўлдаги ҳаракати ҳарбий тартибда бўлиб, энг олдинда кузатувчи ва казак отлиқ аскарлардан иборат авангард, сўнгра қолған қисмлар, охирда эса арьергард борар эди.

² А. В. Васильев. Уша асар, 202-бет.

³ Будрин. Уша асар, 37-бет.

мотларни бирозгина бўлса ҳам тўлдиради ва айрим ҳолатларни эса янги фактлар билан аниқлаб беради.

Булардан ташқари, XIX асрнинг 20-йилларида Бухоро ва Россия муносабатларини ўрганишда П. Яковлев¹, Г. Мейендорфларнинг² рус вақтли матбуотида нашр этилган мақолалари ҳамда бошқа редакцион хабарлар³ ҳам аҳамиятли манбалардан бўлиб, юқоридаги асарларни кўпгина қимматли маълумотлар билан тўлдирадилар.

XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия савдо-муносабатларининг айрим ҳолатлари ҳақида Г. Спасскийнинг «Новейшее описание Великой Бухары...» номли асарида ҳам кўпгина фактик маълумотлар келтирилиб, бу асар «Азиатский вестник» журналининг 1825 йил, 1, 2, 4, 5 ва 6 сонларида нашр этилган.

Автор Бухорога ўзи бормаган ва у ерда материал тўпламаган бўлса ҳам, лекин асарни ўша вақтда Бухорога борган шоҳидларнинг олиб келган маълумотлари асосида ёзган эди. Чунки, бу вақтларда Г. Спасский «Азиатский вестник» жур-

¹ а) П. Яковлев. Въезд в город Бухару Российской императорской миссии в 1820 году (20 декабря 1820 г), «Сибирский вестник», 1822, 19-қисм, 47—52-бетлар (П. Яковлев рус миссия составида топограф бўлиб қатнашган—М. А.).

б) П. Яковлев. Русский капрал Топчи-боши у бухарского хана. «Отчественные записки», 1822, XI қисм, XIX китоб, 366—369-бетлар.

в) П. Яковлев. Замечания на статью под названием: «Некоторые сведения о Бухарии», напечатанную в «Отчественных записках» в 1821 г. «Сибирский вестник», 1824, 2-қисм, 49—56-бетлар.

² Г. Мейендорф. Краткое начертание путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году, «Северный архив», 1822, № 2, 184—193-бетлар.

³ а) Известия о возвращении Императорской российской миссии в 1820 году из Бухарии. «Сибирский вестник», 1821, 15-қисм, 52—54-бетлар.

б) Вести от русских из Бухары (Выписка из партикулярного письма), «Вестник Европы», т. CXVII, № 7—8, 1821, 257—270-бетлар.

в) Новое путешествие россиян в Бухарнию по делам торговли касающимся. «Исторический, статистический и географический журнал», 1821, 2-қисм, № 5, 138—140-бетлар.

г) О путешествии Г. Мейендорфа в Бухарию. «Северный архив», 1825, № 24, 395—401-бетлар.

д) Путешествие из Оренбурга в Бухару. «Казанский вестник», 18-қисм, 1826; 12-қисм, 233—259-бетлар.

е) Некоторые сведения о Бухарии. (Получены из достоверных источников). «Отчественные записки», 1821, 6-қисм; XII китоб, 40—49-бетлар; XVI китоб, 295—318-бетлар. XVII китоб, 202—212-бетлар.

ж) Отрывки из «Путешествия доктора Эверсмана, в Бухарнию в 1820 и 1821 году». Перев. с нем. В. Тилло. «Новости литературы», 1824, 8-қисм, № 16, 33—45-бетлар; № 16, 49—57-бетлар; № 17, 65—76-бетлар.

з) Бухарские лекаря. (Из путешествия в Бухарнию доктора Эверсмана) «Сибирский Вестник», 1823, 4-қисм, 20 ва 21-китоблар, 170—183-бетлар.

налиниңг редактори бўлиб, одатда янги материаллар, айниқса, Осиё ҳақидаги маълумотлар унинг қўлига келиб тушар эди.

Г. Спасскийнинг асари, асосан, беш бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Бухоро ҳақида ҳар хил тарихий маълумотлар берилган. Иккинчи бўлими Бухоронинг географиясига бағишланаб, учинчи бўлимида Бухоро шаҳари тўғрисида маълумотлар берилган.

Асарнинг тўртинчи бобида Бухоронинг аҳолиси, саноати, савдо алоқалари, оғирлик ўлчовининг турлари ва ишлаб чиқариш усуллари ҳақида кўп қизиқ маълумотлар келтирилган. Китобнинг бешинчи бўлимида эса, Бухородаги вазифалар ва мансаблар баён қилинган. Бу бобда автор Бухородаги мансабларни Россиядаги мансабларга солишириб беради.

Г. Спасский ўз асарида XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия савдо муносабатларига оид кўпгина қизиқ маълумотлар беради. Унинг берган маълумотларида Бухородан олиб чиқиладиган маҳсулотлар ва уларнинг Бухоро хонлигига ҳамда Россия ярмаркаларидаги баҳоси, шунингдек бу маҳсулотларнинг сортлари тўғрисида келтирилган материаллари айниқса характерлидир.

Авторнинг ёзишича, Бухородан келтирилган пахтанинг ҳар пути ўз жойида 14 сўм турса, Россияда эса, 40 сўмдан сотилар эди. Йигирилган ип эса, уларнинг энг яхшилари Самарқанд ва Шаҳрисабз иплари бўлиб, Бухорода ҳар пути 70 сўм турса, Россияда уларнинг ҳар путига 110 сўмдан тўланар эди. Миёнқол районида тайёрланган ипларнинг сифати ўртача бўлиб, уларнинг ҳар пути Бухорода 45 сўмдан 55 сўмгача, Россияда эса 80 сўмдан сотилар эди.

Бу маълумотлардан маълумки, Бухоронинг Самарқанд, Шаҳрисабз ва Миёнқол районлари деҳқончилик билан бирга, ҳунармандчилик — ип йигириувчилик районларидан бўлиб, улар Бухоро ва Россия савdosидаги асосий маҳсулотлардан ҳисобланган пахта, айниқса, йигирилган ип билан бу савдони таъмин этар эдилар.

Шундай қилиб, Бухоро ва Россия савдо муносабатларига оид Г. Спасский асарида берилган маълумотлар юқорида қайд қилинган адабиётларда келтирилган материалларни янги фактик далиллар билан бир даражажа бойитади.

1824 йилда Россиядан Бухорога юборилган қуролли карвонни ўрганишда шу карвоннинг бошлиғи ва унинг иштирокчиси Е. Кайдаловнинг хотираномаси¹ бош манба бўлиб, бирин-

¹ Е. Кайдалов. Караван—записки во время похода в Бухарию. Российского каравана под воинским прикрытием в 1825 годах, веденные начальником оного каравана над купечеством Евграфом Кайдаловым. 1—3-қисмлар, М., 1827—1828.

чи қисми 1827 йилда, икинчи ва учинчи қисмлари 1828 йилда: Москвада нашр этилган. Е. Қайдаловнинг бу хотираномасида Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо йўлларидаги аҳвол, рус савдогарларининг Бухорода савдо қилиш тартиблари, 1824 йилда қуролли кучлар билан савдо карvonларининг кузатилиши ва унинг сабаблари ҳамда йўлдаги талончиликлар тўғрисида тўлиқ ва қимматли маълумотлар беради. Е. Қайдалов ўз хотираномасида қуролли соқчи билан савдо карvonининг Бухорога юборилиш сабабини баён қилиб, фақатгина Қозоғистон чўлларидаги талончилик Россия-Бухоро савdosига катта зарар етказганлиги учун эскорт тайин қилинган, деб тўғри кўрсатса ҳам, аммо автор нима учун Россиянинг ҳарбий кучлари Бухорогача кириб боришига Бухоро ҳукмрон доиралари томонидан қаршилик кўрсатилмаганинг сабабларини кўрсатмайди. Чунки, бу нарса Бухоро ҳоким доиралари билан келишилган бўлиб, мана шунинг учун ҳам 1824 йил, май ойида Оренбург ҳарбий губернатори Пётр Кирилович Эссеn Россия ва Бухоро савдогарларига қўйидагиларни эълон қилган эди: «Чўлда ҳозиргача савдогарлар учун мавжуд бўлган талончиликни қайтириш ва ўз кучимиз билан ташки савдони мудофаа этиш учун мустақил бир тадбир кўриш зарур, деб то-пилди»¹.

Хотираномада Оренбург губернаторининг савдо карvonларининг тунаш ва қайтиш вақтлари, йўлдаги ҳаракати тўғрисидаги фармони келтирилиб, бу фармон бўйича, иилига бир марта ҳарбий эскорт билан савдо карvonларини кузатиш уюштирилиб, унинг жўнаш ва қайтиши вақтлари белгиланган эди. Жўнаш маркази Оренбург шаҳри бўлиб, бутун савдо карvonлари сентябрь ойининг охирларида бу ерга тўпланишлари ва кечи билан 10 октябрга қолмай Оренбургдан жўнаб кетишлари ва Бухородан эса, март ойида қайтишлари керак эди.

Савдо карvonларининг йўлдаги ҳаракати ҳарбий ҳаракатерга эга бўлиб, энг олдинда қозоқ етакчилари, уларнинг орқасидан авангард отряд, авангарддан 100 қадамча орқада казак отлиқ аскарлари, тўплар ва аравалар, орқада пиёда аскарлар ҳамда отлиқ аскарлар, энг охирида эса, аръергард борар эди. Бу ҳарбий қисмнинг икки томонида бир неча қатор бўлиб савдо карvonлари борар эдилар. Савдо карvonларининг атрофи отлиқ ёки пиёда аскарлар билан ўралган бўлиб, ҳар бир савдогар отряд командирининг рухсатисиз бу тўдадан чиқиши ва унга қайта кириши қатъий суратда ман қилинган эди.²

¹ Е. Қайдалов. Уша асар, I-қисм, 7—8-бетлар.

² Е. Қайдалов. Уша асар, I қисм, 50—52-бетлар.

Е. Қайдаловнинг бу хотираномасида киши диққатига сазовор бўладиган нарса, карвонбошига ва карвонни кузатувчи ҳарбий эскорт командирига берилган қўлланма бўлиб, бу қўлланмада уларнинг вазифалари белгиланган эди. Қўлланма бўйича, карвонбошига қўйидагилар топширилган: а) карвон ичida мустаҳкам иттифоқ уюштириш ва савдогарлар орасида пайдо бўлган айрим ўзаро келишмовчиликни ҳар тарафлама текшириб, уларни ҳал қилиш; б) Бухорога бориша ва у ердан қайтишда ҳамма савдогарларнинг ўз моллари билан карвондан ажralиб кетишларидан хабардор бўлиб, ажralиб кетишга йўл қўймаслик; в) агарда бирор савдогар ўзбошимчалик билан карвондан ажralиб кеттудек бўлса, дарҳол отряд командирини хабардор қилиш; г) карвон составидан ажralиб кетган рус савдогарларининг рўйхатини олиб бориш ва бу рўйхатни Оренбургга қайтиб келгандан сўнг ҳукуматга бериш; д) рус савдогарлари осиёликлар билан савдо қилган вақтларида эҳтиётлик ва ҳалоллик билан иш олиб бориб, ўзаро тартибсизликка йўл қўймасдан, икки ўргадаги ҳамжиҳатликни сақлаб туриш; е) қуролли соқчи кузатиб кетаётган карвонга қўшилган савдогарлар эса, мазкур карвонбошига бўйсунишга мажбур эдилар¹.

Карвонбошига берилган қўлланмада рус савдогарларининг Урта Осиё билан олиб бораётган савдо алоқаларидағи муваффақият, бир томондан, уларнинг ўзларига боғлиқ экани таъкидлаб ўтилган: «Айниқса сизнинг (карвонбошининг — М. А.), — деб ёзилган инструкцияда, — ҳозирги ва келгусида бўладиган бундай ишнинг (savdo карвонини конвой билан кутишнинг — М. А.) муваффақиятли бўлиши у ерда (Бухорода — М. А.) савдогарларимизнинг, ҳамда уларнинг приказчиклари ва хизматкорларининг хушфъел ва ҳалол ахлоқда бўлишларига боғлиқ эканлигига... шунингдек йироқ ва чет мамлакатда савдогарларнинг хуштабиат ва ҳалол муносабатида бирга бўладиган осиёликларда ўзлари ва ҳамشاҳарлари тўғрисида яхши фикр пайдо этиш учун лозим эканлигига диққат қилишингизни сўрайман.

Савдогарларимиз томонидан ҳисобда, тарозида ва ўлчовда алдашлика йўл қўймаслик учун улар устидан ғамхўрлик ва ҳурмат билан назорат қилиб туришни сизга (Е. Қайдаловга — М. А.) топшираман. Умуман шундай бир иш қилиш керакки, маҳаллий аҳоли билан ҳамжиҳатликни сақлаш ҳар бир рус савдогарининг асосий бурчи бўлсин»².

¹ Е. Қайдалов. Ўша асар, 1-қисм, 57—64-бетлар.

² Ўша асар, 1 қисм, 64—66-бетлар.

1824 йилда Бухорога юборилган қуролли савдо карвонининг бошлиғи Е. Қайдаловга берилган бу қўлланмадан маълумки, рус ҳукумати Ўрта Осиё хонликлари, жумладан Бухоро хонлиги билан мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда фақатгина катта дипломатик миссияларнигина эмас, ҳатто савдо карвонида иштирок ётувчи ҳар бир рус савдогарини ҳам икки давлат ўргасидаги муносабатларга путур етказмаслик учун маҳсус инструкциялар билан таъмин этиб юборар эди.

Савдо карвонини кузатувчи қуролли эскорт командирига қуидаги вазифалар топширилган эди:

а) савдо карвонини талончиликдан сақлаш;

б) йўлдаги табиий баҳтсизликлардан сақлаш учун карвоннинг ҳаракати, дам олиши ва бошқаларни ўз вақтида белгилаш;

в) Россиядан чиққан, айниқса, Оренбург линиясидан, рус савдогарлари бўлмасин, маҳаллий Ўрта Осиё савдогарлари бўлмасин, ҳаммасини ҳарбий конвой мудофааси остига олиш;

г) ўзбошимчалик билан ҳарбий конвой составидан ажралиб кетган савдогарларни мудофаа остига қайта олмаслик;

д) отряд командирига бўйсунмаган кишиларни конвой составидан чиқариб юбориш¹.

Агарда отряд командири ўз вазифаларини бажаришдан бош тортса ва карвон ёки унинг бирор қисми талончиликка учраб, ҳалок бўлса, у вақтда отряд командири давлат қонуни олдида жазога тортилар эди².

Карвон бошлиғи ва отряд командирига берилган бу қўлланма савдо карвонининг Бухородан Оренбургга қайтиб келгунича ўз қувватини сақлаб, карвон составида иштирок этган барча савдогарлар инструкциясининг охирида ўз имзоларини чекиб, Оренбург генерал-губернаторига қайтариб беришлари керак эди³.

Шундай қилиб, Е. Қайдаловнинг хотираномаси 1824 йилда Россиядан Бухорога ҳарбий соқчи билан юборилган савдо карвони ва карвонбоши ҳамда конвой отрядининг командирига берилган маҳсус қўлланмалар тўғрисида биринчи бўлиб маълумот беради.

Булардан ташқари, Е. Қайдалов 1824 йили Бухорога ҳарбий конвой билан юборилган савдо карвонининг Қизилқумдаги Бештепа мавзууда Хева ва қозоқларнинг бирлашган гуруҳлари томонида талончиликка учраганини ва бир неча тўқнашлардан сўнг кўпгина молларидан ажралиб, Россияга қайтиб келганинги баён қиласди. Авторнинг берган маълумотларига кў-

¹ Е. Қайдалов, Ўша асар, I қисм, 67-бет.

² Ўша асар, 67-бет.

³ Ўша асар, 57—68-бетлар.

ра, рус савдо карвони ва ҳарбий конвой составида ҳаммаси бўлиб 1300 киши қатнашган эди, уларга қарши ҳужум қилган хевалик ва қозоқлар шайкасининг сони 12 мингга яқин борарди¹.

Е. Қайдаловнинг берган маълумотларига кўра, 1824 йилда Бухорога юборилган савдо карвонига қарши қозоқ ва хевалик-ларнинг шайкаси томонидан қилинган талончилик рус савдо-гарларига 550.027 сўмга яқин заарар етказган². Рус давлати эса, бу талончиликдан 230 минг сўм заарар кўрган эди³.

Е. Қайдалов ҳам ўз хотираномасида савдо йўлидаги тартиб-сизликка Бухоро хонлигига тамоман бефарқ қаралганини баёни қиласди. Автор Бухоронинг ҳукмрон доиралари савдо йўлидаги талончилик у ёқда турсин, ўз давлат чегараларидағи тартибсизликка қарши курашмайдилар, деб уларни қоралайди⁴. Аммо, автор бу тартибсизликка қарши курашиш учун Бухоро хонлиги заиф эканлигини, мана шу сабабли, 1820 йилда Бухорога юборилган рус миссиясининг бошлиғи А. Ф. Негри томонидан савдо карвонларини ҳарбий конвой билан кузатиш учун Бухоро ҳукмрон доираларининг розилигини олиш вазифаси топширилганлигини сезмаган.

Булардан ташқари, Е. Қайдалов Қозоғистондаги ўзаро айирбош савдонинг ҳолатини, унинг Россия учун ҳам, Ўрга Осиё хонликлари учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида жуда қизиқ маълумотлар келтиради. У ўз хотираномасида Қозоғистондаги айирбош савдони қуйидагича тасвирлайди: «Улар (қозоқлар—М. А.) биз келтирган буюмларга от, туюва қўйлар, маҳаллий маҳсулотлардан намат, жун чакмон, пустин, арқон, белбоғ, ҳар хил ҳайвонларнинг терилари ва жуда кўп миқдорда турли йиртқич ҳайвонларни айирбош қилдилар. Биздан эса, чарм, мовут, ип газламалардан: нанка, китайка, чит, рўмол ва турли майда-чуйда молларни олдилар. Йўлдаги қозоқлар билан биз учун мана шундай фойдали савдо бир ойга яқин то Қувон дарёгача давом этди. Қарвонларнинг Бухорога ҳар йили тўхтовсиз қатнаши таъминланса, рус савдогарлари учун жуда фойдали бўлиб, ҳар бир савдогар мазкур мамлакат билан савдо қилиш учун етарли маҳсулотларни ғамлаб олиб, йўлда Бухоро учун керакли молларга, қайтишда эса, Бухородан олинган моллар ҳисобига Россия учун керакли молларга осонлик билан айирбош қила олишлари мумкин эди. Қарвон йўлидаги бундай қулай айирбош савдо ўзаро савдо оборотини бир

¹ Е. Қайдалов. Ўша асар, II қисм, 46—129-бетлар.

² Ўша асар, II қисм, 96—97-бетлар.

³ Л. Мейер Киргизская степь Оренбургского ведомства, 33-бет.

⁴ Е. Қайдалов. Ўша асар, II қисм, 33—36-бетлар.

неча марта бўйича савдо балансини муқаррар равишда оширишга олиб келади»¹.

Шундай қилиб, Қозоғистон чўлларини кесиб ўтган савдо йўлларидағи талончиликлардан карвонларни мудофаа қилиш учун 1824 йилда Россиядан Бухорога ҳарбий эскорт билан юборилган савдо карвонларининг бошлиғига ва отряд командирларига рус ҳукумати томонидан берилган маҳсус инструкциялар ҳамда Қозоғистон чўлларида мавжуд бўлган аҳвол ва қуролли карвоннинг фалокатга учраши тўғрисида Е. Кайдаловнинг асари жуда ажойиб маълумотлар беради. Булардан ташқари, автор Қозоғистондаги айирбош савдо Россия учун ҳам, Бухоро хонлиги учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини янги далиллар билан кўрсатиб беради.

1824 йилда Россиядан Бухорога ҳарбий соқчи билан юборилган савдо карвони тўғрисида Е. Кайдаловнинг асаридан ташқари, «Азиатский вестник» журналининг 1825 йил, январь ойида «Об отправлении каравана из Оренбурга в Бухарию» сарлавҳа остида босилиб чиққан мақолада маълумотлар көлтирилган². Бу мақолада көлтирилган маълумотлар, асосан, Е. Кайдалов асарида берилган материалларнинг қисқача баёни бўлиб, улар устида мукаммал тўхтамади. Демак, 1824 йилда Россиядан Бухорога юборилган қуролли савдо карвонини ва икки давлат муносабатлари тарихини ўрганишда Кайдаловнинг хотираномаси ва «Азиатский вестник» журналида нашр этилган хабарлар муҳим манбаларданdir.

Шундай қилиб, Россия ва Бухоро муносабатлари иштирокчиларининг ёзиб қолдирган хотираномалари XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик алоқаларни ўрганишда биринчи даражали жуда бой ва қимматбаҳо манбадир.

Бу тарихий ёдгорномаларда XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид берилган маълумотларни қисқача характерлаб, қўйидаги хуло-сага келдик:

1. Г. Мейендорф, Будрин, Э. Эверсман ва Г. Спасскийларнинг асарларида Бухоро ва Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тўғрисида жуда ажойиб ва бой фактик маълумотлар берилиб, улар XIX асрнинг охирларидан бошлаб, бу икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларининг жуда катта аҳамиятга эга бўла бошлаганини ва унинг тез суръат билан ривожланаётганини аниқлаб бера олади.

¹ Е. Кайдалов. Уша асар, II қисм, 93—96-бетлар.

² Об отправлении каравана из Оренбурга в Бухарию. «Азиатский вестник», 1825 йил, январь, 57—61-бетлар.

2. Бу манбаларда келтирилган фактик материаллар айни замонда Бухоро ва Россия ўртасидаги савдонинг ва савдо йўларининг ҳолатини ҳар томонлама кўрсатиб беради.

3. Бу мемуар асарлар XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги Россия учун хомашё бозори сифатидагина эмас, балки қўшни шарқ давлатлари: Эрон, Афғонистон, Шарқий Туркестон ва ҳатто Хитойни рус моллари билан таъмин этишида воситачи бўлиб хизмат этиши тўғрисида жуда қизиқ фактик далиллар берадилар.

4. Бу манбалар, айниқса Э. Эверсманнинг асари XIX асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё бозорларига инглиз саноат моллари рус савдогарларининг воситаси билан Россия орқали олиб келинишини кўрсатиб беради.

5. Бу манбаларда Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг юксалиши асосида бу икки давлатнинг ўзаро дипломатик муносабатларининг ривожланиши тўғрисида жуда кўп қимматли маълумотлар берилган. Бу вактларда юборилган ўзаро элчилклар ва дипломатик миссиялар фақат савдо характеристига эга бўлиб, уларнинг асосий вазифалари савдо йўллари ва бозорларнинг ҳолатини ўрганишдан иборат эди. Айниқса, 1820 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссияни ўрганишда Г. Мейендорф, Будрин ва Э. Эверсманларнинг берган маълумотлари жуда қимматлидир. Лекин, Г. Мейендорф ва Э. Эверсманлар асарида бу дипломатик миссия олдига қўйилган асосий вазифалар очиқ кўрсатилимаган. Мазкур миссия олдига қўйилган айrim масалалар Будриннинг хотираномасида очиқроқ кўрсатилиб, унинг берган маълумотлари Г. Мейендорф ва Э. Эверсманларнинг асарларида берилган маълумотларга қараганда аникроқдир. Шунга қарамасдан, бу манбаларда миссия олдига қўйилган энг асосий масала: савдо карвонларини Қозоғистон чўлларидағи талончиликдан мудофаа қилиш учун Бухоро ҳукмрон доираларининг розилигини олиш масаласи қайд қилинмайди.

Л. Мейер ва А. Шепелевлар ўз асарларида, рус миссиясининг бошлиғи А. Ф. Негрининг Бухоро амири билан олиб берган музокараларида амир Ҳайдар савдо карвонларини Бухорога ҳарбий соқчи билан кузатиш масаласи юзасидан ўз розилигини берган, деб кўрсатдилар¹.

Савдо карвонларини Бухорогача қуролли куч билан кузатиш учун амирнинг рози бўлиши XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу воқеа, биринчидан, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланишининг на-

¹ Л. Мейер. Уша асар, 34-бет.
А. Шепелев. Уша асар, 45-бет.

тижаси бўлса, иккинчидан, бу иқтисодий алоқаларнинг юксалишидан ҳар икки томоннинг ҳам манфаатдор эканилигидан дарак берар эди. Учинчидан эса, Бухоро—Россия савдо муносабатларининг ривожланишига Қозоғистондаги талончилик асосий түсиқ бўлиб, унга қарши курашда Бухоро хонлигининг жуда ожиз эканини, шунинг учун ҳам Бухоро ҳукмрон доиралари Россиянинг қуролли кучларининг Қозоғистонга кириб то Бухорогача етиб келишидан қўрқмасдан, балки унга талабгор эканини кўрсатар эди.

6. 1824 йилда савдо карвонининг Бухорогача қуролли куч билан юборилишини ўрганишда Е. Қайдаловнинг кундалик хотираномаси бош манба асар бўлиб, савдо карвонининг ҳарбий конвой билан юборилиш сабаблари, йўлдаги ҳаракати ва Қозоғистон чўлларидағи талончиликлар тўғрисида тўлиқ маълумот беради.

7. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юқорида характерланган бу мемуарларнинг авторлари: Г. Мейендорф ҳам, Э. Эверсман ва бошқалар ҳам ҳоким табақа вакилларидан бўлиб, улар ҳар бир масалани ечишда ва мулоҳаза қилишда ҳамда воқеаларни баён этишда ўз синфларининг манфаатини кўзда тутганлар, шунинг учун ҳам уларнинг асарларини ўрганишда, келтирган маълумотларига ва фикрларига баҳо беришда танқидий қарашга тўғри келади.

III. БУХОРО ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎРТА ОСИЁ МАНБАЛАРИДА БЕРИЛГАН БАЪЗИ БИР МАЪЛУМОТЛАР

XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида маҳаллий Ўрта Осиё тарихчиларининг берган маълумотлари унчалик кўп бўлмасдан, фақат Мирабдулкарим Бухорий¹, Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшарифларнинг² асарларида, ҳамда шарқ қўлёзма хатлар тўпламларидан бирида³ келтирилган Бухоро амирининг рус императорига юборган икки дона ёрлиғида XIX асрнинг 20-йиллари давомида Россияга борган Бухоро элчилклари ва, аксинча, Бухорога келган рус миссияси, ҳамда бу-

¹ Mir Abdoul Kerim Boukhary. Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khokand) depuis les dernières années du règne de Nadir—Chah (1153) jusqu'en 1233 de l'Hégire (1740—1813). Publiée, traduite et annotée par Charles Schefer. Paris, 1876, texte persan.

² Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшариф. Тарихи амир Ҳайдар. ناریجع امیر حبدر. Кўлёзма, УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида. Инв. № 1836.

³ Мактубот, муншаот ва маншурот. مکتوبات منشاات و منشورات. УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Инв. № 289 ва 300

ларнинг баъзи бир вазифалари ва қабул қилиниш дабдабаларига ҳақида қисман айтиб ўтилади.

Бу тарихий манбаларда фақат XIX асрнинг бошида Бухоро ва Россия ўртасида олиб борилган дипломатик элчиликлар тўғрисида маълумот берилиб, уларда иқтисодий алоқаларга оид деярли ҳеч қандай маълумот келтирилмайди. Шунга қарамасдан, XIX асрнинг биринчи чорагида Бухородан Россияга юборилган элчиликлар тўғрисида бу тарихий ёдгорликларда берилган маълумотлар икки давлат муносабатлари тарихини ўрганишда тамоман янги ва жуда қимматли материаллардан бўлиб, юқорида характерланган рус ва чет эл тилларидаги манбаларда, ҳамда Бухоро ва Россия муносабатлари тарихини ёритувчи маҳсус адабиётларда ёритилмаган тарихий воқеаларни аниқлашга имкон беради.

Мирабдулкарим Бухорийнинг асари XIX асрнинг бошларида ёзилган бўлса ҳам, аммо рус шарқшуносларига 1876 йилда Парижда нашр этилгандан сўнгра маълум бўлди. Асар, асосан, 1740—1818 йиллар давомидаги воқеаларни ўз ичига олиб, Афғонистон, Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари тарихига бағишиланади. Асарнинг Бухоро хонлиги тарихига оид қисмида автор 1804—1805 йилларда Миралоуддин бошлиқ Бухородан Россияга юборилган элчилик устида тўхтаб ўтади.

Асада ёзилишига қараганда, Миралоуддин бошлиқ бу элчиликнинг составида Мирабдулкарим Бухорийнинг ўзи ҳам элчининг ёрдамчиси сифатида иштирок этган.

Автор ўз асарида Бухоро элчилигининг Россияга етиб бориши, Россиядан қайтиши ва савдо йўллари тўғрисида қисқача маълумот беради.

Мирабдулкарим Бухорий элчиликнинг составида қатнашиб, Россияда узоқ вақт турган бўлса ҳам, лекин Россия ҳақида, шунингдек ўзи иштирок этган Бухоро элчилиги тўғрисида тўлиқроқ маълумот бермайди. Аммо, унинг қисқа бўлса ҳам берган маълумотларидан 1804—1805 йилларда Бухоро элчилигининг Россияга юборилиши ва унинг олдига қўйилган баъзи бир вазифаларни аниқлаб олиш қийин эмас.

Мирабдулкарим Бухорий асарида Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо йўлларини таърифлаб, Петр I замонидан бери рус подшоларининг Қаспий ва Орол денизлари орқали Ўрта Осиё ва Ҳиндистонгача савдо йўлини барпо этиш фикрлари Екатерина даврида ҳам мавжуд эканлиги тўғрисида ёзади. Шу билан бирга, бу икки дениз орасидаги ерларда тоғлар йўқлиги сабабли, бу ишни амалга ошириш мумкинлигини баён қиласди¹.

¹ Mir Abdoul Kerim Boukhary. Ўша асар, 72—13-бетлар.

Мирабдулкарим Бухорий Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо йўлини ўша вақтда Россияга юборилган Ўрта Осиё маҳаллий элчиликларининг иштирокчилари орасида биринчи бўлиб ўрганиб, масофаларнинг узунлигини ва йўллардаги баъзи бир қўниб бориладиган манзилларни аниқлаган. Авторнинг ёзишича, Бухородан Урганчгача эллик тош, Урганчдан Москвагача қирқ манзил, Москвадан Астрахангача бир юз етмиш тош, Оренбургдан Бухорогача икки юз йигирма тошли масофа ётар эди¹.

Мирабдулкарим Бухорийнинг берган бу маълумотлари XIX асрнинг бошида Россияга юборилган Бухоро элчиликлари ҳам савдо йўллари билан қизиқиб, уларни ўрганишга ҳаракат қилганиларини кўрсатади. Бу юқорида айтилганлардан шундай хуносага келиш мумкинки, XIX асрнинг бошида Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларидан фақат Россиянинг ўзи манфаатдор бўлмай, балки улардан Бухоро ҳонлиги ҳам манфаатдор бўлган. Шунга асосан бу вақтларда Россия Ўрта Осиё савдо йўлларини ўрганиш учун ҳаракат қилиб, Бухорога юборилган расмий элчиликларининг асосий вазифаларидан бири сифатида савдо йўлларини ўрганиш масаласини қўйган бўлса, айни замонда, Бухоро ҳам шу масалаларни ўрганишга уриниб, Россияга юборилган ўзбек элчиликларининг асосий вазифаларидан бири қилиб савдо йўлларини ўрганишни топширган.

Демак, Мирабдулкарим Бухорийнинг берган маълумотлари ҳисса бўлса ҳам XIX асрнинг бошида Бухоро ҳонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Чунки, унинг асарида берилган маълумотлар Бухоро ва Россия муносабатлари тарихида ҳозирги вақтгача ноаниқ бўлган 1804—1805 йилларда Бухородан Россияга юборилган Миралоуддин бошлиқ элчилик ва унинг олдига қўйилган асосий вазифаларидан баъзи бирларини аниқлашга имкон беради.

XIX асрнинг бошларида Бухоро ҳонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатларга оид иккинчи манба дипломатик актлардан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бой қўллэзма асарлари фондида сақланмоқда. Шу вақтларгача номаълум бўлган актлардан иккитаси амир Ҳайдарнинг Россия императори Александр I га юборган ёрлиқлари бўлиб, улар Бухоро амирининг амалий хатлар ва фармонлар тўпламида жойлаштирилган².

А. А. Семёновнинг мақоласида³ бу документлар тўплами

¹ Мирабдулкарим Бухорий. Ўша асар, 77—78-бетлар.

² Мактубот, муншашт ва маншурот. Қўллэзма, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Инв. № 289 ва 300

³ А. А. Семёнов К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. ЎзССР Фанлар академияси Ахбороти, 1951, № 85—95.

амир Ҳайдарнинг шахсий китоби Мирак шоҳ «мунши» томонидан тўплланган бўлиши керак, деб кўрсатилади¹.

Амир Ҳайдарнинг рус императори Александр I га юборган ва шу вақтларгача босилиб чиқмаган ёрлиқларидан биринчиси қўллэзма тўпламининг 199-варағининг *a* ва *b* бетларида, иккинчиси эса, 201-варағининг *b* бетида келтирилган. Асада ёрлиқларнинг ёзилган вақти кўрсатилмай, одатда дипломатик актларга босиладиган муҳир ҳам қўйилмаган. Биринчи ёрлиқнинг мазмунига қараганда, у, улуғ рус халқининг француз тажовузкори Гиаполеон устидан қилган ғалабасидан кейин ёзилган. Ёрлиқ ўша вақтда дипломатик актларнинг ёзилиши жиҳатидан бекаму-кўст ёзилган бўлиб, Россия императори номига бағишилаган ҳар хил ўхшатишлар ва унвонлар билан бошланади. Ундан кейин амир ўзининг аҳволи тўғрисида ва рус аскарлари томонидан француздарнинг мағлубиятга учраб, жуда кўп миқдорда бойликларни ташлаб кетганларни тўғрисидаги хабарни эшитганлигини ёзади. Сўнгра, қадимдан икки улуғ давлатнинг дўстлик ҳислари билан боғланганлиги сабабли, бу воқеа Бухоро хонлигига жуда зўр мамнуният ва хайриҳоҳлик туғдирганини изҳор қиласди. Шунингдек, ёрлиқда Бухоро элчиси Мирза Муҳаммадюсуф «кўрчибоши»нинг Россияга юборилиш мақсади баён қилинади. Чунончи, Мирза Муҳаммадюсуф у ерда илтифот билан қабул қилиниб, ҳаж қилиш учун унинг Россия орқали Туркияга ўтишига рухсат берилиши илтимос қилинади. Булардан ташқари, ёрлиқда қозоқ сultonлари француздарнинг Россияга қилган ҳужумларидан фойдаланиб, Бухоро савдогарларнинг молларини талон-торож этганларини амир қайд қилиб, рус ҳукумати қозоқ сultonларини жазога тортиб, улар томонидан тортиб олинган Бухоро савдогарлари молларининг, жумладан элчи Мирза Муҳаммадюсуфнинг бир ярим минг олтин баҳосидаги молининг қайта олиб берилишига ўз ишончини билдиради. Ёрлиқнинг охирида буларнинг ҳаммаси икки давлат ўртасидаги дўстлик муносабатларининг аввалгидан ҳам мустаҳкамланишига ва бу икки давлатнинг бир-бирига янада яқинлашишига сабаб бўлади, деб кўрсатилган².

XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия муносабатларига бағишиланган адабиётларда мазкур Бухоро элчилиги тўғрисида тўлиқроқ маълумот бўлмай, Г. Мейендорф ўз асарида Бухоро элчиларининг Петербургга тез-тез келиб туришлари тўғрисида ёзади. Унинг сўзича, 1816 йилда Россияга келган Бухоро элчиси 1820 йилда иккинчи мартаба келган вақтида ўз ҳо-

¹ А. А. Семенов. Ўша асар, 86—87-бетлар.

² Мактубот, муншоат ва маншурот. Қўллэзма, инв. № 289, л. 199 *a—b*.

кими номидан рус элчисини Бухорода кўриш орзусини баён қилган¹.

Г. Мейендорфнинг сўзидан маълумки, Мирза Муҳаммадюсуп элчи сифатида Петербургга биринчи марта 1816 йилда юборилган бўлса, иккинчи марта 1820 йилда юборилган эди. Бухоро элчиси Мирза Муҳаммадюсупнинг Россияга икки марта юборилганлиги тўғрисида амир Ҳайдарнинг рус императорига юборган ёрлиғида ҳам таъкидланиб ўтилган².

Аммо, ёрлиқда Бухоро элчисининг рус вакилини Бухорога таклиф этганлиги туғрисида маълумот йўқ.

Россия подшоларининг ҳамда ўзбек хонларининг саройларида ажнабий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш учун қадимдан маҳсус расмий тартиб қабул қилинган бўлиб, қабул қилиш маросимида бу расмий қондага қатъий риоя қилинар эди. Қабул қилиш маросимининг тартибига кўра, маросимнинг охирда элчига «оғиз сўзи» бериларди. Элчи бу оғиз сўзида олиб келинган ёрлиқларда кўрсатилмасдан, балки оғзаки айтиб юборилган айрим маҳсус топшириқларни қабул қилишдаги вазиятга қараб (агарда илтифот билан қабул қилинса) баён қилар эди. Қабул қилиш маросимининг бу тартибига ва Г. Мейендорфнинг «баён қилди» деган сўзига қараганда, элчи Мирза Муҳаммадюсуп амир Ҳайдарнинг рус вакилини Бухорога таклиф қилинганини мана шу «оғиз сўзи»да айтган бўлса керак.

Бухоро амирининг рус императорига юборган иккинчи ёрлиғида эса, амир Ҳайдар томонидан қадимдан Россияга юборилаётган Бухоро савдогарлари бир хилда—яхши илтифот билан қабул қилиниб келганлиги тўғрисида баён қилиб, янги юборилаётган савдогарларнинг аввалгидан ҳам яхшироқ қарши олинишини илтимос қиласди. Сўнгра, савдо карвонлари қозоқ ва хеваликлар томонидан кузатилиб кетганлиги сабабли, улардан шубҳалангандигини қайд қилиб, савдо карвонларининг кутуб олинишини сўрайди. Булардан ташқари, юборилаётган савдо карвони билан биргаликда Россияга Азимжон «девонбеги» бошлиқ Бухоро элчилиги жўнатилганлигини ва икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун Бухоро амири рус императори номига ёзилган ёрлиқ билан элчиликни таъмин этгани тўғрисида баён қилинади³.

Азимжон «девонбеги» сафорати тўғрисида келтирилган бу маълумот Бухоро ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида яна бир номаълум бўлган Бухоро элчилигини аниқлаб беради. Аммо, Азимжон «девонбеги» сафорати тўғри-

¹ G. Meyendorff, Voyage d'Orenbourg à Boukhara fait en 1820.. Paris, 1826, p. XI

² Муншаот ва ёрлиқот. Кўллэзма. И nv. № 300, л. 12 б.

³ Мактубот, муншаот ва маншурот. Кўллэзма. И nv. № 289, л. 201 б.

сида нашр этилган бошқа манбаларда, шунингдек адабиётларда ҳеч қандай маълумот бўлмаганилиги сабабли, унинг юборилган вақтини аниқлашга имкон бўлмади.

XIX асрнинг бошларида Россия императорига юборилган бу икки ёриқнинг мазмунига қараганда, Россияяга юборилган Бухоро дипломатик элчиларининг асосий вазифаларини савдо масалалари ташкил қиласр эди. Чунончи, Бухоро амири Россия билан савдо муносабатларини ривожлантириш учун у ерга юборилган савдогарларнинг ҳимоя қилинишини ва уларнинг яхши қарши олинишини рус ҳукуматидан доимий равишда илтимос килиб келган.

Демак, Мирабдулкарим Бухорийнинг тарихий асарида ва шарқ қўлёзма хатлар тўпламида келтирилган Бухоро амирикнинг рус ҳукуматига юборган дипломатик актларида берилган маълумотлар Бухоро билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихида то ҳозирги вақтларгача номаълум бўлган дипломатик элчиликларни аниқлашга имкон беради.

Бу маълумотлар асосида XIX асрнинг биринчи чорагида Буҳородан Россияяга бўлмаганда тўрт марта дипломатик ва савдо сафоратлари юборилганилиги аниқланди. Биринчи элчилик, Миралоуддин бошлиқ ва Мирабдулкарим Бухорийнинг иштироки билан, иккинчи ва учинчи элчиликлар Бухоро хонлигига олий ҳарбий мансабдорларидан бири, Мирза Мұҳаммадюсуп «қўрчибоши» бошчилигига, ва охирги элчилик эса, Азимжон «девонбеги» йўлбошчилигига юборилган эди. Буларнинг ҳаммаси С. В. Жуковский ва бошқаларнинг, гўё XIX асрнинг биринчи чорагида Россия ва Бухоро муносабатлари фақат 1820 йилда рус императори томонидан Бухорога савдо шартномаси Сеғлаш учун А. Ф. Негри бошлиқ дипломатик миссия юборилиши билан белгиланади¹, деган фикрларининг асоссиз ва нотўғри эканлигини исботлайди.

ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар фондида сақланётган «Тарихи амир Ҳайдар» асарида 1820 йилда А. Ф. Негри бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссия тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Асарнинг муқаддимасида айтилишига қараганда, аввал у Еухоро амирлари: Ҳайдар (1800—1826), унинг ўғли ва вориси Насрулло (1826—1860)га замондош бўлган тарихчилардан Мулла Ибодулла ва Мулла Мұҳаммадшариф томонидан жуда мукаммал ҳолда ёзилиб,ammo асарнинг тили қийин ва ҳажми жуда катта бўлганлиги сабабли, номаълум автор томонидан

¹ С. В. Жуковский. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие, СПб, 1915, 102-бет.

жейинчалик қисқартирилиб, қайта ёзилган эди. Ҳозирги вақтда асарнинг мана шу қисқартирилган редакцияси мавжуд бўлиб, аввалги икки авторнинг тўлиқ қўлёзмаси маълум эмас.

Авторларнинг сўзича, асарни ёзишда улар бир қанча тарихий манбалардан фойдаланган бўлса ҳам, лекин у адабиётлар кўрсатилмаган. Асарда баён қилинишига қараганда, китоб 88 босбага бўлинган бўлса-да, ҳақиқатда 81 бобдан иборат. Қўлёзманинг биринчи икки бобида Бухоро шаҳрининг ҳамда аштархонийлар, манғитлар ҳокимлигининг қисқача тарихи баён қилинади. Асарнинг қолган қисми Бухоро амири Ҳайдар тарихига бағишланаб, воқеа унинг вафоти билан тамом бўлади.

Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар, жъуни 1820 йилда Россиядан Бухорога рус миссиясининг юборилиши, унинг Бухорога етиб келиши ва амир Ҳайдар томонидан кутиб олиниб, қабул қилиниши асарнинг 68-бобининг охири ва 69-бобида баён этилган.

Одатда шарқ тарихчилари бирор тарихий воқеани ёзар эканлар, ундаги асосий масалаларга эътибор бермасдан, фақатгина иккинчи дараҷали қўшимча воқеалар билан кифояланадилар. Шунингдек, «Тарихи амир Ҳайдар» асарида ҳам унинг авторлари Россиядан Бухорога кўп кишилик дипломатик миссиянинг келишини ёзар эканлар, унинг Бухоро амири томонидан кутиб олиниши, қабул қилиниши, ҳамда қабул қилишдаги маросимлар билан чегараланадилар. Асарда авторлар Россиядан элчиликнинг юборилиш сабаблари ва унинг олдига қўйилган асосий масалалар ўёқда турсин, ҳатто элчиликнинг юборилган йили ва рус элчисининг номи ҳамда Бухорода миссиянинг олиб борган ишлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайдилар.

Лекин шунга қарамасдан, «Тарихи амир Ҳайдар» асари умуман XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро тарихини, жумладан, Россия билан Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни, айниқса Бухорода ажнабий давлатларнинг элчиларини қабул қилишдаги маросимлар ва ундаги дабдабаларни ўрганишда ҳамда бу вақтларда Бухорода русларга нисбатан дўстона ҳиссият мавжуд бўлганини аниқлашда бош манба бўлиб хизмат қилади.

А. А. Семёнов Г. Мейендорфнинг Бухорода рус элчилигини қабул қилиш маросими тўғрисидаги берган маълумотларига Саҳо бериб, авторнинг Бухорога биринчи марта келиши ва шу билан бирга унинг дипломат ёки этнограф бўлмаганлиги сабабли, қабул қилиш маросимини тасвир этишда кўпгина қизиқ ҳолларни аҳамиятсиз деб ҳисоблаб, уларга эътибор бермаганлигини ёзади¹.

¹ А. А. Семёнов. Ўша асар, 91-бет.

Г. Мейендорф асарида эътибор берилмаган айрим воқеалар» «Тарихи амир Ҳайдар» асарида баён қилинади.

«Тарихи амир Ҳайдар» асарида авторлар Россияядан Бухорага дипломатик миссия юборилишининг асосий сабаби қилиб рус ҳукуматининг Бухоро хонлигидан ва унинг олиб бораётган урушларидан хавфсираганлигида, деб кўрсатадилар. Уларнинг бундай фикрда бўлишлари халқаро аҳволдан тамомила бехабар эканликларидан дарак беради.

Бу икки Бухоро солномачилари рус элчилигининг Бухорога етиб келишини Россияяга нисбатан ҳайриҳоҳлик билан тасвир этадилар.

Асарда берилган маълумотларга қараганда, рус элчисининг яқинлашиб келаётганлигини эшитгач, Бухоро амири хурсанд бўлганидан бир қанча амалдорларини элчини кутиб олиш учун коборган эди¹.

Асарда берилган бу маълумотлар Г. Мейендорф, Будрин ва Э. Эверсманларнинг бу ҳақда берган хабарларига жуда ҳам тўғри келади.

Асарда ёзилишича, элчиликни қабул қилиш маросимида халқаро дипломатик назокат актига риоя қилиш каби ажойиб ҳаётий факт киши диққатига сазовор бўлади. Яқинлашиб келаётган рус элчисининг олдида амир Ҳайдар ўрнидан туриб, унга жой кўрсатган эди².

Бухорода рус элчилигини қабул қилиш тўғрисида «Тарихи амир Ҳайдар» асарида берилган маълумотлар, бир томондан, бу ҳақда Г. Мейендорфнинг, айниқса, Будриннинг берган хабарларига жуда мос келиб, уларнинг тўғри эканлигини исбот қилса, иккинчи томондан эса, қабул қилиш маросимида миссия иштирокчиларига маълум бўлмаган сирлар ҳақида берган янги маълумотлар билан бу қабул қилиш дабдабаларини мукаммал равишда тасвир этадилар.

Аммо, рус элчисининг Бухоро амири томонидан қабул қилинишидан аввал, рус элчилигининг бошлиғи А. Ф. Негри билан Бухоро амирининг вакили ўтасида қабул қилишдаги маросимларни белгилаш устидан олиб борилган музокаралар ҳақида асарда қайд қилинмайди. Будриннинг сўзига қараганда, халқаро дипломатик назокат актига риоя қилиб, рус элчисининг келиниши билан Бухоро амирининг ўрнидан туриши ва унга ўтириб жавоб бериш учун жой кўрсатиши мана шу музокара давомида келишилиб олинган эди³.

¹ Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшариф. «Тарихи амир Ҳайдар». Кўлёзма, И nv. № 1836, л. 81 а.

² Уша асар, л. 81 а.

³ Будрин. Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца). Оренбург, 1871, 16-бет.

Бундан ташқари, дипломатик муносабатларда катта аҳамиятга эга бўлган ва қабул қилиш маросимида унга қатъий суратда риоя қилинган воқеа, яъни элчи олиб келган ёрлиқни олиш ва уни ўқиб кўриш «Тарихи амир Ҳайдар» китобида авторлар томонидан кўрсатилмаган.

Будриннинг ёзишига қараганда, ёрлиқни элчининг қўлидан қушбеги олиб, амирга берган ва амир уни очиб ўқиган¹.

Шунга қарамасдан, Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшариф Россия ва Бухоро хонлиги ўргасидаги муносабатларнинг яхши бўлганлиги сабабли, 1820 йилда Бухорога келган рус миссиясининг Бухоро ҳоким доиралари томонидан илтифот билан қабул қилинганини кўрсатиб берганлар.

Бухоро амири ва умуман бухороликларнинг рус элчилигига нисбатан жуда илтифотли муносабатда бўлишларини асарда берилган қўйидаги маълумотлардан ҳам билиб олса бўлади. Қўлёзмада ёзишига қараганда, рус миссиясининг составида қатнашган рассомлар фақат Бухоронинг кўчаларидағи ва майдонларидағи иморатларнинг² расмини чизибгина қолмасдан, ҳатто Бухоронинг давлат ва дин арбобларининг расмларини ҳам бемалол ола берганлар³.

Гарчи манбаларда, жумладан Г. Мейендорфнинг асарида литография усули билан олинган Бухоро биноларининг расмлари келтирилган бўлса-да, аммо Г. Мейендорф, ҳатто Будрин ҳам Бухоро амалдорларининг портретлари тўғрисида гапирмайдилар.

Бу материалларнинг мавжуд эканлиги ва уларнинг тўла сакланганлиги тўғрисида шу қўлёзманинг ўзида 1840 йилда Бухородан Петербургга элчи бўлиб борган Муқимхон у ерда рус рассомлари томонидан олинган ўз портретини кўргани тўғрисида ёзилган⁴.

Бухоро тарихчилари томонидан рус миссиясининг Бухорода турганлигининг илтифот билан тасвир этилиши ҳам киши диққатини ўзига тортади. Г. Мейендорф ўзининг асарида: «Бизнинг саёҳатимиз шунчалик кўнгилли бўлдики, биз уни эслаб афсусланишимиз ҳам мумкин»,—деб бекорга ёзмаган эди⁵.

Қўлёзмада келтирилган маълумотларга қараганда, рус миссияси Бухорода саксон кунга яқин бўлган эди. Бу маълумот жуда ҳам тўғри бўлиб, ҳақиқатан ҳам миссия аъзолари Бухоро

¹ Б у д р и н . Уша асар, 19-бет.

² Регистон, болойи ҳавуз ва аркнинг расмлари олинган. Қўлёзма, инв. №1831, л. 81 б.

³ Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшариф. Тарихи амир Ҳайдар. Қўлёзма. Инв. №1831, л. 81 б.

⁴ Уша асар. Инв. № 1831, л. 81 б

⁵ Г. М е й е н д о р ф . Уша асар, 82-бет.

ишаҳарининг ўзида 1820 йил, 20 декабрдан то 1821 йил, 10 марта бўлган эдилар.

«Тарихи амир Ҳайдар» асарида рус миссияси Бухородан қайтиш вақтида амир Ҳайдар рус императорига кўп ҳадялар билан бирга бир дона фил юборганилиги ҳақида баён қилинади. Аммо, булардан ташқари, амир Ҳайдар рус миссиясининг бошлиғи А. Ф. Негрига «Тарихи Муқимхони» асарини ҳадя қилган эди¹.

Аммо, «Тарихи амир Ҳайдар» асарида ҳам, Г. Мейендорф, Будрин ва Э. Эверсман асарларида ҳам ҳадя қилинган «Тарихи Муқимхони» асари тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Рус элчисига ҳадъя қилинган «Тарихи Муқимхони» асари Россияга олиб борилгандан сўнг, Петербург университетининг профессори И. О. Сенковский томонидан француз тилига таржима қилинади². Урта Осиё халқлари тарихига оид «Тарихи Муқимхони» каби қўллэзма асарларнинг Урта Осиёдан Россияга олиб борилиши ва у ерда чет эл тилларига таржима қилиниши икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларнинг натижаларидан бири эди.

«Тарихи амир Ҳайдар» асарида берилган янгиликлардан яна бири шундан иборатки, Бухоро амири рус миссияси билан бирга уни кузатиш ва ҳадяларни рус ҳукуматига етказиб бериш учун ўз элчисини қўшиб юборган эди.

Бу воқеанинг ўзи 1820 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссия ўз ишларида маълум даражада икки давлат ўртасидаги муносабатларга путур етказмасдан, Бухоро ҳукмрон доиралари билан бир даража келиша олганлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг бузилмаслигини кўзда тутиб, Бухоро амири миссияга ўз элчисини қўшиб юборган эди.

Шундай қилиб, «Тарихи амир Ҳайдар» асарида берилган маълумотлар XIX асрнинг биринчи чораги давомида Бухоро ҳонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганишда бизни янги ва ажойиб фактик материаллар билан таъмин этади. Айниқса, унда келтирилган материаллар Бухорода рус миссиясини қабул қилишдаги маросим ва унинг танталарини белгилашда жуда қимматлидир.

Демак, XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия муносабатлари тўғрисида маҳаллий тарихчиларнинг асарлари бу икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг фақат ай-

¹ В. В. Бартольд. История изучения Востока в Европе и в России. М.—Л., 1925, 255-бет.

² Уша асар, 255-бет.

рим томонларини ўрганишда хизмат қилади. Айниқса, улардан⁶ Мирабдулкарим Бухорийнинг берган маълумотлари XIX асрнинг бошида Бухородан Россияга юборилган номаълум элчиликни ва уларнинг олдига қўйилган асосий вазифаларини аниқлаб олишда жуда қимматлидир. Унинг берган маълумотларни Г. Мейендорфнинг XIX асрнинг бошида Бухородан Россияга юборидган элчиликларнинг олдига қўйилган асосий вазифалари тўғрисида берган маълумотларига жуда мос келиб, Г. Мейендорфнинг ҳақли эканлигини исбот қилади, яъни XIX асрнинг бошларида Россияга юборилган элчиларнинг асосий вазифалари: савдо йўлларини, рус ярмаркаларини ўрганиш ҳамда рус бозорлари учун энг керакли маҳсулотларни аниқлашдан иборат бўлган.

Ноёб тарихий қўлёзма асар «Тарихи амир Ҳайдар» 1820-йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг амир Ҳайдар томонидан қабул қилиниши ва ундаги маросимлар ҳақида жуда қимматли маълумотлар беради ва Г. Мейендорф, Э. Эверсман ва Будринларнинг бу ҳақда берган материалларини анчагина тўлдиради.

Аммо, бу шарқ манбаларида авторлар асосий масалаларга эътибор бермасдан, фақат иккинчи даражали воқеалар билан кифояланадилар. Шунга қарамасдан, улар XIX асрнинг биринчи чорагида Россия ва Бухоро муносабатларини ўрганишда ёрдамчи манба бўлиб, юқорида характерланган асарларни жуда нодир ва қимматбаҳо маълумотлар билан бойтадилар.

Иккинчи боб

ХІХ АСРНИНГ 30—50-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР АСОСИЙ МАНБАЛАР

1. XІХ АСРНИНГ 30—40-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИДА ИНГЛИЗ МУСТАМЛАҚАЧИЛАРИ ҚҮПОРУВЧИЛИК ҲАРАҚАТИНИНГ КУЧАЙИШИ

ХІХ асрнинг 30—40-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар, айниқса, дипломатик алоқаларнинг айrim ҳолатлари устида тұхталар эканмиз, худди шу вақтларда Үрта Осиё бозорларига инглиз саноат молларининг кириб келиши ва бу ерда инглиз разведкачиларининг олиб борган қўпорувчилик ишлари каби масалаларнинг умумий ҳолатини аниқлаб олишга тұғри келади. Чунки, XІХ асрнинг 30-йилларига келганды Россия Үрта Осиё бозорида капиталистик жиҳатдан жуда ривож топған давлат—Англия билан тўқнашган эди. Мана шунинг учун ҳам ҳалқаро миқёсда пайдо бўлган бу вазият Россиянинг Үрта Осиёга нисбатан олиб борган сиёсатига, шунингдек, Бухоро билан бўлган муносабатларига катта таъсир этган эди.

ХІХ асрнинг 30-йиллари Англия тарихида капиталистик муносабатларнинг ривожлана бориши ва мустаҳкамланиши билан характерланади. К. Маркс қайд қиласидик¹, Англия савдоши ривожланиши билан у Осиёга икки томондан, яъни Ҳиндистон ва Қора деңгиз орқали кириб кела бошлади.

Мана шу сабабли, инглиз буржуазияси мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим таъсирга эга бўлиб, янги мустамлақа бозорлари ва хомашё манбалари бўлган Осиё мамлакатларини босиб олишга ҳамда у ерда яшовчи ҳалқларни қул қилиб, бўйинларига колониал сиртмоғини солишга зўр бериб ҳаракат қиласарди.

Бу вақтларда инглиз босқинчилари Ҳиндистоннинг кўпгина қисмини босиб олиб, унга қўшни бўлган мамлакатларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун сиёсий ва дипломатик тайёргарликни кенг йўлга қўйиб юборган эдилар.

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар, т. IX, 383-бет (русача нашри).

Британия колонизаторлари Ҳиндистонда босқинчилик сиёсатини ҳамон давом этдириб, аста-секин бутун Ўрта Шарқ бўйлаб тажовуз қилмоқда эдилар. Афғонистон ва Ўрта Осиё хонликлари Англияning босқинчилик планларининг бевосита объектига айланган эди.

Ўрта Шарқ мамлакатларини, айниқса Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш учун инглиз колонизаторлари ўзларининг бутун макр, ҳийла-найрангларини ҳамда ҳарбий кучларини ишга солган эдилар.

XIX асрнинг 30-йилларида инглиз сиёсатчилари ва дипломатлари Ўрта Осиё ҳамда унга қўшни бўлган давлатларни босиб олиш учун тайёргарлик кўриш билан бир вақтда, гўё Россия Ҳиндистонга қарши юриш учун зўр бериб тайёргарлик кўраётган эмиш, деб бутун дунёга овозларини барада қўйиб бақирап эдилар. Шу билан бирга, улар Россия босиб келаётгани учун Англия фақат «ўзининг Ҳиндистонини» ҳимоя қилаяпти, деб исбот қилишга зўр бериб уринадилар. Ҳақиқатда эса, бу билан улар ўзларининг Ўрта Осиёни босиб олиш учун қилаётган агресив ҳаракатларини бекитмоқчи бўлган эдилар.

Инглизлар Ўрта Осиёда, жумладан Бухоро хонлигига ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун, ҳаммадан аввал, бир томондан, бу районлар билан иқтисодий алоқалар боғлаб, Ўрта Осиё бозорларини Англия таъсирига олиш, иккинчи томондан, дипломатик муносабатлар билан сиқиб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатишни қўзда тутган эдилар.

Савдогарларнинг берган айrim маълумотларига қараганда, Англияning саноат моллари Ўрта Осиё бозорларида биринчи марта 1825 йилда пайдо бўлган эди¹.

Бухорода инглиз саноат молларининг пайдо бўлиши Россияning ҳукмрон доиралари ичida бироз безовталик пайдо қилиб, ҳатто у, Осиё савдо комитетида муҳокама қилинган эди².

Инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларига кириб келиши билан Россиянда пайдо бўлган безовталик Ост-Инд компаниясиning лейтенанти А. Бернснинг 1831—1833 йилларда Бухорога қилган «саёҳатидан» кейин кучаяди. Чунки, А. Бернснинг олдига қўйилган вазифалардан бири Ҳинд дарёси бўйлаб Ўрта Осиёга Ҳиндистондан янги савдо йўлини очиш ва бу дарё орқали молларни олиб бориш учун Ҳинд ҳокими билан шартнома тузишдан иборат эди.

Шубҳасиз, инглизларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши учун бу янги йўлнинг барпо этилиши хонлиқдаги рус савдо муносаба-

¹ М. К. Рожкова. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. М.—Л., 1949, 219-бет.

² Уша асар, 219-бет.

батларига бевосита хавф туғдиради. Мана шунинг учун ҳам инглиз-рус рақиблиги масаласи Россия ҳоким доиралариңнг диққатини тортувчи бир мавзуга айланади. Шундай қилиб, XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, Урта Осиёда инглиз-рус савдо-рақобати вужудга келади.

Адабиётларда берилган маълумотларга кўра, инглизлар билринчи вақтларда Урта Осиё бозорларига арzon нарх билан ўз саноат молларини юборгандар. Инглизларнинг Урта Осиё савdosiga нисбатан тутган бундай ишлари вақтинчалик бўлиб, ўзлари бироз зарап кўришларига қарамасдан, Урта Осиё савdosini тамоман Англия таъсирига олиш, асрлар давомида Урта Осиё хонликлари билан савдо алоқасида бўлиб келаётган Россияни у ердан бутунлай сиқиб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Чунки, Урта Осиё билан қадимдан бевосита дўстлик муносабатида бўлиб келган Россия Англия тажовузкорлари назарида жиддий бир рақиб бўлиб, Урта Осиё, жумладан Бухоро хонлигининг Россияга нисбатан яқинлашиш ҳаракатлари Англия капиталистларининг қаттиқ ғазабини келтиради.

Инглиз манбаларида келтирилган далилларга қараганда, XIX асрнинг 30-йиллари бошларидан ёки Урта Осиё бозорларидан инглиз молларининг нархи рус молларига нисбатан анчагина ошган эди. А. Коноллининг сўзига кўра, рус моллари арzon бўлишига қарамасдан, инглиз моллари Бухоро бозорида афзалроқ кўрилар эди. Унинг фикрича, агарда кейинчалик инглиз молларининг нархи рус молларининг нархигача камайса, улар русларни Урта Осиё бозорларидан сиқиб чиқаришлари мумкин¹.

А. Коноллининг бу фикрлари бутунлай асоссиз бўлиб, Россияни инглизлар Урта Осиё бозорларидан сиқиб чиқаришлари мутлақо мумкин эмас эди. Чунки, биринчидан, Англия Урта Осиё бозорларидан фақат ип газламалар савdosida Россияга рақиб бўлиб, қолған савдо (металл ва тайёр буюмлар—М. А.) бутунлай Россиянинг қўлида эди, иккинчидан, англичанлар ўз маҳсулотларини нақд олтинга сотиб, Урта Осиё молларини сотиб олмас эдилар. Россия бўлса, ўз молларини сотиш билан баробар, Урта Осиёнинг маҳаллий маҳсулотлари харидори ҳам эди. Шуларга асосан, инглизларнинг Урта Осиёга қилган иқтиносидий ҳужумларининг муваффақиятсиз чиқиши муқаррар эди.

А. Бернс Бухорода кўпгина маҳсулотлар савdosida русларнинг инглизларга нисбатан устунлигини баён қиласди².

¹ A. Conolly. Journey to the North of India overland from England through Russia, Persia and Afghanistan. London, 1838. t. I., pp. 232—233.

² А. Бернс. Путешествия в Бухару: рассказ о плавании по Инду до Лагора с подарками Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятым по предписанию Высшего правительства Индии в 1831, 32 и 33 гг. лейтенантом Ост—Индийской службы А. Берном, I қисм, М.—1848, IV-бет.

1843—1845 йилларда Бухорога борган инглиз разведкачиси Ж. Вольф Бухоро бозорини тасвир этар экан, Бухоро бозорида сотилаётган молларнинг асосини рус буюмлари ташкил этишини ва Бухорода 300 га яқин Ҳиндистон савдогарлари бўлишига қарамасдан, асосий савдо Россия билан боғлиқ эканлиги тўғрисида ёзади¹.

Юқорида қайд қилинганлар асосида, XIX асрнинг 30—40-йилларида инглизларнинг ўз саноат моллари билан Ўрта Осиё бозорларига кириб келишга зўр бериб қилган ҳаракатлари Россия ҳукмрон доиралари ҳамда рус савдогарлари ўтрасида беъзовталик туғдирган бўлса ҳам, лекин Россия ва Ўрта Осиё, жумладан Бухоро хонлиги ўтрасидаги савдонинг умумий ҳолатига айтарлик таъсир этган эмас, деган холосага келиш мумкин.

Инглиз мустамлакачилари Бухоро хонлигида ўз таъсирини ўрнатиш учун иқтисодий жиҳатдан у ерга кириб бориш билан бир вақтда, сиёсий томондан ҳам ўз тайёргарликларини кучайтирган эдилар.

XIX асрнинг 20—40-йилларида Ўрта Осиё хонликлари Британия Ҳиндистони орқали юборилган маҳсус миссиялар томонидан жуда синчилаб ўрганила бошлайдилар.

Бу вақтларда Ўрта Осиё хонликларига юборилган инглиз экспедициялари олдига қўйилган асосий вазифалар: биринчидан, мамлакатнинг географиясини, иқтисодий аҳволини ҳамда савдодаги умумий ҳолатини ўрганиш бўлса, иккинчидан эса, у ерларда ўз таъсирини кучайтириш учун мамлакатнинг сиёсий ҳаётида катта таъсири бўлган кишилар билан қандай қилиб бўлмасин яқинлашиб, савдо шартномасини боғлашдан иборат эди.

1819—1825 йилларда Ҳиндистондан Бухорога Британия ҳукумати томонидан маҳсус тапшириқлар билан В. Муркрофта ва Г. Требек экспедицияси юборилади. Экспедициянинг расмий мақсади Ост-Инд компаниясининг отлиқ аскарлари учун «зотли отлар ахтаришдан» иборат эди. Ҳақиқатда эса, у Амурдарё водисига инглизларнинг босиб кириши мумкинлигини аниқлаш учун юборилган разведка қилувчи экспедиция эди. Инглиз жосуларини Ўрта Осиё ҳайвонот дунёси эмас, балки унинг бозорларида Англия ҳукмронлигини ўрнатиш қизиқтиради. В. Муркрофтанинг олиб келган ҳужжатларини нашр этган Вильсон тўғридан-тўғри кўрсатадики, экспедициянинг мақсади

¹ J. Wolff. Narrative of a Mission to Bouchara in the years 1843—1845 to ascertain the fate of colonel Stoddart and captain Conolly. New-York, 1845, p. 272.

Ўрта Осиёда Россия савдосини бутунлай битириш түғри келмаган тақдирда, қисман бўлса-да, чек қўйишдан иборат эди¹.

XIX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёга юборилган инглиз миссиялари, асосан, Англия буржуазияси томонидан юборилиб, 30-йилларга келганда бу ишга Британия ҳукуматининг ўзи бевосита раҳбарлик қила бошлайди. Бу воқеа инглизларнинг агрессив планларини амалга ошириш учун Ўрта Осиёга қатъий суратда кириб келишидан дарак берар эди.

Бунинг асосий сабаби 1825 йилда Англияда бошланган кризис бўлиб, у бутун Англия саноатининг деярлик кўпгина қисмини ўз ичига олган эди. Оқибатда мамлакатнинг бутун экономикиаси катта зарар кўрган эди. Бу оғир аҳволдан қутилиш учун инглиз ҳукумати XIX асрнинг 30-йилларида бутун Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё бўйлаб кенг савдо ва дипломатик юриш қилишга бошлайди.

Бундай юришнинг муҳим этапларидан бирى 1831—1833 йилларда Ҳиндистондан инглиз-ҳинд ҳарбий ва сиёсий разведкасининг агенти Александр Бернснинг Кобулга ва Бухорога юборилишидан бошланади. А. Бернсга ҳарбий ва географик маълумотлар тўплаш ва Кобул ҳамда Бухоро ҳоким доиралари билан савдо ва дипломатик алоқа боғлаш топширилган эди.

Булардан ташқари, унга Ўрта Осиё билан савдо алоқасини кучайтириш ва Ўрта Осиё савдогарларини Россия таъсиридан Англия таъсирига тортиш учун Ҳиндистондан Ўрта Осиёга янги савдо йўли очиш, шунингдек, Россиянинг Нижегород ярмаркасига ўхшаган савдо пунктини очиш учун энг қулай жойни белгилаш юкланган эди.

А. Бернс ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақият билан бажариш учун ҳар хил ваъдалар, ҳамда, вақти келганда, «очиққўллик» билан олтин улашиш каби ўйларни қўллади. У Бухорода хонликни инглиз ҳокимлигига бўйсундириш учун кепрак бўлгани ҳар хил иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий маълумотларни тўплайди. Бухорода у Ўрта Осиё савдоси тўғрисида, савдо йўллари ва марказлари, ҳамда чиқариладиган ва олиб келинадиган асосий моллар тўғрисида турли маълумотлар тўплайди. Айниқса, уни Ўрта Осиёга Россиядан келтириладиган саноат моллари қизиқтирас эди. Ҳатто, Бухоро бозорларига олиб келинган рус саноат молларининг рўйхатини ҳам олган эди².

Бу далиллардан маълумки, инглизлар Ўрта Осиё бозорларидан Россияни тамоман сиқиб чиқариш учун, аввало, у бозорлардаги ҳолатни ўргангандар. Чунки, бу бозорларда Россиянига

¹ W. Moorcroft and G. Trebeck. Travels in Himalayan provinces of Hindustan and Panjab, In Ladak and Kashmır in Peshawer, Kabul, Kundur and Bouchara from 1819. to 1825. London, 1841, pp. 3—4.

² А. Бернс. Уша асар, т. III, 560-бет.

рақиб бўлиш учун, биринчи навбатда, бу ерга келадиган рус молларини ва уларнинг нархларини билиш лозим эди. А. Бернс Ўрта Осиё савдогарларини Россиянинг Нижегород ярмаркасидан тортиш учун келгусида кўриладиган инглиз ярмаркасига Ҳинд дарёсининг ўрта оқимидағи Дерағозихон мавзунин белгилаган эди.

Шундай қилиб, А. Бернс Бухорода, умуман Ўрта Осиёда жуда чукур разведка өлиб борди ва инглизларнинг Ўрта Осиёнинг энг ичкари районларига босиб кириши ва Ўрта Осиё халқларини қул қилиш планларини амалга ошириши учун жуда керакли маълумотлар билан Британия ҳукуматини таъмин этади.

XIX асрнинг 20—30-йилларида инглизлар, асосан, Ўрта Осиё бозорларини Англия таъсирига олиш, у ердан Россияни сийқиб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар, 40-йилга келганда улар Ўрта Осиё хонликларида ўзларининг сиёсий жиҳатдан тўла ҳукмронликларини ўрнатиш ва Россияяга қарши уч хонликдан иборат коалиция тузишга ҳаракат қилдилар.

Инглизлар ўзларининг бундай ўтакеттан тажовузкор планларини амалга ошириш учун қилаётган ҳаракатларини бекитиша бошқа халқлардан айрим кишиларни ёллаб, Ўрта Осиёга юборар эдилар.

Марксизм-ленинизм классиклари кўрсатгандаридек: «...инглиз буржуазияси бевосита ўзи урушни ёқтирамайди, у ҳамма вақт бировлар воситаси билан урушни афзал кўриб келган. Баъзida у, бировларнинг ҳузур-ҳаловати учун ўзини ўтга уришдан ҳам қайтмайдиган аҳмоқларни топар ҳам эди»¹.

«Тарихи Туркистон» асарининг автори Мулла Олимнинг берган маълумотларига қараганда, 1834 йилда Эрон орқали Бухорога Абдулсамад Табризий номли бир киши юборилади².

Абдулсамад биринчи марта Эронда инглиз агентураси томонидан ёлланиб, Ҳиндистонда маҳсус ҳарбий ва сиёсий жосуслик мактабини ўқиб битирган ва Афғонистон орқали Бухорога юборилган эди. Бу инглиз разведкачисининг фаолияти инглиз агрессорлари Ўрта Осиёда олиб борган қўпорувчилик ишларининг қанчалик чукур ва ўткир эканлигини кўрсатади.

Абдулсамад Бухорога келгач, инглиз агентураси томонидан топширилган вазифаларни бажаришга киришди. Тез орада у Бухоро амири Насруллонинг ишончини қозониб, Бухорода Европа тартибида мунтазам қўшин тузишга эришди. У мунтазам қўшин учун ҳатто икки юзга яқин Эрон асирларини ҳам сотиб олган эди³.

¹ И. В. Стalin. Асарлар, том IX, 361-бет.

² Мулла Олим. Тарихи Туркистон نارجیز ترکستان Тошкент, 1915 йил, 192—193-бетлар.

³ Мулла Олим. Ўша асар, 192-бет.

Абдулсамад инглиз намунасидағи тұплар қүйиш учун махсус корхоналар ташкил қылади. Бу корхоналарда тұплардан ташқары ҳар хил қуроллар ва ҳарбий аравалар тайерлаттирилди. У шахсан ўзи құмандонлик қилиш учун отлиқ аскар ва тұпчилар отрядини уюштиради¹.

Абдулсамад аста-секин амир Насрулло олдидә шунчалик обруға эга бўладики, ҳатто 1842 йилда Бухорода бўлган Н. Хаников, бирдан-бир Абдулсамадгина хонликда таъсирга эга бўлган киши, деб ёзган эди². Шу вақтларда Бухоро амири Насрулло эса унга ноиблик вазифасини беради³. У Бухоро хонлигининг бутун ҳарбий қўшини устидан қўмандонликни ўз қўлига олиб, Бухоро амирининг юришларида иштирок қила бошлайди. Унинг тұплари ва янги тартибдаги отрядлари воситаси билан Хўжанд, Уратепа шаҳарлари, Шом ва Маҳрам қалъалари босиб олинади⁴.

Аммо, орадан кўп ўтмасдан, Бухорода Абдулсамаднинг ҳақиқий башараси очилиб қолади. Чунки, у, бу вақтларда Бухорога келган инглиз агентлари билан яқин алоқада бўлиб, инглиз агентураси фойдасига иш олиб бормоқда эди. Н. Залесов, 1842 йилда Бухорога борган рус элчиси К. Бутенев Абдулсамаднинг ҳузурига кирган вақтида унинг полковник Стоддарт билан сұхбат қилиб ўтирганини учратганлиги тўғрисида ёзади⁵.

Мулла Олим ҳам ўз асарида, кейинги вақтларда Бухорода Абдулсамад тўғрисида ивир-шивир гаплар кўпайиб кетганлиги сабабли, у ўзига тегишли кишилар билан Бухорони ташлаб қочиб кетганлигини баён қылади⁶.

Лекин Абдулсамад қўлга туширилиб, Бухоро амири томонидан аввал зиндонга ташланади ва кейинчалик осиб ўлдирилади. Шундай қилиб, Абдулсамад Бухоро хонлигига инглиз таъсирини ўрнатиш учун Ўрта Осиёга Британия агентураси томонидан юборилган бирдан-бир ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан қуролланган инглиз разведкачиси эди.

1838—1840 йилларда Британия агентураси Россия ва Хева хонлиги ўргасидаги дипломатик алоқаларнинг кескинлашганлигидан фойдаланиб, Ўрта Осиё хонликлари устидан Англия-нинг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатиш ва уларни бирлаштириб,

¹ Мулла Олим. Ўша асар, 192-бет.

² Н. Хаников. Описание Бухарского ханства, СПб, 1843, 231—232-бетлар.

³ Мулла Олим. Ўша асар, 193-бет, Н. Хаников, Ўша асар, 235—236-бетлар.

⁴ Мулла Олим. Ўша асар, 193-бет.

⁵ Н. Залесов. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 г. по 1843г, 24-бет. Яна қаранг: Н. Хаников. Ўша асар, 232-бет.

⁶ Мулла Олим. Тарихи Туркистон, 193-бет.

Россияга қарши қўйиш учун Аббот, Шекспир, Стоддарт ва Ко-
нолли каби разведкачиларни юборади.

Инглиз разведкачилари ва диверсантларининг энг кўзга кў-
ринганларидан бири полковник Стоддарт Англия Ташки Ишлар
министри Пальмерсоннинг буйруғи билан Бухоро хонлигидаги
«рус қулларини озод этиш» баҳонаси билан 1838 йилда Бухо-
рога келган эди.

Ҳақиқатда эса, Стоддартнинг асосий вазифаси Бухоронинг
жоким доиралари билан Россияга қарши биргаликда кураш олиб
бориш учун шартнома тузишдан иборат эди.

«Тарихи Туркистон» асарида инглизларнинг Бухорода олиб
борган агресив ва қўпорувчилик ишлари тўғрисида жуда қим-
матбаҳо маълумотлар келтирилади. Асарда берилган маълумот-
ларга қараганда, инглиз разведкачиси Стоддарт амир Насрулло
томонидан икки марта қабул қилинib, қўйидаги масалалар юза-
сидан музокаралар олиб борилган эди.

«Элчи бўлиб келган Стоддартнинг маслак ва муддаоси инг-
лизлар тарафидан бирор турли ёмон ният, зарар келтирмасликка
амирни ишонтириб, бошқа давлатнинг, яъни Россиянинг бу мам-
лакатларга қасд ва тажовузидан сақланмоқни ва мудофааэт-
моқни хоҳлаганидан иборат эди. Бунинг ила баравар, агар амир
хоҳиш қилиб, муносиб кўрса, Бухоро аскарларини жадид ва те-
зотар тўплар ила салоҳлантироқ ва аскарий муаллимлар бер-
моқ ва Россиянинг хуфъя ҳаракат ва муддаосидан Бухоро ху-
куматини хабардор қилмоқ эди»¹.

Бухорода Стоддарт ўзининг дипломатик вазифалари билан
кифояланмасдан, инглиз агентураси учун керакли маълумотлар
тўплаш учун шаҳарда эртадан-кечгача санқиб юрар эди. У, Бу-
хорода шунчалик сурбетлик ва қўпоплик билан иш олиб борган
эдики, ҳатто Бухородаги одатларга риоя қилмасдан, хоннинг
саройи олдидан от устида ўтган эди².

Бу воқеа инглизларнинг агресив мақсадларини сезиб қол-
ган амир Насруллога Стоддартни зинданга ташлаш учун етар-
ли баҳона бўлган эди.

Лекин Мулла Олим ўз китобида бу воқеага юзаки қараб,
Стоддарт фақат Шарқ урф-одатини бузганлиги учун зинданга
ташланган, деб баён қиласди³.

Стоддартнинг таклифларига амирнинг қизиқиб қарамаслиги
ҳамда унинг Бухоро хонлиги пойтахтида олиб борган амалий
ҳаракатларининг бухороликлар томонидан кузатиб борилиши,
шунингдек, охирида Стоддарт тутилиб, зинданга ташланиши

¹ Мулла Олим. Тарихи Туркистон, 194-бет.

² Уша асар, 195-бет.

³ Уша асар, 195-бет.

Англияниң Бухорога нисбатан қўпол бир ғаразда эканининг амир Насрулло томонида пайқалиши натижаси эди. Англияниң Афғонистонга нисбатан олиб бораётган агрессив муномаласи Бухоро ҳукмрон доираларининг кўзини очмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Россия билан Бухоронинг иқтисодий муносабатлари тарихида очиқдан-очиқ агрессивчилик ғаразларининг йўқлиги ва Бухоронинг иқтисодий ўсиши, Россия билан тарихий боғланиб қолганлиги бу алоқаларга халақит берадиган ҳар бир ҳаракатга Бухоро ҳоким доираларининг шубҳа билан қарашига мажбур этарди.

Инглизларнинг Афғонистон пойттахти Кобулгача босиб келиши (1839) ва Англия ҳукумати Стоддартни озод этишни сўраб Бухоро амирига хат юборишидан хавфсираган амир Насрулло ни инглиз жосусини зиндандан бўшатишга мажбур этади.

Аммо Стоддарт ўз қабиҳ мақсадларини амалга оширмасдан Ҳиндистонга қайтишни истамайди. Стоддарт Ҳиндистон ҳокимларидан бирига: «Мен бу ерда бироз қолишга қарор қилдим, сўнг шарининг бу қисмидаги мамлакатларда Британия мамлакатининг зўр таъсирини жорий қилиш учун қўлимдан келган барча чорани кўраман», деган мазмунда хат ёзган эди¹.

Аммо, Стоддарт Британия агентураси учун Бухорода деярли ҳеч қандай иш қилишга улгурмасдан, яна иккинчи марта маркази зинданга ташланди, унинг тўплаган маълумотлари эса Бухорода қолиб кетди.

Стоддартдан кейин Ўрта Осиёга капитан Қонолли юбориляди. У 1842 йилда Хевага келиб, Хева хони орқали Стоддартни қутқаришга ҳаракат қилиш билан бир вақтда, ўзининг қушбеги ва меҳтар билан шахсий учрашувларида хеваликларни Бухорога қарши урушга отлантириш учун ҳар томонлама ҳаракат қилди².

Аммо Қонолли Хевада ўз мақсадига эришмасдан, махфий равишда, «Тарихи Туркестон» асарининг автори Мулла Олим сўзи билан айтганда, «махфий йўллар билан» Қўқонга жўнайди. Бу вақтда Қўқон хони Муҳаммадалининг Бухоро аскарлари билан урушда енгилиши Қонолли планларининг барбод бўлшига олиб келди³. Айни замонда у шундай бир аҳволга тушиб қолган эдик, ҳатто қочишга ҳам улгура олмасдан, тўғри Бухорога боришга мажбур бўлди.

Қоноллининг ҳақиқий мақсадларини олдиндан сезган амир Насрулло Бухорога етиб келиши биланоқ, уни зинданга ташлайди. Эрон тарихчиси Маҳмуд Маҳмудийнинг сўзига қараган-

¹ К. Нейман. Афғанистан и англичане в 1841—1842 гг. М., 1848, 195-бет.

² А. Г. Серебренников. Туркестанский край. «Сборник материалов для истории его завоевания», т. III, 55—57-бетлар.

³ Мулла Олим. Уша асар, 196—196-бетлар.

да, Афғонистонда инглиз қўшиларининг мағлубиятга учраганини эшитгач, Бухоро амири Стоддарт ва Коноллиларни қамоққа олишга буюрган эди¹. Шундай қилиб, фош этилган икки инглиз разведкачилари: капитан Конолли ва полковник Стоддартлар Бухоро зинданига тушган эдилар.

Инглиз колонизаторлари агентурасининг бу ҳаракатлари Урта Осиёда Россиянинг иқтисодий ва сиёсий таъсирини қўпориб ташлаб, у ерда ўз плацдармларини ўрнатиб, Россияга қарши кураш учун қаратилган эди. Мулла Олим ўз асарида инглизларнинг бу ҳаракатларини фақат Эрон ва Афғонистон чегараларига Россияни яқинлаштирумасликдан иборат, деб қайд қиласди². Лекин, у инглизларнинг Урта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, у ерда яшовчи халқларни қул қилиш ва Россияга қарши курашда Урта Осиёни плацдармга айлантириш мақсадидан эканини сезмаган. Буларга қарамасдан, «Тарихи Туркистон» асарида берилган маълумотлар XIX асрнинг 30-ва 40-йилларида инглиз тажовузкорларининг Урта Осиёда олиб борган қўпорувчилик ҳаракатларини фош этишда биринчи даражали манба бўйлб хизмат қиласди. Асарда берилган бу маълумотлар жуда қимматли материалдир, чунки улар бошқа адабиётларда мана шундай батафсил қайд қилинмайди.

Хатто Бухоро зинданига ташланган Стоддарт ва Конолли ўз жонларини сақлаб қолиш учун исломни қабул қилишга ҳам тайёр эдилар³. Лекин, уларни бу ҳам қутқара олмади. Улар халқ ўртасида Бухоронинг марказий майдонида осиб ўлдирилди⁴.

Конолли ва Стоддартни қутқарниб олиш учун Ҳиндистон генерал-губернаторининг ҳаракати ҳам, Британия королевасининг Бухоро амирига ёзган шахсий хати ҳам, Россия, Туркия ҳамда Хева хонлигининг ҳомийлик қилиб, ўртага тушиши ҳам фойда бермади⁵.

Шундай қилиб, инглиз колонизаторларининг XIX асрнинг 30—40-йилларида Россиянинг Урта Осиёдаги таъсирини қўпсошиб ташлаб, у ерда инглиз ҳукмронлигини жорий этиш учун

ناریخ روایت ساسی ایران و اسلام
انگلیبی در فرن نوزدهم میلادی تالیف محمود و محمودی.

جلد دوم اردیبهشت ماه ۱۳۲۹، شهر تهران

¹ Маҳмуд Маҳмудий. Уша асар, 195-бет.

² Мулла Олим. Уша асар, 361-бет.

³ Маҳмуд Маҳмудий. Уша асар, 196-бет.

⁴ К. Нейман. Афғонистон и англичане в 1841—1842 гг., 108—110-бетлар.

тузган планларини амалга оширишда олиб борган тажовузкорлик ва қўлпорувчилик ҳаракатлари Ўрта Осиё хонликлари томонидан қаттиқ қаршиликка учраб, бутунлай барбод бўлди. Чунки, инглиз колонизаторлари томонидан Ҳиндистоннинг босиб олиниши ва ҳинд ҳалқининг бўйнига солингган колониал занжир ҳамда уларнинг афон ҳалқига кўрсатган «ёрдамлари» ва «дўстлик муносабатлари» натижасида келиб чиқсан биринчи инглиз-афон уруши (1838—1842) ва бу урушда инглизларнинг тамоман мағлубиятга учрагани бутун Шарққа мъалум бўлган эди. Булардан ташқари, Ўрта Осиё хонликлари, жумладан Бухоронинг Россия билан жуда қадим замонлардан бери давом этиб келаётган ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий алоқалар билан боғланиб келиши, Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдодан иккι томоннинг ҳам манфаатдор бўлиши Ўрта Осиё хонликларининг инглиз колонизаторлари билан яқинлашишига йўл қўймас эди.

II. XIX АСРНИНГ 30—50-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР

XIX асрнинг 30—50-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар қайд қилинар экан, аввало, бу муносабатларнинг асосини ташкил этган иқтисодий алоқалар ва уларнинг умумий ҳолати устида бироз тўхтаб ўтиш лозим.

Бу вақтларда Бухородан Россияяга чиқариладиган маҳсулотларнинг асоси: пахта, йигирилган ип ва маҳаллий тўқима ип газламалардан иборат бўлиб, пахта билан йигирилган ип Бухоро экспортининг 25 процентини, ип газламалар ҳам 25 процента ни ташкил қиласади. Булардан ташқари, Бухородан гилам, ҳар хил мўйналар ва қуруқ мевалар чиқарилар эди. Бухородан Россияяга чиқариладиган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 1837—1839 йиллар учун берилган маълумотлар бўйича, йилига, ўрта ҳисоб билан, 264 минг сўмдан то 3. 550 минг сўм орасида тебраниб турган бўлса, Россиядан Бухорога келтирилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми йилига, ўрта ҳисоб билан олинганда, 1. 180 минг сўмдан то 1 600 минг сўмгача етиб борган эди¹.

Худди шу вақтларда Россиядан Бухорога чиқариладиган маҳсулотлар, асосан, тўқима ип-газламлар, мовут, чарм; металлардан: мис, темир, чўян, металл буюмлар, олтин ва бўёқдан иборат эди.

Н. Ханиковнинг берган маълумотларига қараганда, Россиядан Бухорога 1830 йилда 1 миллион 834 минг 571 сўм 80 тийин-

1 Е. В. Бунаков. К вопросу о сношениях России с среднеазиатскими ханствами в XIX в., 17—18-бетлар.

лик мол чиқарилган бўлса, 1840 йилга келганда Бухорога олиб келинган рус маҳсулотларининг умумий ҳажми 3 миллион 283 минг 654 сўмгача ошиб борган эди¹.

Бу маълумотлардан очиқ кўриш мумкинки, XIX асрнинг 30—40-йиллари давомида Россия ва Бухоро савдо муносабатлари, бир томондан, Қозоғистондаги тўхтовсиз талончилик, иккинчи томондан, Ҳиндистондан инглиз маҳсулотларининг Ўрга Осиё бозорларига, айниқса, Бухорога аста-секин кириб келиши ва бу ерда рус молларига нисбатан рақобатининг кескинлашувига қарамасдан, бу икки давлат ўртасидаги савдо йилдан-йилга ривожланиб борар эди.

Умуман, Ўрга Осиё савдоси учун берилган айrim маълумотларга қараганда, бу савдодаги товар обороти 1826—1840 йиллар ичida икки бараварга яқин ошган эди².

XIX асрнинг 30—40-йиллари давомида Россия ва Ўрга Осиё хонликлари ўртасидаги савдо алоқаларининг янги характерли ҳолатларидан бири: бир томондан, Ўрга Осиёдан Россияга олиб бориладиган маҳсулотлар ичida пахтанинг ҳажми йигирилган ипга нисбатан, иккинчи томондан, Россиядан Ўрга Осиё бозорларига олиб келинадиган молларнинг орасида тайёр маҳсулотнинг, жумладан тўқима ип-газламаларнинг солиштирма оғирлигининг аста-секин орта боришидан иборат эди.

1834—1840 йиллар ичida Россиядан Ўрга Осиёга олиб келинган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 50—60 проценти тайёр маҳсулотдан иборат эди³.

Россия билан Ўрга Осиё ўртасида савдо алоқаларида пайдо бўлган бундай ҳолат XIX асрнинг 40—50-йиллари давомида яна ҳам кучаяди. Бу вақтларда Россиядан Ўрга Осиёга чиқариладиган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 60 процентдан то 80 процентигача тайёр маҳсулот ташкил қиласкан эди. Масалан, Россия экспортининг 30 проценти ип-газлама, 22 проценти ҳар хил олтин червои пули, 12 проценти чарм ва 15 проценти металл ҳамда металл буюмлардан иборат эди. Шу вақтларда Ўрга Осиёдан Россияга чиқариладиган маҳсулотларнинг 30 процентини пахта билан йигирилган ип, 45 процентини маҳаллий тўқима ип-газламалар ва 12 процентини ҳар хил мўйналар ташкил қиласкан эди. Бу вақтларда Россияга чиқариладиган пахтанинг умумий ҳажми йигирилган ипнинг ҳажмига қараганда, 70 процента яқин борар эди⁴.

¹ Н. Ханыков. Описание Бухарского ханства, СПб, 1843, 171-бет.

² Ўша асар, 171-бет.

³ Е. В. Бунаков. Ўша асар, 17-бет.

⁴ С. Хрулев. Проект устава товарищества для развития торговли с Средней Азией, СПб, 1863, 22—31-бетлар.

Демак, XIX асрнинг 30—50-йилларида Россия ва Ўрта Осиё жумладан Бухоро хонлиги ўртасидаги савдода Россиядан чиқариладиган молларнинг ичида тайёр маҳсулотнинг, айниқса, тўқима ип газламаларнинг ҳажми, Ўрта Осиёдан олинадиган маҳсулотларнинг орасида йигирилган ипга нисбатан пахтанинг ҳажми тез суръат билан ортмоқда эди. Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги иқтисодий алоқаларда пайдо бўлган бундай ҳолат, асосан, Россияда бу вақтларда саноатнинг, айниқса, тўқимачилик саноатининг ривожланиши билан боғлиқ эди.

XIX асрнинг иккинчи чораги Россия саноатида қўлда ишлаб чиқаришдан машиналаштирилган ишлаб чиқариш техникасига ўтиш даври бўлиб, бу биринчи навбатда тўқимачилик саноатида бошланган эди. Айниқса, у 1842 йилда инглиз ҳукумати чет давлатларга машина чиқаришга очиқдан-очиқ рухсат этганидан сўнг, жуда ривожланади. Масалан, агарда 1841 йилда Россияда 20 дона ип йигириш ва 224 тўқимачилик корхонаси бўлган бўлса, 1850 йилга келгандা, ип йигириш корхонасининг сони 15. 877, тўқимачилик корхонасининг сони 12. 771 га етган эди¹.

Россия саноатидаги, жумладан тўқимачилик саноатидаги бундай ўзгариш, биринчи навбатда ташки давлатларга, айниқса, Ўрта Осиёга чиқариладиган маҳсулотларнинг ичида кўпроқ тўқимачилик маҳсулотлари ҳажмининг ошишига олиб келса, иккинчи навбатда, мана шу ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун кўпроқ хомашё — пахтага эҳтиёжини ошириб юборган эди. Мана шунинг учун ҳам XIX асрнинг 30—50-йиллари давомида Россия билан Ўрта Осиё, жумладан Бухоро хонлиги ўртасидаги савдода Россиядан Ўрта Осиё бозорига олиб келинадиган маҳсулотлар ичида саноат молларининг, биринчи навбатда тўқимачилик маҳсулотларининг ҳажми кўпайиб, Ўрта Осиёдан Россияга чиқариладиган маҳсулотлар орасида яrim фабрикат—йигирилган ипнинг ҳажмига нисбатан хом пахтанинг ҳажми ошиб бормоқда эди.

Аммо, Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги савдо алоқалари жуда қийинчиликлар билан олиб борилар эди. Унинг нормал ҳолати Қозогистон чўлларида тинчлик бўлишига, Россия—Хева ҳамда Хева—Бухоро ўртасидаги муносабатларнинг яхши бўлишига боғлиқ эди. «Чўлдаги осойишталик ва қозоқ ўрдалари ўртасида тинчликсеварлик муносабатлар бўлиб туриши Ўрта Осиё савдосининг ривожланишига катта таъсир этар эди»,—деб

¹ Сборник сведений по истории и статистике внешней торговли России. Покровский таҳрири остида. СПб, 1902 йил, 275—276-бетлар.

Россиянинг ташқи савдо департаментининг отчетларида қайд қилинар эди¹.

Хева хонлиги Ўрта Осиё ва Россия савдосида Бухоро хонлигига нисбатан иккинчи ўринда турган бўлса ҳам, лекин у бу савдода энг муҳим ролни йўнар эди. Чунки, Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги энг қулай ва яқин савдо йўллари Оренбург ва Троицк шаҳарлари орқали ўтиб, Оренбург линиясидан чиққаң карвонлар Бухорога бориша Хева хонлиги териториясидан ўтар эдилар. Мана шунинг учун ҳам Россия ва Бухоро ўртасидаги савдонинг ҳолати, бир томондан Хева хонлигининг муносабатларига боғлиқ эди. Хева хонлиги Бухорога олиб бориладиган моллардан транзит божлар олар, қозоқларни бўлса, савдо карвонларини талашга ундар, рус ҳукуматининг Қозоғистон ҷўлларида олиб бораётган тадбир ва чораларига, қозоқ ва туркманларни тўплаб, ўз ҳарбий кучлари билан қаршилик қиласар эди. Савдо йўлларида бундай ҳолат Россия ва Бухоро ўртасидаги савдонинг ривожланишига, албатта, салбий таъсири этар эди. Булардан ташқари, Бухорода рус савдогарларидан Осиё савдогарларига нисбатан жуда катта божлар² олинар эди. Россия ва Бухоро савдо алоқаларида мавжуд бўлган бундай қўйинчиликлар рус савдогарларининг Ўрта Осиё, жумладан Бухоро хонлиги билан бевосита савдо қилишига тўсқиганлик қиласар эди. Шунинг учун ҳам улар одатда савдони Ўрта Осиё савдогарларининг воситачилиги билан олиб борар эдилар.

Ўрта Осиё, айниқса, Бухоро хонлиги билан бўлган савдо муносабатларининг борган сари юксалиши ва Бухоронинг рус моллари ҳамда рус саноатининг хомашё бозори сифатида аҳамиятигининг ортиши рус савдогарларини бевосита Бухоро билан савдо қилишга тортар эди. Натижада, XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, рус савдогарлари Ўрта Осиё хонликлари билан бевосита савдо қилишга ҳаракат қилиб, Россия ҳукуматидан Бухорода рус савдогарларидан олинадиган божларни қисқартириш, Бухоро ва Хева савдо йўлларида карвонсаройлар қуриш, Бухорода рус элчилигини ташкил қилиш ҳамда Ўрта Осиёга олиб бориладиган моллардан Хевада транзит бож олинмаслиги: чораларини кўриш каби талаблар билан рус ҳукуматига мурожаат қила бошлаган эдилар³.

Рус савдогарларининг бундай талаблари Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсатига ҳамда унинг

¹ М. К. Рожкова. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. М.—Л., 1949, 346-бет.

² Бухорода маҳаллий савдогарлардан 5 процент, рус савдогарларидан эса 10 процентгача бож олинар эди.

³ М. К. Рожкова. Ушасар, 356—357-бетлар.

Бухоро билан дипломатик муносабатларига таъсир этмасдан қолмас эди.

Рус фабрикантлари ҳам Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш тарафдори эдилар. Россияда бу вақтларга келиб, капиталистик муносабатларнинг юксалиши билан ўсиб келаётган маҳаллий рус буржуазиясининг вакиллари Ўрта Осиё савдосида буржуазия манфаатларини кўзда тутивчи талаблар билан давлатнинг хонликларга нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсатига бир мунча таъсир кўрсата бошлайдилар.

Агарда XIX асрнинг 30-йилларигача рус буржуазияси давлатнинг ташқи сиёсати юзасидан ҳукуматга очиқ мурожаат қилимаган бўлса, 30-йилларда, айниқса 40-йилларда бу буржуазиянинг айрим вакиллари ўз синфи томонидан Осиё билан бўлган савдони янада ривожлантириш ва унда рус маҳсулотларининг монопол савдосини уюштириш учун бир қанча аниқ программалар билан ҳукуматга мурожаат қила бошлаган эди. Рус буржуазиясининг мана шундай вакилларидан бири бўлган П. В. Голубковнинг бутун фаолияти Е. Н. Кушеванинг асарида¹ жуда очиқ ёритилиб берилган.

П. В. Голубков Ўрта Осиё хонликлари ва Ҳиндистон билан савдони кучайтириш учун «Россия ва Осиё савдо уйи» номи билан акцияли савдо компаниясининг ташкил этилишини таклиф қиласди. Унинг таклифи бўйича, бу савдо компаниясига Қаспий дengизида танҳо сузиш ва Туркияning шарқий қисмидан тортиб, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё хонликлари орқали Шарқий Туркистон ва умуман Ҳиндистон билан транзит савдо қилиш ҳуқуқи берилиб, унга рус ҳукумати томонидан ҳарбий куч ва пул маблағлари билан ёрдам берилиши керак эди.

XIX асрнинг 30—40-йилларида рус буржуазиясининг Осиё давлатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш учун бундай таклифлар билан чиқиши, асосан, бу вақтларда Россияда саноат ривожланиши билан хомашёга бўлган мұхтожликнинг ортишига, ва Россияда янги техника асосида ишлаб чиқарилётган ортиқча саноат моллари учун ташқи бозорнинг зарурлигига боғлиқ бўлиб, мана шундай бозор сифатида Россияга хизмат қилаётган Ўрта Осиё хонликларида ўз таъсирларини кучайтириш учун инглизларнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ҳаракатларининг борган сари кучайиши, рус буржуазиясининг Ўрта Осиё бозорига бўлган интилишини бир мунча активлаштириди. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг 30—40-йилларига келиб, Россия

¹ Е. Н. Күшевава. Среднеазиатский вопрос и русская буржуазия в 40-е годы XIX века. «Исторический сборник», вып. 3, Л., 1939, 133—162-бетлар.

ва Урта Осиё муносабатлари тарихида пайдо бўлган бундай вазият Россиянинг Урта Осиёга нисбатан олиб бораётган сиёсатига, шунингдек унинг дипломатик муносабатларига катта таъсир этган эди.

Эндиликда Россия олдида Урта Осиё бозорларида рус саводагарларининг монопол савдосини таъмин этиб, у ерда Россия таъсирини мустаҳкамлаш ҳамда инглизларнинг Урта Осиёга кириб келишига ва у ерда уларнинг таъсирини ўрнатилишига йўл қўймаслик вазифалари туради. Бу вазифаларни амалга оширишда, ҳаммадан аввал, Қозогистонда узлуксиз давом этадай феодал курашларга ва Хева хонининг Қозогистондаги бундай аҳволдан фойдаланиб, Қозогистоннинг жанубий районларини ўз таъсирига олиш мақсадида айрим қозоқ султонларига ҳомийлик қилиб, уларни Россияга қарши қўзғатилишига барҳам берилиши лозим эди. Чунки, Қозогистонда ҳукм суроётган бундай аҳвол ва Хева хонлигининг Россияга нисбатан тутган бундай душманлик муносабатлари, биринчидан, Россиянинг Урта Осиё билан бўлган иқтисодий муносабатларининг ривожланишига, айниқса, бу ерда унинг таъсири ўрнатилишига тўсқинлик қилса, иккинчидан, худди шу вақтларда Урта Осиё бозорини кўлга киритиш учун зўр бериб уринаётган инглиз мустамлакачиларининг ўтакетган агрессив планларининг амалга ошишини осонлаштираси эди.

Мана шунинг учун XIX асрнинг 30—50-йилларида Россиянинг Қозогистон ва Хева хонлигига бўлган сиёсати кескин тус ола бошлаган эди. Бу вақтларда Россия қозоқ султонларининг сиёсий ҳукмронлигини батамом чеклаб, Қозогистонда Россиянинг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатиш, шунингдек, Хева хонлигини бироз бўлса ҳам сиёсий томондан бўйсундириб, Россия таъсирига олишга ҳаракат қила бошлади.

XIX асрнинг 30—50-йилларида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатлар қайд қилинар экан, албатта, Россиянинг Қозогистонга ва Хева хонлигига нисбатан тутган сиёсати ва у ерда ўз таъсирини ўрнатиш учун олиб бораётган амалий ишларига Бухоро хонлигининг қандай муносабатда бўлгани устида бироз тўхтаб ўтмоқ лозим. Чунки, Бухоронинг Россия билан бўлган иқтисодий муносабатларининг юксалиши ҳам, бир томондан, Қозогистонда осойишталик ўрнатилиши ва Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқанинг яхшиланишига боғлиқ эди.

Агарда Қозогистонда феодал ғалаёнлар кучайиб, Хева ва қозоқларнинг бирлашган гуруҳлари томонидан савдо карвонлари талончиликка учраб, Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо муносабатларига путур етказиладиган бўлиб қолса, Бухоро хонлари Россияга ўз элчиларини юбориб, бу икки давлат ўртаси-

даги савдо алоқалариға түсқинлик қилаётган Хева хонларидан ва қозоқ султонларидан шикоят қилар ва уларнинг бу ишларига Россия ҳукумати томонидан барҳам берилишини илтимос қилар эдилар.

1836 йилда Оренбург шаҳарига келган Бухоро элчиси Болтақулибек рус ҳукуматидан хеваликларнинг савдо йўлида олиб бораётган талончилик ҳаракатларига қарши кураш бошлишини илтимос қилиб, Бухоро амирининг ҳам бу курашда Россияга ёрдам бериши мумкинлигини баён қилган эди¹.

Мана шунинг учун ҳам Қозогистонда феодал курашлар кучайган ва Хева хонлигининг Россия билан ҳам, Бухоро билан ҳам муносабати кескинлашган, шунингдек Урта Осиёда инглизларнинг тажовузкорлик ҳаракатлари тобора авж олаётган бир вақтда, Россиянинг Қозогистон ва Хева хонлигига нисбатан туваётган сиёсатига Бухоро хонлигининг қандай муносабатда бўлиши Россия—Бухоро дипломатик муносабатларининг асосий томонларидан бирини ташкил қиласкан эди.

Россия ҳукумати ҳам бу вақтларда Хева хонлиги билан муносабатларининг кескинлашуви сабабли, Бухоро хонлиги билан алоқани мустаҳкамлаш тарафдори эди. 1834 йилда рус ҳукумати Бухорога П. И. Демизонни юборган эди. Адабиётларда кўрсатилишича, П. И. Демизон Бухорога Мирза Жаъфар номи билан татар мулласи ниқоби остида келади². Аммо П. И. Демизоннинг бундай ниқоб билан юборилишининг сабаби маълум эмас. Бизнинг фикримизча, у ислом дини ва шарқ урф-одатлари билан таниш бўлганлиги учун Бухорода бемалол юриб маълумот тўплаш мақсадида бундай ниқоб остида юборилган бўлса керак. Гарчи Бухоро ҳукумати П. И. Демизонга шубҳа билан қараб, уни бироз адоват билан қарши олган бўлса ҳам, лекин амир Насрулло Россия билан Хева ўртасида уруш келиб чиқкан вақтда Бухоронинг бетараф бўлишига ваъда қиласкан эди³.

Амир Насруллонинг рус элчисига берган бу жавоби, биринчидан, Россия Хева билан тўқнашиб қолгудек бўлса, Бухоро хонлиги бунга қандай муносабатда бўлишини аниқлаш П. И. Демизонга топширилганидан, иккинчидан эса, Хева хонлигига нисбатан Россиянинг олиб бораётган сиёсатига Бухоро ҳукумати бир мунча мойил эканидан дарак берар эди.

1835 йилнинг кузида Россиядан Бухорога прапорщик Виткович бошлиқ рус элчилиги юборилди. Аммо, бу элчиликнинг юборилиш сабаблари ва унинг олдига қўйилган вазифалар ҳамда

¹ С. В. Жуковский. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. СПб, 1915, 107-бет.

² П. Савельев. Бухара в 1835 году. СПб, 1836. 22-бет.

³ С. В. Жуковский. Уша асар, 107-бет.

элчининг Бухорода олиб борган ишлари тўғрисида оммабоп адабиётларда ҳеч қандай маълумот берилмайди. Ҳар ҳолда, рус элчилиги Бухорода инглизларнинг тажовузкорлик ҳаракатлари кучайиб, Россиянинг Ўрта Осиё бозорларидағи манфаатларига хавф туғдираётганлиги сабабли, инглизларнинг бу ҳаракатларига Бухоро ҳоким доираларининг қандай муносабатда эканини аниқлаш ва Бухорода инглиз таъсирининг кучайишига йўл қўймаслик учун юборилган эди.

Бухоро ҳукумати инглизларнинг Ўрта Осиёда агрессив ҳаракатларининг кучайиши Бухоро ҳонлигининг мустақиллиги учун жуда хавфли эканини, хонлик ўзи якка ҳолда уларнинг бу агрессив ишларига қаршилик кўрсата олмасдан, Англия таъсирига ўтиб кетиши мумкинлигини, бунинг учун Россияяга яқинлашиш кераклигини ва Россия ҳомийлигининг зарурлигини яхши сезар эди. Мана шу сабабларга кўра, Бухоро амири Россия билан дипломатик алоқани мустаҳкамлаб, вақти келганда Россиянинг ёрдамидан фойдаланиш мақсадида, Бухоро ҳонлигига пайдо бўлган барча янгиликлардан, чуноччи, инглиз агентларининг Бухорога келиши ва уларнинг Бухоро ҳукуматига қилган таклифлари ҳақида рус ҳукуматини хабардор қилас, ҳатто инглизларга қандай жавоб қайтариш кераклиги ҳақида ундаи маслаҳатлар ҳам сўрар эди.

1836 йилда Россиянинг Орск қалъасига келган Бухоро элчиси қўровулбеки Қурвонбек, инглизлар Ҳиндистон орқали Бухорога ўз агентларини юбориб, бухороликлар учун керакли саноат молларини энг арzon нархлар билан олиб келишга амирни шонтиришга ва у билан шартнома тузишга зўр бериб уринаётгани, ҳамда Ранжит-Синг томонидан Афғонистон ҳокими хавфга учраб, бу умумий душманга қарши курашда Бухоро билан иттифоқ тузиш учун унинг қилган таклифи ҳақида рус ҳукуматини хабардор этиб қўйиш учун юборилганлиги тўғрисида баёни қиласди¹.

Бухоро элчисига жавобан рус ҳукумати, ўз мустақиллигичи ташқи душмандан мудофаа этиш учун Бухоро ҳонлигининг Осиё давлатлари билан иттифоқда бўлишини Россия доимо қувватлайди, деб маслаҳат берган эди².

Россияда Бухоро элчисига берилган бу жавобдан, ўзаро дипломатик алоқаларнинг мустаҳкамланиши натижасида бу икки давлатнинг Ранжит-Синг орқасида турган умумий душман— Англиянинг Ўрта Осиёга кириб келишига йўл қўймаслик учун

¹ Н. Залесов. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843 г. «Военный сборник», № 9, СПб, 1862, 7—8 ва 33—34-бетлар.

² В. В. Григорьев. Примечание к переводу «Кабулистан», СПб, 1867, 883-бет.

² А. Шепелев. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азию, 54-бет.

ҳамкорлик билан ва бамаслаҳат иш олиб борганини ҳамда инглизларга қарши курашда Россия Бухоронинг бошқа Осиё давлатлари, жумладан Афғонистон билан ҳам иттифоқда бўлишига мойил эканини очиқ-ойдин кўриш мумкин.

Россия ва Бухоро ўртасидаги дипломатик алоқалар, айниқса, Россиянинг Хева хонлигига қарши қуролли юриш уюштирган вақтларида янада мустаҳкамланган эди. Чунки, бу вақтларда Хева хонлигига инглизларнинг агресив ҳаракатлари кучайган бўлиб, бу воқеа Бухоро ҳукуматини хавфга солмоқда эди.

Агарда Хева хонлиги инглизлар таъсирига ўтиб қолгудек бўлса, Бухоронинг Россия билан бўлган иқтисодий алоқалари жуда оғир бир аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини бухороликлар яхши тушунар эдилар. Мана шунинг учун ҳам Бухоро ҳукумати Россиянинг Хева хонлигига қарши қуролли куч билан юриш уюштиришига ҳам тарафдор бўлган. Россия билан муносабатнинг кескинлашишидан қўрқиб, унга қарши Бухоро билан иттифоқ тузиш учун Хева хонининг қилган таклифини Бухоро амири Насрулло қайтарибгина қолмасдан, Россияни бу воқеадан хабардор этиб қўйиш учун 1838 йилда Россияга юборилган ўз элчиси Болтақулибекка бу хабарни етказишни маҳсус бир вазифа сифатида топширган эди¹.

XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши натижасида бу иккни давлатнинг фақат ўзаро иқтисодий ва дипломатик алоқаларигина эмас, балки маданий алоқалари ҳам ривож топмоқда эди. Бухоро ҳукумати Россиянинг техникада ҳам, маданиятда ҳам, дипломатияда ҳам Бухородан устунлигини анчагина тушуниб қолган эди. Бу вақтларда амир Насрулло Бухоро хонлиги териториясида еrostи қазилма бойликларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш мақсадида 1838 йилда Россияга элчи қилиб юборилган Болтақулибек орқали рус ҳукуматидан Бухорага тоғ инженерлари юборишини илтимос қилган эди².

Амир Насруллонинг Россиядан Бухорага тоғ инженерларини таклиф этиши, Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги алоқалар тарихида энг йирик муваффақиятлардан бири эди. Бухоро амирининг бу таклифини бажариш учун Бухорага тоғ инженерлари юборишга рус ҳукумати розилик билдиради ва 1839 йилнинг апрель ойида Бухорага тоғ инженери капитан Ковалевский раҳбарлигига, капитан Гернгресс, таржимон, кон техники, иккни ишчи ва тўрт казакдан иборат маҳсус экспедиция уюштиради³.

¹ С. В. Жуковский. Уша асар, 111—117-бетлар.

² Н. Залесов. Уша асар, 7—8-бетлар.

³ К. О. Свенске. Обозрение главнейших путешествий и географических открытий в десятилетие с 1838 г. по 1848 г. «Вестник Императорского Русского Географического Общества», 1851, I китоб, 149-бет.

Тоғ инженерларидан ташкил топган бу экспедиция фақаттина Бухоро амирининг таклифига биноан ўюштирилмасдан, балки Россиянинг Бухоро билан бевосита савдо қилиш ва у ерда Россия таъсирини ўрнатиб, инглизларнинг бундан кейинги сиқилиб киришларига йўл қўймаслик каби мақсадларни амалга ошириш учун Бухорога юборилган эди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 30—40-йилларида Россиянда саноатнинг ривожланиши билан хомашёга бўлган талабнинг ортиши ва бунинг устига бундай хомашё манбаи ва саноат молларининг бозори бўлган Ўрта Осиёда инглиз империализминиң тажовузкорлик ва қўпорувчилик ҳаракатларининг кучайиши рус ҳукуматининг Ўрта Осиё хонликларига, жумладан Бухоро хонлигига нисбатан тутган сиёсатида ва у билан олиб боргап дипломатик алоқаларида кескин ўзгариш ясади. Бу вақтларда рус ҳукумати Ўрта Осиёда инглиз таъсирининг ўрнатилишига йўл қўймаслик учун, аввало Ўрта Осиё хонликларини иқтисодий жиҳатдан ўзига бўйсундириб, аста-секин Россиянинг сиёсий ҳукмронлигини ҳам ўрнатиш асосида, иқтисодий ва дипломатик алоқаларни кенгайтириб борди.

Гарчи рус ҳукуматининг бу ҳаракатлари Ўрта Осиёни босиб олишга ва Ўрта Осиё халқларининг бўйинларига колониал сиртмисфини солишга қаратилган бўлса ҳам, лекин бу ҳаракатлар Ўрта Осиё халқларининг тарихида энг юксак ва энг прогрессив ҳодисага, яъни Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишига ва бу ерда яшовчи халқларнинг, жумладан ўзбекларнинг рус халқига ёндошишига олиб келмоқда эди.

III. XIX АСРНИНГ 30—40-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВА РОССИЯ ҮРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД НАШР ЭТИЛГАН МАНБАЛАР

XIX асрнинг 30—40-йиллари давомида Россия ва Бухоро муносабатларига оид нашр этилган асосий манбалар шу асрнинг аввалги чораги давомида бу икки давлатнинг ўзаро муносабатларини ёритувчи манбалар каби, Россиядан Бухорога юборилган элчиларнинг ва саёҳатчиларнинг ёзиз қолдирган хотираномаларидан, кундалик дафтарларидан, Россия ва Бухоро ҳоким доиралари ўртасида олиб борилган баъзи бир дипломатик ёрлиқлар, хатлар, ҳамда бу дипломатик актларни ўз ичига олган айрим тарихий асарлардан иборатdir.

Бу манбалар XIX асрнинг иккинчи чорагида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги савдо ва дипломатик муносабатларни ҳар томонлама, тўла-тўкис бўлмаса ҳам, аммо унинг умумий ҳолатини ёритиб бера оладиган маълумотлар билан таъмин этади. Айниқса, буларда Россия ва Бухоро хонлиги ўртасида юборилган дипломатик миссия ва расмий элчилар, уларнинг юбо-

рилиш сабаблари, олдига қўйилган асосий вазифалари ҳамда уларнинг келтирган натижалари тўғрисида жуда бой ва қимматли фактик маълумотлар берилган.

Бу манбаларда берилган маълумотлар Россиянинг XIX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Қозоғистонга ва Ўрта Осиё хонликларига нисбатан муносабатида кескинлик пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири, айни замонда, у ерда инглиз мустамлакачиларининг Ўрта Осиёда Россия манфаатига қарши олиб борган қўпорувчилик ҳаракатларининг кучайиши эканини яққол кўрсатиб беради.

Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатларга оид бўлган бу мемуар асарлар, бир томондан, XIX асрнинг 30—40-йилларида бу икки давлатнинг ўзаро муносабатларини ўрганишда биринчи даражали манба бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, айни замонда, Ўрта Осиёда инглиз мустамлакачиларининг қўпорувчилик ва тажовузкорлик ҳаракатларининг тарихини ўрганиб, уларни фош этувчи тарихчиларни янги ва жуда нодир фактик далиллар билан таъмин этади.

XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларни ўрганишда Н. Залесовнинг асарида¹ келтирилган дипломатик актлар, 1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган миссиянинг иштирокчилари: Н. Хаников², А. Леман³, Богословский—2-й⁴ ва К. Бутенев⁵ларнинг асарлари, ҳамда А. С. Серебренников китобида⁶ берилган ҳужжатлар биринчи даражали манбадир.

¹ Н. Залесов. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 г. по 1842 г. «Военный сборник», 1862, № IX, 45-бет.

² Н. Хаников. «Описание Бухарского ханства». СПб, 1843.

³ Alexander Lehmann's. Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842. Nach den hinterlassenen Schriften desselben bearbeitet und mit Anmerkungen versehen von G. V. Helmersen. Beitrage zur Kenntniß des Russischen. Bd. XVII, St.—Pis., 1852.

⁴ Богословский—2-й. Записка о долине Зеравшана и горах ее окружающих. «Горный журнал», 1842, II-қисм. X китоб, 206-бет.

⁵ К. Бутенев. а) Минеральные богатства Бухарии. «Горный журнал», 1842, IV-қисм, XI китоб, 137—148-бетлар.

б) Заводское дело в Бухарии. «Горный журнал», 1842, V-қисм, XI китоб, 48—154-бетлар.

в) Монетное дело Бухарии. Уша журнал, 154—163-бетлар.

г) Замечания о ковке булата в Бухарии. Уша журнал, 163—168-бетлар.

д) Об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухаре. Уша журнал, 168—175-бетлар.

е) Результаты метеорологических наблюдений на пути из Оренбурга в Бухару во время пребывания в ней 1841—1842 гг. Уша журнал, 175—183-бетлар.

⁶ А. Г. Серебренников. Туркестанский край. «Сборник материалов для истории его завоевания», т. I—IV, Тошкент, 1912—1916 йиллар.

Н. Залесовнинг китоби 1862 йилда Петербургда босилиб чиқди. У Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни баён этувчи архив документлари асосида ёзилган. Бу документлар ўша вақтларда Оренбург губернаторлигининг архивида сақланиб, асарда Россиядан Бухорога юборилган миссия бошлиqlарига ва аъзоларига берилган инструкциялар ҳамда Бухоро амирига юборилган ёрлиқлар ва хатлар, шунингдек Бухородан Россияга келган элчиликларнинг берган баёнотларидан олинган маълумотлар келтирилган. Мана шуларга асосан, Н. Залесовнинг асари архив документларининг обзори бўлиб, бу документлар XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро муносабатларини ўрганишда бош манбалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Н. Залесов асарида берилган документлар асосан дипломатик характерга эга бўлиб, уларда 1836—1843 йиллар ичida Бухоро хонлиги билан Россия ўртасида юборилган элчиликлар, бу элчиликларнинг юборилиш сабаблари, вазифалари ва улар келтирган натижалар жуда мукаммал ҳолда тасвирланади.

Автор асарда Бухородан Россияга 1836 йилда қоровулбеги Қурвонбек бошлиқ элчиликнинг келиши ва унинг олдига қўйилган вазифаларни ёзар экан, рус ҳукумати томонидан Бухоро элчисига берилган ёрлиқларни келтиради. Бу ёрлиқларда Россия ҳукмрон доиралари Бухоро билан ўзаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларни мустаҳкамлаш учун Россияга келган барча Бухоро савдо гарларига ҳар хил имтиёзлар яратилиб берилаётганлиги тўғрисида баён қиласидилар¹.

Н. Залесов ўз асарида XIX асрнинг 30-йилларида Бухородан келган элчиликларнинг юборилиш сабабларини нотўги кўрсатади. Авторнинг фикрича, бу элчилар фақаттина тамаъгарлик мақсадида, яъни Россия императоридац катта-катта ҳадялар олиш учун юбориларди².

Авторнинг бу фикридан маълумки, у XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро ва Россия муносабатлари ва бу муносабатларда пайдо бўлган вазиятлардан хабарсиз бўлиб, документларни ҳеч қандай мулоҳазасиз, механик равишда қозодан-қозога кўчирган. Масалан, у 1839 йилда Россиядан тоф инженерларидан ташкил топган экспедициянинг Бухорога юборилишини ёзар экан, экспедиция гўё Бухоро амирининг илтимосига кўра юборилган, деб баён қиласидилар³.

Асарда бу экспедиция бошлиғига берилган инструкциялар келтирилиб, улардан экспедициянинг юборилиш сабаблари ва

¹ Н. З а л е с о в . Ўша асар, 33—34-бетлар.

² Ўша асар, 8—11-бетлар.

³ Ўша асар, 9—10-бетлар.

унга топширилган вазифаларни аниқлаб олиш мумкин. Экспедициянинг бошлиғи Ковалевский маҳсус уча инструкция билан таъмин этилиб, биринчи инструкция тоғ саноати бошқармасидан берилган; бу инструкция бўйича, экспедиция Бухоро тупрингининг геологик тузилишини ўрганиши, еrostи қазилма бойликлари, жумладан қимматбаҳо металларни разведка қилиб топиши ва бу металл савдосига оид маълумотлар тўплаши керак эди. Иккинчи инструкция ички савдо департаменти томонидан берилиб, унда Осиё билан бўлган ташқи савдога оид маълумотларни тўплаш белгиланган эди. Учинчиси асосий инструкция бўлиб, экспедицияга қўйидагилар топширилган эди: а) Бухорода рус савдогарларидан олинадиган божни қисқартириш; б) Россиянинг Бухорода доимий консуллигини жорий этиш тўғрисида Бухоро ҳукмрон доираларининг фикрини аниқлаш; в) Бухоро бозорларида инглиз саноат моллари ва уларнинг ҳажми, сифати, нарх-навоси, рус молларига нисбатан қанчалик рақобат кўрсатаётгани ҳақида маълумотлар тўплаш; г) Бухоро хонлигидаги рус қулларини озод қилиш; д) Бухоро орқали Афғонистон ва Амударёнинг сўл қирғоғига жойлашган бошқа хонликлар билан савдо-сотиқни кенгайтириш мумкинлигини аниқлаш; е) Бухоро хонлиги ва унга қўшни бўлган давлатлар тўғрисида ҳар хил статистик ва топографик маълумотлар тўплаш¹.

Инструкцияда берилган маълумотлар, биринчидан, XIX асрнинг 30-йилларида Россиядан Бухорога юборилган элчиликлар ва экспедицияларга топширилган асосий вазифаларни аниқлашга имкон берса, иккинчидан, бу экспедициянинг юборилиш сабабларини ҳам кўрсатиб бера олади.

Н. Залесов асарида берилган маълумотлар Перовскийнинг Хева хонлигига қарши ҳарбий юриши мұваффақиятсиз тугагандан сўнг, Урта Осиёда инглизларнинг тажовузкорлик ҳаракатлари кучайган вақтларда Бухоро ва Россия муносабатларининг янада мустаҳкамланганлигини жуда мукаммал кўрсатиб бера слади.

1840 йилда Бухородан Россияга кўп кишидан ташкил топган ва Бухорода кўзга кўринган амалдорлардан бири—Мулла Муқимбек Мұхаммадсаид бошчилигида дипломатик элчилик юборилган эди.

Автор Бухородан бундай катта дипломатик элчиликнинг юборилишини ва элчиликнинг бошлиғи қилиб Бухоро хонлигига катта таъсирга эга бўлган амалдорлардан бирининг тайин қилинишининг асосий сабаблари, фақатгина Бухоро ҳукмрон доираларининг тамаъгарлик мақсадларида эмас, балки шу

¹ Н. Залесов. Уша асар, 9—10-бетлар.

вақтларда Ўрта Осиёда пайдо бўлган воқеалар, чунончи, инглизларнинг тажовузкорлик ҳаракатларининг кучайишига боғлиқ эканини кўрсатади¹.

Н. Залесовнинг Бухородан Россияга бундай катта элчиликнинг юборилиш сабаби бир тарафдан, айни замонда Осиёда юз берастган сиёсий воқеаларга боғлиқ эди, деб кўрсатиши тўғри бўлиб, авторнинг бу фикри XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро ва Россия муносабатларига унинг бироз бўлса ҳам тушуна бошлиқлаганлигидан дарак беради.

Ҳақиқатан ҳам 1840 йилда Бухородан Муқимбек бошлиқ дипломатик элчиликнинг юборилиш сабаби бир томондан, Ўрта Осиёда инглиз мустамлакачиларининг агрессив ҳаракатларининг кучайишига боғлиқ эди. Чунки, бу воқеа Бухоро хонлигининг мустақиллиги учун хавфли бўлиб, Бухоро ҳукмрон доиралари яхши тушунардилар. Шунинг учун ҳам Россиянинг ҳомийлик қилишига улар жуда муштоқ эдилар.

Н. Залесов Муқимбек бошлиқ элчиликнинг Петербургга этиб келиб, рус ҳукумати томонидан қабул қилинишининг сабабларини қўйидагича тасвир этади: «Бизнинг ҳукуматимиз амир ва унинг вазирларининг чайқовчилик одатларини жуда яхши тушунар эди. Агарда ўша вақтда Осиёдаги сиёсий воқеалар бизни Бухоро билан жуда ҳам яқин алоқада бўлишга мажбур этмаган бўлганда эди, ҳурматли Муқимбек бу гал Петербургни балки кўрмаган бўларди»².

Н. Залесовнинг берган бу маълумотлари, биринчидан, Осиёда пайдо бўлган сиёсий воқеалар Бухоро ва Россия муносабатларига катта таъсир этиб, унинг янада мустаҳкамланганини ишботласа, иккинчидан, авторнинг XIX асрнинг 40-йиллари давомида бу икки давлат муносабатлари фақат Ўрта Осиёда пайдо бўлган сиёсий вазият сабабли мавжуд бўлган, деб таъкидловчи нотўғри фикрда бўлганини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, Россия ва Ўрта Осиё муносабатлари тарнихида XIX асрнинг 30-йилларига келиб пайдо бўлган сиёсий вазият Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги мавжуд бўлган муносабатларга катта таъсир этиб, бу икки давлатни бир-бирнга анчагина яқинлаштирган бўлса-да, лекин улар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи факторлардан эмас эди. Уларни белгиловчи фактор бу икки давлатнинг ўзаро иқтисодий муносабатларидан манфаатлигидадир. Мана шунга асосан, 1840 йилда Петербургга келган Бухоро элчиси Муқимбек Осиёдаги пайдо бўлган сиёсий вазият юз бермаган тақдирда ҳам, рус ҳукумати томонидан қабул қилинган бўлар эди.

¹ Н. Залесов. Ўша асар, 11—13-бетлар.

² Ўша асар, 11-бет.

Н. Залесов асарида Бухоро элчисининг олиб келган ёрлиғи келтирилиб, бу ёрлиқда берилган маълумотларга қараганда Мұқимбекка қуйидаги вазифалар топширилган эди: а) савдо йўлларида хеваликларнинг олиб бораётган маккорлик ишлари. тўғрисида рус ҳукуматига шикоят қилиш; б) Россияда Бухоро савдогарлари ҳукумат томонида ҳимоя қилиниши ҳамда Бухоро зиёрат қилувчиларининг Россия орқали Истамбулга ўтишига рухсат этилишини рус ҳукуматидан илтимос қилиш¹.

Н. Залесов асарида Бухоро элчисининг Россия Ташқи Ишлар Министрига берган икки дона ёзма баёноти келтирилади. Бу баёнотларда берилган хабарларга қараганда, Мұқимбек элчилигига юқоридагилардан ташқари, Ўрта Осиёда инглизларнинг олиб бораётган агрессив ҳаракатларининг кучайиши тўғрисида рус ҳукуматини хабардор қилиб қўйиш ва инглизларга қарши курашиб учун Россиядан ёрдам сўраш каби асосий вазифа топширилган эди.

Баёнотда Бухоро ва Хева хонликларига юборилган инглиз агентлари ҳамда разведкачиларининг бу ерда ўз таъсирларини кучайтириш учун олиб борган ишлари тўғрисида ва бу воқеалар Бухорода ҳукмрон доиралар ўртасида катта хавф туғдирганилиги ҳақида жуда кўп қизиқ, ваҳимали маълумотлар келтирлади. Баёнотда Бухорога келган инглиз агентлари ва уларнинг амирга қилган таклифлари, ҳамда уларга нисбатан қилинган муомала, таклифларга берилган жавоблар тўғрисида ҳам муфассал гапирилган. Элчининг сўзича, инглизлар Бухорода ушлаб турилган полковник Стоддартни талаб этиб икки марта ўз вакилларини юборган эдилар. Улардан бири инглиз бўлиб, у Қарши шаҳаридан икки ой ушлаб турилган, сўнгра Бухорога келтирмасдан, қайтариб юборилган эди. Вакиллардан иккинчиси афғонистонлик бўлиб, уни ҳатто Бухоро хонлигининг чеграсига яқинлаштиргани ҳам қўймаган эдилар. Шунингдек, Хева хони ҳам Бухородаги мазкур инглиз агентини озод этиш учун икки марта ўз вакилини юбориб, унинг эвазига амир хоҳлаган нарсасини беришга ваъда қилган эди. Булардан ташқари, Бухоро амири инглизларнинг Россияга қарши қилган талабларини рад қиласкан, Бухоронинг Россия билан қадим замонлардан бери дўстлик муносабатида бўлиб келаётгани ва ҳар икки мамлакатнинг аҳолиси ўзаро савдода чиқишиб, бу савдо эндиликда ҳар икки томон учун ҳам бир заруриятга айланниб қолганилиги ва Россия билан бўлган муносабатнинг ҳеч қачон бузил-маслигини айтиб жавоб берганлиги тўғрисида элчи баён қилган эди².

¹ Н. Залесов. Уша асар, 12-бет.

² уша асар, 39—41-бетлар.

Бухоро элчисининг Россияда берган бу баёнотидан очиқ кўриш мумкинки, Бухоро ҳукмрон доиралари инглизларнинг Ўрта Осиёда олиб бораётган агресив ҳаракатлари Бухоронинг мустақиллиги учун жуда хавфли эканини яхши тушуниб, уларга қарши курашда Бухоро жуда ожиз эканини ва бунинг учун Россиянинг ҳомийлиги зарур эканини яхши билган эдилар. Шунинг учун ҳам улар инглизларга дипломатик йўллар билан қарши курашиб, амалий ёрдамни Россиядан кутардилар.

Россияда Бухоро элчисига оғиз сўзи берилган вақтда, элчига Россия императоридан Бухоро амирига ёрдам беришни илтимос этиш вазифаси ҳам топширилганини очиқдан-очиқ баён қилган эди¹.

Бухоро элчиси Муқимбек Россия Ташқи Ишлар министрига берган ёзма баёнотида Ўрта Осиёдан инглизларни четлаштириш тўғрисида жуда ажойиб фикрларни айтади: «Агарда франклар (инглизлар—М. А.) Хевани ўз қўлларига олгудек бўлсалар,—деб ёзилган баёнотда,—биз (бухороликлар—М. А.) учун ҳам, бу мамлакат (Россия—М. А.) учун ҳам зарар бўлади. Агар бу ерда ушлаб турилган хеваликлардан беш-олти киши бўшатиб юборилса, бу—франклар учун зарар бўларди. Чунки, бундай бўлган вақтда бухороликлар, хеваликлар ва қўқонликлар бирлашиб, бир-бирларига ёрдам бергани ва франкларни қувиб чиқарган бўлар эдилар. Натижада эркин савдо бошланиб, бу мамлакатларнинг фуқаролари ва руслар ўз ҳомийлари (Россия—М. А.) номига дуо қилиб, бундан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлар эди»².

Н. Залесов асарида бу маълумотлар Перовскийнинг юришидан кейин Хева хонлигига нисбатан Бухоронинг муносабати тамоман ўзгарганилигини кўрсатади. Агарда Перовскийнинг Хевага қарши ҳарбий юриши вақтида Бухоро хонлиги хеваликларнинг Бухоро ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларига қилаётган тўсқинликлари сабабли, уларга нисбатан кескин чора кўрилишининг, чунончи ҳарбий юриш уюстирилишининг талабгори бўлган бўлса, Перовский походи натижасиз тугаган ва айни замонда инглизларнинг агресив ҳаракатлари кучайиб бораётган бир вақтда Хева билан алоқани тинчлик асосида, ҳеч қандай тўқинишсиз йўлга қўйиб юбориш тарафдори эди.

Бухоронинг Россия ва Хева муносабатларини тинчлик йўли билан ечиш тарафдори бўлишининг асосий сабаби ҳам Хевада инглизларнинг агресив ҳаракатларининг борган сари кучайишига боғлиқ эди.

Бухороликларнинг Россия ва Хева хонлиги ўртасидаги алоқаларнинг тинчлик билан ўрнатилиши тарафдори эканини Рос-

¹ Н. Залесов. Уша асар, 41-бет.

² Уша асар, 40-бет.

сияга борган Бухоро элчисининг қўйидаги мазмунда қилган баёнотидан кўриш мумкин: «Ҳозирги вақтларда рус ҳукумати Россияда ушлаб турилган Хева савдогарларини бўшатиб, жуда яхши иш қилди. Ишонарлики, ишнинг бундай йўлга қўйилиши билан инглизлар Хевага бошқа келолмайдилар»¹.

Бухоро ҳукмрон доиралари Хева билан Россия ўртасидағи алоқанинг ўрнатилишидан Россия ва Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларининг олиб боришли учун хавфсизлик таъмин этилишини кўзда тутган эдилар. Бу ҳақда Н. Залесов ўз асарида Бухоро элчисининг қўйидаги илтимосини келтиради: «Хеваликларга нисбатан менинг таклифим шундан иборатки, уларнинг Бухорага заарарли бўлган ҳаракатларига йўл қўймасдан, қўшничилик муносабатларига қаттиқ риоя қилишга мажбур этиш керак. Бунинг учун император улар билан шартнома тузиш вақтида шартномада хеваликлар томонидан Бухоро савдогарларига ҳеч қандай озор бермаслик ва зўрлик билан бож олмасликнинг қайд қилиб ўтилишини илтимос қиласман»².

Шундай қилиб, Н. Залесовнинг асарида берилган бу маълумотлар XIX асрнинг 30-йилларида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларни ўрганишда биринчи даражали манба бўлибгина қолмасдан, айни замонда Бухоро хонлигига инглиз мустамлакачиларининг тажовузкорлик ҳаракатларининг айрим томонларини аниқлашда ва уларни фош этишда ҳам қимматли манбалардан бўлиб хизмат қиласди.

Н. Залесов Россияда Бухоро элчисига жавобан берилган ёрлиқни келтиради. Бу ёрлиқда Россия ҳукмрон доиралари Бухорага нисбатан хайриҳоҳлик билдириб, Бухорода рус савдогарларига ҳам ҳомийлик кўрсатилиши умидида, Россияда Бухоро савдогарлари учун ҳомийлик қилинаётгани ва яна тоғ инженерларидан ташкил топган экспедиция Бухорага юборилаётгани ҳақида ёзилган³.

Н. Залесов ўз асарида Бухоро элчисига жавобан 1841 йилда Россиядан дипломатик миссиянинг юборилиши, унинг олдиға қўйилган асосий вазифалар ва миссиянинг Бухорода олиб борган ишлари ҳамда унинг берган натижаларига оид жуда ғўп фактик материаллар келтиради.

Авторнинг ёзишича, миссиянинг бошлиғи Тоғ саноати бошқармасидан, Ташқи савдо департаментидан ва Ташқи Ишлар министрлигидан очиқ ва маҳфий инструкциялар билан таъмин этилиб, Тоғ саноати бошқармасидан ва Савдо департаментидан берилган инструкциялар 1839 йилда Бухорага юборилган экспе-

1 Н. Залесов. Уша асар, 39-бет.

2 Уша асар, 39-бет.

3 Уша асар, 39-бет.

дицияяга берилган инструкциялардан ҳеч қандай фарқ қилас ма-
ди.

Ташқи Ишлар министрлиги томонидан берилган очиқ ва мах-
фий инструкциялар жуда мукаммал бўлиб, унда миссиянинг
состави, вазифалари ва уларни ҳал қилиш йўллари белгиланган
эди.

Инструкцияда Бухоро амирининг талабини бажо келтириш
ва бу билан Россия—Бухоро ўртасидаги дўстлик муносабатлари-
ни мустаҳкамлаш мақсадида, Бухоро территориясида еости
қазилма бойликларини топиш учун мазкур тоғ инженерлари-
нинг юборилиши баён қилиниб, миссия аъзоларига Бухоро ва
унга қўши бўлган хонликлар тўғрисида аниқ маълумотлар тўп-
лаш ва Бухоро амири билан Россия—Бухоро муносабатларининг
баъзи бир томонларини белгилаб берадиган шартнома тузиш
каби масалалар топширилганлиги ёзилган. Россия ва Бухоро
муносабатларини белгилаш учун шартнома устида музокара-
лар олиб борилганда, Бухоро амирини қўйидаги шартларни қа-
бул қилишга кўндириш инструкцияда кўрсатилган эди.

1. Очиқ ва махфий равишда Россияга ва унинг фуқаролари-
га душманлик қиласли.

2. Рус асиirlарини қулликда тутмаслик ва уларни асло сотиб
олмаслик. Бухородаги барча рус фуқароларининг шахсий хавф-
сизлигини ва мол-мулкларига зарар етказмасдан сақланишини
таъмин этиш.

3. Агарда рус фуқаролари Бухорода ҳалок бўлиб қолсалар,
уларнинг мол-мулкларини давлат фойдасига мусодара этмас-
дан, балки уларнинг ўз ворисларига қайтариш учун Россия че-
гара бошлиқларига етказиш.

4. Бухоро фуқаролари томонидан рус савдогарларининг та-
ланишига ва ноҳақ солиқлар олинишига йўл қўймаслик. Агарда
бундай воқеа рўй берса, айбдорларни дарҳол жазолаш.

5. Рус савдогарлари томонидан Бухорога олиб келинадиган
моллардан фақатгина йилига бир марта, молларнинг ҳақиқий
нархидан 5 процентдан ортиқ бож олмаслик.

6. Бухорода рус савдогарларига ҳеч қандай тўсқинлик қилас-
масдан, балки Россияда Бухоро савдогарлари учун қанчалик
ҳомийлик қилинаётган бўлса, уларга ҳам шунчалик ҳомийлик
қилиш.

Бу шартларга жавобан элчи рус ҳукумати номидан қўйида-
гиларни ўз устига олишга ваколат бериши керак эди.

1. Россияда Бухоро фуқароларининг шахсий хавфсизлигини
ва уларнинг мол-мулкларининг зарар етказмасдан сақланишини
таъмин этиш.

2. Бошқа Осиё савдогарларига берилган барча имтиёзларни
Бухоро савдогарларига ҳам бериш.

3. Россия табаалигидаги қозоқлар, туркманлар томонида¹ Бухоро савдогарлари талончиликка учраса, уларнинг моллари пиундириб бериш.

4. Россия полициясининг фармонларига бўйсуниш шарти билан, зиёрат этувчи бухороликларга ҳаж қилиш учун аввалидек Россия орқали Туркияга ўтишга руҳсат этиш².

Гарчи XIX асрнинг 30—40-йилларида Россия ва Бухоро алоқалари тинчлик асосида олиб борилиб, 1841 йилда Россиядан Бухорога К. Бутенев бошлиқ дипломатик миссия, бир тарафдан қараганда, икки давлат ўртасидаги муносабатларни нормал ҳолатда олиб бориш ва ўзаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун юборилган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда эса Бухоро хонлигига Англия сиёсий таъсирининг кучайишига йўл қўймасдан, балки Россиянинг иқтисодий ҳам сиёсий таъсирини кенгайтириш кўзда тутилган эди.

М. М. Соловьев ўз асарида бу экспедиция Бухоро хонлигини иқтисодий ва сиёсий томондан бўйсундириш учун юборилган, деб кўрсатади³.

Миссия бошлиғи К. Бутеневга берилган инструкцияда инглизларнинг Ўрта Осиёда олиб бораётган ишларига маҳсус диққат қилиш кўрсатилган эди. Аммо Н. Залесов ўз асарида инструкциянинг бу қисмини келтирмайди. Инструкциянинг бу қисмини М. М. Соловьев ўз асарида келтирадики, унинг мазмунига қараганда, миссияга Хева хонлиги билан Англия ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши ва айни замонда Афғонистондаги воқеалар Бухорога қандай таъсир этгани, умуман Англиянинг Ўрта Осиёдаги ҳаракатларига Бухоро ҳукмрон доираларининг муносабатини аниқлаш топширилган эди. Рус миссияси Бухородаги инглиз агентларига нисбатан, инструкцияда берилган қўйидаги кўрсатмалар бўйича муносабатларда бўлиши керак эди: а) агарда рус миссияси Бухорога етиб борганда у ерда Англия агенти бўлса, иложи борича у билан дўстлик ва яқин муносабатда бўлиш; б) Бухорода, умуман Осиёда Россиянинг Англия билан рақобат этиш учун ҳеч қандай ҳаракатда эмаслигига инглиз агентини ишонтириш; в) Англия агентининг амир билан яқинлашишига тўсқинлик қилмасдан, балки унинг бутун ҳаракатларини диққат билан кузатиб туриш; г) рус миссиясининг Бухоро амири билан олиб борган музокарапаларига Англия агентларининг аралашишига асло йўл қўймаслик³.

Инструкциянинг асосий мақсади шу эдикни, музокарапалар натижасида амир ва унинг амалдорлари Англия таъсирига ўтиш-

¹ Н. Залесов. Уша асар, 15—16-бетлар.

² М. М. Соловьев. Экспедиция в Бухару в 1841—1842 гг. при участии натуралиста А. Лемана. М.—Л., 1936, 14-бет.

³ Уша асар, 18—19-бетлар.

дан кўра Россия паноҳига ўтиш афзаллиги нимада эканлигини билиб олсинлар.

Н. Залесов ўз асарида миссиянинг бошлиғи К. Бутенев инструкция ва ёрлиқлардан ташқари, Оренбург губернатори Перовский томонидан миссиянинг состави, унинг маршрутини белгиловчи ёзма фармон билан ҳам таъмин этилганлигини баён қиласди.

Бу фармонга кўра, миссиянинг бошлиғи қилиб тоғ инженери майор К. Бутенев тайинланиб, унга Бухоро билан дипломатик масалалар устида музокаралар олиб бориш ва инженерларнинг ишлари устидан бошчилик қилиб туриш топширилган эди. Унинг Бухоро амири билан олиб борадиган музокараларига аҳамият берилиши учун К. Бутеневга рус ҳукуматининг тегишли ваколатига эга бўлган элчи номи берилган эди. Тоғ инженерларининг Бухорода олиб борадиган разведкаларига раҳбарлик қилиш учун капитан Богословский тайин қилинган эди. Миссиянинг учинчи аъзоси ёш шарқшунос Н. В. Хаников бўлиб, унга Бухоро тўғрисида статистик ва географик маълумотлар тўплаш ва Бухорони сиёсий ҳамда иқтиодий томондан тасвир этиш топширилган эди. Шунингдек, Оренбург губернатори Перовскийнинг таклифига биноан, Дерпт университетининг кандидати науралист А. Леман ҳам миссия составига кирган эди. А. Леманга Осиёнинг флора ва фаунасини ўрганиш, улар тўғрисида коллекциялар тўплаш буюрилган эди. Булардан ташқари, таржимон Аитов, топограф Яковлев, тоғ ишчилари, икки кон техники ва ўнта казак ҳам миссиянинг составида қатнашган эдилар.

Автор ўз асарида миссия бошлиғи олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун Бухоро ҳукмрон доиралари билан қандай дипломатик йўллар асосида музокара олиб бориш кераклиги тўғрисида берилган қўлланмаларни келтиради.

Бу қўлланма асосида миссия бошлиғи К. Бутенев Бухоро билан шартнома тузиш вақтида Россия билан бўлган дўстлик алоқаларидан Бухоро учун келиб чиқадиган ҳақиқий манфаатларни тушунтириб, Россиянинг беғараз мақсадда эканига Бухоро амирида ишонч ҳосил этиш ва бунинг учун Россия элчиси бошқа Осиё давлатларига, жумладан, Туркия, Эрон ва Хевага нисбатан рус ҳукуматининг тутган тўғри сиёсатини кўрсатиб ўтиши лозим эди¹.

Охирги вақтларда Афғонистон ва Хева хонлигига юз берган воқеалар Бухорога қандай таъсир этганини аниқлаш, ҳамда Бухоро ва унинг қўшни районларига оид маълумотлар йиғиши Осиёнинг мана шу қисмida Россиянинг сиёсий таъсирини мус-

1 Н. Залесов. Уша асар, 14—15-бетлар.

таҳкамлашга, шунингдек унинг сиёсий мақсадларидан бири бўлган савдо алоқаларининг ривожланишига имкон беради, деб инструкцияда таъкид қилинган эди.

Инструкцияда берилган бу охирги қўлланма миссиянинг олдига қўйилган асосий вазифа Бухоро хонлигини ўзига бўйсундириш учун аввало у билан савдо алоқаларини иложи борича ривожлантириш кўзда тутилганлигини кўрсатади.

Россия шартларига Бухоро амири ўз розилигини билдирган вақтда, шартномага унинг ёки Бухоро ҳукмрон доираларидан бирининг шахсий имзоси чекилиб, рус элчисига берилиши, шартноманинг бир нусхасига рус ҳукумати номидан элчи ўз имзосини чекиб Бухорода қолдириши, агар амир бундай шартнома беришни ўз устига олмаса, у вақтда рози бўлган шартларини рус элчисига берадиган хатида кўрсатиб ўтиши билан миссиянинг кифояланиши мумкӣн, деб қўлланмада баён қилинган эди¹.

Инструкцияда берилган бу кўрсатмаларга қараганда, рус миссияси ҳамма масалалар юзасидан ҳам олиб бориладиган музокараларда икки давлатнинг ўзаро алоқаларига путур етказмасдан, уларни аввалгидан ҳам мустаҳкамлашга ҳаракат қилиниши лозим эди.

Бу тўғрида Н. Залесовнинг келтирган қўйидаги жумлалари ни кўриш мумкин: «Ниҳоят, қудратли Россия империяси билан алоқани янада мустаҳкамлаш учун умуман ҳамма масалаларда яхши қўшниларга ва ҳақиқий дўстларга қилинадиган муомалада бўлиш мажбурияти юкландади»².

Автор 1841 йил, май ойида Оренбургдан Бухорога томон рус миссиясининг йўналишини тасвир этар экан, уни мудофаа қилиш учун рус ҳукумати томонидан полковник Бларамберг бошлиқ 400 казак отлиқ аскарлар, 100 та пиёда аскарлар, 4 дона тўп ҳамда тўпчилардан ташкил топган ҳарбий эскорт тайин қилинганлигини ёзади³.

Асарда рус дипломатик миссиясининг Бухорога етиб келиши ва у ерда Бухоро ҳукмрон доиралари томонидан илтифот билан қабул қилиниши тўғрисида жуда қизиқ маълумотлар келтирилган. Авторнинг ёзишича, миссия ҳали Бухорога етиб келмасдан, уни кутиб олиш учун маҳсус кишилар юборилган. Миссия Бухоро шаҳарига етиб келганда эса, амир Насрулло рус элчинини ўша куннинг ўзидаёт қабул қилишини баён қилиб, ҳатто у жуда хурсанд бўлганидан миссия бошлигининг саройгача от устида кириб келишига руҳсат этган эди⁴.

¹ Н. Залесов. Уша асар, 14-бет.

² Уша асар, 41-бет.

³ Уша асар, 19-бет.

⁴ Уша асар, 23-бет.

Англия агенти Стоддартнинг регистондан от устида ўтганини баҳона қилиб, аввалда уни зинданга ташлаб, кейинчалик осиб ўлдирган Бухоро амири Насрулло Россия вакилини бундай илтифот билан қарши олиб, ҳатто унга от устида саройгача кириб боришига рухсат этиши Бухоро хонлигининг Россия билан яхши алоқада бўлганлигидан ҳамда бу алоқалардан Бухоронинг жуда ҳам манфаатдор бўлганлигидан дарак беради.

Н. Залесов миссиянинг Бухорода амир томонидан қабул қилиниши ва қабул қилишдаги баъзи бир маросимлар тўғрисида ҳам анчагина маълумотлар келтиради. Унинг берган маълумотларига қараганда, Бухорода миссия учун бир сарой ажратилиб, миссия аъзоларига хизмат қилиш учун Мирза Зокирия бошчилигига маҳсус кишилар тайинланиб, унинг таъминоти учун кунига 104 танга маблағ ажратилган эди¹.

Агарда рус дипломатик миссияси Бухоро ҳукмрон доиралари томонидан яхши қабул қилинган бўлса ҳам, аммо унинг Бухоро амири билан олиб борган музокаралари айтарлик муваффақиятили натижалар бермаганлиги баён қилинган.

Бухоро амири билан миссия бошлиғи К. Бутеневнинг асосий масалалар юзасидан музокара олиб бориш учун қилган ҳаракатлари айтарлик натижалар бермаётганлиги тўғрисида миссия бошлиғи қўйидагиларни ёзади: «Унинг (амирнинг) йўлга чиқишини сезиб, мен бир неча кун бурун у билан шахсий учрашиш учун ҳаракат қила бошладим, бироқ бунга мұяссар бўлолмадим»².

Шундай бўлишига қарамасдан, К. Бутенев 1841 йил, октябрь ойида амир Насрулло томонидан қабул қилинишга муваффақ бўлди. Музокаралар давомида амир инглиз агентлари Стоддарт ва Қоноллини миссия билац Россияга юборишига ваъда қилиб, рус қулларининг эвазига бирор нарса ҳадя қилинмагунча, уларни ўз ватанларига қайтармасликни айтади. Рус саводогарларидан олинадиган божни камайтириш масаласи муҳокама қилинганда амир оғзаки, улардан 5 процентли бож олишни жорий этишга ваъда беради³.

Амир охирги марта рус вакилини Қўқонга қарши юришга отланиб кетаётган вақтда от устида қабул қилиб, бутун масалаларни вазирга топширганлигини айтган эди.

Н. Залесов ўз асарида К. Бутеневнинг вазир орқали Бухоро амири билан олиб борган музокаралари ва амирнинг берган жавоблари тўғрисида материаллар келтиради. Уларнинг мазмунига қараганда, ўзаро шартнома тузиш масаласига амир Насрулло аввал Россия императори шартномага имзо чекиб,

¹ Н. Залесов. Ўша асар, 23-бет.

² Н. Залесов. Ўша асар, 25-бет.

³ Н. Залесов. Ўша асар, 26-бет.

Бухоро элчиси орқали бериб юборганидан сўнг, уни тасдиқлашини, ва Бухородаги рус қулларини бўшатиш масаласига мазкур шартнома тузилгандан кейин уларни ўз ватанларига юборишини айтган эди. Савдо божини камайтириш масаласига келганда, аввал Россияда Бухоро савдогарларидан олинадиган бож қисқартирилгандан сўнг Бухорода ҳам рус савдогарларидан олинадиган божни қисқартиришини изҳор қиласиди. Англия агентлари Стоддарт, Конолли масаласида эса, амир Англия королевасига хат ёзиб юборгани ва хатига жавоб олганидан сўнг уларни тўғри Англияга юборишини айтиб жавоб берган эди¹.

Шундай қилиб, Н. Залесовнинг берган маълумотлари Бухоро билан савдо шартномасини тузиш учун 1841 йилда Россиядан юборилган дипломатик миссия ўз олдига қўйган топшириклар юзасидан Бухоро ҳукмрон доиралари билан олиб борган музокараларда амир Насруллонинг иккиланиб қолганлигига қарамасдан, принципиал масалаларда улар билан келишилганигидан дарак беради. Чунки, Бухоро амири Насрулло рус элчинининг қилган таклифларини тўғридан-тўғри қайтармасдан, шартнома рус ҳукумати томонидан тасдиқлангандан сўнг бажаришга ваъда бериши унинг бу шартларга бир мунча мойил бўлганлигини кўрсатади.

Россия билан муносабатларни мустаҳкамлаш учун доимо ҳаракат қилиб келаётган Бухоро амири Насруллонинг рус вақилининг қўйган шартларига иккиланиб жавоб беришига бу вақтларда унинг Қўқон хонлиги устидан қилаётган ғалабалари, Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг тинчлик йўли билан ечилиши ва Афғонистонда инглизларнинг инқизорзга учраши анчагина таъсир қилган эди. Чунки, айни замонда Афғонистонда инглиз қўшинларининг мағлубиятга учраши билан улар томонидан Бухоро хонлигининг мустақиллигига қарши бўлган хавфларга, вақтинчалик бўлса ҳам, барҳам берилган эди. Эндиликда амир Насрулло учун Хева, Қўқон хонликлари, ҳатто инглизларга қарши курашда ёрдам олишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Мана шунинг учун у Россия элчиси К. Бутеневнинг ҳамма таклифларига принципиал жиҳатдан қаршилик кўрсатмаган бўлса ҳам, лекин бу масалаларни Россиянинг ўзига боғлаб қўйган эди.

Булардан ташқари, бизнинг фикримизча, рус миссияси бошлиғи К. Бутеневнинг Бухоро амири билан олиб борган музокаралари керакли натижалар бермаганлигига Бухоронинг сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга бўлган инглиз агентурасининг маълай Абдулсамад, гарчи у Бутенев бошлиқ рус миссиясининг

¹ Н. Залесов. Уша асар, 27—28-бетлар.

амир Насрулло билан алоқа боғлашида ёрдам берган бўлса ҳам, амалда анчагина салбий томондан таъсир этган бўлиши мумкин.

Чунки, Бухоро амирининг аввалги аудиенцияларида рус элчисига берган ваъдалари билан охирги марта берган жавоби ўргасидаги фарқ бу ҳақдаги фикримизнинг тўғри эканлигидан дарак беради.

Маълумки, амир Насрулло аввалги музокараларда рус элчи-си К. Бутеневга рус савдогарларидан олинадиган божни қисқартиришга, инглиз агентларини Россияга миссия билан қайтаришга, ҳатто рус қуллари устидан бирор ҳадя берилса, уларни ҳам ўз ватанларига қайтаришга ваъда бёрган эди¹.

Аммо, унинг рус элчисига берган охирги жавоблари бу ма-салани галга солғанлигини кўрсатади. Бухоро амирининг рус миссияси билан олиб борган музокараларидағи иккиланиш, албатта, инглиз агентларининг қўпорувчилик ишларининг натижалиридан дарак беради.

Шундай қилиб, Н. Залесовнинг асарида келтирилган материалар XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро ва Россия ўргасидаги дипломатик муносабатларни, айниқса 1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган миссиянинг юборилиш сабаблари, унинг олдига қўйган асосий вазифалар ва келтириган натижаларини ўрганишда ҳамда, айни замонда инглизларнинг Ўрта Осиёда олиб бораётган қўпорувчилик ҳаракатларининг баъзи томонларини фош этишда қимматли фактик маълумотлар бериади.

1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг берган илмий натижаларидан бири И. Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства» номли асари бўлиб, у XIX асрнинг иккинчи чораги давомида бу икки давлатнинг ўзаро муносабатларининг айрим томонларини ўрганишда бизни қимматбаҳо, илмий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар билан таъмин этади.

И. Ханиковнинг асари 1843 йилда Петербургда нашр этилиб, асосан авторнинг Бухорода олиб борган шахсий кузатишлари ва кишилардан эшитган маълумотлари асосида ёзилган. Булардан ташқари, автор ўзидан аввал Бухоро хонлигига бўлган саёҳатчиларнинг Бухоро тўғрисида ёзиб қолдирган хотираномаларидан ҳам фойдаланган.

Асар 8 бобдан иборат бўлиб, унинг охирда Бухоро хонлигининг харитаси, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг плани берилиган. Адабиётларда кўрсатилишига қараганда, бу харита ва планлар 1841 йилда рус дипломатик миссиясининг составида

¹ Н. Залесов. Уша асар, 26-бет.

қатнашган топограф Яковлев томонидан тўпланган материаллар асосида тузилган эди¹.

Н. Ханиковнинг асари Бухоро хонлигини ҳамма томонлама тасвир этувчи асар бўлиб, у XIX асрнинг 30—40-йилларига оид Бухоро хонлигининг тарихини, шунингдек, айни замонда Бухоро ва Россия муносабатларини ўрганишда биринчи даражали манбадир.

Бу ишнинг олдига қўйилган асосий вазифа, манбаларда Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид берилган маълумотларни характерлаб бериш бўлгани сабабли, Н. Ханиковнинг асари устида тўхталганда, аввало унинг мана шу юқорида кўрсатилган масалага доир маълумотларини характерлаб, сўнгра Бухоро хонлигининг тарихига оид маълумотлари устида бироз тўхташга тўғри келади.

Н. Ханиковнинг асари фақат XIX асрнинг 30—40-йилларидаги Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги иқтисадий алоқаларга оид материаллар беради. Автор асарда Бухоронинг Россия билан олиб борган савдоси энг зарур ва хонликнинг ташки савдосида биринчи даражали аҳамиятга эга экани тўғрисида баён қиласди: «Бу савдо,—деб ёзади Н. Хаников,—ўзининг қадимиyllиги, аҳамиятлилиги ва бухороликларнинг маҳсулотлари учун энг зарурлиги билан биринчи ўринни олиши лозим»².

Асарда автор Россия ва Бухоро савдосида қатнайдиган карвонларнинг Бухородан чиқиши ва Россиядан қайтиши вақтларини, савдо қилиш пунктларини бирма-бир қайд қилиб ўтади. Н. Ханиковнинг берган маълумотларига қараганда, Бухоро савдогарлари Оренбург линиясида учта пунктга: Орск, Троицк ва Нижнийга, Сибирь линиясидаги бир пунктга, яъни Петропавловскка қатнар эдилар. Бухородан савдо карвонлари март ойининг иккичи ярмидан бошлаб йўлга чиқиб, Россиядан ноябрь ойининг биринчи ярмида қайтар эдилар³.

Шу билан бирга, асарда Бухородан Россияга ва, аксинча, Россиядан Бухорога чиқариладиган асосий маҳсулотлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Н. Хаников маълумотларига асосан, бу вақтларда Бухородан Россияга пахта, қуруқ мевалар, гурунч, ипак, бўёқ, бўз, ипак ва ип тўйлар, дўппи, шойи белбоғлар, феруза, шол рўмол, мўйна ва бошқалар олиб борилар эди⁴.

Н. Хаников ўз асарида Бухоронинг Россия билан олиб борган савдосига баҳо бериб ўтар экан, унинг асосини пахта ташкил этишини ва Россиянинг шарқий қисмида тўқимачилик са-

¹ Н. Залесов. Уша асар, 30-бет.

² Н. Хаников. Описание Бухарского ханства. С. Петербург, 1843, 165-бет.

³ Уша асар, 165—167-бетлар.

⁴ Уша асар, 168-бет.

иоатларининг ривожланиб бориши натижасида, айни замонда пахтага бўлган эҳтиёжнинг орта боришини баён қиласди¹.

Бу маълумотлар XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро савдосининг умумий ҳолатини, яъни олиб борилган маҳсулотларнинг турлари ва бу савдонинг асосини ташкил этган маҳсулотларни тўғри кўрсатиб бера олади.

Автор Россиядан Бухорога чиқариладиган маҳсулотлар устидаги тўхтар экан, бу вақтларда, асосан, ип газламалардан: чит, коленкор, дока, айрим ипак газламалар, мовут, кимхоб, чарм; металлардан: чўян ва темир олиб борилиши тўғрисида ёзади.

Булардан ташқари, Н. Хаников асарида Россия ва Бухоро ўртасидаги савдонинг умумий ҳажми тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади. Унинг берган маълумотларига қараганда, Бухородан Россияга ўртacha ҳисоб билан йилига 5—6 мингга яқин туяда мол олиб борилиб, ҳар бир туяга 18—20 пут юк ортилар эди. Ҳар бир туяга ортилган молнинг ўртacha баҳоси 60 червонга тўғри келарди. Унинг берган маълумотлари бўйича, Бухородан ўртacha ҳисоб билан Россияга йилига уч ярим ёки тўрт миллион сўмлик мол олиб борилар эди. Н. Хаников Бухородан Россияга олиб бориладиган маҳсулотларнинг ҳажмини ва уларнинг суммасини тахминан бериб, Россиядан Бухорога олиб келинадиган молларнинг суммаси тўғрисида жадвал келтиради. Бу жадвалда берилган маълумотлар бўйича:

1828	Йилда	Россиядан	Бухорога	1	миллион	180	минг	600	сўмлик
1829	.	"	.	1	.	463	.	444	с. 10 т.
1830	.	"	.	1	.	834	.	571	с. 66 т.
1831	.	"	.	1	.	803	.	714	с. 95 т.
1832	.	"	.	1	.	856	.	463	с.
1837	.	"	.	1	.	849	.	704	с.
1838	.	"	.	2	.	513	.	912	с. 65 т.
1839	.	"	.	2	.	826	.	396	с.
1840	.	"	.	3	.	283	.	654	с. 25 т.

ЛИК МОЛ ЧИҚАРИЛГАН ЭДИ².

Бу маълумотлардан маълумки, Россиядан Бухорога мол келтириш 10 йил давомида, яъни 1830 йилга нисбатан 1840 йилларда уч бараварга яқин кўпайган эди.

Н. Ханиковнинг Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги иқтисодий муносабатларга оид берган бу маълумотлари XIX асрнинг 30—40-йилларида бу икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларининг йилдан-йилга ривожланиб ва борган сари кенгайиб бораётганини очиқдан-очиқ кўрсатиб беради.

¹ Н. Хаников. Уша асар, 168-бет.

² Н. Хаников. Уша асар, 171—172-бетлар.

Булардан ташқари, Н. Хаников Англияниңг Үрта Осиёга, жумладан Бухоро хонлигига иқтисодий томондан кириб келиши түғрисида баъзи бир фактик маълумотлар келтиради. Унинг ёзишича, инглиз маҳсулотлари Афғонистон орқали олиб келиниб, улар оз миқдорда ва сифатсиз эдилар¹.

Автор Бухорода сотиладиган молларнинг нархини келтирадар ҳекан, рус читлари билан инглиз читларининг ҳам баҳосини беради. Рус читининг 47—48 аршинли тўпи икки олтинга сотиласа, инглиз читининг 35—36 аршинли тўпи 2, 25 ва 3 олтингача сотилар эди².

Гарчи Н. Ханиковнинг асаридағи берилган бу маълумотлар XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро бозорларида инглиз молларининг рус молларига нисбатан қиммат эканини ва рақобат қила олмаслигини кўрсатса ҳам, лекин айни замонда, Үрта Осиё бозорларида Россия ва Англия моллари ўртасида олиб борилган иқтисодий рақибликни белгилай оладиган далил бўлиб хизмат этмайди. Чунки, автор асарида айни замонда Үрта Осиёга инглизларнинг иқтисодий жиҳатдан кириб келишига оид тўлиқ маълумот бермай, балки айрим рақамларни қайд қиласди, холос. Шунга қарамасдан, Н. Ханиковнинг берган маълумотлари айни замонда Бухоро бозорларида инглиз маҳсулотларининг мавжуд эканини исбот қила олади.

Н. Ханиковнинг Бухоро ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларга доир берган маълумотлари XIX асрнинг биринчи ярмида Россия ва Үрта Осиё ўртасидаги савдо алоқаларига бағишланниб ёзилган П. Небольсиннинг асарида³ берилган маълумотларга жуда мос келади.

Демак, Н. Ханиковнинг асарида берилган маълумотлар XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ёритиб бера олмаса ҳам, унинг умумий ҳолати, савдодаги асосий моллар, уларнинг йилига ўртacha ҳисоб билан ҳажми, шу билан бирга, бу икки давлат ўртасидаги савдонинг йилдан-йилга ривожланиб боришини кўрсатиб бера олади.

Н. Хаников 1841 йилги рус дипломатик миссиянинг аъзоси бўлишига қарамасдан, у, Россия ва Бухоро ўртасидаги дипломатик муносабатларни, жумладан, бу миссиянинг Бухорога юборилиши түғрисида ҳатто асарнинг муқаддимасида ҳам қайд қилиб ўтмайди.

Н. Ханиковнинг асари асосан Бухоро хонлигининг тарихини ўрганишда биринчи даражали манба бўлиб, унда мамлакат-

¹ Н. Хаников. Уша асар, 174-бет.

² Уша асар. 177-бет.

³ П. Небольсинн. Очерки торговли России с странами Средней Азии: Хивой, Бухарой и Коканом, СПб, 1856, 192—332-бетлар.

нинг географик ўрни, территорияси, чегараси, тоғлари, дарёлари, иқлими, халқлари ва уларнинг машғулоти, мамлакатнинг саноати, маъмурий бўлиниши ва маърифати систематик равишда жуда муфассал қилиб тасвир этилган.

И. Мушкетов ўзининг асарида Н. Хаников асарига жуда юқори баҳо бериб, қуйидагиларни ёзган эди: «Н. Хаников жуда ҳам муфассал ва ҳозирги вақтгача ҳурматга сазовар бўлган «Описание Бухарского ханства» китобини ёзиб, унда Бухоро ва унинг топографияси, табиий бойликлари, иқлими, шулар билан бирга, ер қўмирлашлари, унинг аҳолиси ҳам уларнинг машғулотлари ва бошқалар тўғрисида ўша вақтлардаги барча энг янги маълумотларни тасвирлаб беради»¹.

Хақиқатан ҳам Н. Ханиковнинг китоби ўз вақтида Бухоро ҳонлиги тўғрисида жуда бой ва янги маълумотлар асосида рус тилида ёзилган асар бўлиб, то ҳозирги вақтларгача XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ҳонлиги ва унинг экономикасини ўрганувчи тарихчилар учун биринчи даражали қўлланма сифатида хизмат қилиб келди.

Айниқса, асарнинг Бухоро аҳолисига, саноатига ва маъмурий бўлинишига бағишлиган боблари мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид кўп миқдорда жуда қизиқ маълумотлар беради. Автор Бухоро территориясида яшовчи халқлар ҳаётини тасвирлар экан, уларнинг келиб чиқиши, мамлакатда жойлашган районлари, характерлари, урф-одатлари ва асосий машғулотларини бирма-бир баён қиласди.

Н. Хаников ўша вақтларда биринчи бўлиб Бухоро ҳонлигида ерга бўлган хусусий мулкчилик тўғрисида маълумот бериб, ер эгалиги турларини тасвир этади.

Асада Бухоро ҳонлигига бўлган мансаблар, унвонлар тўғрисида ҳам кўп маълумотлар келтирилган. Булардан ташқари, автор Бухоро ҳонлигининг давлат тузилишини жуда яхши тасвир этади.

Шундай қилиб, Н. Ханиковнинг асари XIX асрнинг иккинчи чорагида Бухоро ҳонлигининг тарихи, экономикаси, сиёсий тузилиши, шунингдек, географик ўрни, аҳолисини ўрганишда биринчи даражали манбалардандир.

1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг иштирокчиларидан бири натуралист Александр Леманнинг асари² ҳам XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро ҳонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларни ўрганишда қимматли манбалардан бири бўлиб, у авторнинг ўлимидан (1842) сўнг, академик Г. П. Гельмерсен таҳрири остида ва унинг му-

¹ И. Мушкетов. Туркестан, том I, СПб, 1886, 98—99-бетлар.

² Alexander Lehman's. Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842. st.—Ptb., 1852.

қаддимаси билан нашрга тайёрланиб, 1852 йили Петербургда немис тилида босилиб чиқди.

Асар асосан 6 бобдан иборат бўлиб, унинг охирида литография усули билан олинган Бухоро хонлигининг харитаси ва Самарқанд биноларининг ва мадрасаларининг 6 та расми берилган. Харитада 1841 йилда Бухоро хонлигининг терриориясида рус тоғ инженерларининг геологик разведка олиб борган районлари ва уларнинг маршрутлари кўрсатилган.

Г. П. Гельмерсен асарнинг муқаддимасида А. Леманинг қисқа биографиясини бериб, унинг академик Бэр раҳбарлигида «Янги ер» оролига бўлган илмий экспедициясида қатнашгани (1837), сўнгра Оренбург генерал-губернатори томонидан Оренбургга чақирилиб, Перовскийнинг Хевага қарши ҳарбий юришида қатнашгани ва бу ерларнинг табиатини ўрганиб зоологик ва ботаник колекциялар тўплагани тўғрисида баён қиласди. Ниҳоят, 1841 йилда Перовскийнинг ёрдами билан Бухорога юборилаётган миссия составида А. Леманинг натуралист сифатида қатнашганилиги устида тўхтар экан, миссиянинг юборилиш сабаби, унинг состави ва Бухоро хонлигининг терриориясида рус инженерларининг олиб борган илмий разведкалари, уларнинг берган натижалари тўғрисида гапиради. Г. П. Гельмерсен рус миссиясининг Бухорога юборилиш сабабини, Бухоро амирининг ўз терриориясида олтин излаб топиш учун Россиядан инженерлар талаб этганлиги ва унинг талабини қондириш учун рус ҳукумати томонидан К. Бутенев бошлиқ миссия юборилганини кўрсатади¹.

Булардан ташқари, муқаддимада XVI асрдан то XIX асрнинг 30-йилларигача бўлган давр ичида Бухорога келган рус элчилари ва инглиз агентлари устида ҳам тўхтаб ўтилган.

А. Леманинг асари авторнинг Бухорога бориши ва у ерда олиб борган шахсий кузатишининг натижаси бўлиб, унда асосан ботаник, зоологик ва геологик характерга эга бўлган жуда кўп маълумотлар келтирилади. Булардан ташқари, асада Бухоро, Самарқанд, Кармана, Панжакент шаҳарларининг тасвири берилган. Шу билан бирга, автор Бухоро хонлигида ер эгалиги ва уларнинг турлари устида ҳам қисқача тўхталиб ўтади.

А. Леманинг асарида XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларга оид берилган маълумотлар ичида фақат 1841 йилда Россиядан юборилган миссиянинг Бухорода амир Насрулло томонидан кутиб олиниб, биринчи марта қабул қилиниши ва миссияни қабул қилиши вақтидаги маросимлар тўғрисида гапирилади.

¹ А. Леман Уша асар, 8—9-бетлар (немисча нашри).

А. Леман ҳам ўз асарида рус миссиясининг Бухоро ҳукмрон доиралари томонидан жуда яхши ва илтифот билан қарши олинганини ва миссиянинг Бухорога етиб бориши биланоқ, ўша куннинг ёзида қабул қилинганлигини ёзади.

Авторнинг баён қилишига кўра, миссия Қораота деган жойга етиб келганда, амир томонидан маҳсус кишилар юборилиб кутиб олинган. Бухорога етиб келмасдан, уни қушбеги билан ноиб Абдулсамад кутиб олган эдилар¹.

Леман миссиянинг шаҳарга кириб боришини тасвир этар экан, у Регистонга етиб борганида миссия бошлиғи К. Бутенев ва унинг аъзоларидан тўрт кишига от устида кириб боришта руҳсат этилганлигини баён қиласди².

Авторнинг берган маълумотлари Н. Залесов асарида келтирилган маълумотларга жуда мос келиб, русларга нисбатан Бухорода бўлган дўстлик руҳининг нақадар кучли эканидан дарак беради.

Автор рус миссияси аъзоларининг амир Насрулло ўтирган хонага кириб келишини ёзар экан, ҳатто амир саройга ҳеч кимни қурол билан киришга йўл қўймаслигига қарамасдан, русларга бўлган ҳурмат юзасидан уларнинг қурол билан киришларига ижозат берганлиги тўғрисида ёзади³.

Демак, А. Леман асарида XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро ўртасидаги муносабатларга оид келтирилган материаллар фақат 1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган миссиянинг у ерда кутиб олиниши, қабул қилиниши ва қабул қилишдаги маросимларни аниқлаб беради.

Асарда рус миссиясининг бошлиғи К. Бутеневнинг Бухоро амири Насрулло билан 26-октябрда учрашгани қайд қилиниб ўтилган бўлса ҳам⁴, лекин уларнинг асосий масалалар юзасидан олиб борган музокаралари ва амирнинг берган ваъдалари тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди.

Юқорида қайд қилинганлардан ташқари, А. Леман ўз асарида XIX асрнинг 40-йилларида инглизларнинг Бухоро хонлигидан олиб борган тажовузкорлик ишларига оид маълумотлар ҳам келтиради. Айниқса, бу вақтларда Бухорода бўлган инглиз агентлари: Стоддарт ва Коноллилар ва уларнинг Бухоро ҳукмрон доиралари билан олиб борган музокаралари тўғрисида кўп қизиқ маълумотлар берилган.

Авторнинг ёзишича, инглиз агентлари амир билан учрашувда Бухорога фақат илмий мақсадлар билан келганликларини баён қилишларига қарамасдан, амир Насрулло уларнинг ҳақи-

¹ А. Леман. Уша асар, 8—9-бетлар.

² Уша асар, 67—69-бетлар.

³ Уша асар, 69-бет.

⁴ Уша асар, 179-бет.

қий мақсадларини билишга ҳаракат қилгани сабабли, уларни бир неча марта кетма-кет қабул қилган. («Қабул» эса, кун бўйи ва кечаси билан давом этар эди). Ҳатто амир Насрулло Конолли инглиз ҳукуматининг ҳақиқий агенти эканини ва Бухоро учун хавфли маҳфий бир маҳсус инструкция билан келган бўлиши керақ, деб гумон қилаётганини тўғридан-тўғри айтган эди¹.

Демак, А. Леманнинг асари, биринчидан, XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг айрим томонларини белгилаб олишга имкон берса, иккинчидан, айни замонда бу муносабатларга катта таъсир кўрсатаётган инглиз тажовузкорларининг Бухоро хонлигига олиб борган агресив ишлари ҳақида ҳам кўп қизиқ маълумотлар беради.

1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг составида Бухоро териториясида еости фойдали қазилма бойликларини излаб топиш учун келган рус тоғ инженерларининг Бухоро хонлигига олиб борган геологик разведкалалири ва бу разведкаларнинг берган натижалари тўғрисида бизга шу миссия аъзоларидан бири ва разведка қилувчи компаниянинг бошлиғи Богословскийнинг² ва миссия бошлиғи К. Бутеневнинг асарлари³ маълумот беради. Бу асарлар рус тоғ инженерларининг Бухоро териториясида олиб борган амалий текширишларининг натижаси бўлиб, уларда мамлакатнинг ичидаги жойлашган еости фойдали қазилма бойликлари, шунингдек, қимматбаҳо бойликларнинг манбаи бўлган тоғлари ва дарёлари тасвир этилади. Бу асарлар рус миссияси Бухородан қайтгандан сўнг, 1842 йилда Петербургда нашр қилинган.

Богословскийнинг берган маълумотлари бўйича, разведка қилиш маршрути Зарафшон дарёсининг сўл қирғоғи бўйлаб, Панжакент, Самарқанд, Каттақўрон, Зиёвуддин ва Кармана шаҳарларини кесиб ўтиб, Бухорогача бўлган районларни ўз ичига олган эди⁴.

Богословский ҳам, К. Бутенев ҳам рус тоғ инженерларининг Бухоро териториясида олиб борган геология разведкаларининг келтирган натижаларини баён қиласр эканлар, бу районларда фойдали еости қазилма бойликлардан: темир, мис, қўроғшин, тошқўмир, графит, феруза, ҳатто олтин, кумуш ва бошқалар мавжуд эканлиги аниқланганини ёзадилар. Улар разведка олиб борилган районлар айниқса мис ва тошқўмир конларига жуда

¹ А. Леманн. Уша асар, 181—184-бетлар.

² Богословский 2-й. Записка о долине Заравшана и горах ее окружающих. «Горный журнал». 1842, 2-қисм, X китоб, 206-бет.

³ К. Бутенев. Минеральные богатства Бухарии. «Горный журнал». 1842, IV-қисм, XI китоб, 137—148-бетлар.

⁴ Богословский 2-й. Уша асар, 9-бет.

бой эканини таъкидлаб ўтдилар. Богословский Зарафшон во-дисида жойлашган тошкўмир бойликларига баҳо бериб, қуидагиларни ёзган эди: «Бу ердаги тошкўмир қатламларини қазиб чиқариш натижасида пайдо бўладиган бойликка, бу дарёнинг Зарафшон, яъни олтин дарё деб аталиши жуда ҳам мос келади¹.

Богословский геологик разведканинг асосий предмети бўлган олтин устида олиб борган илмий қидириш айтарлик яхши натижалар келтирганини баён қиласи ва Зарафшон дарёсинг қумларида олтин заррачалари мавжуд бўлса ҳам, аммо улар жуда майда ва ишлаб чиқариш учун арзимаслигини, ҳамда ҳақиқий соғ олтин қумлари бу районларда учрамаганлигини ёзади².

Ҳар икки автор ҳам ўз асарларида олтин Бухоронинг шимоли-шарқий қисмига жойлашган Оқтоғ ва Амударёда топилиши мумкин, деб гумон қиласидилар³.

Булардан ташқари, К. Бутенев Нурота ва бошқа тоғларда мис рудалари мавжуд эканини баён қиласи экан, уларнинг намуналаридан бухороликлар олиб келиб, миссия бошлиғига қўрсатганлиги тўғрисида ёзади⁴.

К. Бутеневнинг келтирган бу охирги фактик маълумоти, ўз территориясида фақат қимматбаҳо еости бойликларидан олтингина эмас, балки мис, темир, чўян каби бошқа фойдали қазилмаларини разведка қилиш ва уларни излаб топиш ҳам бу хороликларни қизиқтиришини кўрсатади.

Богословский эса, рус миссияси составидан келган тоғ инженерлари Бухоро ҳонлиги территориясида тошкўмир конларини излаб топиб, уларни намойиш қилмагунча, Бухоро аҳолиси ва ҳатто унинг ҳукмрон доиралари тошкўмир ҳақида маълумотга эга бўлиш у ёқда турсин, бу ҳақда тушунчага ҳам эга бўлмаганлигини ёзади⁵.

Демак, юқорида келтирилган маълумотлар, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ерларида биринчи марта илмий равишда геологик текширишлар олиб борган ва ўзбекларни деярли номаълум бўлган айрим еости фойдали қазилма бойликлар билан таништирган кишилар рус тоғ инженерлари эканини жуда очиқ кўрсатиб беради.

Шундай қилиб, Богословский ва К. Бутенев асарларида 1841 йилда Россиядан Бухорога тоғ инженерларининг юборилиши ва Бухорода яхши кутиб олиниб, амир Насрулло томонидан

¹ Богословский 2-й. Уша асар, 17-бет.

² Уша асар, 21-бет.

³ Уша асар, 21-бет. Яна қаранг: К. Бутенев. Минеральные богатства Бухарии. 140—141-бетлар

⁴ К. Бутенев. Уша асар, 143-бет.

⁵ Богословский 2-й. Уша асар, 17-бет.

Бухоро территориясида геологик разведка олиб бориш учун уларга рухсат этилиши ҳамда инженерларнинг олиб борган разведкалари ва бу текширишларининг келтирган натижалари ҳақида жуда ажойиб маълумотлар берилган. Бу маълумотлар, биринчидан, Бухоро ҳукмрон доираларида Россияга нисбатан ишонч ҳосил бўлганинидан дарак берса, иккинчидан, XIX асрнинг иккинчи чораги давомида Россия ва Бухоро хонлиги ўтасидаги иқтисодий, дипломатик алоқалар билан бирга, маданий алоқалар ҳам мавжуд эканини ва унинг йилдан-йилга тобора ривожланаштганини намойиш қиласди.

1842 йилда «Горный журнал»нинг XI сонида К. Бутеневнинг Бухоро саноати тўғрисида бир неча мақолалари босилиб чиқади. М. М. Соловьевнинг берган маълумотига қараганда, бу мақолалар 1842 йилда Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг бошлиғига берилган маҳфий инструкция бўйича, К. Бутеневнинг шахсий мушоҳадаси асосида тўплангандай материаллар натижасида ёзилган эди¹.

К. Бутеневнинг бу асарлари, ҳажм жиҳатидан жуда кичик бўлишига қарамай, XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро хонлигининг саноати ва унинг умумий ҳолати тўғрисида жуда нодир фактик маълумотлар беради.

Автор ўзининг «Заводское дело в Бухарии» номли асарида Бухоро хонлигининг саноат жиҳатидан жуда орқада эканини ва унинг ривожланишига давлат томонидан ҳеч қандай аҳамият берилмаслигини ёзади. К. Бутеневнинг берган маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро хонлигидаги ҳаммаси бўлиб б та чўян эритиш корхонаси бўлган. Бухоро хонлиги ўз маҳаллий чўянинга эга бўлмаганлиги сабабли, бу корхоналарда Россиядан келтирилган чўян ва чўяндан ишланган буюмларнинг синифини қайта эритиш ҳисобигагина омоқ тишилари қўйилар эди².

К. Бутенев бу асарида Бухоро хонлигидаги чўян эритиш корхоналарининг қўралари тузилишини ва эритиш усусларини муқаммал равишда тасвир этади. Булардан ташқари, у Бухоро ҳукмрон доиралари Нурота тоғларида топилган темир рудаларининг намуналарини К. Бутеневга юбориб, унинг бу руда ҳақидаги фикрини сўраганлиги тўғрисида баён қиласар экан, К. Бутеневнинг маслаҳати билан улар устида тажриба олиб борилганини ва натижада топилган руданинг ҳақиқий соғ темир рудаси эканлиги аниқланганлигини ёзади³.

¹ М. М. Соловьев. Уша асар, 177-бет.

² К. Бутенев. Заводское дело в Бухарии. «Горный журнал», 1812. V-қисм, XI китоб, 148—150-бетлар.

³ К. Бутенев. Уша асар, 163—188-бетлар.

Демак, бу маълумотларга қараганда, рус инженерлари Бухоро территориясида еости фойдали қазилма бойликларни разведка қилиб топиш билан бирга, ҳатто улар устида биринчи марта тажриба ҳам олиб борганлар.

К. Бутенев ўзининг «Замечание о ковке булата в Бухарии» номли мақоласида Бухорода пўлат буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарини, шунингдек, уларнинг қўраларининг тузилишини ва пўлат буюмларини тайёрлашдаги иш процесслари ни тасвир қиласди.

Булардан ташқари, «Горный журнал»да К. Бутеневнинг «Монетное дело в Бухарии» ва «Об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухарии» номли асарлари ҳам босклиб чиқади.

К. Бутенев ўзининг биринчи асарида Бухоронинг пул ишлаб чиқарувчи зарбхонаси, пулларнинг тури, уларнинг курси ва ишлаб чиқариш усули тўғрисида маълумот беради. Автор Бухоро пулларининг тури ва курси тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди: «Бухорода олтин, кумуш ва чақа пуллар зарб этилиб, олтин пул «тилло», кумуш пул «танга» ва чақа эса, «пул» ёки «пулло» деб аталади. Бир дона тилло 21 тангага, бир дона танга 44 пуллога баравардир»¹.

Асарда Голланд червони билан Бухоро тиллосининг солиши тирма курси берилади. Булардан ташқари, автор пулларни, айниқса олтин пулни тайёрлаш усулига жуда диққат қиласди. Авторнинг кўрсатишича, Бухоро зарбхонаси тилло пулни зарб этишда энг кўп олтинни Россиядан олар эди².

Демак, Бухоро зарбхонаси ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этган олтин Россиядан келтирилар эди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган бу маълумотлар шуни кўрсатадики, XIX асрнинг 40-йилларида Бухородаги саноаг корхоналари Россия—Бухоро хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларига жуда ҳам боғланиб қолган эди.

К. Бутеневнинг иккинчи асари Бухоро хонлигига рус темир буюмларининг савдосини кенгайтиришга бағишланган бўлиб, унда автор XIX асрнинг 40-йилларида Россиядан Бухорога темир буюмларининг жуда оз миқдорда келтирилиши ва унинг савдоси жуда суст экани тўғрисида ёзади.

Автор Бухородаги рус темир буюмлари савдосининг бундай суст бўлишига асосий сабаб қилиб Бухорода ишлатиладиган темир буюмларнинг руслар томонидан яхши ўрганилмаганлигини ва уларнинг нотўғри кўрсатилганлигини олади.

¹ К. Бутенев. Монетное дело в Бухарии, 154-бет.

² Уша асар, 158-бет.

Авторнинг фикрича, Бухорода ишлаб чиқариладиган омочтишлари, кетмон, тақа ва бошқаларни Россия заводларида тайёрлаб, Бухорога келтирилса, унинг савдоси тез вақт ичида жуда ривожланиб кетиши мумкин эди¹.

Бу маълумотлар К. Бутеневнинг Бухоро хонлигидаги темирчиллик саноатининг яхши ривожланмаганлиги ва унинг ишлаб чиқараётган буюмларининг содда бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариш техникасининг жуда орқада қолганлигини аниқлаганигидан дарак беради.

К. Бутеневнинг «Результаты метеорологических наблюдений по пути из Оренбурга в Бухару...» номли мақоласида Ўрта Осиёнинг обҳавоси тўғрисида маълумотлар берилади.

Шундай қилиб, К. Бутеневнинг асарлари XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро саноатини ва ишлаб чиқариш техникасини ўрганишда биринчи даражали манбадир.

XIX асрнинг 40-йилларида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганишда А. Г. Серебренниковининг китобида босилиб чиққан архив документлари ҳам асосий манбалардан бўлиб хизмат қиласи. Россиядан Бухорога юборилган элчиларга ва миссия бошлиқларига берилган ёрлиқ ва хатлар, миссияларни кузатиш учун белгиланган ҳарбий конвой ҳамда Бухородан Россияга келган элчилар тўғрисида маҳаллий ҳокимларнинг берган баёнотлари китобнинг II—IV томларида келтирилади.

Китобнинг иккинчи томида Россия ва Бухоро муносабатларига оид фақат бир дона документ келтирилиб, бу документда 1840 йилда Муқимбек бошлиқ Бухородан Россияга келган элчилик тўғрисида баён қилинган. Документда элчиликнинг Петербургга етиб келиши, унинг состави ва Бухоро ҳукумати томонидан берилган ёрлиқлар қайд қилинадио, аммо элчиликнинг вазифалари тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди².

Китобнинг учинчи томида Оренбург генерал-губернаторининг 1841 йилда Бухорога ва Хевага юборилган миссияларни кузатиш учун ҳарбий эскорт тўғрисида берган фармони ва миссия бошлиғи К. Бутеневга берилган ёрлиқлар келтирилган.

Биринчи документда миссияни кузатиш учун белгиланган ҳарбий отряднинг состави ва унинг асосий вазифалари кўрсатилган. Документда берилган маълумотга қараганда, ҳарбий отрядга миссияни Қувон дарёсигача кузатиш, қайтишда Қозо-

¹ К. Бутенев. Об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухарии. «Горный журнал», 1842, V-қисм, XI китоб, 173—174-бетлар.

² А. Г. Серебренников. Туркестанский край. «Сборник материалов для истории его завоевания», т. II, Ташкент, 1912, 231-бет.

ғистонда қўзғолон кўтарган Қенасарихонга қарши курашиб, иложи бўлса уни қўлга тушириш, шу билан бирга, Сирдарё ат-рофидаги районларни ўрганиб, уларни харитага тушириш топширилган эди¹.

Демак, бундан маълумки, 1841 йилда Хева ва Бухоро хонликларига юборилган миссияларни кузатиш учун белгиланган ҳарбий эскортнинг вазифаси фақат уларни йўлдаги хавфдан мудофаа қилиш билан чегараламасдан, балки, айни замонда, Қозоғистондаги феодал ғалаёнларга қарши курашдан ҳам иборат эди.

Кейинги икки документ рус ҳукуматидан Бухоронинг ҳукмрон доираларига юборилган ёрлиқлар бўлиб, уларда икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши учун рус ҳукумати Бухорога ўз вакилини юбораётгани ва унга Бухоро амири билан икки давлатнинг ўзаро муносабтларини белгиловчи асосий шартларни келишиб олиш топширилганлиги, шунингдек, Бухоро амирининг илтимосини бажариш учун Россиядан Бухорога миссия составида тоғ инженерлари жўнатилаётгани тўғрисида гапиради².

Китобнинг IV томида Бухоро ва Россия муносабатларига оид икки документ келтирилиб, уларда асосан 1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган миссиянинг иш натижалари қайд қилинади. Биринчи документда миссия бошлиғи К. Бутеневнинг миссия қайтгандан сўнг, Оренбург губернаторига Бухоро хонлигининг харитаси ва Бухоро, Самарқанд шаҳарларининг планни топширилгани ҳақида ёзилган³.

Иккинчи документда К. Бутеневнинг «Бухорога қўшин тортишнинг имконият ва воситалари тўғрисида» сарлавҳаси билан Ташқи Ишлар министрлигига берган ёзма баёнотининг тафсири берилиб, унда авторнинг Бухорога қарши ҳарбий юруш уюштиришини таклиф этишининг асосий сабаблари очиқ кўрсатилган.

Документда автор, Бухоро хонлигига қарши ҳарбий юруш билан уни тамоман босиб олиш эмас, балки Россия Бухоро амирини тегишли шартномани тузишига мажбур этиш мақсадида эканини таъкидлаб ўтади.

Россия ўзининг Бухоро хонлигига нисбатан олиб бораётган сиёсатида икки давлатнинг ўзаро муносабатларида пайдо бўлган масалаларни ечиб олишга ҳаракат қилиб келган эди. К. Бутеневнинг ёзма баёнотида белгиланган шартноманинг энг муҳим пунктлари мана шу масалаларни жуда яхши ифодалаб беради.

¹ А. Г. Серебренников. Уша асар, т. II, 2—10-бетлар.

² А. Г. Серебренников. Уша асар, т. III, 35—38-бетлар.

³ Уша асар, т. IV, 45—46-бетлар.

А. Г. Серебренниковнинг китобида нашр этилган архив документлари Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганиш учун юқорида тасвир этилган маълумотларда берилган маълумотларни, бир томондан, анчагина кенгайтирса, иккинчидан, уларнинг тўғрилигини исбот қиласди.

Бухоро ва Россия муносабатларини ўрганишда П. Савельевнинг «Бухара в 1835 году» номли асари ҳам кўпгина қимматли маълумотларга эга. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, 1836 йили Петербургда нашр этилган. Автор ўз асарининг биринчи қисмida, асосан, Г. Мейендорф китобида берилган маълумотлар, шунингдек, А. Бернс ва П. И. Демизоннинг берган маълумотлари асосида Бухоро шаҳарини тасвирлайди. Асарнинг иккинчи қисмida 1558 йилдан то 1834 йиллар давомида Бухорога юборилган инглиз агентлари ва рус элчилари фаолиятини обзор шаклида баён қиласди. Гарчи П. Савельев асарининг ҳажми жуда ҳам кичик бўлиб, ўша вақтларда нашр этилган маълумотлар асосида ёзилган бўлса ҳам, лекин у XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро ҳақида рус тилида чиққан асарлардан биринчиси эди.

Асарда автор айрим фактик маълумотларни Г. Мейендорф, А. Бернс ва П. И. Демизонларнинг берган маълумотларига солиштириб беради.

XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро ва Россия муносабатларига оид материаллар асарнинг иккинчи қисмida бериллиб, автор унда фақат П. И. Демизоннинг Бухорога келишини баён қиласди, холос. Булардан ташқари, асарда инглиз агентлари: Муркрофта, А. Бернс тўғрисида ҳам маълумотлар берилган¹.

П. Савельевнинг мазкур асари XIX асрнинг иккинчи чораги давомида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганишда қисман бўлса ҳам ёрдамчи маълумотлар билан таъмин этади.

* * *

XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатлар тўғрисида маҳаллий тарихчиларнинг асарларида деярли ҳеч қандай маълумот берилмайди, деса бўлади. Чунки, уларда мавжуд бўлган маълумотлар жуда ҳам қисқа бўлиб, ҳатто икки давлат ўртасида қатновчи миссияларнинг хронологияси ҳам кўрсатилмаган. Масалан, «Тарихи амир Ҳайдар» асарида 1840 йилда Бухородан Россияга юборилган Бухоро элчиси Муқимбек тўғрисида қайд қилинган бўлсада, лекин унинг юборилган йили ҳамда олдига қўйилган вазифалири тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмайди².

¹ П. Савельев. Бухара в 1835 году, СПб, 1836, 10—26-бетлар.

² Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшариф. Тарихи амир Ҳайдар. Жўлёзма, инв. №1836, л. 81 б.

Шунингдек, 1841 йилда Россиядан Бухорога юборилган К. Бутенев бошлиқ дипломатик миссия тўғрисида Мулла Олим ҳам ўзининг «Тарихи Туркистон» асарида қайд қилиб ўтади¹.

Лекин, Мулла Олим мазкур миссиянинг Бухорога келиши ва унинг олдига қўйилган вазифалари ҳамда Бухоро ҳукмрон доиралари билан олиб борган музокаралари тўғрисида деярли ҳеч қандай маълумот бермайди.

Демак, XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳозирда биз учун маълум бўлган маҳаллий манбалар деярли ҳеч қандай маълумот бермайди.

Шундай қилиб, Н. Хаников, А. Леман, К. Бутенев, Богословский, П. Савельев асарлари ва Н. Залесов, А. Г. Серебренников китобларида берилган материаллар XIX асрнинг иккинчи чорагида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларни ўрганишда жуда қиммат баҳо ва нодир манбалардир.

Бу манбаларда Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид берилган маълумотларни характерлаб, куйидаги хулюсаларга келдик:

1. Бу асарлarda берилган маълумотлар XIX асрнинг иккинчи чорагида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг умумий ҳолатини кўрсатиб беради. Айниқса, Н. Хаников асарида бу икки давлатнинг савдо алоқаси тўғрисида келтирилган маълумотлар, бу савдонинг йилдан-йилга ривожланиши, унинг умумий ҳажми, савдонинг асосини ташкил этган маҳсулотлар бирма-бир кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Россияда Ўрта Осиё пахтасига нисбатан талабнинг ортиши Россияда тўқимачилик саноатининг ривожланиши билан боғлиқ эканлиги очиқ кўрсатилган.

2. Улар бу икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларни, яъни Россиядан Бухорога ва, аксинча, Бухородан Россияга юборилган элчилар, уларнинг олдига қўйилган асосий вазифалар ҳамда уларнинг келтириган натижаларни мукаммал равишда баён қиласди. Н. Залесов, А. Серебренников асарларида берилган материаллар XIX асрнинг 30—40-йиллари давомида Россия ва Бухоро ўртасидаги дипломатик муносабатларни ҳар томонлама баён этиб, бу икки давлатнинг ўзаро муносабатларига айни замонда Ўрта Осиёда инглиз тажовузкорлик ҳараратларининг кучайиши анчагина таъсир этганини, мана шуларга асосан, бу вақтларда Россиянинг Бухоро хонлиги билан олиб бораётган дипломатик алоқалардаги асосий вазифаларидан бири, Ўрта Осиёда инглиз таъсирининг кучайишига йўл қўймаслик

¹ Мулла Олим. Тарихи Туркистон, 195-бет.

ҳамда Россия таъсирини кенгайтириш эканини жуда яққол кўрсатиб берадилар.

3. Бу манбаларда Бухоро ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг борган сари ривожланиши ва бундан ҳар икки давлатнинг ҳам манфаатдор эканлиги, ҳамда Бухоронинг Россияга нисбатан ҳайриҳоҳлигининг ортишини кўрсатувчи жуда кўп фактик далиллар келтирилган. Бухоро хонлиги бу вақтларда Ўта Осиёда инглиз тажовузкорларининг агресив ҳаракатлари Бухоронинг мустақиллиги учун жуда хавфли эканини ва улар билан курашда бир ўзи ожиз эканлигини сезиб, Россия билан яқинлашишга ҳар доим ҳаракат қилган ва унинг ёрдами-ни кутган.

4. Бу асарлар XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик алоқалар билан баравар маданий алоқалар мавжуд эканини ва улар йил сайн жонланиб бораётганини тасвир этувчи жуда бой ва ажойиб маълумотларга эга. Бу вақтларда Бухоро ҳоким доиралари Россиянинг Бухорога нисбатан ҳар томонлама устун эканини сезиб, ўз территориясида еости фойдали қазилма бойликларини излаб топиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўюштириш учун Россиядан төғ инженерлари юборилишини илтимос қилган эдилар. Ёу, XIX асрнинг иккинчи чорагида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатлар тарихида жуда катта прогрессив воқеалардан бири эди. Чунки, Бухоро амирининг ўз территориясида еости қазилма бойликларини излаб топиш учун Россиядан төғ инженерларини илтимос этиши ва рус инженерлари ҳамда топографларига Бухорода ҳар хил разведка, топография ишларини олиб боришларига руҳсат этилиши, бухороликларнинг Россияга нисбатан ишонч кўзи билан қараганлигидан ва Россия—Бухоро ўртасидаги муносабатларнинг нақадар яхши, мустаҳкам ва яқин бўлганлигидан дарак беради.

Ҳақиқатан ҳам, Бухоро ҳукмрон доираларининг Россиядан төғ инженерлари юборишни илтимос этишлари ва уларнинг илтимосларини рус ҳукуматининг бажариши, икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муваффақиятли натижаларидан биридир. Бухоро хонлигига рус инженерларининг олиб борган ишлари ва улар келтирган натижалар Богословский ва К. Бутеневларнинг асарларида ҳар томонлама тасвир этилади.

IV. XIX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД БАЪЗИ БИР МАНБАЛАР

XIX асрнинг 50-йилларига келиб, Бухоро хонлиги ва Россия ўзаро дипломатик алоқаларида айрим масалалар юзасидан ке-

лишолмаганликларига ва бу воқеа натижасида Россия ҳоким доиралари орасида Бухорога нисбатан норозилик пайдо бўлишига қарамасдан, бу икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳамон кенгаймоқда эди.

Бухоро ва Россия савдо муносабатларига Россиянда саноатнинг, жумладан тўқимачилик саноатининг тобора ривожланиши ва унинг хомашёга—пахтага бўлган эҳтиёжининг орта бориши катта таъсир этади. Россия саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжи, айниқса Америкада гражданлар уруши давомида (1861—1865) жуда ҳам ошиб кетади. Чунки Россия саноати учун пахта асосан Америкадан келтирилиб, уруш натижасида бу вақтларда у ердан олиб келинадиган пахта тамоман тўхтаб қолган эди. Масалан, агарда 1860 йилларда Россия ярмаркаларида Бухоро пахтасининг бир тури 4 сўм бўлса, 1864 йилга келганда унинг баҳоси 22 сўмгача ошади¹.

Уша вақтлардаги матбуотда Бухоро пахтасига бўлган эҳтиёж тўғрисида қуидагилар баён қилинган: «Бухорода пахта етиштириш ва унинг экспорти хонликнинг бутун ишлаб чиқаринини қоплаб олиб, унинг четга чиқариладиган барча маҳсулотлари: канавус (ипак газлама), сус (қизил мия ўсимлигининг илдизи), вибойка (маҳаллий ип-газлама—бўз), тайёр тўнлар ва ҳатто қуруқ меваларнинг ўрнини эгаллаган эди².

Бу маълумотлар, биринчидан, Россиянда бу вақтларда пахтага бўлган талабнинг қанчалик ошганлигини кўрсатса, иккинчидан, Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларининг тобора кенгайиб бораётганини дарак беради.

Мана шу сабабларга асосан, Бухоро ва Россия ўртасидаги савдони Россиядан чиқариладиган молларнинг ичида тайёр маҳсулот, Бухородан олиб келинадиган молларнинг орасида эса хом пахта тамоман эгаллаб бормоқда эди.

Бухоро ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларининг ривожланиши Бухоро хонлигининг экономикасига ҳам катта таъсир қила бошлади. Чунки, Россияга чиқариладиган пахта ҳажмининг ортиши, ўз навбатида, пахта экиладиган ерларнинг кенгайишини талаб этар эди. Шунинг учун ҳам бу вақтларда Бухоро территориясида пахта экиладиган майдонлар жуда тез суръат билан кенгая бошлайди.

Демак, XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижасида хонликнинг экономик жиҳатдан Россия бозорларига тобеблиги анчагина ошган эди. Шу билан бирга, Россиянда саноат-

¹ Заметки о Бухаре и ее торговле с Россией. Журнал «Современник», 1864, 95—96-бетлар.

² Уша асар, 95—96-бетлар.

нинг ривожланиши билан ҳомашёга бўлган эҳтиёжнинг ортиши ва бунинг устига Америкадан олинидиган пахтанинг тамоман тўхтаб қолиши Ўрта Осиёнинг, жумладан Бухоро хонлигининг Россия саноати учун пахта базаси сифатида аҳамиятини жуда ҳам ошириб юборади.

Шунинг учун XIX асрнинг 50-йилларида ҳам рус дипломатиясининг Ўрта Осиёдаги асосий вазифаси бу пахта базасини қўлдан бермасдан ва у ерга бошқа чет давлатнинг кириб келишига йўл қўймасдан, Россия таъсирини кучайтиришдан иборат эди.

Бу вақтларда Ўрта Осиёда инглиз тажовузкорларининг агрессив ҳаракатлари тобора кенгайиб бориши ва бунинг устига, XIX асрнинг 30—40-йиллари давомида Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари, жумладан Бухоро билан олиб борган дипломатик алоқалари керакли натижалар бермаганлиги, Россиянинг Қозогистонга, шунингдек Ўрта Осиёга нисбатан бўлган муносабатларида юзага келган вазиятни кескинлаштириб юборди. Эндиликда Россия Қозогистонни тамоман ўзига бўйсундириб, хонликларни у билан керакли шартнома тузишга мажбур этиши сиёсатини тута бошлади.

1847 йилда Сирдарёшининг ўрта оқимида Раимский истеҳкоми қурилиб, 1853 йилга келганда Сирдарёгача бўлган районлар Россия қўл остига ўтади. Лекин, бу вақтларда пайдо бўлган халқаро вазият Россияни ўзининг бу планларидан вақтингчалик воз кечишига мажбур этди. Россия айни замонда Крим уруши (1853—1856) билан банд эди.

Аммо, XIX асрнинг 50-йилларида Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган сиёсатида бундай кескин ўзгариш пайдо бўлишига қарамасдан, Бухоро хонлиги Россия билан алоқани яхшилашга ва икки ўртада низо келиб чиқишига йўл қўймасликка ҳаракат қила бошлайди. Ҳатто Бухоро хонлиги бу вақтларда Россиянинг Қозогистонни тамоман ўз қўл остига олишига ҳам тарафдор эди.

1848 йилда Россияга юборилган Бухоро элчиси Мирза Хайруллага берилган ёрлиқда, Хева хони Сирдарёда руслар томонидан қурилаётган маҳфий истеҳком тўғрисида Хева билан Россия ўртасида воситачилик қилишни Бухоро ҳукмрон доираларидан сўраган вақтида, Бухоро амири савдо йўлини мудофаа қилинда ва бу истеҳкомнинг аҳамиятини яхши тушуниб, ўз ерида истеҳком қураётган рус ҳукуматининг ишларига аралашишнинг Хева хонлигига ҳеч қандай тааллуқ ери йўқ, деб жавоб берганини ҳақида ёзилган¹.

¹ А. Г. Серебренников. Туркестанский край. «Сборник материалов для истории его завоевания», т. IV, 138—139-бетлар.

Шунингдек, Бухоро элчиси, инглиз агентлари Бухорога келиб, амири Англия билан алоқа боғлаши учун зўр бериб ҳаракат қилаётганликлари ва уларнинг тақлифларини амир Насрулло қайтарганлиги тўғрисида Россия ҳукуматини огоҳ қилган эди¹.

Бухоро элчиси Мирза Хайруллага берилган ёрлиқда икки давлат ўртасида қадимдан давом этиб келаётган дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун Бухоро амири рус ҳукуматидан Бухорога ўз вакилини юборишини илтимос қилган эди².

Булардан маълумки, Бухоро хонлиги XIX асрнинг 40-йилларида Россия билан олиб борган дипломатик алоқаларида унинг баъзи бир тақлифларини қабул қилмаган ва натижада Россия ҳукмрон доиралари орасида ўзига нисбатан норозилик туғдирган бўлса ҳам, лекин у билан алоқани тамоман узуб юбориш тарафдори бўлган эмас. Чунки, биринчидан, Россия билан бўлган иқтисадий алоқалардан Бухоро хонлиги жуда ҳам манфаатдор бўлиб, бу алоқаларга путур етказилишини хоҳламаса, иккинчидан, инглиз тажовузкорларининг Ўрта Осиёда агрессив ҳаракатларининг тобора кучайиши Бухоронинг мустақиллигига хавф солиб келмоқда эди. Мана шунинг учун ҳам Бухоро ҳукмрон доиралари Россияга узлуксиз ўз вакилларини юбориб, у билан дўстона алоқада бўлиш ва бу алоқаларни мустаҳкамлаш учун Бухорога рус вакилларини юборишини Россия ҳукуматидан илтимос қиласар эдилар. Ҳатто Бухоро ҳукмрон доиралари икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни белгилаш учун бир қаңча рус қулларини озод этиб, ўз ватанларига юборган ҳам эдилар³.

1857 йилда Бухоро хонлиги Россияга элчи юбориб, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун рус ҳукуматидан ўз вакилини юборишини иккинчи марта сўрайди⁴.

Бухоро ҳукмрон доираларининг бундай илтимосларига жавобан Россия ҳам 1858 йилда полковник Н. Игнатьев бошлиқ дипломатик миссия юборди. Аммо, 1858 йилда рус ҳукуматининг Бухорога элчилик юборишининг асосий сабаби Бухоро ҳукмрон доираларининг илтимоси бўлмай, балки ўша вақтларда бу икки давлат ўртасидаги муносабатлarda пайдо бўлган вазиятга боғлиқ эди. Бу вақтларда Россия Қозоғистон ёрларини тамоман ўз таъсирига олиб, Ўрта Осиё хонликлари билан бевосита қўш-

¹ А. Г. Серебренников. Уша асар, т. IV, 137—139-бетлар.

² Уша асар, 135—136-бетлар.

³ А. Шепелев Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азию до начала XIX века, 83-бет.

⁴ Уша асар, 83-бет. Қаранг: Н. Залесов. Посольства в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 г. «Русский вестник», 1871, т. 91, №2, 422 ва 450-бетлар.

ни бўлиб қолган эди. Эндиликда Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари, жумладан Бухоро билан олиб бораётган дипломатик муносабатлари муваффақиятли натижалар беришига у ерда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий аҳвол ҳамда хонлик тӯғрисида мукаммал ва аниқ маълумотларнинг бўлиши анчагина таъсир этар эди.

XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро ва унга қўшни бўлган хонликлар тӯғрисида тӯпланган маълумотлар бу вақтга келиб эскириб қолган ва рус ҳукуматининг ҳозирги вақтлардаги таълабларига тўла жавоб бера олмас эди. Шу билан бирга, Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб бораётган савдо муносабатлари ҳам айтарлик яхши йўлга қўйилмаган бўлиб, аввалгидек, рус савдогарлари Ўрта Осиё бозорларига бемалол боролмас ва боргандарига ҳам ортиқча божлар олиниб, уларга тўсқинлик қилинар эди. Булардан ташқари, Амударё бу вақтларда Россия учун иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг диққатини ўзига тортмоқда эди¹.

Мана буларнинг ҳаммаси 1858 йилда Россиядан мазкур миссиянинг юборилишига сабаб бўлади.

XIX асрнинг 50-йилларида Россия ва Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатларга оид манбалар унчалик кўп бўлмасдан, уларда кўпроқ 1858 йилда Россиядан Хева ва Бухоро хонликларига юборилган дипломатик миссия тӯғрисида маълумотлар берилиб, аммо бу миссиягача бўлган давр ичида Бухоро ва Россиянинг ўзаро муносабатларига оид маълумотлар жуда ҳам оз келтирилади.

1858 йилда Н. Игнатьев бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган миссия, унинг состави, олдига қўйган вазифалари, миссия бошлигининг Бухорода олиб борган музокаралари ҳамда Бухоро ҳукмрон доираларининг рус элчилигига нисбатан муносабатлари, шунингдек уларнинг миссия бошлиғи томонидан таклиф этилган шартларга берган жавоблари тӯғрисида бизга Н. Игнатьев² ва Н. Залесов³ асарлари маълумот берадилар.

Ҳар икки автор ҳам мазкур миссиянинг иштирокчиси бўлиб, улар ўз асарларини кўрган ва эшитган маълумотлари асосида ёзган эдилар.

Н. Игнатьевнинг асари 1897 йили Петербургда нашр этилган. Асар, асосан, 1858 йилда Россиядан Хева ва Бухоро хон-

¹ А. Шепелев. Уша асар, 83-бет.

² Н. Игнатьев. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъ-станта полковника Н. Игнатьева, СПб, 1897, 278-бет.

³ Н. Залесов. Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 г. «Русский вестник», 1871, т. 91, № 2, 421—440-бетлар; т. 92, № 3, 42—82-бетлар. Н. Залесов. Письмо из Бухары. «Военный сборник». 1860, т. XII, 235—348-бетлар.

ликларига юборилган миссияга бағишиланиб, унда автор күпроқ Россия ва Хева муносабатлари устида тұхтади үтади.

Шуни айтib үтиш керакки, Н. Игнатьевнинг асари бошидан то охиригача «рус шовинизми» руҳида ёзилган. Асарда автор қайси бир масала ёки воқеа устида тұхтамасин, у ҳар доим Үрта Осиё халқларига шовинистик назарда қараб, уларни кам-ситади ва оёкости қилади.

Хатто, Н. Игнатьев Бухоро ва Хева хонликлари билан олиб борилган музокаралар мұваффақиятли шатыра бериши учун улар билан тинчлик, үзаро ҳамжиҳатлик йўли билан эмас, балки зўрлик йўли билан муомала қилишни тавсия қилади. Асарда автор бу ҳақда қўйидагиларни ёзади: «Биз тавсия қилаётган шартномага рози бўлиши ва уни тасдиқлаш кераклигига амирни ишонтиришда, уни қўрқитиш, буларни қайтарган вақтда эса, биз Осиё маҳсулотларисиз қаноатланишимиз мумкин, деб огоҳлантириб, ҳозирги вақтларгача мавжуд бўлиб келаётган савдо имтиёзларини осиёликлардан тортиб олмоқ керак»¹.

Автор Россия ва Үрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатларга баҳо берар экан, бу алоқаларга ўз синфи нуқтаи назаридан қараб, улар Россия учун ҳеч қандай фойда келтирмайди, деб баён қилади. Н. Игнатьевнинг фикрича, Үрта Осиёдан келадиган фойдасиз элчиларни кутиб олишда сарфланадиган ва Россиядан у ерга юбориладиган элчиларга харажат қилинадиган бекорчи маблағ мақсадга эришиш учун бошқа йўлга (яъни хонликларни босиб олишга—М. А.) ишлатилиши керак эди².

Автор, Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги ўзининг бу фикри билан, биринчидан, Үрта Осиё халқларининг Россия билан асрлар давомида мустаҳкамланиб келаётган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларини ҳамда улардан ҳар икки давлатнинг манфаатдор эканини инкор этса, иккинчидан, Үрта Осиё ерларига колонизаторларча қараб, у ерларни тезроқ босиб олиш планларини олға суради.

Гарчи Н. Игнатьев ўз асарида Россия ва Үрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатларни ёритишида ўз синфи манфаатларининг тор рамкасидан чиқолмай, колонизаторлик позициясида турган бўлса ҳам, аммо унинг бу муносабатлар тўғрисида берган фактик материаллари XIX асрнинг 50-йилларида Россия ва Үрта Осиё, жумладан Бухоро хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганишида аҳамиятидир.

Н. Игнатьев ўз асарида 1858 йилда Россиядан Хева ва Бухоро хонликларига дипломатик миссия юборилишининг асосий

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 57-бет.

² Уша асар, 188-бет.

вазифаларини тўғри кўрсатади. Авторнинг ёзишича, аввалги асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Россия ва Ўрта Осиё ўтасидаги иқтисодий муносабатларнинг юксалишига қарамасдан, ўзаро савдо жуда оғир бир шароитда олиб борилиши: чунончи, савдо йўлларидағи қийинчиликлар, хонликларда рус савдогарларидан ортиқча бож олиниши, уларнинг бу савдода эркин иштирок этишига тўсқинлик қилиниши ва, бунинг устига, русларнинг у ерда қулликда тутилиши ҳамда бу масалалар юзасидан рус ҳукуматининг Хева ва Бухоро билан олиб борган дипломатик алоқалари то охирги вақтларгача керакли натижалар бермаганлиги, 1858 йилда Россиядан дипломатик миссиянинг юборилишига сабаб бўлган эди¹.

Ҳақиқатан ҳам, Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган дипломатик муносабатларининг асосида унинг Ўрта Осиё бозорларидаги манфаатлари ётса ҳам, лекин 1858 йилда Хева ва Бухоро хонликларига юборилган миссиянинг юборилиши фақат Н. Игнатьев кўрсатганларининг ўзидан иборат бўлмай, балки бу сабабларга юқорида қайд қилинган масалалар ҳам киради.

Асарда кўрсатилишича, 1858 йилда Россиядан Ўрта Осиё хонликларига дипломатик миссиянинг юборилишидан фақатгина савдо мақсадларигина эмас, балки сиёсий-ҳарбий мақсадлар ҳам кўзда тутилиб², унга қўйидаги вазифалар топширилган эди:

а) хонликлarda рус савдогарларидан олинган божларни қисқартириш ва ўзаро алоқаларнинг олиб борилиши ҳамда рус савдогарларининг ишлари устидан назорат қилиб турниш учун вақтингчалик хонликларга рус савдо вакилларини юбориш масалаларини ўз ичига олган савдо шартномасини боғлаш;

б) Амударёда рус савдо кемаларининг бемалол сузишига Хеза, Бухоро хонликларининг руҳсатини олиш³;

в) Амударё тўғрисида, имкони борича, ҳар хил тўлиқ вазаник маълумотлар тўплаб, уни харитага тушириш⁴;

г) хонликлар тўғрисида географик ва бошқа характеристердаги систематик маълумотлар тўплаш⁵;

д) Ўрта Осиёда инглизларнинг қўпорувчилик ҳаракатларини аниқлаш.

Миссияга юкланган топшириқлар тўғрисида келтирилган бу маълумотлар шуни кўрсатадики, айрим масалалардан ташқари, 1858 йилда Хева ва Бухоро хонликларига юборилган дипломатик миссиянинг асосий вазифалари 1841 йилда мазкур хонлик-

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 9—10-бетлар

² Уша асар, 18-бет.

³ Уша асар, 135—136, 213—214-бетлар.

⁴ Уша асар, 30-бет.

⁵ Уша асар, 240-бет.

ларга юборилган миссияларга топширилган вазифаларни ташкил қиласи эди.

Н. Игнатьев ўз асарида миссия состави устида тўхтар экан, унинг ҳар бир аъзоси, уларга берилган топшириқлар ва бу топшириқларни бажариш учун берилган баъзи бир қўлланмаларни бирма-бир баён қиласи.

Полковник Н. Игнатьевнинг ўзи миссиянинг бошлиғи бўлиб, унга хонликлар билан музокаралар олиб бориб, савдо шартномасини боғлаш масаласи топширилган эди¹.

Миссиянинг составида Н. Игнатьевдан ташқари, секретарь, икки таржимон, генералний штабдан икки офицер, икки врач, топограф корпусидан икки офицер, астроном, натуралист, монах ва бошқалар бор эди. Миссияни кузатиш учун конвой белгиланган бўлиб, унинг составида қатнашган кишиларнинг сони 117га етган эди².

Миссиянинг составида қатнашган П. Назаров ўзининг асарида³ миссиянинг ҳайъатида Игнатьевдан ташқари 16 мутахассис бўлиб, Россиядан Ўрта Осиё хонликлариға то шу вақтгача бундай катта сафорат юборилмаганлиги тўғрисида ёзади.

Асарда ёзилишича, миссияда секретарлик вазифасини Ташқи Ишлар министрлигининг ходими Е. Я. Килевейн олиб бориб, унга дипломатик хатлар журнали тутиш топширилган эди. Генерал штабнинг офицери К. В. Салацкий бошлиқ топографик корпуснинг офицерлари: Яковлев, Зеленин ва икки топограф: Недорезов, Чернишёвларга миссияда топографик ишларни олиб бориш, миссия бўлган районлар тўғрисида ҳар хил маълумотлар тўплаш вазифалари юклangan эди. Генералний штабнинг қапитани Н. Залесовга кундалик тузиш ва миссия бориб етган мамлакатни ҳарбий ва статистик жиҳатдан тасвир этиш вазифаси топширилган, М. Н. Галкин чегара компанияси билан алоқа олиб бориш, савдо тўғрисида маълумотлар тўплаш ва Оренбург генерал губернатори учун кундалик тузиш каби вазифаларни ўз устига олган эди. Лерхе кўрган, эшитган ва суриштириб билган маълумотлари асосида этнографик, лингвистик, археологик, тарихий материаллар билан; доктор Пикар медицина журналини олиб бориш билан; доктор Батершин татар тилини билганилиги учун маҳаллий халқлар билан алоқа олиб бориш ва уларни даволаш усуллари билан; Струве эса, астрономик кузатишлар билан машғул бўлганилар⁴.

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 21-бет.

² Уша асар, 32—35-бетлар.

³ П. Назаров. Воспоминания о степном походе миссии флигель-адъютанта Игнатьева в ханства Хиву и Бухару. «Военный сборник», 1864, № 4, 375-бет.

⁴ Н. Игнатьев. Уша асар, 32—34-бетлар.

Асарда булардан ташқари, рус миссиясининг бошлиғи Ўрта Осиё хонликлари билан борган музокаралари мұваффақиятли натижалар бериши учун унга берилгандың бир құлланмалар көлтирилген. Құлланмада күрсатилишича, Россия вакили хонликлар билан ёзма шартнома тузишда, агарда Хева ва Бухоро хонлари Россия билан яхши мұносабатда бўлиб турсалар, Россия, иложи борича, уларни ташқи давлатларнинг хавфли аралашишларидан мудофаа қиласи, деган фикр таъкидлаб ўтилиши керак эди¹.

Автор Бухоро ва Россия ўртасидаги дипломатик мұносабатлар устида тўхтар экан, 1858 йилда Хева ва Бухоро хонликларига юборилган миссиянинг Бухоро ҳукмрон доиралари томонидан жуда илтифот билан қарши олингандылығы, ҳатто уларнинг Бухоро чегарасига етиб келиши мұносабати билан маҳаллий ўйинлардан «улоқ» ва «пойга» уюштирилгандылығы тўғрисида ёзади².

«18 сентябрь куни Қоракўлдан ўтишда,—деб ёзади автор, — әлчиликни фаҳрий равишда кузатиб бориш учун Абдулазиз томонидан юборилган амалдорлар бизни қарши олдилар... Улар бизни то Бухорогача кузатиб келдилар...»³.

Н. Игнатьев миссиянинг Бухорога етиб боришини жуда мұфассал равишда баён қилиб, амир Насрулло Қўқон хонлигига қарши юришда бўлғандылығи учун, унинг вазири Абдулазиз билан олиб борилган биринчи музокаралар, чунонча, миссиянинг келишидан мақсад ва рус ҳукуматининг Бухоро хонлигига тавсия қилган шартлари устида бирма-бир тўхтаб ўтади⁴.

Рус миссиясининг бошлиғи Бухоро вазири билан олиб борган музокараларда, унинг Бухоро амирига қўйидаги шартларни етказишини баён қилган:

1. Бухорода рус қулларининг бўлиши ўзаро дўстлик ва қадимдан давом этиб келаётган иқтисодий мұносабатларга тўғри келмаслиги учун уларни озод этиш.

2. Рус савдогарларидан олинадиган божни икки баравар қисқартириш.

3. Рус савдогарлари томонидан Бухорога олиб келинадиган молларни нархлашда нотўғри баҳо бериш улар учун ортиқча бож олишдан ҳам оғир бўлғандылығи сабабли, рус моллари устидан ҳақиқий нархлаш усулини жорий этиш.

4. Россия ва Бухоро савдо алоқаларининг олиб боришини устидан назорат қилиб туриш ҳамда Бухоро ҳукумати орқали

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 25-бет.

² Уша асар, 197—198-бетлар.

³ Уша асар, 198—199, 206-бетлар.

⁴ Уша асар, 210—215-бетлар.

рус савдогарларининг ҳуқуқларини белгилаб туриш учун Бухорада рус савдо вакилининг бемалол келишига рухсат этиш.

5. Рус савдо вакили, савдогарлари ва уларнинг моллари учун, Бухородаги хеваликлар ва ҳиндларнинг алоҳида карвон-саройлари сингари, махсус карвонсарой жорий этиш, ҳамда қулай шароитлар пайдо бўлиб қолган вақтларда, хомашё чиқадиган жойининг ўзидан пахта ва бошқаларни сотиб олиш учун рус савдогарларига Самарқанд, Кармана ва Қоракўл шаҳарларига боришга рухсат этиш.

6. Россиядан Бухорога ва, аксинча, Бухородан Россияга юк ташиш учун Амударёда рус кемаларининг бемалол сузишига рухсат этиш¹.

Миссия бошлиғи Н. Игнатьев Бухоро вазири Абдулазиз билан олиб борган музокаралари давомида мазкур масалаларни баён қиласр экан, уларнинг икки давлат учун ҳам адолатли эканлиги ва Бухоро амири бу масалаларни қабул қилган вақтда, Бухоро хонлиги учун катта фойла келиши тўғрисида ёзади. Айниқса, у Амударёда рус кемаларининг сузишига рухсат этилиши масаласини жуда дикъат билан тушунтириб, бу билан икки давлат ўртасидаги савдо йўлларининг қисқаришини ва савдо қийинчиликларининг камайишини, натижада Россия билан Бухоро ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юксалиши мумкинлигини жуда мукаммал қилиб тасвиirlаб беради.

Булардан ташқари, автор инглизларнинг Ўрта Осиёда олиб бораётган агрессив ҳаракатлари устида тўхтаб ўтади².

Асарда берилган маълумотларга қараганда, Н. Игнатьев Абдулазиз билан олиб борган музокараларида айрим натижаларга эришган эди. Чунончи, рус савдогарлари Бухорода бемалол савдо қилиши учун Абдулазиз рус приказчиги Панфиловга шахсан ўзи келиб, Бухоро қишлоқларида ҳамда Кармана шаҳарида савдо-сотиқ қилиш учун рухсат этган эди³.

Н. Игнатьев ўз асарида амир Насруллонинг Қўқон хонлигига қарши юришидан қайтгандан сўнг, рус миссиясини қабул қилиши ва Россия билан асосий масалалар юзасидан олиб борган музокараларини жуда мукаммал равишда тасвиirlайди.

«11 Октябрда туш вақтига яқин,—деб ёзилган асарда,— амир Бухорога етиб келди ва ўша вақтдаёқ бизни ўз ҳузурига таклиф этиш учун киши юборди... Бизни амир жуда яхши қабул қилди»⁴.

¹ Н. Игнатьев. Ўша асар, 214-бет.

² Ўша асар, 210—212-бетлар.

³ Ўша асар, 220-бет.

⁴ Ўша асар, 221—222, 231—233-бетлар.

Асарда рус миссиясининг бошлиғи билан Бухоро амири ўртасида олиб борилган музокаралар баён қилинад экан, рус ҳукуматининг барча шартларини амир Насруллонинг қабул қилгани тўғрисида ёзилган.

Бухоро вазири Абдулазиз ўз ҳокими номидан рус элчисига берган мактубининг мазмунига қараганда, амир Насрулло то шу вақтларгача Бухорога рус савдогарларининг жуда ҳам кам келаётганликлари ва улардан 10 процентдан бож олинаётганлигига иқрор бўлиб, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун рус савдогарларининг фойдасига улардан беш процентли бож олиш, маҳсус карвонсаройлар ажратиб бериш, Бухорода рус савдо вакилининг келишига руҳсат этиш ва рус савдогарларининг бемалол, ҳар қанча бўлса ҳам, Бухорога келишига ижозат берганлиги тўғрисида фармон чиқарган эди. Ҳатто у Амударёда рус кемаларининг бемалол сузишига ҳам руҳсат этган эди. Агарда Хева хони Россия кемаларининг Амударё бўйлаб Бухорога келишига тўқсинглик қиласа, Бухоро амири рус ҳукумати билан биргаликда хеваликларнинг бу тўқсингликларига қарши курашга тайёр эканлиги тўғрисида Абдулазиз расмий равишда рус элчисига ваъда қиласиди¹.

Қуллар масаласи ҳам жуда ҳам мунтазам аудиенция тамом бўлиши билан Бухородаги барча рус қулларини тўплаб, миссия бошлиғи ихтиёрига берилишини буюради².

Ҳақиқатан ҳам Н. Игнатьевнинг берган маълумотларига қараганда, бир қанча рус қуллари ўша қунларнинг ўзидаёқ тўпланилиб, миссия ихтиёрига топширилган эди³.

Ҳатто амир Насрулло ўзининг мунтазам армияси составида бўлган рус аскарларини ҳам миссия ихтиёрига қайтариб берган⁴.

Н. Игнатьев асарида берилган бу маълумотлар 1858 йилда савдо шартномаси боғлаш учун Россиядан Хева ва Бухоро хонликларига юборилган дипломатик миссия ўз олдига қўйилган барча вазифаларни мувваффақиятли равишда бажаришга эришганлигини кўрсатади. Автор ўз асарида: «Ташқи Йашлар министрилиги томонидан берилган қўлланмада нима кўрсатилган бўлса—ҳаммасини, ҳатто улардан ҳам ортиқроқ қилиб, бухороликлардан талаб қилиб олдим»,—деб бекорга ёзмаган эди⁵.

Демак, XIX асрнинг 50-йилларига келиб, Бухоро хонлиги Россиянинг тавсия қилган ҳамма шартларини қабул қилган

¹ Н. Игнатьев. Ўша асар, 227—228-бетлар.

² Ўша асар, 225-бет.

³ Ўша асар, 225-бет.

⁴ Ўша асар, 226-бет.

⁵ Ўша асар, 226-бет.

эди. Узоқ вақтлардан бери Россия ва Бухоро ўртасидаги давом этиб келаётган дипломатик муносабатларда ечилмасдан келган айрим, лекин Россия учун энг зарур масалаларнинг 1858 йилга келиб ҳал бўлиши бу икки қўшни давлатнинг олиб бораётган алоқаларининг муваффақиятли натижалари бўлиб, уларнинг ўзаро иқтисодий алоқалардан манфаатдор эканини яна бир марта намойиш қиласди.

Шундай қилиб, Н. Игнатьевнинг асари XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқаларни, жумладан 1858 йилда Россиядан Хева ва Бухоро хонликларига юборилган дипломатик миссияни ўрганишда биринчи даражали бош манба асадтир.

1858 йилда Россиядан Бухоро хонлигига юборилган дипломатик миссиянинг иштирокчиларидан бўлган Н. Залесов Бухордан қайтгач, мазкур миссия тўғрисида ўзининг хотираномасини ёзиб қолдиради. Н. Залесовнинг бу асари «Русский вестник» журналининг 1871 йил, 91 ва 92-сонларида босилиб чиқади..

Н. Залесовнинг асари¹ ҳам Н. Игнатьевнинг асари сингари, 1858 йилда Россиядан Бухорога юборилган миссиянинг берган натижаларидан бўлиб, автор унда миссиянинг юборилиш сабаблари, унинг олдига қўйилган вазифалар, состави, Хева ва Бухоро хонликларида олиб борилган музокаралар ҳамда бу музокараларнинг келтирган натижаларини систематик равишда бирмабир баён қиласди.

Н. Залесовнинг асарида берилган маълумотлар, асосан, Н. Игнатьевнинг келтирган маълумотлари билан жуда ҳам бир хилда бўлиб, лекин автор ҳар бир масала ва воқеа устида тўхтар экан, Н. Игнатьев сингари уларни сочиб бермасдан, балки тўлиқ ва муфассал қилиб, систематик равишда баён қиласди.

Масалан, автор миссия бошлиғига берилган инструкция устидаги тўхтар экан, миссиянинг асосий вазифаларини қўйидагича бирмабир қайд қиласди: «Миссияни юборишда Хева ёки Бухоро тўғрисидагина эмас, балки, қозоқ чўлларига оид мумкин қадар кўпроқ топографик маълумотлар тўплаш, аввал олинган топографик планларни текшириб, қайта тузиш, юрин вақтида топографик журнал олиб бориб, босиб ўтилган мамлакатларни географик ва систематик жиҳатдан тасвирлаб бериш, Амударёнинг Каспий денгизига бўлган қадимги оқими, туркманлар, уларнинг ҳарбий қуввати, қўшни давлатлар билан олиб борган муносабатлари, бир хонликдан иккинчи хонликка ўтган йўллар, Ўрта Осиё хонликларининг ва уларга қўшни бўлган давлатларнинг

¹ Н. Залесов. Посольства в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 г. «Русский вестник», 1871, т. 91, №2; т. 92, №3

ҳарбий қувватлари ҳақида маълумотлар йиғиш, хусусан Амударёни ҳар томонлама ўрганиш вазифалари кўзда тутилган эди»¹.

Булардан маълумки, Н. Залесовнинг миссия вазифалари тўғрисида берган маълумотлари, биринчидан, Н. Игнатьевга қараганда систематик равишда тасвир қилинган бўлса, иккинчидан, унинг бу ҳақда берган маълумотларини аниқлаб беради ва кўпгина фактик далиллар билан анчагина тўлдиради.

Н. Залесов ҳам ўз асарида Россия ва Бухоро хонлиги ўтрасидаги дипломатик алоқалар устида тўхтар экан, 1858 йилда юборилган рус миссиясининг Бухорога етиб бориши, бухороликлар томонидан кутиб олиниши, амир билан олиб борган музокаралари ва уларнинг муваффақиятли натижалар билан тамом бўлишини жуда муфассал қилиб тасвир этади.

Автор рус вакили билан Бухоро амири ўтасидаги музокаралар жуда муваффақиятли тугаганилиги тўғрисида қўйидагиларни ёзади: «Бизнинг ҳамма шарттаримиз амир томонидан дарҳол қабул қилиниб, унинг буйруғи бўйича, ҳатто ислом динини қабул қилган рус қулларини ҳам оиласлари билан миссияга топшириш бошланди»².

Н. Залесов ўз хотираномасида 1858 йилда Россиядан Бухорога юборилган миссиянинг Бухорода олиб борган музокаралари ва келтирган натижалари тўғрисида берган маълумотлари Н. Игнатьевнинг юқорида қайд қилинган асарида келтирилган материалларига жуда ҳам ўҳшаганилиги учун, улар устида мукаммал тўхтаб ўтирасдан, балки Н. Игнатьев асарида келтирилмаган ва бу икки давлат ўтасидаги муносабатларни ёритища янги бўлган маълумотлари устида тўхтаб ўтдик.

Асарда Россия ва Бухоро хонлиги ўтасидаги алоқаларга оид бир қанча дипломатик актлар келтирилади. Бу актлар мазкур миссиянинг Бухорога юборилишигacha бўлган давр ичida икки давлат ўтасидаги дипломатик алоқаларнинг айrim томонларини аниқлашда бизни ҳар хил фактик маълумотлар билан таъмин этади.

Асарнинг иловасида 1857 йилда Бухородан Россияга юборилган элчиликка берилиган ёрлиқ ва Бухоро элчиси орқали рус ҳукумати томонидан Бухоро амирига юборилган ёрлиқ, ҳамда Россия Ташқи Ишлар министригининг Бухоро вазирига юборган хати келтирилади. Биринчи документда Бухоро амири Россия билан қадимдан давом этиб келаётган алоқаларни мустаҳкамлаш учун рус ҳукуматидан Бухорога вакил юборилишини илтинос этиб, 1857 йилда Мирохир Муллажон бошлиқ элчиликни юборгани тўғрисида баён қилинган.

¹ Н. Залесов. Уша асар, 430-бет.

² Уша асар, 455-бет.

Иккинчи ва учинчи документларда эса, Бухоро элчисига жавобан берилиган мазкур ёрлиқлар бўлиб, уларда Бухоро ҳоким доираларининг илтимосини бажариш ва ўзаро муносабатларни яхши йўлга қўйиб юбориш учун рус ҳукумати яқин вақтлар ичida ўз вакилини Бухорога юбориши тўғрисида баён қилинган.

Булардан ташқари, автор ўз асарида миссия бошлиғи Н. Игнатьевнинг 1858 йил, 24 майда генерал Ковалевскийга ёзган хатини келтиради. Бу хатда миссия бошлиғи хонликда олиб борган музокараларида баъзи бир шартларни ечиш учун берилиган қўлланмалар келтирилган. Бу қўлланмалар бўйича, агарда Бухоро амири рус ҳукуматининг ҳамма шартларини қабул қиласа, миссия бошлиғи 1858 йилда Россиядага бўлган Бухоро элчининг талабларини бажаришга ваъда қилиши керак эди. Чунончи, бу:

а) Россиянинг деярлик ҳамма шаҳарларида ва ярмаркаларидаги эркин савдо қилиш учун Бухоро савдогарларига ижозат бериш;

б) Нижегород ярмаркасида Бухоро савдогарлари учун маҳсус бир қанча дўконлар ажратиб беришдан иборат эди.

Бухорога рус савдо вакилини юбориши масаласи муҳокама қилинаётган вақтда миссия бошлиғи, ўз навбатида, Бухоро хонлиги ҳам Оренбургда ўзининг савдо вакилини тутиши мумкин, деб ваъда қилиши лозим эди.

Булардан маълумки, рус ҳукумати Бухоро билан ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлаш учун тавсия қилган шартларни ҳар икки давлат учун ҳам тенг ҳукуқли бўлган.

1860 йилда «Военный сборник»нинг тўртичи сонида Н. Залесовнинг «Письмо из Бухары» номли мақоласи нашр этилиб, у фақат 1858 йилда Россиядан Ўрта Осиё хонликларига юборилган миссиянинг Хева хонлигидан Бухорога ўтиши ва унинг буҳороликлар томонидан кутиб олиниши тўғрисида маълумотлар беради.

Демак, Н. Игнатьев ва Н. Залесов асарлари, XIX асрнинг 50-йилларида Россия ва Бухоро ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг умумий ҳолатини белгилашда нашр этилган қимматли манбалардандир.

Шундай қилиб, бу ишда XIX асрнинг 20—50-йилларида, яъни Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишигача бўлган давр ичida Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқалар тинчлик билан олиб борилган бир вақтда, бу икки давлат ўртасидаги муносабатларга доир нашр этилган асосий манбалар бирма-бир характерлаб ўтилди, XIX асрнинг 60—70-йилларида Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган сиёсатида қатъий ўзгариш пайдо бўлиб, унга қарши актив юриш бошланган бир вақтда олиб борилган алоқалар ва уларга оид манбалар Россиянинг Ўрта Осиёга нис-

батан тутган мана шу сиёсатига қараб характерлашни талаб этади.

ХУЛОСА

XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид нашр этилган манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики:

Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги муносабатларни амалга оширган элчилар, савдогарлар ва саёҳатчиларнинг ёзиб қолдирган хотираномалари, кундалик дафтарлари ва сафоратномалари Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги алоқаларнинг маданий маҳсулотларидан бўлибгина қолмасдан, балки XIX асрнинг 20—50-йилларида бу давлатларнинг ўзаро олиб борган ҳам иқтисодий ҳам сиёсий муносабатларини ўрганишда ва уларнинг ривожланиш даврларини аниқлашда жуда катта маданий ёдгорликлардир.

Бу ёдгорликларда келтирилган материаллардан шуни аниқлаб олиш мумкинки, XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги ва Россия ўртасидаги алоқа бутунлай савдо характеристига эга бўлиб, ҳар икки давлат ҳам ўзаро иқтисодий алоқаларидан манфаатдор бўлгани сабабли, бу савдони кенгайтиришга ва уни ривожлантиришга ҳаракат қилган. XIX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб, инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларида пайдо бўлиши ва Англияning Россия ва Бухоро хонлигининг ўзаро иқтисодий манфаатларига қарши ва умуман Ўрта Осиё хонликларини босиб олишга қаратилган агресив ҳаракатларининг кучайиши, Россияning Ўрта Осиё хонликларига нисбатан тутган сиёсатида ўзгариш ясади. Эндиликда Россия ўз саноат моллари бозори ва хомашё манбаи бўлган Ўрта Осиёда Англия таъсирининг ўрнатилишига асло йўл қўймасдан, балки ўзининг иқтисодий ва сиёсий позициясини кучайтириш учун амалий чоралар кўра бошлайди. Россияning Ўрта Осиё хонликларини ўзига бўйсундириш учун қилган барча амалий ҳаракатлари, гарчи чор самодержавиесининг бошқа халқларни қулликка айлантириш ва уларнинг бўйинларига колониал сиртмоғини солиш сиёсатини амалга ошириш учун қилинган ҳаракат бўлса ҳам, бироқ, бу ҳаракат кишилик тарихида энг буюк ва энг муҳим ҳодисага, Ўрта Осиёning Россияга қўшилишига ва Ўрта Осиё халқларининг рус халқи билан ёндашишига олиб келмоқда эди.

Россия саноат моллари Ўрта Осиё бозорига кириб бориши билан, бу мамлакатларга унинг сиёсати ҳам кириб боради. Россия билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, бир тарафдан, чор ҳукуматининг Ўрта Осиёга нисбатан тутган колониал

сиёсатининг амалга ошишидир. Чунки, бу иқтисодий алоқалар-нинг ривожланиши билан Ўрта Осиё хонликларининг, хусусан Бухоро хонлигининг экономикаси Россия саноатига аста-секин бўйсуниб, унинг ривожланишига боғланиб қолмоқда эди. Бу эса чор самодержавиеси томонидан Ўрта Осиёning сиёсий жиҳатдан бўйсундирилишининг асосий пойдевори эди.

Бу мемуар асарларда Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўтасидаги иқтисодий алоқалар юқори табақа вакиллари воситаси билан олиб борилганлигини ва уларнинг кенгайишидан фаяқат эксплуататор синфлар манфаатдор эканни кўрсатиб берувчи жуда кўп фактик маълумотлар берилган бўлса ҳам, аммо бу алоқаларнинг негизини икки қардош халқнинг муносабатлари ташкил этади. Чунки, бу давлатлар муносабатларининг асосини ташкил этган савдо алоқалари оддий халқ оммасининг меҳнат фаолияти натижасида тайёр бўлган маҳсулотлар билан олиб бориларди. Мана шу маҳсулотлар орқали икки халқ бир-бирлари билан танишганлар, бир-бирлари билан алоқа боғлаганлар ва бу алоқаларни мустаҳкамлаганлар.

Россия ва Ўрта Осиё алоқалари иштирокчиларининг мемуар асарларида, айниқса, Г. Мейендорф, Э. Эверсман, Будрин, Н. Хаников, Богословский, К. Бутенев, А. Леман ва Ўрта Осиё тарихчилари: Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшарифларнинг асарлари Россия ва Бухоро ўтасидаги мавжуд бўлган маданий алоқалар ва уларнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётгани тўғрисида жуда ажойиб маълумотлар берадилар. Бу материаллар асосида XIX асрнинг 40-йилларида бухороликларнинг илтимоси билан Бухоро хонлиги территорияси еости қазилма бойликларини излаб топган ва улар устида биринчи марта тажриба олиб борган кишилар рус төф инженерлари эди. Бу ёақтларда биринчи марта Ўрта Осиёдан шарқ қўллэзма асарини Россияга олиб бориш, уларни рус ва четэл тилларига таржима қилиш ва қайта нашрга тайёрлаш ҳам рус шарқшуносларининг юми билан боғлиқдир.

Бу ёдгорликлар XIX асрнинг 30—50-йилларида инглизларнинг Ўрта Осиёни босиб олиб, у ерда яшовчи халқларни қул қилиб, бўйинларига колониал сиртмоғини солишига қаратилган тажовузкорлик ҳаракатларини фош этишда ҳам жуда нодир манбалардандир. Айниқса, уларда инглизларнинг энг йирик разведкачилари ва диверсантларидан бўлган Стоддарт, Конолли ва Абдулсамадларнинг Бухоро хонлиги территориясида олиб борган разведкалари ва қаллоблик ишлари тўғрисида жуда кўп фактик материаллар берилган.

Бу мемуар асарлар, шу билан бирга, айни замонда Бухоро хонлигининг тарихини ўрганишда ҳам бош манба бўлиб хизмат қиласидилар. Уларда мамлакатнинг географик ўрни, ижтимоий,

иқтисодий аҳволи, сиёсий тузилиши ҳамда халқларнинг урғодати тўғрисида жуда бой, қимматли маълумотлар берилган.

Бу асарларнинг қиммати шундаки, уларда авторлар ўзлари бориб кўрган мамлакатни ва ўzlари кузатган халқни тасвир этадилар. Уларда берилган маълумотлар деярли ишончлидир. Чунки, авторларнинг кўпчилиги рус ҳукуматининг дипломатик ходимлари бўлганликлари сабабли, ҳар бир масалани чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг берган маълумотлари ўрта Осиёning маҳаллий халқлари тилларида ёзилган манбаларда келтирилган маълумотларга кўпинча жуда мос келиб, бу маълумотларнинг қанчалик ишончли эканлигини кўрсатиб берадилар.

Демак, бу асарлар XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Россия муносабатларини ўрганишдагина эмас, балки айни замонда Бухоро хонлигининг тарихини ўрганишда ҳам биринчи даражали бош манбадир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу тарихий ёдгорликлар авторларининг деярли кўпчилиги чор самодержавиеси маъмуриятининг вакиллари бўлиб, ўз асарларида илмий мақсадларни олға сурған бўлсалар ҳам, аммо уларнинг асарлари ҳоким синф идеологияси билан сугорилгандир. Мана шунинг учун уларнинг берган фикрлари ва айрим воқеалар устида олиб борган мулоҳазалари танқидий ўрганишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу асарлarda асосий воқеалар ўз аксини топмаган, масалан, улар ўз асарларида XIX асрнинг биринчи ярмида Бухородаги ҳаётни тасвир этишда, у ерда мавжуд бўлган консерватив ва ўтакетган реакцион феодал тузумни, мамлакатда ҳукм суроған қашшоқлик ва маданиятсизликни ҳамда Бухоро аҳолисининг оғир аҳволда яшаётганлигини ўз асарларида очиқ кўрсатиб бера олмаганлар ва улар тўғрисида тўлиқроқ маълумот келтирмаганлар.

Қайси синфга мансуб бўлиштаридан қатъий назар, бу асарларнинг авторлари—рус дипломатлари, биринчидан, ўз даврида рус халқини ўрта Осиё халқлари тарихи билан танишириб, рус шарқшунослигини ўрта Осиё тўғрисида жуда янги ва бой маълумотлар билан бойитган бўлсалар, иккичидан, ўрта Осиё хонликларини инглиз тажовузи панжасидан Россия таъсирига жалб этгандар.

Ўрта Осиё ва Россия муносабатлари тарихини ўрганишда маҳаллий ўрта Осиё тарихчиларининг асарлари ҳам қимматли ва подир маълумотлар беради. Бу асарлар ичига Мирабдулкарим Бухорий, Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшарифларнинг асарларида берилган маълумотлар ҳамда Бухоро амирининг рус императорига юборган ёрлиқларида келтирилган фактик материаллар, айниқса, қимматлидир. Булар юқорида харак-

терланган асарларга ёрдамчи манба бўлиб, уларда келтирилган маълумотларни турли хилдаги ноёб материаллар билан тўлдирадилар ва айрим воқеаларни аниқлаштириб берадилар.

Шундай қилиб, Россия ва Ўрта Осиё муносабатларини ўрганишда шу муносабатларни амалга оширган мутахассисларнинг асарлари ҳамда маҳаллий Ўрта Осиё тарихчиларининг берган маълумотлари муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Т. НЕЪМАТОВ

ХЕВА БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ
МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ДОИР БАЪЗИ
МАНБАЛАР
(XIX ғасрнинг 20—50-йиллари)

КИРИШ

Утган асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиёning Россияга қўшилиши Урта Осиё халқларининг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ва маданиятининг ривожланишида фойт зўр прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Бу қўшилиш Урта Осиё хонликларидағи мавжуд қолоқ феодал-патриархал муносабатларнинг емирилишини тезлаштирди. Урта Осиёда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари пайдо бўла бошлади, пролетариат синфи ўсиб борди. Бу ерда яшовчи халқлар илфор рус маданияти, рус адабиёти, прогрессив рус ижтимоий қаравшлари билан яқиндан таниша бошладилар. Шунингдек, Урта Осиёning Россияга қўшилиши уни инглиз колонизаторларининг колониясига айланиш хавфидан сақлаб қолди, тор феодал рамкасида ўралиб қолган феодал хонликларни кенг Россия бозори билан бевосита боғлади.

Урта Осиёning Россияга қўшилиши гарчи ҳарбий куч воситаси билан амалга оширилган бўлса ҳам, бу икки мамлакат орасида узоқ даврлардан бери давом этиб келаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг маълум бир тарихий эта-пидаги натижаси бўлди.

Днепрдан Олтойгача, Сибирь ҳам Волга ҳавзасидан Ҳинди-кушгача бўлган поёнсиз дашт ва саҳроларда вужудга келган алоқа ва биргаликларнинг чуқур илдизи ибтидоий даврнинг юқори поғоналариданоқ бошланганилигини ва узлуксиз давом этганлигини исботлаш учун ҳозирги совет тарих фани етарли факт ва мулоҳазаларга эга.

Профессор С. П. Толстов қадимги Хоразмнинг ибтидоий даврига тааллуқли ёдгорликлардан Жонбос қалъа №4 деб аталган ибтидоий давр чайласи қолдиқларини текширар экан¹, Д. Д. Букинич томонидан Унгизда топилган қадимги сопол идиш парчалари, юқоридаги Жонбос қалъа № 4да топилган идиш ва

¹ С. П. Толстов. Древний Хорезм. Москва, 1948. 63—65-бетлар.

тош қуролларни Шарқий Европада топилган сопол ва қуроллар билан таққослаб, Ўрта Осиё ва Шарқий Европа аҳолиларининг маданий ва майший ҳаётида янги тош (неолит) даврида яқинлик борлигини исботлади¹.

Кейинчалик, эрамиздан бурунги иккинчи минг йилликда «Тоза боғ ёб» маданияти билан Волга бўйлари халқларининг «Сурб» маданияти ўртасидаги умумийлик авж олгани археологик фактлар билан исботланади².

А. В. З布鲁ева Волга, Кама дарёлари атрофи, Шимолий Кавказ, Гарбий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда ўтказилган археологик текширишлар асосида эрамиздан бурунги иккинчи минг йилликда бронза даврида уруғ ва аймоқларнинг ўзаро алоқаси мавжуд эканлигини исботлаб берди³.

Бундан кейин, эрамиздан бурунги минг йилликнинг узоқ асрларида ва ўрталарида бўлиб ўтган ҳодисалардан хабар берувчи қадимги грек манбалари эрамизгача бўлган VI—V асрларда «скиф» қабилаларининг бир-бири билан туташ муносабатда бўлганлигини, Ўрта Осиёдан Волга бўйлари Шимолий Кавказга ва ундан Ўрта Осиёга эл-эл бўлиб кўчиб юрганларни, Ўрта Осиёда яшаган «скиф» қавмидан бўлган шак қабилаларининг Волга бўйлари ва Шимолий Кавказ орқали Мидия мамлакатига ҳужум қилиб турганларини сўзлайди⁴.

Жанубий Россия даштларида, Волга дарёси бўйидаги ерларда мозор ва бошқа археологик ёдгорликлардан топилган буюм ва қуроллар Шарқий Европада ва Ўрта Осиёда яшовчи кўчманчи скиф қавмларининг ҳаётида ўхшашиблик мавжуд эканлигини исботлайди. Эрамиздан бурунги IV асрда Македонияни Искандар Ўрта Осиёга юриш қилганда, Хоразм давлатининг ҳукмронлиги то Қора денгиз атрофидаги қавмларгача ёйилган эди⁵. Демак, Ўрта Осиё халқлари қадим замонларда Шарқий Европада яшаган халқлар билан этник жиҳатдан бир-бирига боғлиқ ва ўзаро иқтисодий, маданий ҳамкорликда бўлганлар.

Ўрта Осиё халқлари билан Шарқий Европада яшаган халқлар ўртасидаги бу қадимги алоқа аста-секин ривожланди ва мустаҳкамланди.

Професор А. В. Арциховский Новгородда ўтказган археологик текширишларнинг берган материалларига кўра, Новгородда X асрдаги шаҳар қатламларида топилган жуда кўп кумуш ақчанинг 95 проценти Тошкент ва Самарқандда зарб қи-

¹ Уша асар, 66-бет.

² Уша асар, 67—68-бетлар.

³ А. В. З布鲁ева. Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья. «Вестник древней истории», № 3. 1946.

⁴ Древние авторы о Средней Азии. 1940. 24-бет.

⁵ Ариан. Аналасис Александра IV. 15-бет.

лингн пуллар эканлигини аниқлади. Бу нарса Ўрта Осиёning Россиянинг қадимги шаҳарлари билан олиб борган савдо муносабатларида Ўрта Осиё ақласининг роли нақадар юқори бўлганлигини кўрсатади¹.

Бундан ташқари, П. Савельев ўз асарида IX—XI асрларга оид Сомонийлар пули Россияяда жуда кўп топилганлигини ёzáди.

Масалан: 1850 йили Рязань губернаси Зарайский уездининг Белой Олута қишлоғида ҳар турли куфа ёзуви пуллар ва кумуш буюмлардан иборат хазина топилган ва бу хазинанинг бир қисмини Сомонийларнинг пуллари ташкил этган.

1854 йили Ярослав губернаси Ростов уездидаги П. Савельев томонидан Исмоил I ва Нұх-бин-Носир даврига оид бўлган пуллар топилган².

Шунингдек, 1851—1854 йилларда Қозон ва Владимир губерналарида халифот ва сомонийларнинг пуллари топилган³. В. В. Бартольд VIII—XI асрларга оид Шарқ пуллари Болтиқ денгизи атрофларида, ҳатто Скандинавияда ҳам жуда кўп миқдорда топилганлигини ёzáди⁴.

Бу юқоридаги мисоллар, археологик, нумизматик ва ёзма материаллар VIII—XI асрларда Шарқий Европа билан Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ ўртасида қизғин савдо муносабатлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Бу вақтларда Шарқий Европадан Осиёга, асосан, мўйна, асал ва мум чиқарилган. Россия билан бўлган савдо Шарқ савдогарларига жуда катта фойда келтирган. Улар рус молларини жуда арzon баҳога олгандар. Географ Ибн-Рустанинг ёзишича, X аср бошларинда тулки териси 2,5 дирҳам турган⁵.

Рус, булғор ва Хоразмнинг узоқ муддатли иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги XIII асрнинг биринчи ярмида мўғул ҳукмдорларининг даҳшатли ҳужуми даврида вақтинча узилди. Лекин, кўчманчи мўгуллар Шарқий Европадан ўтган «Шимол йўли» нинг Волга бўйида ва Даشتни Кипчоқда нақадар фойдали эканлигини пайқаб, бу йўлни эгаллашга, Шарқ ва Фарб савдосининг пошлинасини олиб, рус ҳалқи ва бошқа тобе ҳалқлардан юғир тўловлар ундириб, жуда катта фойдаланишга интилганлар. Шунинг учун ҳам Чингизхон ўзининг ўғилларига улусларини бўлиб бергандага Фарбий Осиёдан Эрон, Ўрта Осиё ва

¹ Доклад на апрельском пленуме ГАИТК АН СССР.

² П. Савельев. Археологические и нумизматические отрывки. I китоб, С. Петербург, 1855. 23-бет.

³ Уша асар, 23-бет.

⁴ В. В. Бартольд. История изучения Востока в Европе и в России С. Петербург, 1911, 146-147.

⁵ Уша асар, 147-бет.

Шарқий Туркистон орқали ўтган «Жануб йўли»га ўғли Чифатойни қўйиб, «Шимол йўли»га эса ўғли Жўжини тайинлади ва унга Хоразмни қўшиб берди. Чунки, бу йўлнинг Волга бўйидан кейинги иккинчи тугуни Хоразмда эди.

Шундай қилиб, Кримдан Хоразмгача бўлган Олтин Ўрда давлатига Ўрта Осиё уланиб кетади. Бу давлатда савдо ва маданий жиҳатдан Хоразм катта роль ўйнади. Олтин Ўрданинг бош шаҳарларида хоразмилар, қипчоқлар, осетинлар, черкаслар ва руслар кўп бўлиб, буларнинг ўзларига хос маҳаллалари бўлган¹.

Савдо йўли устида вужудга келган Олтин Ўрдада бу халқлар қизғин савдода ва ҳунармандчилик ҳаётида актив қатнашиб, шаҳарлар қуришда, маданиятни ўстиришда ўзаро ҳамкорлик қилдилар. Натижада бу маданий халқлар кўчманчи ва маданиятсиз мўгулларни ўз муҳитларига кўнкитирдилар.

Лекин, Олтин Ўрда давлати ва унинг шаҳарлари мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг нормал тараққий этиши натижасида вужудга келмай, балки зўрлик, талаш, савдо йўлида ўлтириб бойлик ортдириш йўли билан майдонга келган истиқболсиз бир шаҳар ва давлат эди.

Россиядаги майда князликларнинг Москва князлиги атрофига бирлашиши Олтин Ўрданинг инқизозига сабаб бўлди.

Олтин Ўрда эса майда хонликларга бўлинниб кетиб, ўзининг сиёсий аҳамиятини йўқотди. У Қозон, Астрахон, Қрим ва Сибирь хонликларига бўлинниб, ўзининг қолоқлиги ва тор доирага ўралиб қолганлиги туфайли, ўсиб келаётган Россия билан Ўрта Осиё халқлари ўртасида тўсиқ бўлиб қолди.

XVI асрда кучли Россия давлати Шарқ билан алоқани тиклаш учун Қозон, Астрахон, Сибирь хонликларини ва Қозогистон даштларида йўл тўсувчи кўчманчи майда ўрдаларни тугатишни мақсад қилиб қўйди.

Иккинчи томондан, Ўрта Осиё Россиянинг кучайиб олганидан манфаатдор бўлган ҳолда, у билан алоқани тиклаш чораларига киришди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва Хева хонликларининг Россияга элчи юбориб, алоқани ўрнатишга интилганлиги бунга далиллар².

Россияда марказлашган давлатнинг барпо бўлиши, сўнгра Қозон, Астраханъ ва Сибирнинг Россияга қўшилиши Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг янада жонланниб кетишига имкон беради.

¹ Б. Д. Греков ва А. Ю. Якубовский. Золотая Орда и ее падение. Москва-Ленинград, 1955. 143-бет.

² Мулла Тиниш Бухорий (Наххий). Шараф номан Шоҳий (Абдулла-нома). УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, қўлэзма-Инв. № 2207, л. 335а, б. Шунингдек, Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР, I қисм, Ленинград, 1932.

Бу вақтларда **Үрта Осиё** хонликлари билан Россия ўртаси-даги алоқаларда Сибирь орқали олиб бориладиган савдо-сотиқ муносабатлари айниқса характерлиди.

Үрта Осиё савдогарлари Сибирни Үрта Осиё ҳамда Россия маҳсулотлари билан таъмин этишда ягона савдогарлар эдилар. Үрта Осиёликларни Сиирда «бухороликлар» деб атар эдилар. Сибирда яшовчи халқлар билан Үрта Осиёдан борган ўзбек ва тожик савдогарлари «бухороликлар» орасида бўлаётган савдо муносабатлари нормал ҳолда бўлмас эди, чунки, бир томондан, қолоқ Сибир хонлиги бу савдога етарли аҳамият бермасдан, уни бўғса, иккинчи томондан, Қозоғистон чўлларидағи бошдоқ гурухлар бу савдо йўлини тўсиб, талончилик қиласар эдилар.

Россия давлати Үрта Осиёликларнинг Сибирда савдо қилишларини ва Сибирь орқали Россияга ҳам қатнашларини ҳисобга олган эди. Шунинг учун ҳам Сибирь олиниши биланоқ, Россия ҳукумати «бухороликлар»нинг Сибирда савдо қилишлари учун бутун шароитларни туғдирди. Үрта Осиёнинг пахта, ипак, ип ва бошқа маҳсулотлари Сибирь ва Россия бозорлари-га кўплаб киритила бошланади.

Сибирни Россияянинг босиб олиши Үрта Осиёга қўйидаги қулайликларни туғдирди.

1. Россия Сибирь, Шимолий Қозоғистоннинг бозорларини ишга солишда ўзининг мустаҳкамлиги билан савдога ҳомилик қилди.

2. «Бухороликлар»нинг савдосига кенг йўл очиб, уларни пошлинидан озод қилди, ер берди ва солиқлардан қутқарди.

3. Үрта Осиё хонликларида феодал урушларидан ҳамда тартибсиз идорадан безор бўлған кишилар Сибирга кўчиб келиб, ўрнашиб ола бошладилар. Улар савдогарлар, ҳунармандлардан иборат бўлиб, ораларида қулликдан қочганлар ҳам бор эди.

4. Россияянинг Сибирдаги сиёсати ва унинг прогрессивлиги Үрта Осиё хонликларида Россияга нисбатан кучли хайриҳоҳлик туғдирди.

5. Сибирь ва Россия бозорларига кенг эшик очилиши Үрта Осиё хонликларида пахтачиликнинг ривожланишига, ип йиги-рув, мата тўқув ва ҳунармандчиликнинг ўсишига катта сабаб бўлди.

6. XVIII асрдан бошлаб Үрта Осиёнинг Шимолий районларидаги Тошкент, Чимкент, Оқ мачит (Қизил Үрда), Туркистон шаҳарлари савдода катта роль ўйнаб, уларнинг сиёсий роли ҳам кўтарилади. Кўқон хонлиги ҳаётида Тошкент жуда муҳим роль ўйнай бошлайди¹.

¹ X. Зиёев. «XVI—XVIII асрларда Сибирдаги ўзбеклар», «Қизил Ўзбекистон», 27 март, 1953 йил.

XVIII асрда Россия Оренбург линиясидан ўтиб, Қозоғистонга киради. Бу эса Үрта Осиёда Россиянинг обрўсини янада кўтаради.

Россия ўзининг эҳтиёткор сиёсати ва савдо ҳам саноатда устунлиги билан танилади. Феодал бебошлиқдан, иқтисодий танглиқдан безор бўлган кишиларда Россияга тобе бўлиш тенденцияси бошланади. Ҳатто Қозоғистон хони Абулхайир, Хоразм шоҳи Шоҳниёзлар Россия ҳукуматига мурожаат қилиб, ўз мамлакатларини Россия мамлакатига қўшишни илтимос қиласиди. Шунингдек, туркман қабилалари ҳам бир неча марта бара Россия ҳукуматидан ўзларини Россия тобелигига қабул этишини илтимос қиласиди¹.

XIX асрнинг биринчи ярмида Россияда ип йигириш ва тўқимачилик санотларининг яхши йўлга қўйилиши натижасида Үрта Осиё пахтасига талаб кундан-кунга ортади. Бу эса Үрта Осиёда пахта майдонларининг кенгайишига, пахта товарлик хусусиятининг ошишига катта таъсир этади.

Бундан ташқари, Үрта Осиё бозорида Россиянинг металл ра бошқа буюмлари катта ўрин олиб, Үрта Осиё Россия бозорига қаттиқ боғланиб қолади. Үрта Осиё хонликларининг Россия билан алоқаси ниҳоятда кучаяди. Англиянинг тажовузкорлик сиёсатига қарши Үрта Осиё хонликлари Россияга қаттиқ сүянади.

Иқтисодий ва сиёсий алоқа билан биргаликда икки ўртада маданий алоқалар ҳам яхшиланиб кетади. XVIII асрнинг охирида Хева хонлиги Россиядан кўз доктори юборишни илтимос қиласиди. Россия Хева ҳукуматининг илтимосини қондириб, кўз доктори майор Бланкеннагелни юборди. XIX асрнинг бошларида эса Бухорога, Тошкентга рус төғ инженерларини чақириб, мамлакатда металлургия ишини йўлга қўйиш учун Россиядан ёрдам сўрайдилар.

Хулоса қилиб айтганимизда, Үрта Осиёнинг Россияга қўшилишига қадар мамлакатнинг прогрессив табақалари орасида, умуман мамалакатнинг ички ва ташки ҳаётида Россиянинг таъсири кенг тарқалган, ҳамда Россиянинг Үрта Осиёга юриши учун ичкарида анча кучли замин ҳозирланган эди.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Үрта Осиё халқлари ўзининг кўп йиллик тарихи давомида улуғ рус халқи билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва дипломатик муносабатларда доимо бирга бўлиб келган. Рус халқи ҳамма вақт Үрта Осиё халқларининг ҳаётига прогрессив таъсир кўрсатиб келган.

Үрта Осиё халқларининг рус халқи билан олиб борган асрий алоқаларини ва Россиянинг Шарққа нисбатан ўйнаган про-

¹ Россия и Туркмения в XIX в. Ашхабод, 1946. 11—12-бетлар.

грессив ролини ўрганиш учун ҳаммадан олдин бу масалаларга оид бўлган асосий манбаларни ўрганиш зарур. Биз бу асосий манбаларни чуқур ўрганиб, уларни марксизм-ленинзм таълимоти асосида илмий жиҳатдан тўла характерласак, у вақтда ўтмишдаги икки халқ, бугунги икки ака-ука каби яқин бўлган рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги тарихий алоқаларни тўғри ёритган бўламиз.

Бироқ, Россия билан Ўрта Осиё, шу жумладан Хева хонлиги ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқаларга оид бўлган манбалар ҳали етарли даражада чуқур ўрганилгани йўқ ва бу манбаларни алоҳида-алоҳида ёритишда бизнинг шарқшунос ва манбашуносларимизнинг олдиларида катта вазифалар туради.

Манбашунослик соҳасида Россиянинг Ўрта Осиё билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқаларига доир асосий манбалар етарли даражада ишланмаган.

Бу манбаларнинг кўпчилиги рус шарқшунослари Н. Веселовский¹ ва В. Жуковскийлар² томонидан Хева хонлигининг тарихи ҳамда Хева ва Бухоро хонликларининг Россия билан олиб борган алоқаларини ёритишда фойдаланилган. Лекин бу авторлар ўз асарларида фойдаланган манбаларини шарҳламайдилар.

Ўзбекистон халқлари тарихининг II томида эса бу манбаларнинг баъзиларига қисқа характеристика берилган холос. Бу актуал масалага бағишлиланган тўлиқроқ монографик асар бўлмаганлиги учун, ушбу ишни ёзишда анча қийинчиллик юз берди.

Биз ўқувчилар ихтиёридаги шу кичкина ишимизда юқоридаги катта бир масаланинг бир кичик бўлраги ҳисобланган XIX асрнинг 20—50-йилларида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид босилиб чиқсан баъзи манбаларни шарҳлаш ва бу манбаларнинг икки ўртадаги алоқани ёритишдаги қийматини кўрсатиш вазифасини қўйдик.

Бу ишда шарҳланган манбаларни хусусиятларига кўра З группага бўлдик.

БИРИНЧИ ГРУППАДАГИ МАНБАЛАР—Россиядан Хева хонлигига юборилган элчи, миссия бошлиқлари ёки шу миссия ҳайатида қатнашган кишилар томонидан ёзилган бўлиб, бунга Н. Муравьев, Г. И. Данилевский, Т. Базинер, Н. Игнатьевларнинг асарлари ва Н. Залесов, П. Назаров, В. Килевейн, А. Бутаковларнинг мақолалари киради.

ИККИНЧИ ГРУППАДАГИ МАНБАЛАР—асосан, Хева хонлигидаги асирикдан қочган рус кишилари, шунингдек айрим кишиларнинг оғзаки ва ёзма ҳолда берган маълумотлари

¹ Очерки Историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. СПб, 1877.

² Сношение России с Хивой и Бухарой за последнее трехсотлетие. СПб, 1915.

асосида ёзилган манбалар бўлиб, бунга Ф. Ф. Грушин, Тихон Рязанов, А. Никитин, Яков Зиновьевларнинг ҳикоялари ва И. Н. Захарьининг асари киради.

УЧИНЧИ ГРУППАДАГИ МАНБАЛАР — икки ўртадаги дипломатик алоқаларга юид босилиб чиққан документлар.

Айтиб ўтилган З группадаги манбалардан ташқари баъзи масалаларни аниқлашда, тўлатища маҳаллий манбалардан: Мунис, Огаҳий, Муҳаммадюсуф Баёний, Мирабдулкарим Бухорийларнинг асарларидан фойдаланилди. Гарчи маҳаллий манбаларда бизни қизиқтирган масала Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги маълумотлар асосий нашр этилган манбалардаги берилган маълумотларга нисбатан кам бўлишига қарамай катта аҳамиятта эга. Чунки бу маълумотлар илмий доираларга маълум бўлмаган ҳолда ҳанузгача қўллэзма ҳолида сақланиб келмоқда.

Булардан ташқари, айрим масалаларни аниқлашда, тўлашибда ва бир манбадан то иккинчи бир манбагача ўтган ўртадаги даврни ёритишда Н. Веселовский, В. В. Григорьев, В. В. Бартольд ва бошقا рус шарқшуносларининг асарларидан женг фойдаланилди.

Биринчи боб

ХІХ АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ХЕВА ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД БОСИЛИБ ЧИҚКАН БАЪЗИ МАНБАЛАР

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги алоқалар аввалгига нисбатан бир мунча ривожланди. Россиянинг Сибирь ва Қозоғистон чўлларига кириши ва бу ерлардаги майда ўрдаларнинг тугатилиши унинг Урта Осиё хонликлари билан бўлган алоқасини енгиллаштириди.

Бу вақтларда Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо алоқалари ривожланишининг асосий сабабларидан бири яна шунда эдикни, бу вақтда Россияда тўқимачилик саноати тараққий этиб, унинг хомашё маҳсулотларига бўлган талаби кундан-кунга ошмоқда эди. Хева хонлигига эса мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш ва Россия билан бўлган савдони ривожлантириш учун интилиши кундан-кунга ошмоқда эди.

Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо алоқасининг ўсиши Хева хонлиги экономикасини Россия бозорига боғлаб борди, чунки Россия бу вақтда капитализм тараққиёт босқичига ўтაётган эди. Хева хонлиги эса қолоқ феодал давлати эди.

Гарчи Хева хонлиги ўз қўшнилари Бухоро, Қўқон хонликлари, Эрон, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан ҳам савдосотиқ алоқаларини олиб борган бўлсалар ҳам, аммо унинг учун энг қулай ва энг фойдали савдо Россия билан бўладиган савдо эди. Россия Хевани чарм, ип ва ипак газлама, мовут, қанд, металл ва бошқа хил саноат моллари билан таъминлар эди. Хева Россия бозорига ўзида етиштириладиган хомашё маҳсулотларидан пахта, ип, марена, қўпол тўқима моллар, мева чиқарарэди. Н. Муравьев сўзига қараганда, Хева савдогарлари Бухоро хонлигидан олган молларнинг бир қисмини ўзида сотиб, қолганини Россияга олиб чиқардилар¹.

¹ Н. Муравьев. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах, гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного с сии страны для переговоров. Москва, 1822, II қисм, 92—93-бетлар.

Бу вақтларда Хева хонлиги Россия билан савдони, асосан, Оренбург ва Астрахон орқали олиб бориб, савдо муомалалари кўпинча айирбошлаш характерида бўлган.

1787-йилдан 1797-йилгача Оренбург орқали Россиядан Хевага 4 182 минг сўмлик мол чиқарилган бўлса, Хевадан Россияга 4615 минг сўмлик мол киритилган. Рус савдогарлари бу қисқа муддат ичидага 50 минг сўмга яқин фойдага эга бўлганлар¹.

XVIII асрнинг охирида Астрахань шаҳари орқали Хевадан Россияга киритилган мол 200 минг сўмдан 500 минг сўмгача ва Россиядан Хевага киритилган мол 100 минг сўмдан 300 минг сўмгача бўлган. Бу ерда савдо айирбошлаш характерида бўлмаган. Россиядан металл ва фаллани четга чиқариш ман қилинганилиги сабабли бу молларни Хева савдогарлари маҳфий равишда Хевага келтирганлар².

Кўрсатилган давр ичидаги Хева хонлиги билан Россия ўтасидаги ўзаро савдо ва дипломатик алоқаларни ўрганишда 1819—1820 йиллар Кавказ армиясининг бош қўмондони А. П. Ермолов томонидан майор Пономарев ва капитан Муравьевнинг Хева хонлигига ва Каспий денгизининг Шарқий қирғоғида яшовчи туркман қабилаларига элчи қилиб юборилиши, бунинг натижасида Н. Муравьев Хева хонлигига ўз кўзи билан кўрган туркман ҳамда хонликтаги рус асиirlariдан сўраб билib олган маълумотлари асосида ёзган «Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах, гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров» номли асари XIX асрнинг 20-йилларида Россия билан Хева хонлиги ва Каспий денгизининг шарқий қирғоғида яшовчи туркман қабилаларининг олиб борган дипломатик ва савдо муносабатларини ёритишида асосий манба сифатида хизмат қиласди.

Н. Муравьевнинг уч қисмдан иборат, ҳажми 300 бетдан ортиқроқ бу асари 1822 йилда Москвада нашр этилган.

Автор қисқа сўз бошидан сўнг, китобнинг биринчи қисмida Каспий денгизининг Шарқий қирғоғига ва Хева хонлигига келиши, туркман қабилаларининг бошлиқлари ва Хева хони билан олиб борган музокаралари, босиб ўтган йўллари, туркман қабилаларининг ҳаёти ва уларнинг урф-одатлари ҳақида жуда кўп ва қизиқ маълумотлар беради.

Асарнинг иккинчи қисмida автор Хева хонлигининг чегаралари, тоғлар, фойдали қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, хонлиқда яшайдиган ҳалқларнинг урф-одатлари, ундаги қуллар, шаҳар ва қишлоқлар, XVIII аср охири ва XIX аср бошли-

¹ Е. В. Бунаков. К. Истории сношений России со среднеазиатскими ханствами в XIX в. Советское Востоковедение. № 2. 1941. 8—9-бетлар.

² Е. В. Бунаков. Уша асар, 11-бет.

рида Хева хонлигидаги ўзаро урушлар, қўнғирот сулоласининг ҳокимият тепасига келиши, Хева хонлигида давлатни идора қилиш усули, қўши давлатлар билан олиб борган алоқалари, ички ва ташқи савдоси ҳақида сўзлайди.

Асарнинг учинчи қисмида чертёж, расм ва карталар берилган.

Н. Муравьевнинг бу асари рус шарқшуносларини биринчи марта Хева хонлигининг кўрсатилган давр ичидаги ҳақиқий аҳволи билан таништириди. Унинг Хева хонлиги ҳақида берган маълумотлари тўғри бўлиб, жуда кўп масалаларда Мунис ва Огаҳий¹, Абдулкарим Бухорийлар² томонидан ёзилган маҳаллий манбаларда берилган маълумотларга жуда мос келади.

Бироқ, маҳаллий манбаларнинг авторлари сарой тарихчilari бўлишларига кўра мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, ҳалқ оммасининг турмushi ҳақида оз маълумот берадилар. Мунис ва Огаҳий ўз асарида бизни қизиқтирган масала, яъни Хева хонлигининг Россия билан олиб борган савдо ва дипломатик алоқалари ҳақида жуда оз бўлса ҳам маълумот берсада, аммо Абдулкарим Бухорий бу муҳим масала ҳақида ҳеч нарса ёзмайди.

Н. Муравьев асарининг алоҳида қиймати шундаки, унда кўрсатилган давр ичida Хева хонлигининг ички ва ташқи тарихи, шунингдек, Россия билан олиб борган савдо ва дипломатик алоқалари, савдо йўллари, савдо буюмлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

XIX асрнинг биринчи чорагида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларга келсак, 1813 йили Қаспий денгизининг шарқий қирғофида яшовчи туркман қабилалари билан Россия давлати ўртасида алоқа боғлашда Кавказ армиясининг бош қўмондони генерал Н. Ф. Ртишчев томонидан туркман қабилаларининг бошлиғи Султонхонга юборилган элчилик хусусида қисман тўхтаб ўтиш лозимdir. Чунки, 1819 йилда Кавказ армиясининг бош қўмондони А. П. Ермолов томонидан Қаспий денгизининг шарқий қирғофида яшовчи туркманлар ва Хева хонлиги билан алоқа боғлаш учун элчилар юборилиши шу 1813 йил воқиаси билан боғланган эди.

Н. Муравьевнинг ёзишича, бош қўмондон Н. Ф. Ртишчев 1813 йили Россия-Эрон уруши даврида эронликларга бир мунча зарар етказишда туркман қабилаларига бошлиқ қилган Султонхонни ўз ҳимоясига олганлигини маълум қилиш учун

¹ Мунис—Огаҳий فردوس الافال. Ўз ССР фанлар Академияси Шарқшунослик институти. Инв. № 821.

² Boukhary Mir Ridouli Kerin. Nistoire de L'Rsie Centrale (Rfghanistan, Boukhara, Khiva, Khokand) Depuis der nieres du regne de wadir-Ihah 1151) jusdu'en 1233 de l'Hegire (1740—1818) pudlce traduite et annotee par charles sehefer. texte Persan. Paris 1876.

унга Дарбанд савдогари арман Муротовни юборади. Бу илтифотдан бениҳоят хурсанд бўлган Султонхон туркман қабилалари устидан қонукий ҳукмрон бўлиш ниятида бош қўмондон Н. Ф. Ртишчевга ўз яқинларидан бир нечасини юбориб, ундан ёрдам сўрайди.

Султонхоннинг юборган элчилари тасодифан бош қўмондон Н. Ф. Ртишчевнинг Эрон саройи амалдорларидан бўлган Абдулхусайнхон билан Қорабоғ лагерида Гулистон сулҳини тузазётган вақтининг устига келадилар.

Абдулхусайнхон эса, Россия ҳимоясига олингани туркманларнинг эронликлар учун хавфли куч бўлишини билиб, Н. Ф. Ртишчевдан Россия ҳукуматининг туркманлар билан ҳеч қандай алоқада бўлмаслигини талаб қиласди. Уша даврдаги халқаро вазиятда Эрон билан сулҳ шартномасини тузиб, Эрон масаласини бартараф қилишда туркманларга нисбатан Россия вақтинча бетарафлик сиёсатини тутиши лозим эди. Шунинг учун Н. Ф. Ртишчев Абдулхусайнхон таклифини қабул этди. Сўнгра Султонхон юборган элчиларига яхши инъомлар бериб, уларни қайтариб юборди. Бундан аччиғланган туркманлар ўз кучлари билан эронликларга қарши туришга кўзлари етмай, баъзилари Эронга тобе бўладилар ва баъзи бирлари эронликлар кела олмайдиган жойларга—Болқон тоғлари ҳамда Хева хонлигига қочадилар. Султонхоннинг ўзи ҳам Хева хонлигига Муҳаммадраҳимхоннинг саройига келиб, унинг яқинларидан бири бўлади.

1819—1820 йилларда туркманлар билан дўстлик алоқасини яна қайтадан боғлаш ва Хева хонлиги билан савдо алоқасини ривожлантириш мақсадида Грузия армиясининг бош қўмондони А. П. Ермолов Елисоветапол округининг бошлиғи майор Пономарев ва генеральний штаб амалдори капитан Н. Муравьевни Қаспий денгизининг шарқий қирғоғида яшовчи туркманларга ва Хева хонлигига элчи қилиб юборади. Н. Муравьевнинг сўзича, элчиларнинг олдига қўйилган асосий мақсад юқорида айтиб ўтганимиздек, туркманлар билан дўстлик алоқасини мустаҳкамлаш ва Қаспий денгизининг шарқий қирғоғига қалъа солиш учун уларнинг розиликларини олиш ва бундан сўнг Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо алоқасини Манқишлоқ орқали эмас, балки энг яқин ва энг қулай йўл—Красноводск пристани орқали олиб боришига Хева хони Муҳаммадраҳимни кўндиришдан иборат эди.

1819 йили элчилар йўлга чиқиб, шу йили Туркманистонга етиб келадилар.

Пономарев билан Н. Муравьев 19 июлдан 19 сентябргача Туркманистонда Қаспий денгизининг қирғоқларини расмга олиш ва айrim жойларнинг географик мавқини ўрганиш билан

шуғулландилар. Шунинг билан бирга, Россия ҳукуматининг таклифига туркманларни рағбатлантириб, Қаспий денгизининг шарқий соҳилига қалъа солиш учун уларнинг бошлиқлари билан музокаралар олиб бордилар.

Н. Муравьевнинг ёзишича, Қаспий денгизининг шарқий қирғоғига қалъа солиш ҳақидаги таклифдан туркманлар жуда хурсанд бўлганлар ва Қиот оқони ўзлари томонидан Россияга элчи қилиб бош қўмондонга юборишга бир оғиздан розилик билдирганлар¹.

Шундай қилиб, туркман қабилаларининг бошлиқлари билан олиб борилган музокаралар муваффақият билан тамом бўлган. Майор Пономарев Туркманистонда қолиб, Н. Муравьев эса, ўзи билан бирга қўриқчи олмасдан, фақат таржимон Деншчик ва йўл кўрсатувчи билан бирга Хевага келади.

Рус элчиси 5 октябрда Эльгелди қалъасига етиб келганда хон ўз кишиларини юбориб, Н. Муравьевни шу ерда тўхташга буюради.

Хева ҳукумати Россия ўз элчиси Н. Муравьевни Хева хонлигини разведка этиш, хусусан Хева хонлигидаги рус асиirlарини сзод қилиш учун юборган деб ўйлаб, унга нисбатан зўр шубҳа билан қарайди. Н. Муравьевни Эльгелди қалъасида ҳеч бир асоссиз 45 кунча қаттиқ назорат остида тутиб турилади. Хева хонлигидаги рус асиirlарига Н. Муравьев билан учрашиш ўлим хавфи билан ман қилинади. Унинг эҳтиёжи учун ҳеч нарса берилмай, ҳатто бозордан ҳам бирон нарса сотиб олишга тўсқинлик қилинади². Бунинг натижасида Хевада Н. Муравьев хон томонидан ўлдирилди деган овозалар тарқалади.

Ниҳоят, 45 кун куттандан сўнг, 20 ноябрда Н. Муравьев хон билан учрашди ва унга Россия ҳукуматининг юборган инъомларини топширди.

Н. Муравьевнинг ёзишича, орадан бир кун ўтгандан сўнг, яъни 21 ноябрда расмий қабул маросими бўлиб, қабул вақтида хоннинг амалдорларидан Худаш маҳрам ва Юсуф меҳтар иштирок этганлар. Расмий тақаллуфлардан сўнг, Н. Муравьев ўзига топширилган вазифани баён қилиб, хатни ўқиб берган ва Кавказ армиясининг бош қўмондони А. П. Ермолов номидан Россия билан яқин алоқа борлашни ҳамда илгаригидек савдо алоқаларини Манқишлоқ орқали юргизмасдан, балки Красноводск орқали юргизишликни таклиф қилади. Чунки, Манқишлоқ орқали бўлган карвон йўли қийин йўл ҳисобланниб, 30 кун сувсиз чўллардан ўтиб бориш лозим эди. Н. Муравьев таклиф

¹ Н. Муравьев. Уша асар, 24—25-бетлар.

² Н. Веселовский. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. СПб. 1877, 186-бет.

қилган иккинчи йўл 17 кунлик йўл бўлиб, бунда Хева савдогарлари ўзларига керак бўлган молларни Астрахандан келадиган кемалардан олишлари ёки айирбош қилишлари мумкин эди¹.

Муҳаммадраҳимхон Н. Муравьевнинг биринчи таклифини қабул қилди ва унинг билан бирга бош қўмондонга ўзининг ишончли кишиларидан юборишга ваъда берди. Иккинчи таклифни эса рад қилди. Бунга баҳона қилиб, бу йўлда яшовчи ёвмутларнинг кўпчилиги Қочарларга² хизмат қиласди, шунинг учун Хева савдогарлари хавф остида бўладилар, деб важқилди.

Россия ҳукуматининг икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқасини денгиз йўли билан, яъни Красноводск пристани орқали олиб бориш ҳақидаги Хева ҳукуматига қилган таклифи Хева учун жуда яхши ва фойдали таклиф эди. Лекин Хева хони Муҳаммадраҳим Россиянинг бу таклифни қабул қилмасдан, Россия ҳукуматига нисбатан реакцион сиёсат юргизди. У Хева хонлигини феодал биқиқлиги ҳолида тутиб, Россия билан кенг миқёсда алоқа олиб бориш ҳаракатига тўсқинлик қилмоқчи бўлди.

Учрашиш маросими тамом бўлғандан сўнг, Н. Муравьевга хоннинг инъомлари берилади ва ўз ватанига қайтишга рухсат этилади.

27 ноябрда Н. Муравьев ва хон томонидан тайин этилган Хева элчилари: юзбоши Эшназар ва Ёқуббой Хевадан жўнаб кетадилар.

Н. Веселовский ва В. Жуковский ўз асарларида Н. Муравьевнинг Хева хонлигига элчи бўлиб келиши устида тўхтаб, улар Н. Муравьевнинг Хевага юборилиши кутилган даражада фойдали натижа бермасдан, фақат бир-бирларига дўстлик ва ишонч билдиришдан иборат бўлди холос, деб ёзадилар.

Н. Муравьев ўзига топширилган вазифанинг деярлик ҳамасини Хева хони Муҳаммадраҳим билан олиб борган музокараларида амалга ошира олмаган бўлса ҳам, юқоридаги авторларнинг айтганларидек дўстлик алоқасини боғлаш ва бир-бирларига ишонч билдириш билан кифояланди, дейиш бутунлай нотўғри. Чунки, Хева хони Муҳаммадраҳимхоннинг Н. Муравьевга нисбатан очиқдан-очиқ душманлик муомаласида бўлишга журъат қила олмасдан, уни қабул қилиб, Россия билан яқин алоқада бўлиш учун унинг қилган таклифига ўз розилигини изҳор этиб, Н. Муравьев билан Россияга элчи қўшиб юбориши

¹ Н. Муравьев. Ўша асар, 133—134-бетлар.

² Қочар—Ўша даврда Эронда ҳукмронлик қилаётган сулола.

³ Н. Веселовский. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. СПб. 1877, 288—289 бетлар; В. Жуковский. Сношения России с Хивой и Бухорой за последнее трехсотлетие. СПб, 1915, 99-бет.

Россия ва Хева муносабатларининг тарихида аҳамиятли натижалардан бири эди. Ҳатто Қаспий денгизи атрофлари даги яшовчи туркман қабилаларининг Россияга нисбатан ҳайриҳоҳликлари орқасида Н. Муравьевнинг Хевагача саломат боришининг ўзи Мұҳаммадраҳимхонни анча ташвишга солиб қўйган эди. Ҳон ўз амалдори иштироқи билан ўтказган маҳфий кенгашида Н. Муравьевни қабул қилиш тўғрисида: «Элчини йўлда туркманлар ўлдириб қўйганда яхши бўлар эди, эндиликда у Хева га келиб қолди, уни қабул қилиш лозимдир», деб айтган эди¹.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Н. Муравьевнинг бу асари XIX асрнинг биринчи чорагида Хева ҳонлигининг Россия ва бошқа қўшни давлатлар билан олиб борган савдо муносабатлари ҳақида анча маълумотлар беради. Н. Муравьев ўз асарида Хева ва Россия ўртасидаги савдо ҳақида сўзлар экан, у Россиянинг Қозогистон чўллари орқали Хева ҳонлиги билан олиб борадиган савдо алоқаларига жуда катта аҳамият бериб шундай дейди: «Агар бу чўлларда мустаҳкам тартиб ўрнатилиб, бу ердаги таловчиларининг ҳужумларидан савдо карвонларининг хавфсизлиги таъминланса, у вақтда бутун Шарқнинг жумладан Ҳиндистоннинг савдосини Шимолга йўналтириш мумкин бўлар эди»².

Н. Муравьевнинг бу фикри умуман тўғри, агар Қозоқ чўлларидаги тартибсизликка хотима берилса, савдо карвонларининг хавфсизлигини таъминланса, у вақтда шубҳасиз Россиянинг Шарқ билан ва аксинча Шарқнинг Россия билан олиб борган савдо алоқаси янада тараққий қиласр эди. Бироқ, савдо карвонларининг кўчманчи Хева ва қозоқ оламонлари томонидан таланиб турилиши савдонинг тараққиётига тўсқинлик қилиб келди.

XIX аср бошида юқоридаги оламонлар томонидан рус савдогарларининг 178, 127 сўмлик моллари таланган³.

Н. Муравьев ўз асарида Хева ҳонлигининг Россия билан олиб борадиган савдо йўллари тўғрисида ҳам кўпгина маълумот беради.

1. Қозоқ чўллари орқали Оренбургга ўтган савдо йўли.

Бу йўл асосий савдо йўли ҳисобланиб, Урганчдан савдо карвонлари Оренбургтacha 33 кунда етиб борар эдилар.

2. Манқишлоқ орқали Астраханга ўтган савдо йўли.

Бу йўл орқали савдо қилиш учун муайян бир вақтда рус савдогарлари Астрахандан Қаспий денгизи орқали пароходда сузуб Манқишлоққа келардилар. Руслар билан савдо қилиш учун Хева савдогарлари ҳам Манқишлоққа тўпланардилар.

¹ Н. Муравьев. Уша асар, I қисм, 99-бет.

² Уша асар, 94-бет.

³ Л. Мейер. Киргизская степь Оренбургского ведомства, СПб, 1855, 34-бет.

Н. Муравьевнинг ёзишича, Хева савдогарлари бу ерда ўз молларини рус молларига айирбошлар ва айрим ҳолларда рус савдогарлари билан келишиб, уларнинг пароходларида Астрахангга ўз молларини олиб борар эдилар¹.

З. Савдо йўли Н. Муравьев томонидан Хева хонига таклиф этилган Красноводск пристани орқали олиб бориладиган савдо йўли эди. Юқоридаги икки йўлга қараганда, Красноводск пристани орқали олиб бориладиган савдо йўли Россия билан савдо қилишда жуда қулай ва яқин йўл ҳисобланган. Н. Муравьевни Хева хонлигига юборишдан асосий мақсад ҳам икки ўтрадаги савдони шу Красноводск орқали олиб борицга Хева ҳукуматини кўндиришдан иборат бўлган. Гарчи Н. Муравьевнинг таклифи Хева ҳукумати учун жуда фойдали бўлса ҳам, аммо Муҳаммадраҳимхон асоссиз баҳоналар билан уни қабул қилмади. Агар Хева ҳукумати Россия таклифини қабул қилганда эди, Каспий денгизининг шарқий қирғоғи ва Красноводск пристани Каспий денгизи орқали Россия, Хева, Кавказ ва Эрон ўртасида олиб бориладиган савдонинг марказига айланган бўлар эди. Бироқ, Хева ҳукумати томонидан Россия таклифининг қабул этилмаслиги, Красноводск районининг туркман қабилаларининг қўл остида бўлишига боғлиқ эди. Чунки Хева ва Эрон ҳукуматларининг жабр, зулм ва таловлари остида қолган, бу ерда яшовчи туркман қабилалари орасида Россиянинг таъсири ва Манқишлоқда эса, Хева хонлигининг таъсири кучли эди. Красноводск пристани орқали савдо алоқаси олиб борилганда, бу ерда яна Россиянинг таъсири ошиб кетиши билан ўз қўлидан савдо монополиясини бериб қўйишдан қўрққан Хева ҳукумати Россия таклифини қабул қилмаган эди.

Н. Муравьев ўз асарида Хоразмнинг Россия билан олиб борган савдо алоқалари тарихи устида тўхтамайди. Шунингдек, Хевадан Россияга чиқариладиган моллар тўғрисида ҳеч нарса ёзмайди. Унинг сўзича, Хева хонлигининг ички ва ташқи савдоси сартларнинг қўлларида бўлиб, Хева савдогарлари Бухородан: йигирилган ип, ҳар турли гул босилган бўз, турли хилдаи ип ва ипак газламалар, кашмир шолиси, Хитой чинниси, чой, шоҳи белбоғлар, жун, қоракўл ва бошқа молларни олиб, у молларнинг бир қисмини Хевада сотганлар ва қолганини Россияга олиб борганлар².

Бундан маълум бўлишича, Хева савдогарлари Бухоро билан Россия ўртасидаги савдода қисман бўлса ҳам воситачилик ролини ўйнаганлар.

Хева савдогарлари ўз молларини Россиянда сотиш билан бирга духоба, ойна, зар (калаватин), пичоқ, устара, асал, қо-

¹ Н. Муравьев. Уша асар, 95-бет.

² Уша асар, 92—93-бетлар.

ғоз, қўрғошин, мис, чўяндан ишланган асбоб ва идишларга ҳамда инглиз мовутига айирбош қиласидилар¹.

Н. Муравьевнинг сўзидан маълум бўлишича, XIX асрнинг биринчи чорагида инглиз моллари Ўрта Осиёга, жумладан Хева хонлигига Россия орқали киритилар эди.

Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо икки мамлакатнинг экономикаси учун катта аҳамиятга эга эди. Чунки энди ўсиб тараққий қилиб келётган Россия саноатига биринчи навбатда пахта, ип ва шу каби хомашё маҳсулотлари зарур эди. Хева хонлиги эса қолоқ феодал давлати бўлиб, у, рус саноати молларига муҳтоҷ эди.

XIX аср бошида Ўрта Осиё савдогарлари Россиянинг ички бозорларига кириб савдо қила бошлаган эдилар.

Н. Муравьевнинг ёзишича, XIX аср бошида Хева савдогарлари ўзларининг энг яхши молларини Макаровский ярмаркасинага², Саратовга, Москвага олиб бориб сотар эдилар³.

Рус савдогарлари эса Хева хонлигига савдо қилишга журат қила олмаганлар. Н. Муравьевнинг фикрича, гўё, Хева ҳукуматининг Россия билан алоқаси бузилса, у вақтда Хева хонлигини даги рус савдогарлари жуда оғир аҳволда қолиши мумкин эди⁴.

Авторнинг бу фикри умуман тўғри бўлиб, агарда Хева ҳукуматининг Россия билан алоқаси бузилган тақдирда, рус савдогарларини банд этишдан тортиниб турмасди.

Хева ҳукуматининг Хева территориясида рус савдогарлари га очиқ савдо қилишга рухсат этмаслигига сабаб, Хева савдогарлари Россия билан бўладиган савдо алоқасидан жуда манфаатдор эдилар. Хева савдогарлари Бухоро, Эрон ва Афғонистонни Россия билан ва Россиянинг бу мамлакатлар билан олиб борадиган савдосида воситачи эдилар. Улар ўз қўлларидан савдо монополиясини беришни истамай, ҳар турли йўллар билан Россия савдогарларини Хева хонлигига киритмасликка ҳаракат қиласидилар. Рус молларидан олинадиган пошлиналарни жуда юқори процентда талаб қиласидилар. Қозоғистон ерларига ҳужум қилиб, у ердан ўтадиган савдо карбонларини талаб, савдонинг тараққиётига тўқиңлиқ қиласидилар.

Н. Муравьев ўз асарида Хева билан Россия ўртасидаги савдо муносабатларига бир томонлама, ўз синфи нуқтаи назаридан қарайди. У мулоҳазаларида Хева хонлигини босиб олини планини олға суради: «Агар Хева хонлиги Россия империясига

¹ Уша асар, 95-бет.

² Бу ярмарка 1816 йилгача давом этиб, 1816 йили катта ёнгин чиқиши муносабати билан 1817 йили Нижний-Новгород яқинига кўчирилган. Энциклопедический словарь. Том XXI, СПб, 1897, 40-бет.

³ Н. Муравьев. Уша асар, 95-бет.

⁴ Уша асар, 97-бет.

бўйсундирилса, у вақтда рус савдогарлари жуда кўп фойдага эга бўлар эдилар... Бутун Осиё, ҳатто Ҳиндистон савдоси Хева орқали Астраханга келар эди. Ҳозирда эса кўчманчиларнинг таловлари орқасида жанубий ўлкалардан Хевага савдо карвонлари жуда кам келади, бинобарин, савдо ишлари етарли дара жада тараққий қўлмаган. Агар Хева бизнинг қўлимизда бўлса эди, у вақтда Амударё орқали Россия билан ҳинд савдоси вужудга келган бўлар эди. Урга ва Шарқий Осиёнинг бутун бойликлари ватанимиз қўлига кириб, улуғ Пётрнинг васияти амалга ошган бўлар эди. Хевага ҳукмронликни ўрнатиш билан бутун Осиё мамлакатларини ўз таъсири мизга олган бўлар эдик», деб ёзади¹.

Россия Урта Осиё ва Урта Шарқ билан тенг ҳуқуқ асосида савдо қилишга интилди. Агар Хева ҳукумати ҳам Россия билан тенг ҳуқуқлик савдо олиб боришга, шунингдек, иқтисодий муносабатда бўлишга беғараз интилганда эди, икки давлатнинг умуман Урта Осиёнинг Россия билан иқтисодий, маданий савдо муносабатлари яхши йўлга қўйилган бўларди. Чунки, Россия ва Урта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари Хева хонлиги терриориясини кесиб ўтган савдо йўллари орқали олиб борилиб, Хева ҳукмрон доиралари ҳар хил йўллар билан бу савдога тўсқинлик қиласидилар.

Агар Н. Муравьев айтганидек, Хева хонлиги Россия империясининг составида бўлиб, қозоқ чўлларида тартиб ўрнатилганда эди, у вақтда, шубҳасиз, Россиянинг Хева хонлиги билан, умуман Урта Шарқ билан алоқаси ривожланган бўлар эди.

Бироқ, Н. Муравьевнинг бу икки давлат ўртасида асрлардан бери давом этиб келаётган алоқаларни инкор этиб ва бу алоқаларга бир томонлама баҳо бериши ҳамда, Урта Осиёга нисбатан тажовузкорлик сиёсатни олға суриши мутлақо нотўғри.

Н. Муравьев ўз асарида Хева хонлигига давлатни идора қилиш ўсули, унинг молиявий аҳволи, ҳукуматнинг хонликдаги бошқа халқлар, яъни қорақалпоқ, туркман қабилаларига нисбатан тутган сиёсати, у ерда яшайдиган халқларнинг урф-одатлари ва Хевадаги асирикка олинган рус кишиларининг аҳволи тўғрисида жуда қимматли маълумотлар беради.

XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Хева ва Бухоро хонликларида қул олди-сотди ишлари давом этиб келар эди.

Хева хонлигига тобе бўлган кўчманчи қозоқ, туркман ва ўзбек чопқирлари Россия, Оренбург йўлидан ва Каспий денгизи атрофларидан русларни, Xуросон ва Астробод вилоятларидан эронликларни ушлаб, Хева, Урганч, Ҳазорасп сингари қул бозорларида сотар эдилар.

¹ Н. Муравьев. Ўша асар, 101—102-бетлар.

Н. Муравьевнинг маълумот беришича, XIX асрнинг 20-йилларида Хева хонлигига 3 000 рус, 30 000 форс ва курд асирилари бўлган¹.

Эронликларга қараганда руслар қул бозорларида қимматроқ баҳога эга бўлиб, ёш, соғлом рус асирини 60—80 тиллогача сотиб олганлар.

Кулларнинг аҳволи ниҳоят даражада оғир бўлиб, рус асирилари турли ҳунар ишлари билан шуғулланганлар. Эронликлардан эса ер ишларида, боғчаликда, каризларни тозалашда, каналлар қазишида фойдаланилган. Хева хонлигидаги қул эгалари ўз қўлларидаги қулларга нисбатан бир неча хил жазо усулларини қўллаганликлари тўғрисида Н. Муравьев қўйидагиларни ёзади:

«Қул эгалари арзимаган баҳоналар билан ўз қўлларидаги қулларни ўлдира олиш ҳукуқига эга бўлсалар-да, одатда ишчи кучини йўқотиш ўzlари учун зарар бўлганидан қулларнинг қулоқларини кесиб ташлаш ёки бир кўзини ўйиб олиш сингарни ваҳший жазо усулларини қўллаш билан чегаралангандар. Агар қулнинг қочиш тўғрисида фикр қилганлигини хўжайин билиб қолса, у вақтда бошқаларга ибрат бўлсин учун, унинг икки қулоғидан устунга михлаб, боғлаб қўйганлар. Бечора қуллар шундай азоблар: очлик, сувсизлик ва калтакдан ўлардилар»².

Н. Муравьевнинг Хева хонлигидаги рус асириларининг ҳаёти, уларнинг асириликда тортган жабру зулмлари ҳақида берган маълумотларини XIX асрнинг биринчи, иккинчи чоракларида Хева хонлигига бўлиб, сўнг асириликдан қутилган рус кишиларидан Ф. Ф. Грушин, Тихон Рязанов, Андрей Никитин, Медчинин ва Портупей праторшикларнинг берган маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Масалан, XIX асрнинг 20—30-йилларида Хева хонлигига асириликда бўлган Федор Федорович Грушин ҳикоясини олайлик. Унинг бу ҳикояси 20 бетдан иборат бўлиб, «Русский инвалид» журналининг 1838 йил, 5-сонининг муқаддимасида босилган³.

Ф. Ф. Грушиннинг ёзишича, у Сизранъ мешчанларидан бўлиб, 1819 йили Қаспий денгизида туркманлар томонидан икки ҳамроҳи билан асирилка олинган. Туркманлар буларни но-

¹ Н. Муравьев. Уша асар, 109-бет.

² Уша асар, 109-бет.

³ Н. Муравьев. Уша асар, 73-бет.

⁴ Бизнинг қулемизда «Русский инвалид» журналининг 1838 йилги сочини бўлмаганлиги учун 1861 йилда Петербургда циқсан Владимир Даъль Асарларининг янги, тўлдирилган нашридан фойдаландик. Чунки Ф. Ф. Грушиннинг ҳикояси В. Даълнинг шу тўпламига ҳам киритилган. (Сочинения Владимира Даля, новое, полное издание. Том II, С. Петербург, 1861).

маълум бир Худойберган исмли кишига сотганилар. Худойберган эса уларни Хева хони Муҳаммадраҳимга сотган. Ф. Ф. Грушиннинг сўзича, хон уни ҳамроҳлари билан бирга 150 голланд чорвонига сотиб олган¹.

Ф. Ф. Грушин Хева хонининг саройида ишлаган. Бир кун у хон овга кетган вақтда Хевадан қочган. Бироқ, йўлда туркманлар ушлаб, уни Хевага келтирганилар. Қушбеги Ф. Ф. Грушинни қочганлиги учун икки юз таёқ урдирган².

Ф. Ф. Грушин орадан икки йил ўттандан сўнг, Осип деган бир рус асири билан яна қочган. Шу сафар ҳам ўн кундан сўнг қўлга тушган ва Хевага келтирилган.

Авторнинг айтишича, хон энди уларнинг қулоқ ва бурунларини кесишга буюрган; Осипнинг қулоқ ва бурнини кесганлар, Грушинни эса хоннинг ўғли Раҳимқули сўраб олгани учун хон уни қулоғидан устунга михлаб қўйишга буюрган, аммо Раҳимқули яна орага тушган, ниҳоят юқоридаги икки жазонинг ўрнига 300 таёқ урганлар³.

Ф. Ф Грушин орадан бир неча йил ўтгандан сўнг, Астрахани мешчанларидан Тихон Рязанов, астрахонлик савдогар Захар Поликарповнинг ўғли Илья Федорович, Урал казакларидан Максим Парфелов билан бирга яна Хевадан қочганлар ва бу сафар эсон-омон Оренбургга етиб келганлар.

Бундан ташқари, Хева ҳукмрон доиралари қўлидан асирликдан қочган Тихон Рязанов ҳам Хевадаги рус асиrlарининг аҳволи тўғрисида кўпгина қизиқ маълумот беради. Унинг ҳикояси 19 бетдан иборат бўлиб, 1839 йили С. Петербургда «Утренняя Заря» журналида босилиб чиқади⁴.

Авторнинг сўзича, у 1819 йили Қаспий денгизи бўйида балиқ ови билан машғул бўлган бир вақтда қозоқлар томонидан асир олиниб, Хевага келтирилган. Т. Рязановни Хевада Худаш маҳрам сотиб олиб Муҳаммадраҳимхонга тортиқ қилган. Хон эса ўғли Сайдмуҳаммадтўра ихтиёрига топширган⁵.

Т. Рязанов ўз ҳикоясида Хева хонлигидаги рус асиrlарига нисбатан қўлланиладиган жазо усуллари тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Унинг маълумотлари шу масалалар юзасидан Н. Муравьевнинг берган маълумотларига жуда тўғри келади⁶.

¹ В. Даль. Уша асар, 290-бет.

² Уша асар, 290-бет.

³ Уша асар, 290—291-бетлар.

⁴ «Утренняя Заря», Альманах, 1830. С. Петербург, 1830, «Рассказ вышедшего из Хивинского плена, Астраханского мещанина Тихона Рязанова».

⁵ Уша асар, 74—75-бетлар.

⁶ Уша асар, 86—87-бетлар.

Рязанов ўз ҳикоясида Н. Муравьевнинг Хева хонлигига келишини эслатиб ўтиб, Н. Муравьевни Хевада асирилкка олия-ган деган овозлар тарқалган эди¹, дейди.

Юқоридаги ҳар икки автор ўз ҳикояларида Хева хонлигидаги яшовчи ҳалқлар, уларнинг урф-одатлари, шаҳарлар, хон саройи ва ундаги тартиблар, ўзларининг асирилкдан қочишлари, хонликдаги рус асиirlарининг аҳволи, Хева шаҳари ва унинг иқлими, карвон саройлар, кӯчалар, мачитлар ҳақида ёзадилар. Аммо Хева хонлигининг Россия билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқалари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайдилар.

Н. Муравьев Хева хонлигидаги рус асиirlарини жуда оғир аҳволда кўрса ҳам, аммо Хева ҳукумати олдида уларни озод қилиш масаласини қўймади. А. П. Ермолов томонидан берилган инструкция бўйича бу вазифа унга топширилмаган эди. Н. Муравьевдан сўнг, Россия давлати билан Хева хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларида савдо-сотиқ ва чегара масалалари билан бир қаторда Хева хонлигидаги рус асиirlарини озод қилиш ва рус фуқароларини асир қилиб, бозорларда қўл сифатида сотиш ишларига хотима бериш рус элчиларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Оренбург генерал-губернатори Перовскийнинг 1839 йили Хева хонлигига юришига сабаб бўлган баҳоналардан бири ҳам Хева хонлигидаги рус асиirlарини озод қилиш масаласи эди.

Н. Муравьевнинг асарларидан ўзининг айрим камчиликларига қарамай, юқорида айтиб ўтганимиздек, XIX асрнинг биринчи чорагида Хева хонлигининг тарихи ва унинг Россия билан олиб борган муносабатларини ўрганишда рус тилида ёзилган ягона бир манба бўлиб, тарихчиларимизни кўпгина қизиқ ва қимматли материаллар билан таъмин қиласди.

Асарда, Хева хонлиги ва унинг Россия билан олиб борган ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий алоқалари тарихи тўғрисида берилган материаллар ўзининг тўлалиги ва қизиқлиги билан Н. Муравьевдан олдин Хевада бўлган саёҳатчиларнинг бу ҳақда берилган маълумотлари ичida ниҳоятда муҳим ўринни тутади.

Масалан, Н. Муравьев томонидан таърифланган савдо йўллари ҳеч қайси бир рус саёҳи томонидан бунчалик тўлиқ ва мукаммал равишда ўз ифодасини топмаган. Н. Муравьевнинг саёҳати айтарлик кенг бўлмаса ҳам, аммо, катта аҳамиятга эга. Туркман чўлларининг Бекович-Черкасскийдан сўнг (1717) текширилиши ҳам Н. Муравьев номи билан боғлиқдир.

Н. Муравьевнинг бу асари нашр этилгандан сўнг кенг китобхонлар оммаси томонидан қизғин қабул қилинади. У Рос-

¹ «Утренняя Заря», 1839, Рассказ вышедшего из Хивинского плена Астраханского мещанина Тихона Рязанова. 90-бет.

сияга қайтиши биланоқ, кўп кишилар унинг бўлган мамлакати ва саёҳатдан олган таассуротлари ҳақида маълумотлар олишга жуда қизиққанлар. Бу ҳақда Н. Муравьевнинг ўзи қуйидаги-ларни ёзади:

«Менинг ёзувларим фақат қариндошларим ва қисман дўст-ларимга ўқиб бериш учун мўлжалланган бўлиб, ҳали тартибга солинмаган эди. Аммо кўпчилик бу ёзувларни босилган ҳорда кўриш орзусида эканлигини билдиргандан сўнг, мен ўз ёзувла-римни бостиришга қарор қилдим»¹.

Мана шуларга асосан бу китоб 1822 йили Москвада боси-либ чиқади. Орадан бир йил ўтгандан сўнг, инглиз тилига, сўнг француз ва немис тилларига таржима қилинади.

¹ Н. Муравьев. Уша асар, VI бет.

Иккинчи боб

ХІХ АСРНИНГ 30—40-ЙИЛЛАРИДА ХЕВА ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД БОСИЛИБ ЧИҚҚАН БАЪЗИ МАНБАЛАР

1. ХІХ АСРНИНГ 30—40-ЙИЛЛАРИДА ХЕВА ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА

ХІХ асрнинг иккинчи чораги Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида, биринчидан, икки ўртадаги иқтисодий алоқаларнинг аввалгига нисбатан янада ривожланиши, Хева хонлиги экономикасининг Россия бозорига бўғланиб бориши ва мамлакатда рус саноат молларига бўлган эдтиёжнинг ошиши билан, иккинчидан, Ўрта Осиёда Россия нуфузининг ўсиши ва бунга қарши Англияниң Ўрта Осиёда, шу жумладан Хева хонлигига агресив ҳаракатларининг кучайиши ҳамда бунга жавобан Ўрта Осиё халқларининг Россия билан янада яқинлашишлари билан характерланади.

ХІХ асрнинг иккинчи чорагида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўзлар эканмиз, аввало бу муносабатлар асосини ташкил этган иқтисодий алоқалар ва бу алоқаларнинг манбалари устида бир оз тўхтаб ўтамиз.

ХVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида Россия Ўрта Осиёдан асосан ип киритган бўлса, XIX асрнинг иккинчи чорагида Россиянинг ипга муҳтоҷлиги камаяди ва ипнинг ўрнига ҳам кўпроқ пахта ола бошлайди. Россия саноатининг тараққий этиб, унинг хомашё маҳсулотларига бўлган талабининг ошиб бориши билан ўсиб келаётган Россия саноатини пахта, марена ва шунга ўхшаш бошқа хил хомашё маҳсулотлари билан таъминлашда Ўрта Осиёнинг аҳамияти кучаяди. Қолок феодал давлатлар ҳисобланган Ўрта Осиё хонликларига, шу жумладан, Хева хонлигига ҳам ўзининг хомашё маҳсулотларини, қўисл тўқима молларини сотиш учун Россия бозорининг аҳамияти ортди.

Россия билан бўладиган савдо Ўрта Осиё хонликларининг халқ ҳўжаликлари учун катта аҳамиятга эга эди. Россиядан олинадиган металл буюмларидан халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган асбоблар ишланар эди. Бу эса Ўрта Осиё хонликларида қишлоқ ҳўжалигининг ривожланишига зўр таъсир этади.

XIX асрнинг иккинчи чораги давомида Россия ва Ўрта Осиё хонликлари, шу жумладан, Хева хонлиги ўртасидаги савдо алоқасининг характерлик белгиларидан бири шуки, Ўрта Осиёдан Россияга чиқариладиган маҳсулотлар ичida калавага нисбатан пахта ва Россиядан Ўрта Осиёга олиб келинадиган моллар орасида тайёр саноат молларнинг чиқарилиши орта боради.

1834—1840 йиллар ичida Россиядан Ўрта Осиёга киритилган маҳсулотларнинг 50—60 процентини тайёр маҳсулот ташкил этган¹.

Россия билан Ўрта Осиё савдосидаги бу аҳвол XIX асрнинг 40—50-йилларига келганда янада кучаяди. Бу вақтларда Россиядан Ўрта Осиёга чиқариладиган маҳсулотларнинг 60—80 проценти тайёр маҳсулотдан иборат бўлган.

Масалан: Россия умумий экспортининг 15 процентини металл ва металл асбоблар, 30 процентини тўқима ип-газлама, 12 процентини чарм, 22 процентини олтин, кумуш пуллар ташкил этган. Бу даврларда Россиядан Ўрта Осиёга ип-газлама, шерстъ каби тўқима молларни чиқариш кучаяди ва Россиянинг экспортида бу моллар биринчи ўринни олади. Шунингдек, металл асбоблар чиқариш ҳам ортиб боради. Кўрсатилган давр ичida Ўрта Осиёдан Россияга чиқариладиган маҳсулотларнинг 30 процентини пахта ва калава, 45 процентини маҳаллий тўқима моллар, 12 процентини турли мўйналар ташкил этади².

Мана шу фактик далилларга асосан Россия билан бўладиган савдо Хева хонлигининг эҳтиёжини қоплашда жуда катта аҳамиятга эга эди.

Бу даврда Ўрта Осиё хонликлари учун Англия билан савдо қилишдан кўра Россия билан савдо қилиш манфаатлироқ эди. Чунки, Россия савдогарлари Ўрта Осиё хонликларига киритилган молларнинг эвазига Ўрта Осиё хонликларида етишириладиган маҳсулотларнинг ичida энг асосийси ҳисобланган пахтани Россияга тортар эдилар. Инглиз савдогарлари эса, Ўрта Осиё хонликлари билан бевосита савдо алоқаларини олиб бормас эдилар. Уларнинг моллари Ўрта Осиёга Россия, Афғонистон ва Эрон орқали ўтар эди. Шунингдек, улар ўз тўқимачилик саноатларини, асосан, Америка ва Ҳиндистон пахтаси билан таъмин этардилар.

Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги савдонинг тараққиётида иккى давлат ўртасидаги алоқаларнинг жуда қадим даврлар-

¹ Я. В. Ханыков. Пояснительная записка к Карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями. Записки Русского Географического общества, 5-й том, СПб., 1851, 21-бет.

² Е. В. Буяков. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX в. «Советское Востоковедение», Т. П. М.—Л., 1941 й., 21-бет.

дан бери мавжуд бўлиб келиши ва бу алоқаларнинг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бориши, шунингдек, Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган географик мавқии мұхим аҳамиятга эга эди.

Россия билан савдо қилиш ҳар иккала мамлакатнинг савдогарларига ҳам жуда катта фойда келтирадир.

Бу вақтларда Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқалари Хева — Оренбург, қисман Хева — Манқишлоқ ва Астрахань йўллари орқали олиб бориларди.

Ўзбек хонликларининг Россия билан бўлган савдосининг кўзга ташланарлик хусусиятларидан бири шу эдики, мазкур савдс маҳаллий феодаллар, хон ва унинг бир гурӯҳ амалдорлари қўлларида бўлиб, Россияга мол олиб келган Ўрта Осиё савдогарлари эса мазкур феодалларнинг пулларини ишлатувчи комиссиянерлардан иборат эдилар. Бу ҳол Ўрта Осиёда савдо қилиш учун рус савдогарига ёнгилликлар бериш, чунончи, савдо божини камайтириш, рус савдогарларига Ўрта Осиё хонликларидан эркин савдо қилиш ҳукуқини бериш тўғрисидаги масала юзасидан Россия билан олиб борилган музокараларда Ўрта Осиё хонлари бу савдода монополияни йўқотишдан қўрқиб, Россиянинг талабини қондирмасликларига олиб келди.

Ўрта Осиё билан савдо қилаётган рус савдогарлари эса кўп вақтлардан бери Ўрта Осиё билан бевосита савдо қилиш, икки ўртадаги савдода Ўрта Осиё савдогарларининг воситачиликлигини чеклашга ҳаракат қиласар эди. Хева ҳукумати эса, икки ўртадаги савдода устунликни ва Россиянинг Бухоро билан бўладиган савдосида воситачиликни қўлдан беришини истамайди, Россия билан бўладиган савдо алоқаларидан нақадар манбаатдор ва рус саноат молларига мұхтож бўлишлигига қарамай, икки ўртадаги савдонинг тараққиётига, шунингдек Россиянинг Бухоро билан бўладиган савдосига халал етказиб туради.

Хева хонлари ўз эмискарларини мулла ниқоби остида савдо карвонларига қўшиб Қозоғистон чўлларига юбориб, у ердаги реакцион феодаллар ҳомийлигига қозоқ қабилалари орасида бир-бирларига душманлик, диний фанатизм тарқатар ва козоқ сultonларини Бухоро карвонларини талашга, рус фуқароларини асир этиб, қул бозорларида сотиш ишларига рафбатлантирилар

Хева ҳукмдорлари қозоқ чўлларида таловчиларга, исёнчиларга ҳомийлик қилиб, уларга хонликдан бошпана берардилар, қозоқларнинг ички ишларига араласиб, солиқ йиғувчи амалдорларини юбориб, улардан мажбурий суратда хирож йиғардилар. Хева хонлигининг қўл остидаги қароқчилар эса ҳеч қандай сабабсиз ва асоссиз Оренбург линиясидан ва Қаспий денгизининг атрофларидан тинч яшовчи русларни асир олиб, Хева

хонлигининг Урганч, Ҳазорасп, Хонқо каби қул бозорларида сотардилар.

Хева ҳукумати томонидан содир бўлган бундай тартибсизликлар тўғрисида рус ҳарбий ёзувчилари Н. Залесов¹ ва М. Иванин² ўз асалларида кўпгина фактик маълумотлар берадилар. Бу авторларнинг асаллари устида кейинроқ муфассал тўхтаб ўтамиз.

Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши Хева хонлиги экономикасининг Россия бозорига қарам бўлишини кучайтириди.

Масалан, 1836—1840 йилларда Хева хонлигининг Россия билан алоқаси бузилади ва Перовскийнинг Хевага юриши натижасида Хева хонлигининг Россия билан бўлган савдоси вақтинча тўхтаб қолади. Мамлакатнинг эҳтиёжи учун керакли молларнинг Бухоро ва Қўқон савдогарлари орқали олиниши Хева савдосига жуда катта зарар етказди. Хева хонлигига рус молларининг нархи икки, уч баравар қимматлашади, аксинча, Хева хонлигининг ўзида етишириладиган хомашё маҳсулотларининг иэрхи икки баравар арzonлашади³.

Россиядан чиқариладиган моллар ўзбек хонликларида жуда кенг тарқалган эди. К. Маркс ва Ф. Энгельс, Россия моллари Ҳинд дарёсигача бориб тарқалди, ҳатто бაъзи ерларда инглиз молларидан ҳам устунлик қилди⁴, деб ёзадилар.

1858 йили Хева ва Бухоро хонликларига юборилган Н. Игнатьев миссиясида қатнашган Н. Залесов Хева шаҳари дўконларидаги молларнинг асосий қисмини рус фабрикасида тайёрланган моллар ташкил этганлигини сўзлаб, Эрон орқали киритилган инглиз чойи ва докасидан ташқари ҳеч қандай Европа моллари йўқлигини айтади⁵.

Иқтисодий алоқанинг ривожланиши билан икки ўртада дипломатик алоқалар ҳам кучайди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Россиядан Хева хонлигига З миссия, за Хевадан Россияга 4 элчи юборилади.

Россиядан юборилган миссияларнинг асосий вазифалари: савдо алоқаларини ривожлантириш, савдо пошлиналарини камайтириш, савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш, Хева хонлигидаги рус асиirlарини озод қилиш, хонлик ҳақида стратегик ва ҳарбий маълумотлар тўплашдан иборат бўлган. Шунингдек,

¹ Н. Залесов. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. «Военный сборник», 1861, 41—80-бетлар.

² М. Иванин. Описание зимнего похода в Хиву в 1839—1840 гг. С. Петербург, 1874.

³ М. Иванин. Уша асар, 156-бет.

⁴ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асаллар, т. IX, 283-бет (русча нашри).

⁵ Н. Залесов. Письмо из Хивы. «Военный сборник», 1859, № 1, 283-бет.

бу миссияларнинг юборилишига сабаб, инглиз колонизаторларининг бу хонликларда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўрнашиб олиш, Ўрта Осиё хонликларини бирлашириб, Россияга қарши коалиция тузиш ҳамда, Россия билан бўлажак курашда Ўрта Осиёни ҳарбий плацдармга айлантириш учун олиб бораётган агресив ҳаракатларига қарши курашишдан иборат эди.

Хулоса қилиб айтганимизда, XIX асрнинг иккинчи чорагида Россияда тўқимачилик саноатининг тараққий этиши муносабати билан унинг хомашё маҳсулотларига бўлган талаби ошди. Хева хонлиги учун ўзининг хомашё маҳсулотларини сотища Россия бозорининг аҳамияти ошди ва икки ўртадаги алоқа янада ривожланди. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи чорагида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги яқинлашиш ва Россиянинг Ўрта Осиёда, шу жумладан Хева хонлигида нуфузининг ошиши тажовузкор Англияning фазабини келтирди. Англия мустамлакачилари Ўрта Осиё хонликларida ўз ҳукмронликларини ўрнатиш ва бу хонликларни Россияга қарши қўзғатиш соҳасида актив иш олиб бордилар. Бироқ, инглиз мустамлакачиларининг бу ҳаракатлари Ўрта Осиё хонликларida, шу жумладан Хева хонлигида тўла мағлубиятта учради. Хева хонлиги Россия билан янада яқинлашиди, икки ўртадаги савдо ва дипломатик алоқалар янада ривожланди.

2. XIX АСРНИНГ 30—40-ИЙЛЛАРИДА ХЕВА ХОНЛИГИДА ИНГЛИЗ МУСТАМЛАКАЧИЛАРИНИНГ АГРЕССИВ ҲАРАҚАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ФОШ ЭТУВЧИ БАЪЗИ БИР МАНБАЛАР

Дунёда йирик капиталистик давлатлардан бири бўлган Англия, В. И. Лениннинг кўрсатишича, «XIX асрнинг ярмисига бориб, эркин савдо жорий қилиб, «бутун дунё устахонаси» ва ҳамма мамлакатларга мол етказиб берувчи бўлмоқ даъвосини қилиб чиқди, бошқа мамлакатлар бунинг бадалига уни хомашёлар билан таъмин қиласидиган бўлдилар»¹.

Бинобарин, инглиз буржуазияси мамлакатнинг ички ва ташки сиёсатида муҳим ролга эга бўлиб, янги мустамлака бозорларини ва хомашё манбаларини қўлга киритишига, ҳамда заиф, орқада қолган мамлакатларни босиб олишга, у ердаги ҳалқларни қул қилиб, уларнинг бўйинларига колониал сиртмоини солишга ҳаракат қила бошладилар. Улар шу вақтда Ҳиндистоннинг анча қисмини қўлга киритибгина қолмасдан, балки янгидан-янги мустамлакалар босиб олишга, ҳамда у ерларни хомашё ва иш кучи манбаига айлантиришга ҳаракат қилдилар.

Инглиз мустамлакачилари XIX асрнинг биринчи ва иккинчи чоракларида Ҳиндистондаги ҳали босиб олинмаган мустақил

¹ В. И. Ленин, Асрлар, т. 22, 266-бет

давлатларни босиб олиш билан бошқа қўшни давлатларга ўз таъсирларини ўтказишга катта эътибор бердилар. Шунингдек, ҳарбий, сиёсий қўпорувчилик мақсадлари билан Яқин ва Ўрга Шарқдаги мамлакатларга, Ўрта Осиёга ўз элчи миссияларини юбориб, қўшни давлатларнинг ички ва ташқи ишларига арада шадилар.

XIX асрнинг бошида Англия билан Франция ўртасида Эронда ўз ҳукмронликларини ўрнатиш учун кескин кураш кетади. Инглизлар Афғонистонни босиб олишга кўп эътибор бердилар. Улар Ўрта Осиёда ўз агрессив ниятларини амалга ошириш учун Афғонистонни қулай плацдарм деб ҳисобладилар. Афғонистонни ўзларига итоат этдириш учун лозим бўлган фитна, ифво, макр, амалдор шахсларни сотиб олиш каби қабиҳ найрангларни ва ҳарбий кучларни ишга солдилар. Бир халқни иккинчи бир халқقا, бир мамлакатни иккинчи бир мамлакатта гиж-гижлатиб, улар орасига турли ифво ва фитналар солдилар, ўзаро уруш оловини ёқдилар.

Ўрта Осиё билан минг йиллардан бери бевосита қўшничилиқ алоқасида бўлиб келган Россия, Ҳиндистонга суқилиб кирган Англия колонизаторларининг назарида, жиддий бир рақиб эди. Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Россияга нисбатан яқинлашиш ҳаракатлари тажовузкор Англиянинг ғазабини келтирарди.

Инглиз мустамлакачилари Афғонистон, Бухоро, Хева ва Қўқонга Британиянинг бўлажак колонияси ва, шунингдек, Россияга ҳужум қилишда қулай плацдарм деб қарадилар.

XIX асрнинг 20—30-йилларида Жанубий Туркистон, Бухоро, Хева, Қўқон хонликлари Ҳиндистондан юборилган инглиз агентлари томонидан синчилаб ўрганила бошланади. Масалан: 1810 йили Поттинжер крист—Белужистон ва Синдга, 1821—1822 йилларда Фрейзер—Хурсонга юборилади. Шунингдек Тибет, Ёркент, Қўқон, Бухоро, Хева ва Афғонистонга Ост—Инд компаниясининг амалдорлари, инглиз офицерлари юборилади. Уларга қандай йўллар билан бўлмасин бу мамлакатларда разведка ишларини олиб бориш вазифаси топширилади.

Инглизлар ҳар хил йўллар билан Ўрта Осиё хонликларини Россия билан бўлган савдо ва иқтисодий алоқаларига путур ётказишга ҳаракат қиласидилар. Улар XIX асрнинг 20-йилларида ўз молларини Ўрта Осиёга осонроқ ўтказиш мақсадида Ҳинд дарёси бўйлаб савдо йўли очадилар. Ҳинд дарёсининг ўрта соҳилида Дорои Фозихон шаҳрида ярмарка очиб, Ўрта Осиё саводогарларининг диққатини Россиянинг Нижневоронд ярмаркасидан бу ярмаркага тортмоқчи бўладилар¹.

¹ Е. Н. Күшева. Среднеазиатский вопрос и русская буржуазия в 40 гг. XIX в. «Исторический Сборник», № 3, 1934 йил, 135—137-бетлао

Инглизларнинг бу ҳаракатлари Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан бўлган савдо алоқаларига бевосита хавф тудирди. Россия билан Англия ўртасидаги савдо рақобати майдонга кела бошлади.

Мана шунинг учун ҳам 1839 йилнинг март ойида генерал-адъютант Перовскийнинг Хева хонлигида юриши тўғрисида ишланган лойиҳани кўриб чиқиш учун тузилган комитет бу экспедициянинг сабабларидан бири деб қўйидагини топган эди.

«Хеваликларнинг, айниқса инглиз ҳукумати бизнинг саноатимиз ва савдомиз зарарини кўзлаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун интилиши натижасида узоқ вақтлар жазоланмасликларин орқасида Ўрта Осиёда Россиянинг бўшашган таъсирини тиклаш керак»¹.

XIX асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йилларининг бошида Ўрта Осиёга Стерт, полковник Стоддарт, Артур, Конолли, Аббот, Шекспир ва бошқа бир қанча инглиз агентлари юборилди. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё териториясига, асосан, Ҳирот орқали ўтар эдилар. Чунки, бу даврда Ҳирот инглиз агрессорлари босқинчлилик ҳаракатларининг маркази бўлиб, бу соҳада Ҳиротнинг географик мавқии—Афғонистон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг марказида жойлашганлиги билан катта аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари, инглизлар учун Ҳиротда ўрнашиб олишга қулай баҳона бор эди. Улар Эрон ва Афғонистондан ажralиб мустақил бўлиб олиш учун Ҳирот ҳукмронлари олиб борган ҳаракатларининг гўё тарафдори бўлиб, Ҳиротга бу баҳона орқасида истаганларича очиқ ва маҳфиӣ суратда ўз агентларини юборар эдилар.

Бу шахстарнинг асосий вазифалари Ўрта Осиё хонликлари ни Англия таъсирига тортиш, Ўрта Осиё ва унга чегарадош бўлган ерлаода разведка ишларини олиб бориш, инглиз агентураси учун маълумотлар тўплаш, Россияга қарши ташвиқот ва тарғиботлар тарқатиш, Ўрта Осиё хонликларини бирлаштириб Англия таъсирига тортиш, Россияга қарши коалиция тузиш ва Ўрта Осиёни Россияга қарши курашишда таянч нуқтага айлантиришдан иборат эди.

1839 йили Ҳиротга Дорен Тодд юборилади. Тоддинг асосий фаолияти Ўрта Осиёда инглиз колониал ва агресив сиёсатини амалга оширишдан иборат бўлди. У Ўрта Осиё хонликларида разведка ва қўпорувчилик ишларини олиб боришда инглиз агентурасига бошчилик қиласди.

Дорен Тодд томонидан 1835 йили полковник Стоддарт, 1841 йили Қонолли разведка ва қўпорувчилик ишларини олиб бориш

¹ А. Г. Серебренников. Туркестанский Край. Сборник материалов для истории его завоевания. Тошкент, 1912, том I, 33-бет.

үчун Бухоро хонлигига юборилади. Аммо бу шахслар Бухорода тўла мағлубиятга учрайдилар (бу ҳақда ўр. Муҳаммаджонов ўз ишида сўзлаб ўтди).

Инглиз босқинчилари Бухорода мағлубиятга учраганларидан сўнг, Хева хонлиги билан Бухоро хонлиги ўтасидаги ихтилофлардан ва Перовскийнинг Хевага юриши муносабати билан Россия билан Хева хонлиги ўтасидаги муносабатларнинг кескинлашганлигидан фойдаланиб, Хева хонлигига суқулиб кириш мақсадига тушадилар. Улар, аввало 1839 йили Мулла Ҳусайнни Хевага юборадилар. Мулла Ҳусайн қайтиб келгандан сўнг, тез фурсатда Тодд капитан Аббот бошчилигига Хевага юриш учун янги экспедиция ташкил этади. Бу экспедиция 1840 йили Хевага келади. Аббот тез фурсатда хон билан учрашади.

Аббот ва ундан сўнг Шекспир ва Конолиларнинг Хева хонлигига келиши ҳамда хон билан олиб борган музокаралари ҳақида Огаҳий¹, Муҳаммадюсуп Баёний² Хева тарихига оид қўлъёзма асарларида ҳамда Перовский томонидан вице—канцлерга ёзилган хатларда маълумотлар берилади³.

Бу маълумотлар инглиз колонизаторларининг Хева хонлигига ва унга чегарадош бўлган Россия ерларида олиб борган жосуслик ва қўпорувчилик ишларини фош этишда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу масалаларни ёритишда биринчи даражалик манба сифатида хизмат қиласди.

Аббот ўзининг Хевага қилган сафарига бағишлиланган икки томлик китобида хон саройида мұҳокама қилинган масалалар ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. У бу масалаларни қайд қилиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ, деб айтади⁴.

Хева тарихчиси Огаҳий ўз асарида Абботнинг⁵ хон билан олиб борган музокаралари устида тўхтаб, ўтмаса ҳам, унинг шоҳона ҳадялар олиб келганлигини ва хон томонидан қабул қилинганлигини эслатиб ўтади.

Бу юқоридаги икки манбага нисбатан инглиз жосуси Абботнинг ярамас ишларини фош этишда ва инглиз истилочилари фақат Урта Осиёдаги эмас, балки Россиянинг ҳам шундай

¹ Огаҳий ریاض الدولہ Қўлъёзма СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида. Изв. 5, Е—6.

² Муҳаммадюсуп Баёний. Қўлъёзма, УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Изв. № 9596

³ А. Г. Серебренников. Уша асар, т. I.

⁴ Captain James Abbott. Narrative of a Journey from Herat to Khiva, Moscow and St Petersburg during the Late Russian invasion of Khiva: with some account of the court of Khiva and the Kingdom of Khauresm. Vol. 1, 1884. P. 93.

⁵ Огаҳий ریاض الدولہ Л. 374а. У ўз асарида Абботни Ҳайратноми билан атайди.

душмани эканликларини кўрсатишда Хева тарихчиси Муҳаммадиосуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразм шоҳи» номли қўл-ёзма асарида берган маълумоти катта илмий аҳамиятга эга. Баёнийнинг сўзича Аббот Хева хонлигига Англия қиролининг ёрлиғи билан келган.

Баёний Абботнинг Хева хони Оллоқулихон билан олиб борган музокараларида Россиянинг Хевага солиб турган «таҳди-дига» кўпроқ суюнганлиги ва, шунингдек, ифво йўллари билан хонни қўрқитмоқчи бўлганлиги тўғрисида қўйидаги қизиқ воқеани ёзди.

«Руслар... яна эллик йилдан сўнг сизларнинг вилоятларини гизни олур. Агар хоҳласангизким, вилоятингиз давом қўлингизда туриб, ҳеч киши анга мутаарриз (қарши—Н. Т.) бўлмагай, вилоятингизни хатлашиб бизга беринг. Хоразм инглиз юрти бўлди деган сўз иштиҳор тобсун (машҳур бўлсин—Н.Т.), андин сўнг бу хавфдин фориғ бўлурсиз. Бизнинг сизга бу сўзимиз хошоким нафсоният юзидан бўлгай, балки маҳз (самими—Н. Т.) дўстликдирким, баразимиз Россияга ҳинд йўлини масдуд этмакдир. Биздан сизга фойда етар, асло зарар етмасдур, хатлашонда хоҳишингизча шартнома ёза беринг, биз қабул этармиз...»¹

Абботнинг Хева хонлигига Англия таъсирини жорий қилиш, уни Англия мустамлакасига айлантириш учун қилган ҳаракати барбод бўлди. Бунга хоннинг Абботга айтган қўйидаги сўзи ёрқин далил бўла олади.

«Алҳол Ул (руслар—Н. Т.) бизнинг устимизга юриш этгани эмас. Эллик йилгача ким бору, ким йўқ. Биз эллик йилда келур ишнинг андишаси билан бугун юртимизни қўлдан бирорвга бемаймиз, биздан сўнгилар не иш этмакни хоҳтар этсинлар»².

Шундай қилиб, Аббот ўз мақсадини амалга ошира олмали ва 1840 йил май ойида Новоалександровский истеҳкомида Россия ҳукумати томонидан қўлга олинди.

Бу ҳақда Оренбург генерал-губернатори Перовский 1840 йилнинг 27 майда вице-канцлерга қўйидаги хабарларни юборган эди:

Олдин Аббот комендатурада ўз ҳужжатларини кўрсатишдан бош торти. Лекин қаттиқ талаб ёкинигандан кейин, ниҳоят, Аббот Англиянинг Ҳиротдаги этчисен Дарен Todd қўл қўйган инглиз тилида ёзилган паспорт ёки очик (ҳужжат) қофозни берди. Ҳужжатнинг орқа томонида форсча ва алоҳида ярим қофозда французча таржимаси берилган. Ҳужжатнинг бу нусхасида, Абботнинг Ҳиротдан Хевага юборилганлиги ҳақида маълу-

¹ Баёний. Ўша асар, Л. 302 б.

² Баёний. Ўша асар, Л. л. 302 б, 303 а.

мот берилса, унинг инглиз тилидаги асл нусхасида эса бошқа қўл ва бошқа сиёҳ билан «...лозим бўлиб қолса, Россия орқали қайтилсан», деган жумлалар ёзилган эди¹.

Сўнгра Перовский, Абботнинг Новоалександровский истеҳкомига келганлигини ва унинг бу ерга келишдан мақсади фақат разведка қилишдан иборат бўлганлигини айтади².

Бу факт Абботнинг Россия тупроғига ўтишга қасд қилганлиги ва Урта Осиёдаги рус истеҳкомларини разведка этиб, инглиз агентурасига маълумотлар йиғиб Ҳиротга қайтиш мақсадидан бўлганлигидан шаҳодат беради. Бироқ Аббот ўз ниятларини амалга ошира олмагандан сўнг, қаллоблик йўлини тутиб, асосий мақсадини яшириш ниятида ҳужжатта «Россия орқали қайтилсан» деган сўзни шахсан ўзи ёзиб қўйган бўлса керак.

Абботдан сўнг, Хевага майор Тоддинг буйруғи билан капитан Шекспир юборилади. Шекспир Хева хонлигининг амалдорларини сотиб олиш учун пул сарф қиласди, лекин бунга инглиз жосусининг пули ҳам ёрдам бермади. Шунингдек, у ўзининг қўпорувчилик ишларини амалга ошира олмади.

Аксинча, инглизларнинг ҳатти-харакатлари, уларнинг агресив ниятлари фош қилинди. Хева ҳукумати инглизларнинг биз фақат Россияга қаршимиз, Сизга «хайриҳоҳмиз», «ёрдам қилағиз» деган ниқоб остида мамлакатни забт қилишдан иборат мақсадларини сезиб қолиб, уларни ўз саройидан четлатишга ва Россия билан яқинлашишга қарор қилди.

Гарчи Перовскийнинг Хевага қилган қишки юриши муваффақиятсиз тамом бўлса ҳам, Хева ҳукумати Россия таклифларини қабул қилишга ва рус асиirlарини Хевадан ўз ватанларига жўнатиб юборишга рози бўлди. Чунки, Хева хонлигининг ички вазияти Россия билан тезлиқда дипломатия ва савдо алоқаларини тиклашни талаб қиласди.

Шекспир Россия тупроғига кириш мақсадида ўз ватанига қайтаётган рус асиirlаридан фойдаланди.

Огаҳийнинг ёзишича, Шекспир Хева хони Оллоқулихон ва унинг вазиридан рус асиirlari билан бирга Оренбургга юборишларини сўраган. Хоннинг розилиги билан Шекспир рус асиirlari орасида Хева хонлигидан Россияга юборилган.

Шекспир Россия чегарасига ўтиши биланоқ ўзини Хева хонлигидаги рус асиirlarini «озод этувчи» деб эълон қилди. Инглиз жосусининг рус асиirlarini «қутқазувчи» бўлиб қолиши тўғридан-тўғри хоинлик ва мутлақо бўхтондан иборат эди. Рус асиirlarining озод этилишининг асосий сабаблари, ўзларининг қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун Хевага келган инглиз

¹ А. Г. Серебренников. Ўша асар, т. I, 141-бет

² А. Г. Серебренников. Ўша асар, 141—142-бетлар.

агентларининг илтимосларига боғлиқ бўлмай, балки ўша вақтларда Россия ва Хева хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни тинчлик билан йўлга қўйиш учун Хева ҳукуматининг интилишига боғлиқ эди. Огаҳийнинг ёзишича, рус асирларини ўз ватанларига кузатиш Россия томонидан Аитовга¹, Хева хони томонидан муфти Отаниёз хўжага топширилган². Шекспирга эса фақат карвон билан бирга келишга рухсат берилган эди.

Шундай қилиб, Шекспир ҳам Аббот сингари ўзининг қабиҳ ниятларини амалга ошира олмасдан, Россия орқали Лондонга қайтиб кетди.

1841 йили Бухорода зинданга ташланган Британия агентурусининг вакили полковник Стоддартни қутқариш баҳонаси билан Конолли Хева хонлигига келади.

Конолли Хева хонлигига қушбеги ва меҳтар билан тез-тез кўришиб туради. Бу суҳбатларда у Хева ҳукуматини Бухорога қарши уруш очишига рағбатлантириш учун Бухорони талаш билан Хеванинг давлатманд бўлишини, лозим бўладиган ҳарбий харажатларни Англия ҳукумати ўз устига олажаклигини билдирган³.

Бу фактик далиллар, Англия мустамлакачиларини бир халқни иккинчи бир халққа, бир мамлакатни иккинчи бир мамлакатга қарши қўйиб, тажовузкор ишларини яширишда ўзларини Осиё давлатлари ўртасида «тинчлик ўрнатувчи», «сулҳпарвар» деб даъво қилишларини кўрсатади. Биз юқорида Аббот ва Шекспирнинг Хева хонлигига ҳақиқатда нима мақсадда келганикларини биринчи даражали манбалар асосида айтиб ўтган эдик.

XIX асрнинг 30-йилларида Хева хонлигига инглиз агрессорларининг тажовузкорлик ишларини фош этишда В. Луганский-нинг 1839 йили «С. Петербургские Ведомости»нинг 24-сонида босилган ҳикояси катта аҳамиятга эга. В. Луганский ўз ҳикоясида савдогар ниқоби билан Эрон орқали Хевага ўтган инглиз агентлари тўғрисида қизиқ маълумотлар келтиради.

«Шу йилнинг баҳорида—деб ёзди у,—туркманлар етакчилигига Эрон орқали Хевага беш ёки етти нафар инглиз келди. Айтишларича, улар савдогарлар бўлиб,... кузатувчилар (туркманлар—Н. Т.) Хева ҳукмронлари билан келишиб олиб, Бухорога эмас, Хевага олиб келганлар. Ҳон буларни шаҳарнинг чеккасидаги уйлардан бирига қамаб қўйган, улар бу ерда анча ётишган. Ниҳоят, ҳайит куни улар бўшатилган ва кун бўйи озод юрганлар, аммо бу кун улар учун охирги озодлик куни бўлган. Эртасига эрта билан бу инглизларни ушлаб, шаҳар чеккасига

¹ Аитов 1840 йили 8 январда асир олиниб, Хевага келтирилган эди.

² Огаҳий. Ўша асар, л. 374 а.

³ А. С. Серебренников. Ўша асар, т. III, 55—57-бетлар.

олиб чиққанлар ва хоннинг ҳузурида уларни қийнаб сўроқ қилганлар. Улар бўлса, ҳар гапда Бухорога савдо иши билан кетаётганиларини айтишган. Аммо хон буларни ўз кўзи олдида бўғиб ўлдиришга буюрган. Хоннинг амалдорлари унинг буйругини ўша вақтдаёқ ижро этишган. Тириклардан икки киши қолганда, хоннинг амалдорларидан бири унга шундай деган:

— Тақсир, кўриб турибсизки, уларда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, бўлмаса ўз гуноҳларига иқрор бўлардилар, беҳуда гуноҳ ортишнинг нима ҳожати бор, уларни қўйиб юборинг!

Аммо хон:—Шерикларини ўлдиргандан кейин, буларни қўйиб юборишдан нима фойда, пешонада ёзилганини кўрадиларда, қолганларини ўлдириш шарт,— деган. Улардан охиргиси хонни қаттиқ сўкиб шундай деган:— Сен бизларни қандай қийнагай бўлсанг, тез фурсатда сенинг бошингга ҳам шундай оғир кунлар келади. Унинг бу сўзи хонга ёқмаган, хон кейин анча ўйлалиб қолган. Айтишларича, бу инглизларнинг ҳамёнларидан 5 000 червон топилган эмиш»¹.

Инглиз колонизаторлари ўзларининг агресив муддаоларини Хевада ҳам амалга ошира олмадилар. Чунки, инглиз мустамлакачиларининг ҳинд, афюон ва Осиёning бошқа халқларига кўрсатган «ёрдамлари», «дўстона муносабатлари», ҳамда Афғонистонда олиб борган қонли кирдикорлари натижасинда тўла мағлубиятга учрашлари, шунингдек, инглиз жосусларининг Бухорода халқ ичида жазоланиб ўлдирилиши бутун Шарққа маътум бўлиб кетган эди.

Шундай қилиб, Британия истилочиларининг Ўрта Осиёни босиб олиш учун олиб борган тажовузкорлик ҳаракатлари Ўрта Осиёда қаттиқ қаршиликка учради ва Ўрта Осиё халқларининг Россия билан асрлардан бери давом этиб келаётгаш муносабатларига халал етказа олмади. Аксинча, инглиз мустамлакачиларининг Ўрта Осиёдаги агресив ҳаракатлари ва Ўрта Осиё халқларининг мустақилликлари учун солган таҳдидларига жавобан, Ўрта Осиё Россия билан янада яқинлашди. Чунки, инглиз колонизаторлари томонидан Ҳиндистоннинг босиб олиниши ва ҳинд халқининг бўйнига солинган колониал занжирнинг аяпч садоси бутун Шарққа эшитилар эди.

Хулоса қилиб айтганимизда, XIX асрнинг 40—50-йилларida инглиз мустамлакачиларининг Хева хоилигидаги тажовузкорлик ишларини фош этишда шарҳланган манбалар жуда катта сиёсий ва илмий аҳамиятга эга. Хусусан, бу масалалар ҳақидағи қўллэзма манбалар ҳанузгача итмий доираларга тўла маълум эмас.

¹ Из устного рассказа В. Луганского. «С. Петербургские ведомости». 1839, № 24.

З. XIX АСРНИНГ 40-ИИЛЛАРИДА ХЕВА ХОНЛИГИ ВА РОССИЯ ҮРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ КЕСКИНЛАШИШИ ВА ХЕВА—РОССИЯ АЛОҚАЛАРИГА ДОИР БАЪЗИ МАНБАЛАР

Россия ва Урта Осиё ўртасидаги савдо алоқалари Россия саноатининг ривожланиши ва унинг хомашё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиши натижасида тез суръатлар билан кенгайиб бораётган бўлса ҳам, аммо Хева хонлигининг тутган сиёсати бу алоқаларниң нормал ҳолда олиб борилишига тўс-қинлик қилиб, Россия ҳукмрон доиралари орасида Хева ҳукуматига нисбатан норозиликни кучайтирди. Хева хонлигига тобе бўлган баъзи кўчманчи қабилалар бу вақтларда ҳамон рус фуқароларини асир этиб, Урганч, Ҳазорасп, Ҳонқо шаҳарларининг бозорларида қул сифатида сотар эдилар. Хева ҳукуматининг ўзи эса, Россия тобелигига ўтган қозоқларниң ички ишларига аралашиб ҳамда савдо йўлларидаги карвоюларни талаш ишларига барҳам бериш ўрнига, бу ишларни ҳамон давом этдирмоқда эди.

Хева ҳукмрон доираларининг Россияга нисбатан тутган ма-на шундай фаразли муносабати Россия ҳукуматини Хева хонлигига қарши амалий чора кўришга мажбур этди.

Хева хонлиги билан бўлган муносабатларни нормал ҳолатга тушириш учун Россиянинг дастлабки амалий тадбирларидан бири рус ярмаркаларига келган Хева савдогарларини ушлаб қолиш бўлди. Бу билан Россия ўз талабларини бажаришга Хева хонлигини мажбур этишни кўзда тутади.

Н. Залесовнинг ёзишича, 1836 йили императорнинг буйруғи билан Россияда Хева савдогарлари ушлаб қолинади ва уларнинг мол-мулклари вақтинча мусодара қилинади. Оренбург губернатори Перовский император номидан Хева хонига хат ёзади. Хатда ундан қозоқларниң ички ишларига аралашмаслик. Россия ярмаркаларида Хева савдогарлари қандай имтиёзлардан фойдалансалар, рус савдогарларига ҳам Хева хонлигига шундай тенг ҳуқуқлик савдо имтиёзларини бериш ва Хева хонлигидаги ҳамма рус асирларини тездан бўшатиб юборишни талаб қиласди. У, хат охирида, башарти бу талаблар бажарилмай қолса, Хева хони элчиларининг қабул қилинмаслигини ва Хева ҳукумати билан ҳеч қандай музокаралар слив борилмаслигини баён қилди¹.

Россия ҳукуматининг Хева савдогарларини ушлаб қолишига Хева хонлиги қўл остидаги айрим амалдорларининг ножӯя ҳаракатлари сабаб бўлганлигини, ҳатто Хева хонининг сарой тарихчilari ҳам инкор этмайдилар. Бу воқеа тўғрисида Оғаҳий қўйидагиларни ёзади.

¹ Н. Залесов. «Военный Сборник», 1861, 45-бет.

«Бу воқеа вуқуғининг сабаби ул эдики, неча йилдан берік Хоразм шижониси Россия мамлакатининг атроф ва акнофидин кече ва кундуз пинхон ва ошкор обру бод янглир сайру суръат кўргузиб усарой бепоён ва ғанойими паровон дasti тасрифига киргузиб келур эдилар. Оқибат бу ғуссаниш Россия тавойифининг жонидан ўтиб, неча вақтлар фикри андиш бўлуб, бу дардига чора топа олмадилар. Ложарм ўтган йил Хоразмия корвони ким минг кишига қараб ўрус юртиға бориб эрдилар, барчасин тутдилар, токим карвон аҳлини Хоразм мамоликиндаги асорат қайдига муқаййид бўлган ўруслар билан мувозаъа ва мубояъя қилғайлар»¹.

Д. Голосовнинг ёзишича, Россияда ушлаб қолинган Хева савдогарлари 572 кишидан иборат бўлиб, уларнинг пул ва моли 1, 400 000 сўм бўлган².

Хева хонлиги ва Россия ўртасидаги алоқаларининг кескинлашиши натижасида ўзаро савдо алоқалари вақтинча тўхтаб қолади. Гарчи вақтнчалик бўлса ҳам Россия билан иқтисодий алоқанинг узилиб қолиши тезда Хева хонлигининг экономикасига салбий таъсир қила бошлайди. Бу вақтларда мамлакатда рус саноат молларига бўлган талаб ва танқислик кучаяди. Гарчи металл ва металл асблоблар, чарм ва бошқа хил саноат маҳсулотлари Россиядан Бухоро ва Қўқон савдогарлари воситаси билан Хевага келтирилган бўлса ҳам, аммо фақат буништ ўзигина мамлакат ичиди бу молларга бўлган талабни қондиролмас эди. Бухоро ва Қўқон савдогарларидан отингган рус молларига Хева учун икки баравар қимматга тушар эди. Бундан ташқари, Россия билан бўладиган савдонинг тўхтаб қолиши натижасида Хева хонлигининг ўзида етишириладиган хомашё қасодга учраб, унинг нархи арzonлашади.

Булардан равшан кўриш мумкинки, Россия билан алоқанинг бузилиши туфайли Хева хонлиги икки тарафдан зарар кўрди. Хева ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган молларни Россиядан ташқари бошқа мамлакатдан ололмас, ҳамда ўз молларини Бухоро ва Қўқонга олиб чиқиб сота олмас эди. Чунки бу моллар шу хонликларнинг ўзларида етарлик эди.

Россия ҳукумати билан бўлган алоқанинг кундан-кун кескинлашиб боришидан чўчиган Хева хони Оллоқули Россия билан алоқани қайта ўрнатиш ва у билан яқинлашиш мақсадида 1837 йили рус асирларидан 25 кишини бўшатиб, бир мунча тортиқлар билан Оренбургга ўз элчисини юборди. Н. Залесов-

¹ Оғаҳий. ریاضی الروله ل. 373 a; Баєний. شجره خورزمشاهی л. 301 b.

² Д. Голосов. Поход в Хиву в 1839 г. отряда русских войск под начальством генерал-адъютанта Перовского. «Военный Сборник», 1863, № I, 56-бет.

нинг ёзишича, хоннинг юборган тортиқларини Россия ҳукумати қабул қилмаган ва ушлаб қолинган хеваликларни бўшатмаган; Хева ҳукуматининг элчиси Қобилниёзга Оренбургдаги хеваликлардан 5 кишини қўшиб, Россия ҳукуматининг юқоридаги таалабларини бажаришни янада таъкидлаб, Оренбургдан Хевага қайтариб юборган¹. Хева ҳукумати бу йўл билан Россия билан бўлган алоқани тузата олмаганидан ва Россияда тутиб қолинган савдогарларини озод қила олмаганидан сўнг, 1839 йили 18 сентябрда Хева хонлигидаги рус асиirlаридан яна 80 кишини бўшатиб, Оренбургга юборади.

Аммо, иккинчи тарафдан, хон Россияяга нисбатан иккисизла-мачилик сиёсатини юргизиб, Каспий денгизининг атрофларида балиқ овлаш билан тинчгина кун кечирувчи рус фуқароларини асиir этиб, қул бозорларида сотиш ишларини авж олдиради. Н. Залесовнинг ёзишича, қисқа фурсат ичидан яна янгитдан 200 га яқин руслар асиir этилади².

XIX асрнинг 30-йиллари давомида Россиянинг Хева хонлиги-га нисбатан тутган сиёсати ва у билан бўлган алоқалариниг нормал ҳолатини таъмин этиш учун қилган амалий ҳаракатлари етарли даражада натижা бермади. Масалан, Россия Хева билан олиб борган дипломатик муносабатларида Хева ҳукуматининг Қозоғистонга нисбатан бетарафлигини сақлаш, савдо йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва рус асиirlарини озод этиш каби масалаларни тинчлик, ўзаро ҳамжиҳатлик билац ена олмади. Бу масалаларни ечиш учун Россиянинг дастлабки амалий тадбирлари ҳам натижасиз тугади.

Булардан ташқари, инглиз мустамлакачиларининг Урта Осиё хонликларида, жумладан Хева хонлигига олиб бораётган тажковузкорлик ҳаракатларининг бу вақтларга келиб янада кучайиб бориши, Россия ҳукуматини Хева хонлигига қарши кескин чора кўришга мажбур этади. Эндиликда Россия ҳукумати Хевага қарши юришга қарор қилиб, бу вазифани амалга оширишни Оренбург губернатори Перовскийга топширди. Щундай қилиб, 1839 йил 14 ноябрда Оренбургда урушни бошлаш ҳаратлари ҳақида деклорация эълон қилинади³.

Гарчи деклорацияда Хева хонлигига қўшин тортишлан мақсад рус асиirlарини озод этиш, савдо алоқаларини нормал ҳолатга келтиришдан иборат эди, дейилган бўлса ҳам, аммо юришдан асосий мақсад Хевада Россия таъсирини ўрнатишдан иборат эди. Рус асиirlарини озод этиш масаласи ҳарбий юриши учун қилинган баҳона эди, холос.

¹ Н. Залесов. Уша асар, 45-бет.

² Н. Залесов. Уша асар, 45-бет.

³ М. Иванин. Описание Зимнего похода в Хиву в 1839—1840 гг. СПб, 1874, 225—227-бетлар.

Демак, XIX асрнинг 30-йиллари охирига келиб Россия ва Хева муносабатларида кескинлашув пайдо бўлган, бу Хева ва Россия ўртасида ҳарбий тўқнашувига олиб келган эди. Хева хонлигига генерал Перовскийнинг қилган ҳарбий юриши Россия ва Хева муносабатлари тарихида янги этап бўлди.

XIX асрнинг 30—40-йилларида Хева хонлиги ва Россия ўртасида олиб борилган муносабатлар, айниқса 1839 йилда Хевага қарши уюштирилган Перовскийнинг ҳарбий юриши ва унинг натижаларини ўрганишда рус ҳарбий авторларининг ёзиб қолдирган асарлари биринчи даражали манба бўлиб хизмат қиласиди.

Бу даврларда Хева—Россия муносабатларини ўрганишда М. Иванин¹, И. Н. Захарын (Якунин)² асарлари, Д. Голосов³-нинг мақоласи ва А. Г. Серебренников⁴ тўпламида берилган айrim документлар, Хева тарихчиси Баёний⁵нинг асари айниқса характерлидир.

Перовский юришининг иштирокчиси М. Иваниннинг асари биринчи марта 1863 йили «Военный Сборник»да айrim тузатиш ва изоҳлар билан иккинчи марта 1874 йили Петербургда нашр этилди. М. Иваниннинг «Описание зимнего похода в Хиву в 1839—1840 гг» номли китоби ўзининг тўлалиги билан юқоридаги авторларнинг асарларидан устун туради ва уларга қарангандай кўпроқ маълумот беради.

М. Иваниннинг бу китоби 8 боб, 267 бетдан иборат бўлиб, китоб охирида илова берилган.

Автор ўз асарида Перовскийнинг 1839 йилги Хева хонлигига қилган қишки юриши, юришга тайёргарлик, юришдан мақсал, юришининг маршрути, Оренбург билан Хева хонлиги ўртасидағи чўлларнинг ахволи, Оқбулоқ истеъкомида Хева аскарларининг поручик Ерофев отрядига ҳужуми, Перовский юришининг муваффақиятсиз тамом бўлиши ва юришининг Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги алоқасига таъсири ҳақида анча маълумот беради.

М. Иваниннинг ёзишича, бу юришдан мақсад «Осенинг узоқ ўлкаларида ҳаяжон солиш ҳамда рус номига ҳурмат туғдириш, Урта Осиёга йўл очиш, Россиянинг савдо муомалаларининг фойдали бўтишини таъмин қилиш ва уни кенгайтириш, Орол ҳавзаси билан танишиш, қозоқларни итоат қилмасликка

¹ М. Иванин. Описание зимняго похода в Хиву в 1839 г. «Военный Сборник», 1863 г. Иккинчи нашри, СПб, 1874.

² И. Н. Захарын (Якунин). «Зимний поход в Хиву Перовского в 1839 году,—и «Первое посольство в Хиву» в 1842 году. СПб, 1898.

³ Д. Голосов. Поход в Хиву в 1839 г. отряда русских войск под начальством генерал-адъютанта Перовского. «Военный Сборник», 1863.

⁴ А. Г. Серебренников. Уша асар, т. I.

⁵ Баёний. Уша асар, Л. 301 б. 302 а;

жутитириувчи ҳамда рус фуқароларини асирилка олувчи, ўз бозорига рус савдогарларини киритмовчи, ҳаттоқи Россиядан юборилган элчиларини қабул қылмовчи—Урта Осиёning Жазори итоатисиз Хеванинг адабини бериб қўйиш, рус асириларини озод этишга Хевани мажбур этиш ва Европа олимларининг кўп рақтлардан бери бошларини қотирган Амударёни Каспий денгизига йўналтириш мумкин бўлар-бўлмаслиги ҳақидаги жуғрофий муаммони ҳал қилишдан иборат бўлган»¹.

Демак, 1839 йили Россия ҳукуматининг Хева хонлигига юришдан мақсади бу хонликни тамоман ўзига бўйсундиришдан иборат бўлмай, балки, М. Иваниннинг мулоҳазасига кўра, Хева ҳукуматининг қозоқларга нисбатан бетарафлигини сақлаш, ўзаро савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш, рус асириларини озод этиш ва Хева хонлигига Россия таъсирини жорий қилишдан иборат бўлган.

Бу масалада Д. Голосов ҳам М. Иваниннинг фикрини қувватлайди. Унинг сўзича, юришдан мақсад қўшни хонликларда Россия таъсирини ўтказишдан иборат бўлиб, Ост-Инд компаниясишинг Урта Осиёда ўрнашиб қолишига қарши қилинган ҳарбий тадбир бўлган².

Мұхаммадюсуф Баёний ўз асарида Перовскийнинг 1839 йилги Хевага қилган қишки юриши ҳақида жуда оз маълумот беради.

Генерал-адъютант Перовский юришга яхши тайёрланмаган эди. Юришни қай вақтда бошлаш масаласи мұхокама қилинганда ёқилғи масаласига яхши эътибор берилмасдан, сувни қор билан алмаштириш мақсадида юришни 1839 йил кеч кузда бошлашга қарор қилинган эди.

Табиий шароитларнинг оғирлигига ва қишининг одатдан ташқари шу йили қаттиқ келганлигига туфайли тиялар музлаб ҳалок бўла бошладилар, отрядда касалликлар кўпайди.

М. Иванин ўзининг юқорида қайд этилган асарида ёзишича, қаҳратон қиши март ойининг охиригача давом этган. Расмий маълумотлар бўйича, баъзи вақтларда кучли бўронлар бўлиб, совуқ 15 Р дан 26 Р гача етган. Баҳор яқинлашиши билан қор шуъласининг ярқираши ва сертутур ҳўл ўтин ёқилиши натижасида кўз оғриғи ҳамда цинга касалликлари кўпайган. 20-мартда отряддаги доктор ва фельдшерлар бетобланиб, отряддаги касалларнинг умумий сони 801 кишига, 1 апрелда эса 857 кишига етган. Умуман, юриш бошидаги 10.400 туюдан 1 апрелга келганда 1,5 мингтacha тую қолган³.

¹ М. Иванин Описание зимняго похода в Хиву в 1839—1840 гг., 156-бет

² Д. Голосов Уша асар, 70-бет.

³ М. Иванин Уша асар, 151—152-бетлар.

Шундай оғир табиий шароитларда отряд жуда катта тала-фотлар билан Оқбулоқ истеҳкомигача етиб келди. Бундан сўнг олдинга юришдан фойда йўқлигидан, отряднинг қолган қисми-ни саломат сақлаб қолиш мақсадида генерал-адютант Перов-ский орқага қайтишга буйруқ берди. Отряд 1840 йил апрель-ойида Оренбургга етиб келди.

Бу воқеа ҳақида маҳаллий манбаларда ҳам маълумот берилади. Масалан: Мұхаммадюсуп Баёний ўз асарида Хева аскарларининг Оқбулоқ истеҳкомидаги Ерофеев отрядига қилган ҳужумлари ҳақида ёзади. Баёнийнинг сўзича, истеҳкомга ҳужум қилган Хева аскарлари 8000 кишидан иборат бўлиб, уларга Отамурод қушбеги бошчилик қилган¹.

Бу воқеа тўғрисида М. Иваниннинг берган маълумоти Баёнийнинг берган маълумотидан анча фарқ қиласди. М. Иваниннинг ёзишича, истеҳкомга ҳужум қилган Хева аскарлари 3.000 кишига яқин бўлган. Қалья ичидаги рус аскарлари эса 164 киши бўлган².

Оқбулоқ истеҳкомида Хева аскарлари руслар билан бир кун жанг қилгандар ва катта йўқотишлар билан орқага қайтганлар.

М. Иванин китобининг биринчи бобларинда Перовскийнинг 1839 йилги Хева хонлигига қилган қишки юришига қадар уму-ман Хевага Хева орқали ўтган юришларга обзор беради. У Ўрта Осиё чўлларида қиши фаслида муваффақиятли юриш қилиш мумкин эмас, шунинг учун ҳам 1839 йилги Перовскийнинг қишки юриши муваффақиятсизликка учради, деган фикрларни рад этади. Автор бу фикрларнинг бутунлай нотўғри эканлигини исбот қилиб, мўғуллар истиносидан бошлаб то 1839 йилги Перовскийнинг кўшин тортишига қадар Хевага қилинган ёки Хева орқали ўтган қишки юришлар; 1218 йилги Чингизхоннинг юриши, 1391 йилги Темурнинг Тўхтамишга қарши кўшин тортиши, Иван IV нинг 1499 йилги қишки Сибирга юриши, 1605 йилги Урал казакларининг ва 1717 йилдаги Бекович-Черкасскийнинг Хевага юриши, ниҳоят 1826 йилги полковник Берг томонидан Орол денгизига қилинган юришлар устида тўхтаб, бу юришларнинг муваффақиятли тамом бўлганлигини айтади. Автор Перовский юришининг муваффақиятсизликка учраш сабабларини батафсил таҳлил қиласди. Кўшин Оренбургдан Орол денгизининг шарқий томони билан эмас, балки ғарбий томони орқали олиб борилди. Юриш то бошлангунча маҳфий тутилди, жанг плацлари кенг муҳокама қилинмади. Урушга тайёргарлик ишлари, ҳатто чўл нималигини яхши билмаган Перовскийга яқин бўлган бир тўда ўзбilarman маҳмаданалар, эпчил фитна-

¹ Баёний. Үша асар, Л. 301 б.

² М. Иванин. Үша асар, 121—122-бетлар.

чилар, ўз манфаатини кўзловчи амалпарамалар қўлига тушиб қолди. Иш шу даражага бориб етдики, нам, яхши қуримаган нарсаларни босиб тахлаш натижасида бир неча марта бўнинг чиқди. Оқибатда юриш жуда кеч бошланди. Аскарларнинг оғир юришга яхши тайёрланмагани ва юриш учун жуда кам маблағ ажратилганлиги ҳам қўшиннинг муваффақиятсизликка учраш сабабларидан бири эди¹.

Бу юриш ҳақида И. Н. Захарын (Якунин) ҳам ўзининг юқорида айтиб ўтилган асарида 1839 йилги қишики юришнинг сабаби, маршрути ва муваффақиятсиз тугаш сабаблари ҳақида маълумотлар беради. Унинг берган маълумогларни М. Иваниннинг бу хақда берган маълумотларидан деярли фарқ қилмайди.

М. Иванин ўз асарида 1839—40 йилларда Перовский қўшиннинг муваффақиятсизликка учраши ҳақида маълумот бериси билан бирга, юриш натижасида Хева хонлигининг Россияяга нисбатан тутган сиёсати яхши томонга ўзгаргандиги, савдо алоқалари ривожланиб, савдо йўллари тинчланганини кўрсатади.

М. Иваниннинг сўзича, уруш муносабати билан Хеванинг Россия билан савдо алоқалари тўхтаб қолған. Мамлакат эҳтиёжи учун керак бўлган рус моллари Бухоро, Кўқон савдогарлари орқали олиниши икки баравар қимматга тушган. Айни вақтда, Хева хонлигининг ўзида етиштириладиган молларининг баҳси икки баравар арzonлашган².

М. Иванин сўзининг тўғрилигини 1836 йили Урганичда бўлган бир бухороликнинг берган маълумоти ҳам тасдиқлайди.

Масалац, 1836 йили Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашган даврида Хева хонлигида Россия молларидан чармнинг нархи 130 сўмдан 270 сўмга, бир пуд симоб 12 сўмдан 40 сўмга, зунжафур 240 сўмдан 600 сўмга, кашинель бўёғи 170 сўмдан 600 сўмгача, газлама 15 процент хомашё моллари 90 процент қимматлашган. Хеванинг ўзида етиштириладиган моллардан пахта 50 процент арzonлашган².

Бу мисолдан очиқ ва равшан кўринадики, Хева ҳукумати Россияяга нисбатан нақадар реакцион сиёсат юритмасин, мамлакатнинг эҳтиёжи учун Россия билан алоқани яхшилаши жуда зарур эди.

Бундан ташқари, Перовский отрядининг орқага қайтиб кетишига қарамай, Хева хонлигида, гўё руслар янгитдан урушга тайёрланётган эмишлар, деган миш-мисилар тарқалади. Бундан қўрққан Хева хони Оллоқули Россия давлати билан алоқани яхшилаш йўлларини қидира бошлайди ва бу ишга Аитовни воситачи қилмоқчи бўлади.

¹ М. Иванин. Ўша асар, 156 бет.

² М. Иванин. Ўша асар. 162—175-бетлар.

М. Иваниннинг ёзишича, Хевада Аитовга нисбатан жуда ёмон мумалада бўлишган. Уни худди асирик сақлаганлар. Аитов ҳар минутда ўлим хавфи остида бўлган. Бироқ, энди Россия билан алоқани тузатиш зарурлигини пайқаган Хева хоти бу ишга Аитовни воситачи қилмоқчи бўлиб, у билан худди меҳмонлардек мумалада бўлган ва Россия билан келишинш учун ундан маслаҳатлар сўраган¹.

Хон Аитовнинг маслаҳати билан рус асиirlарини озод қилмоқчи бўлган ва биринчи навбатда ўз қўлидаги асиirlарни озод этиб, бошқаларининг ҳам рус асиirlарини озод қилишлари ҳақида буйруқ берган².

Оллоқулихон 1840 йил 18 июлда Россия ерларига бостириб кирмаслик, русларни асир этиб сотиш, шунингдек асир қилинган русларни сотиб олишни маън қилиб фармон чиқарган³.

М. Иваниннинг ёзишича, «Хева хонлигидаги рус асиirlарини озод қилиш ишлари тамом бўлгандан сўнг, хон асиirlарининг ҳар биттасига биттадан тилло (бир Хева тиллоси кумуш ҳисоби билан 4 сўмга яқин бўлган), бир қопдан ун, икки кишига биттадан түя бериб, Аитов бошлиқ 416 кишини Оренбургга юборган. Аитов Хевадан кетиш олдида хон билан учрашган вақтда унга хон... асиirlарни озод қилиш билан чегараланиб қолмай, балки Россия ҳукуматининг ҳамма талабларини бажаришга тайёр эканлигини билдирган»⁴.

М. Иванин ўз асарида Хевадаги рус асиirlарини озод этиш, Хева хонлигининг Россия билан яқинлашиши, Россия ҳаққоний талабларининг рӯёбга чиқа бориши инглизлардан Аббот ва

¹ Н. Залесов. «Военный Сборник», 1861 йил, 82-бет.

² М. Иванин. Уша асар, 157-бет.

³ М. Иванин. Уша асар, 157-бет.

⁴ «Хоразмнинг жаннат каби боғларида яшовчи фуқароларимизга, мамлакатимизнинг айrim ҳокимларига, ёвумт, чодур, туркман қабилаларининг бошлиқларига, барча баҳодир аскарларимизга, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг бошлиқ ва бекларига, ҳамда бизнинг подшоҳлигимиз қўл остидаги фуқароларимизга буюраманки. Пайғамбар алайҳиссаломнинг тарихи билан 1256 йил жумадулавваль ойида, 1840 йил ёзида берган буйруғимизни билсинларки, биз буюк рус императори билан сулҳи осойиштаслик аҳдини тузиб, унинг билан яхши алоқада бўлишини чик кўнгилдан истаймиз. Бинобарин, шу кундан бошлаб, ҳеч ким рус ҳукмронлиги остидаги ерларга бостириб кирмасин ва рус асиirlарини сотиб олмасин. Агарда кимда-ким бизнинг бу олий фармонимизга бўйсунмасдан Россия ерларига ҳужум қўлса, ёки рус асиirlарини сотиб олса, бизнинг подшоҳлик қаҳри-миздан қочиб кутила олмайди ва тегишлик жазосини тортади. Бинобарин, шу бизнинг фармонимиз 1256 йил ёз тарихи билан эълон қилинади».

(русчадан таржима Н. Т.)
(А. Г. Серебренников. Уша асар. т. I, 195—196-бетлар. Шунингдек, М. Иванин. Уша асар, 157-бет).

Шекспирнинг Хева ҳонлигига келишига сабаб бўлган¹, деб тўғри ёзади. Хева ҳукумати Англия таъсирига тушиб қолишдан қўрқиб, рус асирларини озод қилиш ишларини тезлаштирган бўлса ажаб эмас. Чунки биз юқорида бу вақтларда инглиз истилочиларининг Ўрта Осиёда, шу жумладан, Хева ҳонлигига тажовузкорлик ишлари фош этилиши ҳақида сўзлаганимизда, юқоридаги икки жосуснинг Хева ҳонлигига келишдан нима мақсад ва қандай муддаода бўлганликларини биринчи даражали манбаълар асосида сўзлаб ўтган эдик.

И. Н. Захарьин ўзининг юқорида айтиб ўтилган асарида Хева ҳонлигидаги рус асирларининг озод этилиши ҳақида сўзлар экан, бу масалага бутунлай бошқача қарайди.

Унинг сўзича, гарчи Перовский юриши муваффақиятсизликка учраган бўлса ҳам, у яхши натижа берган. Захарьиннинг сўзича,... Ҳиротдаги инглизлар Перовскийнинг юриши Орол денигизини текшириш учун юборилган экспедиция бўлмасдан, балки тўғридан-тўғри Хевага қилинган юриш эканлигини ишончли манбалар орқали билиб, Хевага келганлар. Улар Хева хони Оллоқулихонни рус савдо карвоцларини талашни маънъ этиш, Россия билан тўғри савдо алоқасини олиб бориш ва Хева ҳонлигидаги рус асирларини озод этишга кўндирганлар. Бу инглизлар ҳонликда яшаётган рус асирларини озод қилиш учун Хева хони Оллоқулига ўз олтинларини тўлаганлар ва озод қилинган рус асирларининг Оренбургга етиб бориши учун зарур бўлган йўл ҳаражатларини ўз устларига олганлар².

И. Н. Захарьиннинг бу маълумоти, бизнинг фикримизча, ҳақиқатдан жуда йироқдир. Чунки, Хева ҳонлигидаги рус асирларининг озод этилиши њеч қачон Ҳиротдан келган инглиз агентлари Аббот ва Шекспирнинг фаолиятларига ва Хева билан Россия ўртасида «воситачи» бўлишларига боғлиқ эмас эди. Шунингдек, Аббот билан Шекспир Хевадаги рус асирларини озод этиш масаласида хон билан музокаралар олиб бордилар, деган фикри ҳам мутлақо хотўғри.

Бу икки инглиз агентнинг рус асирларини озод этувчи шахслар эканлиги бўхтондан бошқа нарса эмас. Улар ўзларининг агрессив муддаоларини Хевадаги рус асирларини «озод қилиш», Хева билан Россияни «келиштирувчилик» ниқоби билан яширмоқчи бўлганлар, холос.

Хева ҳонлигидаги рус асирларини озод қилиш масаласида инглизларнинг бунчалик «жонқуярлик» қилганликларидан мақсад рус асирларини қутқариш баҳонаси билан Россиянинг иккинчи мартаба Хевага қўшин тортишининг олдини олиш, Ўрта

¹ М. Иванин. Ўша асар, 157-бет.

² И. Н. Захарьин (Якунин). Ўша асар, 142-бет.

Осиёдан Россиянинг диққатини тортиш ва пиравардида Англия-нинг Хева хонлигига суқилиб киришига йўл очиш, уни ўз таъсирига тортиш ва Ўрта Осиёда Англия ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

Рус асирларини озод қилиш сабаблари, Хева хонлигининг иқтисодий соҳадаги эҳтиёжини қондириш учун Россия билан алоқани тузатишга мажбур бўлганлигида эди. Бундан ташқари, Перовский юриши муваффақиятсиз тамом бўлганлигига қарамай, руслар яна янгитдан Хевага юришга тайёрланаётган эмишлар, деган турли миш-мишлар тарқалган ва Оллоқулихон бундан жуда қўрқан эди. Н. Веселовскийнинг ёзишича, Оллоқулихон Хева шаҳрининг атрофини девор билан ўратган¹.

Хева хонлигидаги рус асирлари озод қилингандан сўнг, 1836 иили Россияда ушланиб қолинган Хева савдогарларининг молмуклари қайтиб берилиб, улар ўз ватанларига юборилади.

М. Иванин ёзишича, озод қилингандан Хева савдогарлари билан бирга Хевага бир неча рус савдогарлари ҳам юбөрилган. Савдогар Зайчиковининг бир ўзи Хевага 60 000 сўмлик мол юборган. Рус савдогарлари хеваликлар томонидан жуда яхши кутиб олинган².

М. Иванин Хевага қўшин тортилиши натижасида қозоқ қабилаларининг тинчланганлигини, қозоқ йўллари орқали Бухоро ва Хева хонликлари билан ўтадиган Россия ўртасидаги савдо йўларининг тинчланганлигини, бу, ўз навбатида, савдонинг ўсишига, молларнинг арzonлашишига олиб келганлигини айтади.

«Олдинги вақтларда Осиё савдогарлари йўлдаги қароқчилардан қўрқиб, ҳамма вақт катта карvonлар билан йўлга чиқканлар. Катта карvonларни йигиб ўлтиришга жуда кўп вақт лозим бўлиб, моллар туриб қолган. Бунинг натижасида кучсиз тяялар билан йўлга чиққан савдогарлар карvonлардан орқада қолиб қароқчиларга таланиш хавфидан қўрқиб, йўлда молларини зараприга сотганлар. Етиб келганларидан сўнг, йўлдаги зарарларни қоплаш учун қолган молларнинг баҳосини эса, ошириб юбөрилган»³.

Бундан ташқари, савдогарлар 700, 800, 1000 туюдан иборат катта карvon йигилишини кутмасдан, 20, 30 туюдан иборат кичик карvonлар билан йўлга чиқа бердилар. Чунки савдогарларга йўлдаги қароқчилар томонидан бўлиб турадиган ҳужум хавфи қолмади. Бундай шароитнинг туғилиши савдонинг ривожланшишига катта таъсир қилди.

¹ Н. Веселовский. Уша асар, 315-бет.

² М. Иванин. Уша асар, 158-бет.

³ М. Иванин. Уша асар, 159—160-бетлар.

Гарчи Перовскийнинг Хева ҳонлигига 1839 йилги қилган қишики юриши муваффақиятсиз тугаган бўлса ҳам, М. Иванин ва бошқа авторларнинг берган маълумотларига қараганда, бу юришининг натижаси ўлароқ икки давлат ўртасидаги алоқалар бузилмай, аксинча, яхшиланганлигини ва хусусан савдо муносабатларининг ривожланганлигини кўрамиз.

Рус асиirlарининг озод қилиниши муносабати билан Хева ҳонига Россия императорининг миннатдорчилигини билдириш ва Хева ҳукумати билан узил-кесил шартнома тушиб, икки ўтада савдо алоқасини тиклаш учун Россия ҳукумати капитан Никифоров бошчилигида 1841 йили Хева ҳонлигига миссия юборади.

Никифоров миссиясининг Хева ҳонлигига келиши ва миссиянинг Хевада қилган ишлари тўғрисида Никифоровнинг Хевада туриб айrim кишиларга ёзган хатларидан ташқари бирон тўлиқ маълумот йўқ. Айrim маибаларнинг берган маълумотларига қараганда, Никифоров Хева ҳонлигидан Оренбургга қайтиб келгандан сўнг, ҳарбий министрнинг буйруғи билан Петербургга чақирилган. У Петербургга кетаётганда онасининг Сизранъ шаҳрининг яқинидаги мулкига тушган ва бу уерда тўсатдан ўлган.

Капитан Никифоровнинг ўлимидан сўнг топилган баъзи материаллар автор томонидан ҳеч кимга тушунарсиз белгилар билан ёзилганлиги учун ундан фойдаланиб бўлмаган¹.

Россия ҳукумати томонидан Хева ҳонлигига юборилган капитан Никифоров миссиясини ўрганишда Н. Залесов², И. Н. Захарьин (Якунин)³ ва М. Иваниннинг⁴ асарлари асосий манба сифатида хизмат қиласди.

Рус ҳарбий ёзувчиси Н. Залесовнинг бу мақоласи 40 бетдан иборат бўлиб, автор уни ёзишда Оренбург ўлкаси генерал штабининг архивидаги капитан Никифоров миссиясига оид бўлган доқументлардан фойдаланган ва мақола охирида берилган иловада бу документлар келтирилган⁵.

Мазкур документлар XIX асрнинг 40-йиллари бошларидан Хева ҳонлиги билан Россия ўртасидаги алоқаларни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, унда капитан Никифоров бошлиқ миссиянинг Хева ҳонлигига юбориши, унга топширилган ва-

¹ И. Н. Захарин (Якунин). Уша асар, 172-бет.

² Н. Залесов. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. «Военный Сборник», 1861.

³ И. Н. Захарьин (Якунин). Уша асар, 169—174-бетлар.

⁴ М. Иванин. Заметки Иванина. «Военный Сборник», 1863. № 1., 496—497-бетлар.

⁵ Бу документлар сўнгги вақтларда А. Г. Серебренников томонидан тўпланиб, 1912 йили Тошкентда бостирилган. (А. Г. Серебренников. Уша асар, т. III).

зифа, миссия состави, Хева хони ва унинг амалдорларининг Никифоровга ва Никифоровнинг уларга нисбатан тутган муносабатлари, хон билан олиб борган музокарапари ҳақида анҷа маълумот берадилар.

Документларнинг кўрсатишича, Никофоровга Россия Ташки Ишлар министри граф Несельрод томонидан топширилган вазифа жуда муҳим бўлган. Бу вазифа Россия томонидан Сирдарёнинг қуий қисмининг ишғол қилиниши масаласида Хева хонлигининг бетараф туришига, Сирдарёнинг шимолидаги ерларни ва Каспий дengизининг шарқий қирғонини Россияга қарашли деб билишга, Хева хонлигидаги қулчилликни тугатишга, Россия тобелигига ўтган қозоқларга ҳужум қўймасликка ва уларнинг ички идора ишларига аралашмасликка, хонликдаги рус асиirlарини ўз ватанларига қайтаришга, рус савдогарларидан олишадиган божни камайтиришга, Хевада рус савдо агентини қолдиришга Хева хонини кўндиришдан иборат бўлган¹.

Бундан ташқари, миссияга мумкин қадар Хева хонлигидаги топографик ва стратегик маълумотлар тўплаш вазифаси топширилади².

Н. Залесовининг ёзишича, миссия состави капитан Никифоров (миссия бошлиғи), Аитов, котиб, 2 фотограф, урал казакларидан 12 киши, 10 қирғиздан иборат бўлган. Хева хони ва унинг амалдорларига бериш учун миссия ихтиёрига бир ҷанча инъомлар топширилган эди. Никифоров билан бирга Оренбург савдогарларидан Деев ва 1840 йили озод этилган рус асиirlари билан бирга Россияга юборилган Хева хонининг элчиси Раис Отаниёзхўжа Муфти ҳам Хевага келади.

Документларнинг кўрсатишича, миссияни Хевага фахриёт қоровул сифатида Хева ва туркманлардан иборат қуролли отлиқлар кузатиб келганлар ва бутун аҳоли яшайдиган жойларда хон томонидан юборилган амалдорлар миссияни кутиб олиб, унга нисбатан яхши муносабатда бўлганлар³.

Н. Залесовининг ёзишича, 11 августда хон Никифоровни қабул қилган. Қабул маросимида меҳтар, девонбеги, қушбеги, Худаш маҳрам, Отаниёз ва хоннинг амалдорларидан икки киши қатнашган.

Қабул вақтида одатдаги маросимдан кейин, элчи меҳтар орқали хонга олий ёрлиқ ва хатни топшириб, келтирилган инъомларни тақдим қилган. Сўнгра Никифоров нима мақсадда келганлигини билдириб, агар Хева хони Россия давлати билан дўстона муносабатларда бўлиб, дўстлик тартиб қондаларига риоя

¹ А. Г. Серебренников. Уша тўплам, 15—53-бетлар.

² Н. Залесов. Уша асар, «Военный Сборник», 1861. 52-бет.

³ А. Г. Серебренников. Уша тўплам. т. III. 80-бет.

қылса, икки давлат ўртасидаги савдо алоқасини тараққий этдириш тарафдори бўлса, у вақтда Россия ҳукумати Хева хонлиги билан чин кўнгилдан дўстона алоқада бўлишга интилишини, Россиянинг Хевани босиб олиш ҳақида фарз фикри йўқлигини ва хонни император ўз ҳимоясига олажаклигини айтган¹.

Оллоқулихон элчига ўз миннатдорчилигини билдириб, унга қай вақтда учрашишни лозим топса, бу ҳақда фақат меҳтарни оғоҳлантириб, шу куни учраша олишлигини билдиради ва ўзининг амалдорларини чақириб, уларга элчига нисбатан ҳурмат ва яхши муносабатларда бўлишни тайинлайди. Шу билан қабул маросими тамом бўлган.

Иккинчи учрашув 13 августда бўлган. Бу учрашувда хон элчига Англия билан Россиянинг муносабатлари ва Англия билан Хитой ўртасидаги уруш тўғрисида саволлар берган.

Документларнинг кўрсатишича, Никифоров хон билан қарийб бир ойга қадар музокара олиб борган ва у билан бир неча марта бурашган. Элчининг хон томонидан яхши кутиб олинишига қарамай, музокаралар давомида хон Никифоровга ён бермаган ва юқоридаги Россия ҳукуматининг талабларини бажаришни рад қилган. Хон фақат Россиянинг савдо агенти сифатида Аитовнинг Хевада қолишига рози бўлса ҳам, Никифоров Хевадан кетганидан сўнг, хоннинг буйруғи билан меҳтар Аитовни Хевадан жўнатиб юборган².

Н. Залесов ўзининг юқорида айтиб ўтилган мақолосида Никифоров миссияси ҳақида тўхтаб, миссиянинг Хевада яхши кутиб олингандигини, гарчи иккни давлат ўртасидаги ихтиофли масалалар ҳал этилмай, Никифоров бу масалалар устида хон билан олиб борган музокараларида ҳеч қандай патижага эриша олмаса-да, элчининг Хевадан тўла ҳурмат билан кузатилганини айтади³.

Миссия Хевадан жўнаш оллида Хева ҳукумати томонидан Никифоровга аргимоқ зарвоқ чопон ва 200 тилло, Аитовга аргимоқ зарвоқ чопон, 150 тилло, Сошқаларнинг унвон ва мансабларига қараб, чопон, пул берилган. Миссиянинг йўлдаги эҳтиёжлари учун 1037 тилло ёки 14000 сўм ассигнация билан пул берилган⁴.

Шундай қилиб, 27 октябрда Никифоров ва хон томонидан тайинланган Хева элчиси Ваисниёз Ишбой Бобоев ҳамда озод этилган рус асиirlаридан 7 киши Хева хонлигидан чиқиб, Уст-

¹ Н. Залесов. «Военный Сборник». 66—67-бетлар. Шунингдек, А. Г. Серебренников. Уша тўплам, т. III. 95-бет.

² Н. Залесов, Уша тўплам, 79-бет.

³ Н. Залесов. Уша тўплам, 78-бет.

⁴ Н. Залесов. Уша тўплам, 78-бет.

Уртъ орқали 32 кундан сўнг, 2 декабрда Саранчиковский қалъасига етиб келдилар.

Капитан Никифоров миссияси ҳақида маълумот берувчи иккинчи маңба И. Н. Захарьин (Якунин) асаridir.

Автор ўз асарини ёзишда, унинг ўз сўзича, Оренбургда яшаган подполковник Г. Н. Зелениннинг Никифоров миссияси ҳақида ёзиб қолдирган материалларидан, ҳамда шу миссия ҳайатида қатнашган иккита казакнинг оғзаки берган маълумотларидан фойдаланган¹.

И. Н. Захарьин ўз китобида капитан Никифоровга топширилган вазифа ва унга берилган инструкция ҳақида ҳеч нарса ёзмайди.

Капитан Никифоров миссиясининг муваффақиятсизликка учраши сабабини И. Н. Захарьин ўзининг юқоридаги китобида миссия ҳайатида топограф вазифасида хизмат қилган Петров ва Челепановларнинг маълумотларига асосланиб, гўё Никифоровнинг Хева министрлари билан биринчи учрашишдаёқ қўпол муомалада бўлиб, уларга таржимон орқали қўйидаги сўзни айтганида дейди:

«Сиз Россия давлатига худди қўйнак баданга ёпишгандек ёпишиб олишингиз керак, чунки Россия шундай улуф давлатдирки, агар у сизнинг устингизга йиқилса, гўё менинг этигим йўлдаги ҳашаротларни эзгандек, сизларни мажақтаб юборади»².

Никифоров миссияси ҳақида М. Иванин жуда оз маълумот беради. Ўз асарида капитан Никифоров миссиясининг муваффақиятсиз тамом бўлишини Никифоровнинг ниҳоят даражада ўзига бино қўйганлиги ва Хева министрлари (вазирлари) билан жуда қўпол муносабатда бўлганлигига эди³, деб ёзади.

Гарчи ҳар иккала асарда ҳам Никифоров миссиясининг муваффақиятсиз тугашига сабаб қилиб миссия бошлиғи Никифоров айбланса ҳам, аслида миссиянинг муваффақиятсиз тугашига асосий сабаб Никифоровнинг қўполлиги ёки унинг ўзига бино қўйганлиги бўлмай, балки Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги чегара масалалари эди. Документларнинг кўрсатишича, хон билан элчи ўртасида келишмовчиликка асосий сабаб чегара масалалари бўлган. Хон Сирдарёнинг шимоли ва Каспий денгизининг шарқини Россияга қарашлик деб билишга рози бўлмаган. Шунинг учун ҳам 1842 йили Хева ҳукумати билан Никифоров томонидан олиб борилган музокараларни тамом қилиш ва Хева хонлиги билан узил-кесит сулҳ аҳдномасини тузиш учун Г. И. Данилевский бошчилигига миссия юборилар экан,

¹ И. Н. Захарьин (Якунин). Уша асар, 167—168-бетлар.

² И. Н. Захарьин (Якунин). Уша асар, 172-бет.

³ М. Иванин. Уша асар, 78-бетдаги 4-изоҳга қаранг.

Данилевскийга берилган инструкцияда Никифоровнинг хон билан келишмовчилигига сабаб бўлган чегара масалалари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган эди.

Граф Несельрод томонидан капитан Никифоровга берилган инструкцияда Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги савдо муносабатлари асосан қуидаги уч сабабга кўра тараққий этмайди, деб тўғри кўрсатилади:

1. Қозоқ чўлларидағи талон-тарожликлар.

2. Ўрта Осиё ҳукмдорларининг божни чексиз миқдорда зўрлик билан олиши, хусусан, Хева хонлиги қўл остидаги бож йиғувчи амалдорларнинг бож йиғиш ниқоби остида ўзларига маъқул бўлган молларни зўрлик билан тортиб олишлари.

3. Россия савдогарларининг тўла хавфсизликда бўлмасликлари, Россияда ҳамма енгилликлардан фойдаланувчи осиёликлар билан Хевага савдо қилиш учун келган рус савдогарлари тенг ҳуқуққа эга бўлмасликлари, яъни Осиё савдогарлари ўз юртларида ўз молларидан 2,5 процент миқдорида бож тўлаганлари ҳолда, рус савдогарларидан Ўрта Осиё мамлакатларида 10 процент миқдорида бож олинниши ва унинг устига рус савдогарлари учун савдо қилишда кўркув ва хавф бўлиши икки ўртадаги савдонинг тараққиётига тўсқинлик қиласр эди¹.

Юқорида Никифоров миссиясига оид бўлган манба ва документларда Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар хусусида маълумот оз. Н. Залесов ва И. Н. Захарьян ўз асарларида Никифоров миссиясининг натижаси сифатида Хева хонлиги ҳақида кўпгина маълумот йигилганлигини айтадилар.

Рус манбаларининг авторлари ўз асарларида Россиядан Хева хонлигига юборилган элчи ёки миссия ҳақида сўзлаш билан чегараланмай, балки Хева хонлигидан Россияга юборилган элчилар ҳақида ҳам маълумот бердилар. Масалан, Н. Залесов ва И. Н. Захарьян Россияга Вансабой бошчилигига 16 кишидан иборат Хева хонлигининг элчилари юборилганлигини айтадилар².

10 марта Хева элчилари Оренбург орқали Петербургга келадилар ва уларни император Николай қабул қиласади.

Юқоридаги авторларнинг ёзишларича, Хева элчилари билан муҳим масалалар устида келишиш мумкин бўлмаган. Чунки, элчи қандай масала бўлмасин бу ҳақда олдиндан хон билан келишмасдан ва олиб бориладиган музокаралар ҳақида хонни огоҳлантирмасдан бир иш қила олмаслигини маълум қиласр. Шунингдек, Россия ҳукумати шартнома лойиҳасини

¹ А. Г. Серебренников. Ўша тўплам, т. III. 18-бет.

² И. Н. Захарян н. Ўша асар, 173-бет.

Хевага юборишни маъқул кўрмаган. Чунки, Хевадан тезда жавоб олиш мумкин бўлмаганлиги сабабли элчиларни Петербургда тутиб ўлтириш фойдасиз бўлган¹.

Шундай қилиб Хева хонлигининг элчилари Россия пойтахтида икки ойга яқин бўлиб, ундаги ҳашаматли биноларни, кемаларни ва бошқа ажойиботларни тамоша қилганлар.

9 майда Хева элчилари Петербургдан жўнаб кетганлар. Уларга Россия ҳукумати томонидан йўл харажатлари учун пул, бир қанча қимматбаҳо ињомлар берилган.

Россия билан алоқа қилишга Хева ҳукуматининг ўзи талабгор бўлган. И. Н. Захарыннинг ёзишича, Хева элчиси Набиев Петрограддан жўнаш олдида Хева ҳукуматининг Россия билан расмий шартнома тузишга талабгор эканлигини изҳор қилгандан сўнг, Россия Ташқи Ишлар министрлиги Хева ҳукумати билан тинчлик аҳди ва савдо шартномасини тузиш учун Хевага элчи юборишига қарор қилган².

Бу вазифани бажариш, яъни Никифоров томонидан Хева хонлиги билан бошланган музокараларни давом этдириб, Хева билан тинчлик ва савдо шартномасини тузиш Перовскийнинг тавсияси билан подполковник Данилевскийга топширилган. Миссия сафарга тайёрлангунга қадар Хева элчиларини Оренбургда бироз тутиб туришга қарор қилинган.

1842 йилда Г. И. Данилевский бошчилигига Россиядац Хева хонлигига юборилган миссия, бу миссиянинг олдига қўйилган вазифалар, миссиянинг Хева ҳукумати билан олиб боргани музокаралари, икки ўргада тузилган шартнома, умуман шу даврда, яъни XIX асрнинг 40-йилларида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро савдо ва дипломатик муносабатларни ўрганишда А. Г. Серебренников³, Н. Залесов⁴, И. Н. Захарын⁵, М. Иванин⁶, Г. И. Данилевский⁷, Т. Базинер⁸ асарларида берилган маълумотлар, шунингдек Хева тарихчиси Оғаҳий⁹ нинг асарида келтирилган баъзи хабарлар асосий манбалардир.

¹ И. Н. Захарын (Якунин). Уша асар, 173-бет.

² И. Н. Захарын (Якунин). Уша асар, 174-бет.

³ А. Г. Серебренников. Уша тўплам, IV, Тошкент, 1914.

⁴ Н. Залесов. Посольство подполковника Данилевского в Хиву в 1842 году. «Военный Сборник», 1866 (Бизнинг кўлнимизда «Военный Сборник»-нинг шу йилги сони мавжуд бўлмаганлиги учун «Туркестанский Сборник»-дан фойдаландик. Н. Залесовнинг бу мақоласи «Туркестанский Сборник»-нинг 5-томига киритилган).

⁵ И. Н. Захарын (Якунин). Уша асар.

⁶ М. Иванин. Уша асар.

⁷ Г. И. Данилевский. Описание Хивинского Ханства. Записки Императорского Русского Географического Общества, 5-китоб, 1851.

⁸ Th. Basiner. Naturwissenschaftliche Reise durch die Kirgisensteppe nach Chiwa. St. Pbl. 1846.

⁹ Оғаҳий. ریاض الدوله. СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида. Изв. № Е-6, Л. 407 б.

Бу документ ва манбаларнинг кўрсатишича, Г. И. Данилевскийга топширилган вазифа жуда муҳим ва аҳамиятли бўлган. Унга Хева хонига топшириш учун рус императорининг ёрлиги ва Оренбург губернатори Перовскийнинг хатидан ташқари, Ташқи Ишлар министри граф Несельрод томонидан алоҳида инструкция берилган эди. Бу инструкцияга биноан Г. И. Данилевский олдидаги энг асосий вазифалар қўйндагилардан иборат эди:

а) Россияниг Хева хонлигига нисбатан беғараз дўст эканлигига хонни ишонтириш;

б) музокаралар давомида чегара тўғрисидаги масалани кўтармаслик. Агар музокаралар давомида қулай фурсат келиб қолса, Россияниг Хева хонлиги билан бўлган чегарасини Сирдарё бўйлаб, Орол деңгизининг шимолий соҳилилари билан Уст-Уртгача муқаррар қилиш;

в) савдо масаласи юзасидан музокаралар олиб борганда рус савдогарларидан отинадиган савдо божини йилига бир мартаба 5 процент миқдорида олишликка хонни кўндириш;

г) Хевада Россияниг савдо агентнни қолдириш, башартни Хева ҳукумати бунга кўнмаган тақдирда, бу агентнинг рус савдо карvonлари билан вақтинча келиб кетишига хоннинг розилигини олиш;

д) Эрон ҳукуматининг Россияга қилган мурожаатига кўра, Оллоқулихонни Хева хонлигидаги эрон асиirlарини озод қилишга кўндириш¹.

Айтиб ўтилган вазифалардан ташқари, генерал-адъютант Перовский Г. И. Данилевскийга Хева хонлигидаги йўлларнинг Хева ва бошқа шаҳарларнинг ҳарбий топографик съемкалари ни олиш тўғрисида маҳфий топширик берган².

Н. Залесов ўз асарида Г. И. Данилевский миссиясининг состави, миссияниг Хевага етиб келиши ва Хевада илтифот билан кутиб олинганлигини тасвирлайди. Н. Залесовнинг ёзишича, миссия составида Г. И. Данилевский (миссия бошлиғи), фалсафа фанлари доктори, табиатшунос Т. Базинер, таржимон, 2 топограф ва 20 казак бўлган. Шунингдек, Хева хони ва унинг амалдорларига топшириш учун миссия ихтиёрига бир қанча инъомлар берилган.

1 августда Данилевский миссияси ва унинг билан бирга Хева хонлигининг элчилари Оренбургдан чиқиб, 30 октябрда Хева хонлигига етиб келдилар.

Н. Залесовнинг ёзишича, Г. И. Данилевский келган куннинг

¹ Н. Залесов. Уша асар, 203—204-бетлар. Шунингдек, И. Н. Захарин (Якунин). Уша асар, 177-бет.

² И. Н. Захарин (Якунин). Уша асар, 178-бет.

ўзидаёқ хон билан учрашиш истагини билдирганда хон бунга рози бўлиб, ўша куниёқ Г. И. Данилевскийни қабул қилган¹.

Учрашув вақтида одатдаги маросимдан сўнг, Г. И. Данилевский меҳтар орқали хонга олий ёрлиқни ва хатни топширган. Сўнгра олиб келган ҳадяларни тақдим қилган. Хон бу инъомлардан жуда хурсанд бўлиб, элчига ўз миннатдорчилигини билдирган ва унга қайси куни учрашишини маъқул кўрса, бу ҳақда фақат меҳтарни огоҳлантириб, шу куни учраша олишлиги мумкинлигини айтган².

Хоннинг касаллиги сабабли иккинчи учрашув 10 ноябрда бўлиб, музокара 4 соатга яқин давом этган. Н. Залесовнинг сўзича, Данилевскийнинг таклифларига хон эътиroz билдириб, тузиладиган шартноманинг ҳар бир моддаси икки тарафга ҳам баравар бўлиши кераклигини қаттиқ талаб қилган. Шунингдек, Хевага таклиф қилинган шартномадаги мажбуриятларни Россия ҳам Хевага нисбатан ўз устига олади, деб шартномада кўрсатиб ўтишни Г. И. Данилевскийдан хон талаб қилган.

Музокаралар давомида хон рус савдо гарларидан 5 процентдан ортиқ бож олмасликка рози бўлади³. Шу билан навбатдаги қабул маросими туғайди.

Қабул маросимида меҳтар ва Худаш маҳрам иштирок этгани бўлсалар ҳам, хон билан Г. И. Данилевский ўртасидаги музокараларга улар аралашмаганлар⁴.

Г. И. Данилевскийнинг хон билан бу сафарги учрашуви охирги учрашув бўлди. Оллоқулихон оғир касалликдан сўнг, 1842 йилнинг 23 нояброда ўлади. Унинг ўрнига ўғли Раҳимқули хонлик таҳтига ўтиради.

Документ ва манбаларнинг кўрсатишича, Оллоқулихоннинг ўлимидан сўнг, Г. И. Данилевский Раҳимқулихон билан музокаралар олиб борган. Бу музокаралар 27 декабргача давом этиб, 27 декабрда Г. И. Данилевский Хева хони билан қўйидаги 9 моддадан иборат шартнома тузишга муваффақ бўлган.

1. Бундан сўнг ҳеч қачон ошкора ва маҳфий суратда Россияга қарши душманлик муносабатида бўлмаслик.

2. Хоҳ саҳрова, хоҳ Қаспий денгизи атрофларида бўлмасин таловчилик ва босқинчилик ишларини қилмаслик. Башарти Хева хонлигига тобе қабилалар томонидан таловчилик ишлари содир бўлган тақдирда, айборларга дарҳол жазо бериб, таланган молларни тегишли жойларга қайтариш.

3. Тутиб олинган русларни асирикда сақламаслик ва Хева мамлакатига келган ҳар бир рус фуқаросининг хавф-хатарлар-

¹ Н. Залесов. Ўша асар, 205-бет.

² Н. Залесов. Ўша асар, 206-бет.

³ Н. Залесов. Ўша асар, 206-бет.

⁴ Н. Залесов. Ўша асар, 206-бет.

дан омон бўлиши ва мол-мулкининг бехатарлигини таъминлашда жавобгар бўлиши.

4. Агарда Хева ҳонлигига рус фуқароларидан ўлиб қолган тақдирда, қолган мол-мулкларини уларнинг қонуний ворисларига бериш учун рус чегара комиссарига топшириш.

5. Россияга тобе бўлган қоюқ ва исёнчиларни Хева мамлакатида яшириб турмасдан, дарҳол уларни рус чегара комиссарига топшириш.

6. Россия савдогарларидан Хевада йилига бир марта, молният ҳақиқий баҳосидан 5 процент миқдорида бож олиш.

7. Россия савдогарларининг Сирдарё орқали Бухорога, шунингдек Осиёнинг бошқа мамлакатларига олиб ўтадиган молларидан ҳеч қандай бож талаб қиласлиларига топшириш.

8. Осиё мамлакатларининг Россия империяси билан олиб борадиган карvon савдосига ҳеч қандай зарар етказмаслик. (Улардан закот олиш мумкин).

9. Умуман қудратли Россия империяси билан дўстлик алоқаларини борган сари мустаҳкамлаш, у билан барча ҳолларда яхши қўшниларча ва самимий дўстларга хос муомалада бўлиш¹.

Г. И. Данилевский ҳам ўз навбатида Россия ҳукумати юнидаги 4 та моддадан иборат мажбуриятни ўз устига олади.

1. Хева ҳокимлари томонидан Россияга нисбатан қилинган ўтмишдаги душманлик ҳаракатларини бутунлай унитиши.

2. Шу вақтгача хеваликлар томонидан таланганинг карвонларининг зарарини ундириб олмаслик.

3. Россияга борган Хева фуқароларининг мутлақо хавфсизликда бўлишларини таъминлаш ва уларни қонуний ҳимоя қилиш.

4. Россияда бошқа Осиё мамлакатларининг савдогарлари қандай ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдалансалар, Хева савдогарларига ҳам Россияда шундай ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш².

Н. Залесовнинг ёзишича, музокаралар давомида Раҳимқулихон Г. И. Данилевскийнинг Хева ҳонлигидаги Эрон асиirlарини озод этиш ҳақидаги талабини рад этган. У фақат Машҳад ҳокимининг авлоди Муҳаммадвалихоннинг асиirlикдан бўшатишга рози бўлган. Гўё Муҳаммадвалихоннинг асиirlикдан озод этилиши, хоннинг сўзича, эроиликларининг назарida 5000 эрон асирининг озод этилишидан афзаладир. Шунингдек, хон рус савдо агентининг Хевада қолишига мутлақо рози бўлмаган³.

1 А. Г. Серебренников. Уша асар, т. IV. (Проект утверждения условий, заключенных с Хивинским ханом 27 декабря 1842). Шунингдек, Н. Залесов. Уша асар, 207—208-бетлар.

2 Н. Залесов. Уша асар, 208—209-бетлар.

3 Н. Залесов. Уша асар, 210-бет.

Данилевский миссияси топширилган яна бир муҳим вазиға Хева хонлиги билан бўлган чегара масаласи бўлиб, уни музокари давомида қайта кўтармаслик эди. Чунки, 1841 йилда Хевага юборилган Никифоров миссиясининг муваффақиятсиз тугашининг асосий сабабларидан бири мана шу чегара масаласидаги тортишув (келишмовчилик) эди. Эндиликда Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги алоқалар йўлга қўйилиб келаётган бир вақтда яна бу можароли чегара масаласини қайта қўзғаб ўлтиришнинг ҳожати йўқ эди. Чунки, агар Россия бу масалани қўзғатганида, эҳтимол, бошқа масалалар ҳам барбод бўлар эди. Россия олдидаги энг асосий вазифа—қандай йўл билан бўлмасин, Хева хонлиги билан яқинлашиш, икки ўртадаги алоқани яхши йўлга қўйишдан иборат эди. Чунки, бу вақтда Россия билан Ўрта Осиё, шу жумладан Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқанинг ашаддий душмани бўлган инглиз агресорларининг Хева хонлигига активлиги кучаяётган эди.

Н. Залесовнинг берган маълумотларига кўра, Г. И. Данилевский билан Хева хони ўртасида олиб борилган музокараларда чегара масаласи тўғрисида ҳам фикр алмашувлар бўлган. Бу масала муҳокама қилинганда Хева хони Россиянинг норозилигига сабаб бўладиган ҳаракатлар қилмаслигини билдирган¹. 30 декабрда Данилевский хон билан яна учрашди. Бу учрашув хайрлашиш учрашуви бўлди.

31 декабрда Данилевский миссияси ҳамда миссияни кузатиш ва хоннинг Россия ҳукуматига миннатдорчилигини билдириш учун Хева хони томонидан тайинланган Мұҳаммадамин юзбоши бошчилигига хонликнинг 12 кишидан иборат этчилари Хева шаҳридан жўнаб кетганлар.

Данилевский миссияси ҳақида юқоридаги манба ва документларининг берган маълумотлари асосий масалаларда бири иккинчисидан жуда оз фарқ қўлса ҳам, баъзи авторлар айrim масалаларда бири иккинчисига зид бўлган фикрларни баён қилидилар.

Масалан, Г. И. Данилевский миссияси ҳақида бизга хабар берувчи иккинчи манба автори И. Н. Захарьян юқорида айтиб ўтилган асарида, Хева хони ва унинг амалдорлари Данилевскийга нисбатан жуда ёмон муносабатда, қабиҳ ниятда бўлдинлар, Сергей оқонинг (Хева хонлигидаги рус асиirlаридан бўлиб, Оллоқулихон даврида тўпчи боши мансабини ўтаган) сўзича, гўё хон ҳарбий кенгашда элчиларни битта қўймай қириб ташлаш ниятида эканлигини билдирганда, бунга Сергей оқо, меҳтар ва ҳарбий вазир қарши бўлганлар², деб ёзади.

Бунинг зидди ўлароқ, Н. Залесов Данилевскийнинг Хева

¹ Н. Залесов. Уша асар, 210-бет.

² И. Н. Захарьян (Яқунин). Уша асар, 185—186-бетлар.

хонлигида жуда яхши кутиб олинганини, хон ва унинг амаллорлари элчига ва умуман миссияга нисбатан яхши муносабатда бўлганликларини ёзди¹.

Юқоридаги манба ва документлар Россиядан Хева хонлиги га келган миссия ҳақида маълумот бериш билан чегараланмай, Хева хонлигидан Россияга юборилган элчилар тўғрнсида ҳам маълумот берадилар. У манбаларнинг кўрсатишича, Данилевский билан бирга юборилган Мұхаммадамин юзбоши бошчилиги даги Хева элчилари бир қанча совға ва инъомлар билан Оренбург орқали Петербургга келганлар. Хева элчилари Россия ҳукумати томонидан яхши кутиб олиниб, уларга яхши совға ва инъомлар берилган.

Р. И. Данилевский томонидан Хева хонлиги билан тузилган савдо шартномаси Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эди. Юқорида айтиб ўтилган авторлар ўз асрларида 1842 йили Хева хонлиги билан Россия ўртасида шартнома тузиљандан сўнг икки ўрталаги савдо алоқаларининг тараққиёти ҳақида жуда қимматли маълумотлар бердилар.

И. Н. Захарыннинг ёзишича, шартномага биноан Хева хонлиги савдо карвонларини йўлдаги қароқчи ва аламонлар томонидан бўладиган ҳужумлардан асрashни, савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлашни ўз устига олади. Бу масала Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги савдонинг ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга эди. Чунки, икки ўртадаги савдонинг тараққиётига халал бериб келаётган нарса савдо карвонларининг йўлдаги қароқчилар томонидан таланиб туриши эди. Хева ҳукумати Россия билан бўладиган савдодан манфаатдорлиги туфайли, Хева териториясида Россия савдогарларини талончилар, қароқчилар томонидан бўладиган ҳужумлардан асрashни ўз устига олади.

Савдо йўлларининг тинчиганлиги муносабати билан, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, савдогарлар катта карвон тўпланишини кутмасдан, 40—50 тия билан йўлга чиқа бердилар. Бу ҳол икки давлатни бир-бирига янада яқинлаштириди ва ўзаро алоқанинг кучайишини таъминлади.

И. Н. Захарын ўз асарида Россия билан Хева хонлиги ўртасида тузилган шартноманинг аҳамияти ҳақида сўзлар экан, у бу шартноманинг натижаси ўлароқ рус савдогарлари фақат Хевадагина эмас, балки Ҳазорасп, Урганч, Кўҳна Урганч, Хонқо каби Хева хонлигининг бошқа шаҳарларида ҳам савдо қилиш ҳукуқига эга бўлганликларини ва рус савдогарлари ўз мол-

¹ И. Н. Захарынн (Якунин). Уша асар, 190—191-бетлар.

ларини Хева хонлиги аҳолисининг талабларига мослаб келтира¹ бошлаганларини айтади¹.

Хева хонлиги билан тузилган бу шартномадан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эди. Бу шартномага биноан Хева хонлигининг савдогарлари Россия ерларидаги ёч қандай тўсқинликсиз савдо қилингандар. И. Н. Захарьиннинг ёзишича, Россия ҳукумати Хева савдогарлари учун Оренбургда алоҳида карвон саройлар ажратган².

Шартноманинг б-моддаси икки ўртадаги савдонинг тараққиётida жуда катта аҳамиятга эга эди. 1842 йил шартномасига-ча рус савдогарлари 10 процент миқдорида бож тўлар эдилар. Божнинг камайтирилиши савдонинг сўнгги вақтларда тараққий қилишига катта ёрдам қилди. 1842 йилги шартномадан сўнгги Хева ҳукумати рус савдогарлари келтирган моллардан йилига бир мартаба, мазкур молнинг ҳақиқий баҳосининг 5 проценти миқдорида бож олишга бўлди.

Бу ҳақда М. Иванин ўз асарида қўйидагиларни ёзади.

—Рус савдогарлари Россиядан Хевага ва Хевадан Россияга келтирган молларининг ҳар пудига 1,5 сўмдан 2 сўмгача кумуш билан кира ҳақи тўлардилар. 1842 йилги шартномадан сўнг, кирипа пули 50 тийиндан 1 сўмгача кумуш билан олина бошланди³.

Демак, Г. И. Данилевский томонидан Хева хонлиги билан сулҳ ва савдо шартномаси тузилгандан сўнг, кира баҳоси қарийб икки баравардан кўпроқ арzonлашган.

1842 йилги шартномадан сўнг, шартноманинг биринчи даврларида Хева ҳукумати билан Россия ўртасидаги алоқа жуда яхши бўлган. И. Залесовнинг ёзишича, Хева ҳукумати Ўрта Осиёдаги воқеалардан, ўзининг ғалабаларидан Россияни хабардор қилиб турган. Хева ҳукумати Россиядан ўз хонлигига иккита тўпчи юборишини илтимос қилиган, Россия Хеванинг бу илтимосидан миннатдор бўлса ҳам, Хева ҳукуматининг талабини қондирмаган⁴.

Бизнинг фикримизча, Россия ҳукуматининг Хева ҳукумати талабини қондирмаслигига сабаб шу эдики, агар Россия Хевага тўпчилар юборгани тақдирла, балки Россиянинг бу иши Бухоро ҳукуматининг норозилигига сабаб бўлар эди. Чунки, шу даврларда Хева хонлиги билан Бухоро хонлиги ўртасида уруш кетаётган эди Россия ҳукумати Бухоро билан бўлган дипломатик алоқанинг бузилиб қолмаслиги андишаси билан Хева ҳукуматининг талабини қондирмаган бўлса керак.

¹ И. Н. Захарьин (Якунин). Уша асар, 91-бет.

² И. Н. Захарьин (Якунин). Уша асар, 191-бет.

³ М. Иванин. Уша асар, 160—161-бетлар.

⁴ Н. Залесов. Уша асар, 211-бет. Шунингдек, (17) изоҳ 232—233-бетлар.

Г. И. Данилевскийнинг Хева хонлигига келишини хонликнинг сарой тарихчиси Огаҳий ўз асарида қўйидаги икки оғиз сўз билан эслатиб ўтади, холос.

«... ва яна маълум бўлсинким, урус вилояти подишоҳидин Данилевский отлиғ бир элчи келиб ошиюлиғ ва якжиҳатлик биносининг истеҳкоми учун хон магфурнинг мулоzимати шарифин топиб эрди, ҳазрат... анга навозишлар кўргузиб, Муҳаммад-амин юзбошини қўшиб, зулхижжа ойининг ўнбирида панжшанба куни урус вилоятига арсол қилди»¹.

Г. И. Данилевскийнинг Хева ҳукумати билан олиб борган музокаралари, Хева ҳукуматининг Г. И. Данилевскийга ва Г. И. Данилевскийнинг Хева ҳукуматига нисбатан тутган муносабатлари, Хева хонлиги билан Россия ўртасида тузилган шартнома тўғрисида Огаҳий ҳеч нарса ёзмайди.

Г. И. Данилевский миссиясининг Хева хонлигига юборилиши натижасида хонликнинг асосий картаси, Амударёнинг аҳоли яшайдиган гарбий водисининг алоҳида картаси, Хева хонлигининг аҳоли яшайдиган қисмининг орографик картаси олинди. Хева шаҳрининг ўзида тахминий ўлчов билан олинган бир неча съёмкалар йигилди. Миссия составила қатнашган топограф Зеленин Хева шаҳарининг планини тузди.

Гарчи бу ишлар ҳарбий мақсад билан қилинган бўлса ҳам, Хева хонлигининг географиясини ўрганишда, география фанини янги-янги маълумотлар билан бойитишда рус саїйёхлари томонидан фанга қўшилган мұҳим ҳисса эди.

Г. И. Данилевский миссиясининг Хева хонлигига юборилиши натижасида майдонга келган асарлардан бири шу миссия бошлиғи Г. И. Данилевскийнинг «Описание Хивинского ханства»² номли асаридир.

Бу асар кўрсатилган давр ичida Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Г. И. Данилевский томонидан ёзилган бу асар умумий географик ва қисман этнографик характерга эга бўлиб, автор ўз сўзича, бу асарини Хева хонлигига ўз кўзи билан кўрган ва сўраб билиб олган маълумотлари асосида ёзган. У ўзи келтирган маълумотларнинг тўғрилигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, деб айтади.

Бу асарнинг умумий ҳажми 78 бетдан иборат бўлиб, автор унда Хева хонлигининг географик мавқии, чегараси, иқлими, орография ва гидрографияси, аҳолиси, шаҳар ва қишлоқлари, қишлоқ хўжалиги, чорвачилиги, саноати, ички ва ташқи савдо-

¹ 180-бетдаги 9-сноскага қаранг.

² Г. Данилевский. Описание Хивинского ханства. Записки Императорского Русского Географического Общества, V китоб, 1851 йил.

си, идора усули, молиявий аҳволи тўғрисида анча маълумотлар беради.

Г. И. Данилевский бу асарни ёзишда ўзидан олдин Хева хонлиги тўғрисида ёзилган асарлардан фойдаланган ёки фойдаланмаганлигини айтмайди. Унинг бу асари Н. Муравьевнинг асаридан сўнг, Хева хонлигининг тарихини ўрганишда асосий маиба ҳисобланниб, жуда катта илмий аҳамиятга эгадир.

Бизнинг асосий вазифамиз Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқани ёритишида Г. И. Данилевскийнинг хизмати ва унинг юқоридаги асарининг қимматини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун, асосан, бу асарнинг шу муносабатга оид қисми, яъни Хева хонлиги билан Россиянинг олиб борган савдоси ва бу савдон ривожлантириш хусусида авторнинг мулоҳазалари устида тўхтаб ўтамиш.

Г. И. Данилевский ўзининг асарида Хева хонлигига келиши ва ўзига топширилган вазифа, хон билан олиб борган музокаралари, икки ўртада тузилган шартнома тўғрисида ҳеч нарса ёзмайди. Чунки, у вақтда бу масалалар махфий тутилган бўлса керак. У фақат юқорида айтганимиздек, Хева хонлигининг тарихи ва географияси ҳақида гапириб, қисман унинг Россия ва бошқа қўшни давлатлар билан олиб борган ташқи савдоси устида тўхтаб ўтади, холос.

Автор Хева хонлигининг ташқи савдоси ҳақида сўзлаб қуидагиларни ёзади:

«Хева Қўюн хонлиги, Машҳад ва Ҳирот билан ҳеч қандай бевосита савдо алоқаларини олиб бўрмайди. Марв орқали ўтган эрон савдогарлари Хева хонлигининг ерларида тўхтамай, гўппа-тўғри Бухорёга ўтиб кетадилар»¹. Бухоро хонлиги билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо хеваликлар учун кам фойда кеттиришини, Хева хонлигининг рус саноат молларига муҳтожлигини ва Россия билан бўладиган савдо алоқаларидан манфаатлор эканликларини айтади².

Ҳақиқатан ҳам генерал-адъютант Перовскийнинг юришига-ча ва бу юриш вақтларида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқаларининг кескинлашиши муносабати билан Хеванинг рус саноат молларига бўлган муҳтожлигининг ошиши ва ўзинда етишириладиган хомашё молларининг нархлари пасайиб кетганинги ва Россиядан келтириладиган молларнинг қимматлашганлигини юқорида айтиб ўтган эдик.

Хева хонлиги билан Эрон ўртасидаги савдо алоқаларининг яхши эмаслиги тўғрисидаги Г. И. Данилевскийнинг сўзи қисман тўғри. Эрон билан Хева хонлиги ўртасидаги жанубий Турк-

¹ Г. И. Данилевский. Уша асар, 129-бет.

² Уша асар, 129-бет.

манистон ва Хурносон ерларига эгалик қилиш, у ерларда яшовчи туркман қабилалари устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун доимо хонавайронлик урушлари бўлиб турган. XIX аср бошида Хева хони Муҳаммадраҳимхон I Хурносонга 5—6 марта юриш қилган бўлса, унинг ўғли Оллоқулихон даврида бу юришлар деярлик ҳар йили бўлиб турган. Бу аҳвол Эрон билан Хева хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларининг тараққий этмаслигига зўр таъсир қилган.

Бироқ, Г. И. Данилевскийнинг Эрон билан Хева хонлиги ўртасида мутлақо савдо алоқаси бўлмаган, деб ёзиши бутунлай тўғри бўлмаса керак. Чунки, XIX асрнинг 50-йилларига оид баъзи манбаларнинг хабарига қараганда¹, Хева билан Эрон ўртасида гарчи жуда суст бўлса ҳам, савдо алоқаларн бўлган. Г. И. Данилевский ўз асарида Хева хонлиги билан Бухоро хонлиги ўртасидаги савдо муносабатларининг ривожланмаслигига сабаб қилиб, иккала хонликда ҳам асосий етишириладиган маҳсулот хомашёдан иборат бўлган, бу хомашёни маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш учун иккала хонликда ҳам фабрика ва заводлар бўлмаган, шунинг учун ҳам у ёки бу хонлик ўзидаги хомашёning кўплигидан бири иккимичисига муҳтоҷ бўлмаган, деб ёзади².

Бундан ташқари, Данилевскийнинг сўзича, хеваликлар Бухоро билан олиб борган савдода олган молларининг эвазига рус молларини беришлари, агар уларнинг қўлларида рус молларн мавжуд бўлмаган тақдирда, нақд пул тўлашлари керак эди³.

Юкоридаги мисоллардан равшандирки, Г. И. Данилевский айтганидек, Хева хонлиги учун энг қулай ва энг фойдали савдо Россия билан бўладиган савдо эди. Россия Хевани металл, чўян, саноат моллари, чарм, мовут, ип ва ипак газламалар, қанд ва бошқа саноат моллари билан таъминлар эди. Хева эса, рус бозорларига ўзининг хомашё ва қўпол тўқима молларини чиқарган⁴.

Автор Хева хонлигининг таловчилик сиёсати ва қозоқ чўлларидағи тартибсизлик натижасида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги асрлардан бери давом этиб келаётган савдо алоқасининг бузилганлигини ва Перовский юриши даврида бу алоқанинг бутунлай тўхтаб қолганлигини айтади. Хева хонлиги билан Россия ўртасида савдо алоқаси тиклангандан сўнг, рус савдогарлари Хевада савдо қилиш имтиёзини оладилар.

¹ Н. Залесов. Письмо из Хивы. «Военный Сборник». 1859. 282—283-бетлар.

² Г. И. Данилевский. Уша асар, 129-бет.

³ Г. И. Данилевский. Уша асар, 129-бет.

⁴ Г. И. Данилевский. Уша асар, 129—130-бетлар.

Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқаларидан хеваликлар билан бир қаторда рус савдогарлари ҳам ман-фаатдор бўлганлар.

Масалан, Данилевскийнинг ёзишича, рус савдогарлари Хева хонлигидан бязъ, гул босилган бўз, халат (чопон), марена (бў-ёқ учун ишлатиладиган ўсимлик илдизи), кунжут олганлар. Хевадан 5 сўм 50 тийин асигнация билан 2 ботмон (40 кг, ёки 2 пуд, 16 қадоқ) кунжут олинган. Бу кунжутдан 1 пуд, 8 қадоқ ёғ чиққан. Кунжутни чўл орқали Оренбургга ва ундан сув йўли билан Нижнийга келтиргунча 5 сўм 50 тийин асигнация сарф қилинган. Бундан чиққан қора чироғ ёғининг нархи Россиянинг ички бозорларида 16 сўмдан то 20 сўмгача (асигнация билан) сотилган¹.

Автор Хева хонлиги бозорларидаги молларнинг асосий қисмини рус моллари ташкил этганлигини сўзлаб, Бухородан ўтган инглиз моллари Хевада жуда кам бўлиб, рус моллари билан рақобат қила отмаганлигини ва инглиз молларнинг нархи қиммат бўлиб, ҳатто хонликдаги аҳолининг юқори табақаси томонидан ҳам жуда кам сотиб олингандигини ёзади².

Хева хонлигининг ташки савдоси асосан сартларнинг³ қўлларида бўлганлигини Г. И. Данилевский ҳам айтib ўтади. Г. И. Данилевский ўзининг Хева билан бўлган савдо ҳақидаги мулоҳазасида Хева хонлиги аҳолисининг камлиги ва қашшоқлиги туфайли Хевада рус молларига талаб оз, шунинг учун Россия савдогарларининг Ўрта Осиё билан бўлган савдосида Хева у даражада катта аҳамиятга эга эмас, деб қарайди.

Г. И. Данилевский юқоридаги фикрини айтар экан, Россиянинг Ўрта Осиё билан бўладиган савдосида Хева хонлигининг роли масаласига эътибор бермайди. Хева хони ўзининг географик мавқии жиҳатидан Россиянинг Ўрта Осиё билац бўлган савдосида биринчи ўринда туар эди. Россиядан Ўрта Осиёга борадиган энг қулай савдо йўллари Оренбург ва Троицк орқали ўтган эди. Семипалатинск орқали савдо қилиш, Сибирнинг Россия савдо марказларидан анчагина йироқлиги туфайли, у қадар тараққий этмаган эди. Шуннингдек, Россиядан Бухорога ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига борадиган карвонлар Хевани четлаб ўта олмас эдилар. Шундай қилиб, Хева хонлигининг аҳолиси кам ва камбағал бўлишига қарамай, у Россиянинг Ўрта Осиё билан савдо қилишида муҳим роль ўйнаган.

Автор ўз асарида Ўрта Осиё бозорлари ичida энг яқин бозор—Хева бозори эканлигини, Оренбургдан Уст-Урт бўйлаб

¹ Г. И. Данилевский. Ўша асар, 131-бет.

² Г. И. Данилевский. Ўша асар, 132-бет.

³ Сарт деб Хевада савдо ишларп билан шугулланувчиларни айтганлар.

Хева хонлигига борадиган йўлнинг бошқа йўлларга қараганда хавфсизлигини, Астрахандан Мангишлоқча бўлган йўл Хева билан савдо қилишда энг яқин (18—20 кунлик) ва энг қулай йўл эканлигини кўрсатиб ўтади.

1842 йилги шартномадан сўнг, Россияга Хева хонлиги билан савдо қилиш қулай ва фойдали бўлган. Г. И. Данилевскийнинг ёзишича, 1842 йилги шартномага биноан рус савдогарларининг Хева хонлигига тўлайдиган божлари Бухоро хонлигига тўлайдиган божларига қараганда уч марта кам бўлган. Шунингдек, Хева ҳалқи ва Хева савдогарлари бухороликларга нисбатан рус савдогарлари билан яхши муносабатда бўлганлар¹.

Г. И. Данилевский ўзининг савдо ҳақидаги юқоридаги мулоҳазаларидан қўйидаги натижага келади. «Бизнинг Хева хонлиги билан бўлган савдомиз ҳозирги шароитда у даража тараққий қила олмайди. Биз молларимизни сотни учун Бухоро хонлиги билан бевосита алоқа қилишимиз керак. Бунинг учун Хевада рус молларининг савдо омборини ва савдо идорасини ташкил этиш керақ, ҳамда Хевада доимий рус савдо агенти туриши лозим, шу вақтдагина икки ўртадаги савдо алоқалари ривожланади»².

Г. И. Данилевскийнинг юқоридаги мулоҳазаси тўғри, бироқ нима учундирки, у Россия билан Бухоро ўртасидаги Сибирь орқали олиб бориладиган савдо алоқаси тўғрисида ѡч нарса ёзмайди. Россия Бухоро хонлиги билан Оренбург орқали савдо алоқаларини олиб бориш билан бир қаторда, Сибирь орқали ҳам савдо-сотиқ ишларини олиб борар эди.

Г. И. Данилевский миссиясининг фойдали натижалари сифатида майдонга келган асарлардан яна бири шу миссия составида қатнашган фалсафа фанлари доктори, табиатшунос Т. Базинернинг асаридир³.

Т. Базинер ўз асарининг биринчи бобида Оренбургдан Хева хонлигигача олиб борган географик ва метсорологик кузатишлари, дарёлар, кўллар, ўсимликлар, шунингдек Хева хонлигидаги шаҳарлар: Хева, Кўхна Урганч, Ўрганч, Амбор, Булдимсоз, Ҳазорасп, Хонқо, Ҳўжаэти ва бошқа шаҳарларни ҳамда бу шаҳарлардаги масжид, мадраса, бозор, дўкон ва карвон саройлар ҳақида анча маълумот беради.

Иккинчи бобда Т. Базинер асосан Уст-Урт ва унинг табиий хусусиятлари, унлаги ўсимликтар устида сўзлайди. Бундан ташқари, китоб охирида ўсимлик ва метеорологик кузатишларининг жадвали ва картасини келтиради.

¹ Данилевский. Ўша асар, 131-бет.

² Г. И. Данилевский. Ўша асар, 131 бет.

³ Th. Basiner. Naturwissenschaftliche Reise durch die Kirgisensteinsteppe nach Chiwa St. Ptb. 1846.

Базинер ўз асарида Хева хонлигининг тарихига оид анча маълумотлар беради. Қитобда Қўнғирот сулоласининг хронологияси келтирилган.

Автор Хева хонлигининг Россия билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқаси устида ҳам тўхтаб ўтади. Бироқ, унинг бу ҳақда берган маълумотлари Г. И. Данилевскийнинг шу масалалар юзасидан берган маълумотларидан фарқ қилмайди. Шунинг учун биз бу асар устида ортиқча тўхтаб ўтиришни лозим топмадик.

Демак, XIX асрнинг 30-йилларининг ўрталари ва 40-йилларнинг бошларида Хева хонлиги билан Россия ўргасидаги дипломатик ва савдо муносабатларни ўрганишда генерал-адъютант Перовскийнинг Хева хонлигига қилган юриши ва бу юриш муносабати билан ёзилган мақола ва манбалар, документлар, капитан Никифоров ва подполковник Данилевский миссиялари, миссия ҳайатида қатнашган баъзи кишилар томонидан ёзил қолдирилган манбалар, хусусан Г. И. Данилевский ва Т. Базинернинг қайд этилган асарлари Хева хонлигининг тарихи ҳамда унинг Россия билан олиб борган дипломатик ва савдо муносабатларини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эгадир. Булар биринчи даражали манба ҳисобланади.

Бу авторлар ўз асарларида фақат Хева хонлигининг тарихига унинг Россия билан олиб борган муносабатлари ҳақида сўзлаб қолмасдан, Амударё ва Сирдарё, Қаспий ва Ороғ дengизлари, шунингдек, Оренбург билан Хева хонлиги ўргасидаги қозоқ чўлларининг иқдими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, у ерларда яшайдиган аҳолининг турмуши ҳақида анча маълумот берадилар.

Юқоридаги авторларнинг қайси синфга тааллуқли бўлиларидан қатъий назар, уларнинг Ўрта Осиё давлатларининг тарихи ва географиясига оид тўплаган маълумотлари ва ёзган асарлари рус шарқшунослигини янги-янги маълумотлар билан бойитишда, Россияни Ўрта Осиё хонликлари билан янада яқилиштиришда муҳим қимматга эга.

Учинчи боб

XIX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА ХЕВА ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР БОСИЛИБ ЧИҚҚАН БАЪЗИ МАНБАЛАР

XIX асрнинг 50-йилларида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқаларда бироз келишмовчиликлар бўлли. Хева ҳукмдор доиралари икки ўртада тузилган шартномага риоя қилмасдан, Россия норозилигига сабаб бўладиган ишлар қилдилар. Чунончи, қозоқларнинг ички ишларига аралашиш, савдонинг тараққиётига халал етказиш, рус савдогарларидан ортиқча бож талаб қилиш сингари ишлар содир бўлиб турди.

Бу воқеалар Россия ҳукмрон доиралари орасида Хева ҳукуматининг сиёсатига нисбатан норозилик туғдиришга қарамай, икки давлат ўртасидаги қадимги давом этиб келаётган иқтисодий алоқалар ҳамон ривожланмоқда ва Ўрта Осиёда Россиянинг таъсири тобора кучайиб бормоқда эди.

Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига сабаб, юқорида айтиб ўтганимиздек, Россия саноатининг кундан-кун тараққий этиб, унинг пахта, маренна ва, шунингдек, бошқа ҳомашё маҳсулотларига бўлган талабининг ошиб боришида эди.

Бу вақтларда Россия билан Хева хонлиги ўртасида савдода Россиядан Хевага чиқариладиган молларнинг ичida тайёр маҳсулотнинг ва Хевадан Россияга киритиладиган моллар ичida ҳомашёнинг салмоғи йилдан-йилга орта боради.

Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасидаги иқтисодий алоқанинг ривожланиши бу хонликлар экономикасининг кўтарилишига таъсир қилди.

Россияга пахта чиқаришнинг ортиши пахтанинг товъерлик хусусиятини олишига, Ўрта Осиёда пахта майдонларининг кенгайишига сабаб бўлди.

Россия учун ўз саноатини ҳомашё маҳсулотлари билан таъминлашда Ўрта Осиёнинг аҳамияти ортди. Шунинг учун XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Россия Ўрта Осиёнинг бой

пахта маконини қўлга киритиш ва бу ерларга бирон иккинчм
бир давлатнинг кириб келишига қарши Ўрта Осиёга нисбатан
актив сиёсат юрита бошлади.

Ўрта Осиёда инглиз колонизаторлари агресив ҳаракатла-
рининг кучайиши ва уларнинг Осиё хонликларида ўз ҳукмрои-
ликларини ўрнатиш учун турли йўллар билан ҳаракат қилиш-
лари Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган сиёсатидә бир
бурилиш ясашни талаб қиласр эди.

1847 йили Сирдарёнинг ўрта оқимида истеҳком қурилиб,
1853 йилга келганда Сирдарёгача бўлган районлар Россия қў-
лига ўтган эди.

Бироқ, бу вақтлардаги ҳалқаро вазиятда Россия Ўрта Осиё-
га нисбатан актив ҳаракат қила олмас эди. Чунки, Россия
(1853—1856 йилларда) Крим уруши билан банд эди.

Қрим урушидан сўнг, Александр II нинг ҳукумати Қавказ-
даги урушлар билан банд бўлди. Шунинг учун Ўрта Осиёга
нисбатан очиқдан-очиқ актив ҳаракат қила олмади.

Бироқ Ўрта Осиёдаги аҳвол Туркиянинг диққатини тортиди.
У Ўрта Осиё хонликларини Россияга қарши бирлаштиришига
ҳаракат қилди. Буни сезган Россия ҳукумати Хева ва Бухоро
ҳукуматлари билан алоҳида-алоҳида шартнома тузишга қарор
қилди.

1857 йил, 20 июлда Хева хони Сайдмуҳаммад император
Николай Павловичнинг ўлими муносабати билан Россия ҳуку-
матига таъзия билдиради ва янги император Александр Нико-
лаевичнинг таҳтга чиқиши билан табриклиш учун шайхулислом
Фозил Хўжа Ислом Хўжани элчи қилиб юборади.

Россияга Хева элчиларининг юборилиши тўғрисида Н. Залесов
ўзининг «Посольства в Хиву и Бухару полковника Н. Иг-
натьева в 1858 г.» номли асарида маълумот беради¹. Бу асарни
биз Н. Игнатьев миссияси ҳақида сўзлаганимизда тўла шарҳ-
лаб ўтамиш.

Н. Залесовнинг ёзишича, Хева элчиларининг состави 16 ки-
шидан иборат бўлиб, рус императорига тортиқ қилиш учун хон
томонидан икки аргимоқ тақдим қилинган. Автор сўзини давом
этдириб айтадики, Хева хони томонидан элчига берилган ёрлиқ-
да фақат таҳтга чиқсан рус императорини табриклишдан бўшқа
ҳеч нарса бўлмаган. Аммо элчига берилган Хева ҳукмдорлари
хатларининг ҳаммасида Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги
чегарани Сирдарё бўйлаб белгилашга розилик берилганлиги
қўринади², дейди.

¹ Н. Залесов. Посольство в Хиву и Бухару полковника Н. Игнатьев в 1858 г., «Русский Вестник», 1871.

² Н. Залесов. Уша асар, 422-24-бетлар.

9 сентябрда Хева элчилари Петербургга келганлар ва тез фурсатда уларни император қабул қилган.

Россия ҳукумати томонидан Хева элчиларига инъомла⁹, Хева хони ва унинг амалдорларига тақдим этиш учун ёрликлар берилган. 1856 йили Хева элчилари Россиядан ўз юртларига қайтганилар. Айни шу вақтларда Бухоро хонлиги ҳам Россиянга элчилар юборган.

Хева ва Бухородан Россияга элчилар юборилиши бу хонликларга Россия ҳукумати томонидан полковник Н. Игнатьев бошлигидаги миссия юбориш учун баҳона бўлди.

Н. Игнатьев бошлиқ миссиянинг Хева хонлигига келиши, келишдан мақсад, хон билан олиб борган музокаралари, Хева ҳукуматининг миссияга ва миссиянинг Хева ҳукуматига нисбатан муносабатлари ва умуман Хева хонлиги билан Россия ўтасидаги шу вақтлардаги дипломатик алоқаларни ўрганишда Н. Игнатьев¹, Н. Залесов², А. Бутаков³, П. Назаров⁴, Е. Кливеин⁵ ва Муҳаммадиусуф Баёнийнинг⁶ асарлари биринчи даражали манба сифатида хизмат қиласди.

Бу манбаларнинг кўпчилиги рус тилида ёзилган бўлиб, авторларнинг ўзлари шу миссия ҳайатида қатнашгандар. Улар ўз асарларини ўз кўзлари билан кўрган ва сўраб билиб олган маълумотлар асосида ёзганлар.

Н. Игнатьевнинг бу китоби 275 бетдан иборат бўлиб, 1897 йили Петербургда босилиб чиққан. Китобнинг ярмидан кўпида сўз Хева хонлиги устида боради.

Автор Хева ва Бухоро хонликларига юборилишидан илгари бу хонликларнинг тарихига ва уларнинг Россия билан олиб борган муносабатларига оид материаллар билан танишиб чиққанигини сўзласа ҳам, мазкур китобида Хева хонлигининг тарихи ва географиясига оид Н. Муравьев ва Данилевскийлар сингари маълумот бермайди. Шунингдек, Н. Игнатьев Хева хонлиги билан Россия ўтасидаги савдо ва иқтисодий алоқа, Россиядан

¹ Н. Игнатьев. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта полковника Н. Игнатьева. СПб, 1879.

² Н. Залесов. Посольства в Хиву и Бухару полковника Н. Игнатьева в 1858 году. «Русский Вестник», 1871. Шунингдек, Н. Залесов. Письмо из Хивы. «Военный Сборник», 1858, т. IV, II бўлим, 491—497-бетлар, «Военный Сборник», 1859, т. V, II бўлим, 273—295-бетлар.

³ А. Бутаков. Несколько страниц из истории Хивы «Материалы для статистики Туркестанского края». Н. А. Маев таҳрири остида иккинчи нашри, СПб, 1873, 408—414-бетлар.

⁴ П. Назаров. Воспоминания о степном походе в ханстве в Хиву и Бухару. «Военный Сборник», 1864. т. XXXVI, II бўлим, 375—390-бетлар.

⁵ Е. Кливеин. Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности во время правления Саид Мухаммед хана в 1856—1860 гг. Записки Русского Географического Общества, 1860. № 1, 95—108-бетлар.

⁶ Баёний خوارزمشاھي شجره

Хевага, Хевадан Россияга чиқариладиган ва киритиладиган моллар, савдо йўллари ва бу савдонинг Хева хонлиги қаётидаги аҳамияти устида мутлақо тўхтамайди. У фақат шартнома лойиҳасида кўрсатилган савдога оид моддалар устида бир оз гапиради.

Автор Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқа устида сўзлар экан, у бу алоқага бир томонлама, дворян буржуазияси нуқтаи назаридан, ўша даврдаги тажовузкор ҳарбий доиралар нуқтаи назаридан қарайди. У Ўрта Осиё ҳалқларининг Россия билан асрлардан бери давом этиб келаётган иқтисодий, сиёсий ва савдо муносабатларини ва бунда Россиянинг прогрессив роль ўйнаганигини кўрмайди. У Ўрта Осиё хонликлари билан ҳеч қандай шартнома тузишнинг ҳожати йўқ, деб бу хонликларни тезроқ босиб олиш планини олға суради.

У Хева билан бўладиган муносабатлар устида тўхтаб, қуйидагиларни ёзади: «Мана шундай ярамас кишилардан бўлган хеваликлар билан муомала қилишга ва улар билан баробар бўлишга рус вакилини мажбур этиш, хўрлик ва бемаънилиkdir. Бундай мамлакатларга элчи юбормасдан, балки бирор ҳайбатлироқ нарсани отлантиromoқ керак..»¹.

Ҳатто, Н. Игнатьев Хева ва Бухоро хонликлари билан олиб бориладиган музокараларнинг муваффақиятли натижа бериши учун улар билан тинчлик, ўзаро ҳамжиҳатлик йўли билан эмас, балки зўрлик йўли билан муомала қилишни тавсия қиласи ва қуйидагиларни ёзади: «биз тақдим қилаётган шартномага рози бўлиш ва унинг тасдиқлаш кераклигига амирни ишонтиришда уни қўрқитиш, башарти бу шартномани рад этган вақтда, биз Осиё маҳсулотларисиз қаноатланишимиз мумкин деб огоҳлантириб, ҳозирги вақтгача мавжуд бўлиб келаётган савдо имтиёзларини осиёликлардан тортиб олишимиз керак»².

Н. Игнатьев Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатга баҳо берар экан, у бу алоқаларга ўз синфи нуқтаи назаридан қарайди. Ўрта Осиё хонликлари Россия учун ҳеч қандай фойда келтирмайди, деб баён қиласи. Н. Игнатьевнинг фикрича, Ўрта Осиёдан келадиган фойдасиз элчиларни кутиб олишида ва Россиядан Ўрта Осиёга элчилар юборишда сарф қилинадиган маблағни мақсаддага эришиш учун бошқа йўлга (яъни Ўрта Осиё хонликларини босиб олишга—Н. Т.) ишлатиш керак³.

Гарчи Н. Игнатьев ўз асарида Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид масалаларга ўз синфи манфаатини кўзлаб, колонизаторлик нуқтаи назаридан

¹ Н. Игнатьев. Ўша асар, 137-бет.

² Н. Игнатьев. Ўша асар, 57-бет.

³ Н. Игнатьев. Ўша асар, 188-бет.

ёндашган бўлса ҳам, аммо унинг бу муносабатлар ҳақидаги берган фактик материаллари XIX асрнинг 50-йилларида Россия билан Хева хонлиги ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Манбаларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёга миссия юборишда фақат савдо масалаларигина эмас, шунингдек, сиёсий ва ҳарбий мақсадлар ҳам кўзда тутилган. Миссия Хева ва Бухоро хонликларида рус савдогарлари учун манфаатли бўладиган савдо аҳдномасини тузиш ва икки хонлик билан Россия ўртасида яқин алоқа боғлаш лозим эди.

Бундан ташқари, миссияга қўйидаги вазифалар ҳам топширилган эди: а) Хева, Бухоро, Қозоқ чўллари ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумотлар йиғиш; б) олдин олингган карталарни текшириб, тузатиб чиқиш; в) сафар вақтида кундалик ёзib юбориш; г) Амударёнинг Қаспий денгизига бўлган эски йўли тўғрисида маълумот тўплаш; д) туркманлар ва уларнинг ҳарбий қувватлари, қўшни давлатлар билан олиб борган алоқалари, бир хонликдан иккинчи бир хонликка ўтган йўллар ҳақида ҳамда Ўрта Осиё хонликлари ва уларга қўшни бўлган давлатларнинг ҳарбий қувватлари ҳақида маълумотлар тўплаш; е) Амударёни ҳар тарафлама ўрганиш.

Савдо масаласида Н. Игнатьев ва Н. Залесовларнинг ёзишлирича, миссия Хева ҳукумати билан олиб борадиган музокараларида рус савдогарларидан олинадиган божни мазкур молниянг ҳақиқий баҳосининг 2,5 проценти миқдорида йилига бир мартаба олишга, шунингдек, савдо ишлари устидан назорат қилиб тuriш ҳамда Хевада рус савдо агентининг доимий туришига Хева ҳукуматини кўндиришдан иборат бўлган¹.

Миссия Н. Игнатьевдан ташқари секретарь, 2 таржимон, генеральний штабдан 2 офицер, 2 доктор, топограф көрпусидан 2 офицер, астроном, Фанлар академиясидан шарқ лаҗжаларини ўрганиш учун юборилган бир амалдор, Петербург университетидан бир студент, монах ва бошқа ҳарбий ҳам граждан амалдорларидан иборат бўлиб, фахрий қоровул ва хизматчилар билан бирга жами 117 киши ва уларнинг ихтиёрларида 204 от, 559 түя бўлган².

Россия ҳукумати томонидан Хева хонлигига ёрдам кўрсатиш учун капитан А. Бутаков бошчилигига икки кема тайинланиб, А. Бутаков миссияга ёрдам бериш учун Орол денизидан Амударёга кўтарилиши лозим эди.

Миссия 15 майда Оренбургдан йўлга чиқиб, 16 июлда Хева хонлигига етиб келади.

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 18-бет. Шунингдек, Н. Залесов. Уша асар, 427-бет.

² Н. Игнатьев. Уша асар, 3, 33, 35-бетлар.

Н. Игнатьев Хевага келган вақтда хонликда сиёсий вазият анча кескинлашган эди. Бу вақтда Сайдмуҳаммадхон эндиғина таҳтга ўтириб, мамлакат идорасини ўз қўлига олган ва ўзига қарши бўлган норози гуруҳларни ҳали тинчтиб ултурмаган эди. Бундан ташқари, қўнғиротликлар ва уларга қўшилган ёвмут, қорақалпоқлар Хева хони Сайдмуҳаммаддага қарши қўзғолон кўтариб, Қўнғирот ҳокими Қутлуғмуродни ва Қўнғиротта солиқ йиғиши учун юборилган Муҳаммадкаим девонбегини мулоzимлари билан ўлдириб, мол-мулкларини тортиб оладилар ҳамда Балғали уруғидан бўлган Оллоберди бекнинг ўғли муҳаммадпанаҳни хон қилиб кўтарадилар. Бу вақтда Сайдмуҳаммадхонга қарши бўлган гуруҳлар Муҳаммадпанаҳ атрофига тўпланадилар.

1858 йилда Н. Игнатьев бошлиқ рус миссияси Хева хонлигига етиб келган вақтда Қўнғиротда юз берган воқеалар ва қўнғиротликлар билан А. Бутаков ўртасидаги муносабатлар ҳақида Хева тарихчиси Муҳаммадиосуф Баённий асарида жуда қизиқ ва текширувчиларни жалб этадиган маълумотлар беради. Баённийнинг бу маълумотлари устида биз алоҳида тўхтамасдан, балки Қўнғирот воқеаларини ёритишда уларни келтирамиз ва авторнинг айтган баъзи бир маълумотлари устида тўхтаб ўтамиш.

Хева тарихчиси Баённийнинг ёзишича, Паноҳхон бошлиқ ўзбакия, ёвмудия бошлиқлари хат ёзил ва хатга ўз муҳрларини қўйиб, хатни Сирдарёнинг қуйи қисми ва Хоразм денизининг қирғоғида қалъя солиб, маскан тутган Россия тавойифига юборганлар. Хатнинг мазмуни қуидагича бўлган¹.

«Бизлар ўз хонимиздан юз қайтардик, алардин илтимосимиз булки, бир миқдор Россия лашкари мадад учун келиб, бизларнинг қалъамиизда бўлса, бизлар ихтиёrimiz анонини аниг қабзи иқтидорига топширсак ва сизлар билан бориш-келиш этиб, ҳимоятингиз соясида бўлиб, Россия лашкарининг ҳарна муаниси (талаби—Н. Г.) бўлса ўз муддаоларича аларга еткурсак»².

Н. Игнатьев ва Н. Залесов ўзларининг юқоридаги асаларида қўнғиротликлар томонидан русларга юборилган мазкур хат тўғрисида ҳеч нарса ёзмайдилар. Н. Игнатьев ўз китобида Г. А. Катениннинг Россия элчиларининг Хева хонлигига юборилганлиги тўғрисида туркманларни огоҳлантириш учун туркман қабилаларининг бошлиғи Отамуродга юборган қандайдир бир хати устида сўзлайди. Н. Игнатьевнинг сўзича, у бу хатдан бутунлай бехабар бўлган. Бу хат тасодифан хеваликларнинг қўлларига тушиб, хеваликлар гўё Г. А. Катенин Отамуродни

¹ Муҳаммадиосуф Баённий. Уша асар, 411 б.

² Муҳаммадиосуф Баённий, 411 б.

хон деб таниб, бу хатни юборган экан, деган миш-мишлар тарқаттганлар¹.

Баёний эса ўз асарида на руслар томонидан юборилган хатва на Отамурод хусусида ҳеч нарса ёзмайди.

Баёнийнинг сўзича хон Қўнғиротга юриш қилиш учун дарёдан кемалар билан ўтгётган вақтда унга Амударёда рус кемаларининг пайдо бўлганлиги ҳақида хабар берганлар. Хон ўз элчисини юбориб, кемаларнинг нима мақсадда келганликлари ни сўраганда, улар «рус подшоҳи ушбу подшоҳ (Хева хони—Н. Т.) билан элчи юборишиб, дўстлик этиб юрур эдилар, бизлар ул жиҳатдан икки юртни бир фаҳм этиб, сайдар тариқасидабу тарафга ўтдик, ҳеч кимга дахлимиз йўқ»², деб жавоб берганлар.

Бундан маълум бўлдики, улар Хева хонлигига келишдан ва Амударёга киришдан қандай мақсад ва нима муддаода бўлганликларини нима сабабданdir хеваликлардан яширганлар. Шунга кўра, иккала манбанинг икки хил маълумот беришига қарамай, А. Бутаковнинг қўнғиротликлар билан алоқаси бўлган, деб ишониш мумкин.

Баёний сўзини давом этдириб айтадики, кемалар «Қўнғирот қалъасининг ёнига келиб, иқомат лангарини ташладилар ва қалъага кирмоқ тақозоси билан бир неча кун бориш-келиш расмин бошлидилар»³.

Демак, А. Бутаковнинг олдига қўйилган вазифа фақат миссияни кузатиш ва, шунингдек, Хева хонлигига миссия хавфсизлигини таъминлаш билан чегараланмай, шунинг билан бир қаторда, Қўнғиротта юриш ва қўнғиротликларга ёрдам беришдан иборат бўлган.

Гарчи Баёнийнинг сўзича, хон Саидмуҳаммад рус кемаларини кўриб, уларнинг ҳеч кишига дахлсиз эканликларини эшишиб, орқага кетса ҳам, бизнингча, хон бу воқеага эътиборсизлик билан қараб турган бўлмаса керак. Хон Хевага қайттандан сўнг, Қўнғиротнинг ўзида Муҳаммадпаноҳга қарши бўлган реакцион кучларни ишга sola бошлаган. Чунки, воқеаларнинг боришича, гарчи қўнғиротликларнинг ўзлари руслардан ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлсалар ҳам, сўнгра улар рус кемаларининг Қўнғиротта киришига йўл қўймаганлар. Баёнийнинг сўзича, ҳатто «Қалъа аҳли (Қўнғирот қалъасининг аҳли—Н. Т.) аларни (русларнинг—Н. Т.) ичкарига киришига розилик бермай, балки, аларни тутмоқ ва молларини таламоқнинг фикрида бўлдилар. Руслар булардан огоҳлик топиб, филҳол учонларига кириб, қайтиб кетдилар»⁴.

¹ Н. И г н а т ь е в . Уша асар, 113—114-бетлар. Шунингдек, иккинчи эслатмага қаралсин.

² Баёний. Уша асар, Л. 418 б.

³ Баёний. Уша асар, Л. 411 б.

⁴ Баёний. Уша асар, Л. 411 б.

Н. Игнатьевнинг ёзишича, Хева хонлигининг савдогарлари ва Бухоро амири Хева хонидан рус кемаларининг Амударёга киришига рухсат бермасликни талаб қилганлар¹.

Баёний ҳам ўз асарида 1857—1858 йилларда Хевага Бухоро ва Қўйқон хонликларидан одатдан ташқари жуда кўп элчиларнинг келиб кетганларини сўзласа ҳам, уларнинг нима мақсадда келганликларини айтмайди².

Баёний ўзининг юқоридаги асарида Н. Игнатьевнинг 1858 йили Хева хонлигига келганлигини эслатиб ўтади, холос. У элчининг нима мақсадда келганлигини ва икки ўртадаги музокаралар тўғрисида ҳеч нарса ёзмайди. Баёний ўз асарида А. Бутаковни миссия билан бирга келган деб қарамасдан, уни биз юқорида айтиб ўтганимиздек, миссиядан ажратиб, гўё Қўнғиротга ёрдам учун юборилган бир куч деб билади.

А. Бутаков 7 бетдан иборат бўлган мақоласида шу вақтда, яъни миссия Хева хонлигига келган даврда Қўнғиротда бўлиб турган воқеалар тўғрисида анча маълумотлар беради. Унинг берган маълумотлари Мұҳаммадюсуф Баёнийнинг шу масалалар юзасидан берган маълумотларидан жуда оз фарқ қиласди.

А. Бутаков ўзининг мақоласида русларнинг Мұҳаммадпашоҳ бошчилигидаги Қўнғирот қўзғолончилари билан бўлган алоқалари, шунингдек, Н. Игнатьев миссияси ҳақида- ҳеч нарса ёзмайди. Унинг бу мақоласи жуда кичик бўлишига қарамай, шу вақтдаги Хева хонлигининг Қўнғирот билан бўлган муносабатларини ва Қўнғиротдаги воқеаларни ўрганишда катта ахамиятга эга.

Автор ўз мақоласида Хева хонлигининг Россия билан олиб борган савдо, иқтисодий ва дипломатик алоқалари ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. Шунинг учун биз бу асар устида ортиқча тўхтаб ўлтирумаймиз.

Манбаларнинг кўрсатишича, хон 1 августда Н. Игнатьевни қабул қилган. Элчи Россия ҳукумати томонидан топширилган ёрлиқ ва хатларни хонга тақдим қилган. 2 августда расмий музокаралар бошланиб, Н. Игнатьев Россия ҳукуматининг амири билан қўйидаги 6 моддадан иборат шартнома лойиҳасини хоннинг имзосига тақдим қилган.

1. Бундан сўнг Россияяга қарши очиқ ва яширин душманлик муносабатида бўлмаслик, Хева ўлкасига яқин бўлган ерларда яшовчи туркман, қирғиз (қозоқ—Н. Т.), қорақалпоқ қабилаларининг ораларида турли иғволар тарқатиб, уларни бир-бирларига ва, шунингдек, Россияяга қарши оёқлантирумаслик.

2. Ҳеч қандай талон-тарожларни, рус табақаларини тутиб, асирикка олишни ҳимоя қилмаслик; агарда Хева ҳукумати

¹ Н. Игнатьев, Ўша асар, 116-бет.

² Баёний. Ўша асар, Л. 411 б.

қўл остидаги қабилалар тюмонидан талончилик ишлари содир бўлган тақдирда, уларга дарҳол жазо бериб, талангани молларни қонуний ворисларига топшириши Россия ҳукуматига топшириш.

3. Хева ўлкасида бўлган рус фуқароларининг шахсий ва мулкий амниятлари учун бўлган масъулиятни устига олиш, Россия фуқароларига ҳеч қандай зарар ва монилиғ кўрсатмаслик, Россия табааларидан Хевада вафот этган тақдирда, қолган молларини уларнинг қонуний ворисларига топшириш учун рус чегара комиссарига қайтариш.

4. Россия кемаларининг Амударёда эркин юришларига рухсат этиш.

5. Хевага келтирилган рус савдогарларининг молларидан молнинг ҳақиқий сотилиш баҳосини эътиборга олиб, доимий суратда йилига бир марта—2,5 процентдан ортиқ бож олмаслик. Бу божни фақат бир марта, молнинг ҳақиқий баҳоси юзасидан олиш.

6. Савдо ишларига назорат ҳамда рус фуқароларининг ишларини идора қилиш учун Хевада доимий рус савдо агентининг туришига рухсат этиш¹.

Н. Игнатьев ҳам ўз навбатида, агар Хева хони юқоридаги талабларни қабул қилса, Хева хонлигига нисбатан Россия ҳукумати номидан 7 моддадан иборат шартномани қабул этажагини билдирган.

Бу шартноманинг мазмуни асосан ўтмишда Хева ҳокимлари томонидан Россияга нисбатан қилинган душманлик ҳаракатларни бутунлай унтиш, бошқа Осиё савдогарлари Россияда қандай ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдалансалар, Хева савдогарларига ҳам шундай ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш, Оренбургда Хева хонлигининг доимий савдо агентининг туришига рухсат этишдан иборат бўлган².

Н. Игнатьев томонидан Сайдмуҳаммадхонга тақдим қилинган шартнома лойиҳасининг биринчи, иккинчи, учинчи моддалари юзасидан Никифоров ва Данилевскийнинг Хева ҳукумати билан музокара олиб бориш натижасида, бу шартларни бажаришини Хева ҳукумати ўз устига олган бўлса ҳам, бироқ, орадан икки-уч йил ўтиб, бир хон ўлиб, унинг ўрнига иккинчиси ўлтиргандан сўнг, мазкур шартларга риоя қилинмасди. Рус фуқароларини тутиб асир этиш, савдо карвонларини талаш воқеалари рўй бериб турарди. Россия тобелигига ўтган қозоқларнинг ички ишларига аралашиш, улардан мажбурий суратда закот олиш, қозоқ исенчи қочқинларига хонликдан бошпана бериш ишлари

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 135—136-бетлар. Шунингдек, Н. Залесов. Уша асар, 44—45-бетлар.

² Н. Игнатьев. Уша асар, 45—46-бетлар.

Хева ҳукмронлари томонидан содир бўлиб турарди. Шунинг учун ҳам Н. Игнатьев Хева хонлигига юборилар экан, унга юқоридаги масалалар 1842 йилги шартномага биноан ҳал қилинган бўлишига қарамай, амалда бунинг акси бўлғанлиги учун Россия ҳукумати томонидан яна шу масалалар юзасидан Хева ҳукумати билан музокаралар олиб бориш топширилган эди.

Шартноманинг 5-моддасига келсак, яъни бож масаласида хон рус савдогарларидан олинадиган божни мазкур молнинг ҳақиқий баҳосининг 2,5 процент миқдорида йилига бир марта-ба олишга рози бўлган, ҳатто бу иш миссия Хевадагидаёқ амалда татбиқ қилинганлиги тўғрисида Н. Игнатьев қўйидаги мисолни келтиради:

«Хева бож оловчи амалдорлари рус савдо приказчиги Панфиловдан 520 сўм Хева червони (1040 сўмга яқин) бож талаб қилганлар. Н. Игнатьевининг хон билан олиб борган музокарасида хон рус савдогарларидан 2,5 процент миқдорида бож олишга рози бўлганидан сўнг, юқоридаги приказчик Панфиловдан 105 сўм Хева червони, яъни 210 сўм кумуш ҳисобида бож олинган. Бож олдингига қараганда қарийб 5 марта арzonлашган»¹.

Бундан ташқари, Н. Игнатьев хонга молларни сотиб бўлгандан сўнг, молнинг сотилган нархи юзасидан бож олишни таклиф қилганда, хон элчининг бу таклифини ҳам қабул қилган.

Н. Игнатьевнинг бу таклифидан рус савдогарлари жуда манфаатдор эдилар, чунки мол сотилмасдан илгари Хева бож оловчи амалдорлари божни кўпроқ олиш мақсадида молга оптиқ баҳо қўйишлари мумкин эди. Мол сотилгандан сўнг эса бож мазкур молнинг ҳақиқий баҳоси юзасидан тўланар эди.

Хева хонлигига рус савдо агенти қолдириш масаласига келганда, хон бу агентнинг савдо карвонлари билан бирга келиб вақтинча туришини, қачонки савдо операцияси тамом бўлгандан сўнг, чиқиб кетиши лозимлигини билдирган. Агентнинг Хевада доимий туришига у розилик бермаган².

Чегара масалаларида эса, гарчи Россия ҳукумати томонидан Н. Игнатьевга бу хусусида хон билан музокара олиб бориш юқлатилган бўлмаса ҳам, Хева хони агентдан Сирдарёning чап қирғонини, бутун Орол денгизи, Уст-Уртни Хева хонлигига қарашлик деб билишни талаб қилган³.

Н. Игнатьев ва Н. Залесовнинг ёзишларича, 2 августдан 28 августгача бўлган музокаралар давомида Хева хони Сайдмуҳаммад элчига ён бериб, юқоридаги тақдим қилинган шартнома

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 158, 159, 160-бетлар.

² Н. Игнатьев. Уша асар, 175-бет.

³ Н. Игнатьев. Уша асар, 153-бет.

Лойиҳасининг ҳамма моддаларига рози бўлса ҳам, шартноманинг 4-моддасига, яъни «Россия кемаларининг Амударёда эркин юришларига» розилик бермаган. Чунки, биринчидан, Бухоро ва Қўқон хонликларининг рус кемаларини Амударёга киргизмасликни Хева хонидан талаб қилган бўлсалар, иккинчидан, Амударёдан рус кемаларининг эркин юришларига Хева савдогарлари ҳам рози бўлишни истамас эдилар. Улар рус кемалари Амударёга кирган тақдирда, Хева билан Россия ўртасидаги савдодаги устунлик ўз қўлларидан рус савдогарларининг қўлларига ўтиб кетади, деб қўрқан эдилар. Буни Н. Игнатьев ва Н. Залесов ўз асарларида тўғри кўрсатиб ўтадилар¹.

Хева савдогарлари Россиянинг Ўрта Осиё билан бўладиган алоқасида воситачи эдилар. Улар ана шу савдодаги устунликни қўлдан беришни истамас эдилар. Шунинг учун ҳам миссиянинг келиши муносабати билан чақирилган кенгашда Хева савдогарларининг актив иштирок этганликларини Н. Игнатьев ўз асарида айтиб ўтади².

Музокаралар давомида Сайдмуҳаммадхон Н. Игнатьевга ён бера бошлишига қарамай, 21 августдаги воқеа хоннинг миссияга нисбатан бўлган шубҳасини яна оширди.

21 августда хонга ясовулбоши, «Перовский» кемаларидан қайиқлар юборилиб, руслар дарёни ва унинг қирғоқларини расмга олаётирлар, шунингдек, Қўнғиротдан Эрон асиirlари пароходга қочдилар ва буларга руслар ҳомийлик қилмоқда, деган хабар етказди.

Эрон асиirlарининг қочиши ва уларга русларнинг ҳомийлик қилишлари хеваликларни саросимага солиб қўйди, деб, Н. Игнатьев тўғри ёзади³. Чунки, Хева хонлигига Эрон асиirlаридан хўжаликнинг ҳар турли соҳаларида фойдаланар эдилар. Улар ўзларининг қўлларидаги ишчи кучини йўқотишдан хавфсирай бошладилар.

Бундан ташқари, Н. Игнатьев сўзича, 21 августда Қўқон хони ҳам Сайдмуҳаммаддан рус кемаларининг Амударёда эркин юришларига руҳсат этмасликни сўраган⁴.

Бу воқеалардан сўнг, Хева ҳукумати Н. Игнатьевдан рус пароходларини Амударёдан олиб кетишни ва Эрон асиirlарини қайтаришни талаб қилган. Эндиликда, Н. Игнатьев Хева хонлигига туришдан бирор фойда чиқмаслигини билиб, 1858 йили август ойida Бухорога кетган.

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 150—153-бетлар. Н. Залесов. Уша асар, 47-бет.

² Н. Игнатьев. Уша асар, 150-бет.

³ Н. Игнатьев. Уша асар, 168-бет.

⁴ Н. Игнатьев. Уша асар, 171—172-бетлар.

Хон томонидан рус императорига ҳадя тариқасида элчига
2 аргимоқ ва бошқа инъомлар топширилган.

Н. Игнатьев Хева хонлигида ўз олдига қўйилган вазифани амалга ошира олмади. У турли йўллар билан ҳаракат қўлса ҳам, унинг ташаббуслари самарасиз қолди. Н. Игнатьев миссиясининг натижасиз тугашига сабаб, миссия составида аскарий кучларнинг кўплиги ва бунга нисбатан Хева хонининг зўр шубҳа билан қарashi, шунингдек, икки ўргада келишмовчиликка сабаб бўлган, биз юқорида сўзлаб ўтган шартноманинг 4-моддаси, яъни «рус кемаларининг Амударёда эркин юришилари га руҳсат этиш масаласи» эди.

Бироқ, Н. Игнатьев ўз асарида «Миссия ўз олдига қўйган асосий мақсадга эришди, яъни бизнинг Амударёда олиб борган топографик съемкаларимиз жуда муваффақиятли чиқди»¹, деб ёзади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Н. Игнатьев ўз асарида Хева хонлиги билан Россия ўртасида савдо ва иқтисодий алоқалар тўғрисида деярли ҳеч нарса ёзмайди. Шунинг учун биз бу масалалар устида тўхтаб ўтирумадик.

1858 йили миссия составида қатнашган Н. Залесов ўзининг «Военный Сборник» да 1858—1859 йилларда босилиб чиқсан «Письмо из Хивы» номли мақоласида миссиянинг маршрути Уст-Уртдан Қўнғиротгача бўлган сафар, у ердаги халқлар, миссиянинг Ойбуғирдан ўтиш воқеалари, Хева шаҳри, унинг иқлими, халқи, кўчалари, бозорлари, карвон саройлари, шаҳарнинг девор ва дарвозалари, Хева хонлигидаги асиirlар устида сўзлаб, қисман бўлса ҳам Хева хонлигининг Эрон, Бухоро ва Россия билан олиб борган савдоси устида тўхтаб ўтади. Шунинг учун ҳам Н. Залесовнинг бу мақоласи катта аҳамиятга эга.

Автор ўз мақоласида Хева хонлигининг Эрон, Бухоро билан олиб борган савдоси жуда аҳамиятсиз эканлигини сўзлаб, ўзининг Хевадалик вақтида Машҳаддан 30 туюдан иборат икки кичик карвон, Бухородан 8 туюдан иборат икки кичик карвон келганлигини айтади².

Н. Залесовнинг ёзишича, Эрон савдогарларининг моллари асосан дока, гилам, Бухоро савдогарларининг моллари эса ипак, мата, хитой чинниси ва қоракўлдан иборат бўлган³.

Н. Залесов Хева хонлигининг Эрон ва Бухоро билан савдосининг ривожланмаслигига сабаб, йўлдаги аломонлар томонидан карвонларнинг таланиши, йўлларнинг ниҳоят даражада нотич эканлигига эди, дейди. Унинг бу сўзи тўғри, бундан таш-

¹ Н. Игнатьев. Уша асар, 163-бет.

² Н. Залесов. Уша асар, 282-бет.

³ Уша асар, 282-бет.

қари, мамлакат ичида ўзаро урушларнинг кучайиши натижасида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши Хева хонлигининг ташқи савдосини тушкунликка олиб келган эди.

Н. Залесов ўз мақоласида Хева хонлиги ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан ташқари, асосан, ўзининг бутун эҳтиёжини Россия моллари билан таъминлайди, деб жуда тўғри ёзади. Хева Россия молларини ўз эҳтиёжи учун ишлатиш билац бирга қўшни давлатлар билан савдо қилишда ҳам бу молларни ишга солар эди. Хева хонлигининг ўзи маҳсулотни жуда кам ишлаб чиқариши туфайли, қўшни давлатлар билан олиб борган савдосида, хом теридан ташқари, Россия молларининг салмоғи катта эди.

Масалан, Н. Залесовнинг ёзишича, Хева Бухорога Россиядан олган темир буюмларни чиқарған¹.

Н. Залесов сўзини давом этдириб айтадики, «...Биз бутун шаҳарни айланиб чиқдик, шаҳардаги дўконларда жуда оз миқдорда Эрондан ўтган, инглиз савдосига мансуб бўлган дока ва чойдан ташқари ҳеч қандай Европа молларини учратмадик. Унда рус фабрикасига мансуб бўлмаган бирор нарса ҳам топмадик»².

Бундан Хева хонлигининг ҳаёти учун Россия билан савдони кучайтириш нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги равшан кўринади.

Н. Залесов ўзининг мазкур мақоласида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқа ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. У фақат 28 июлда Н. Игнатьевнинг Хева хони билан учрашганлиги ҳақида эслатиб ўтади, холос.

Н. Залесов Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқа тўғрисида, яъни Н. Игнатьев миссияси ҳақида 1871 йили «Русский Вестник» журналида нашр этилган «Посольства в Хиву и Бухару в 1858 году полковника Н. Игнатьева» номли мақоласида Н. Игнатьевнинг Хева хонлигига келиши, миссия состави, Н. Игнатьевга топширилган вазифа, Хева хони билан олиб борилган музокаралар ҳақида кўпгина маълумотлар беради. Унинг берган маълумотлари Н. Игнатьевнинг шу масалалар хусусида берган маълумотларидан деярли фарқ қилмайди. Шунинг учун биз бу асар устида алоҳида тўхтаб, уни шарҳлашни лозим топмадик. Умуман Н. Игнатьев миссияси ҳақида сўзланганда бу икки мақола устида гапирилди.

Автор ўз мақоласида Хева хонлигининг тарихи, географияси, шунингдек, унинг Россия билан олиб борган савдо алоқалари ҳақида ҳеч нарса ёзмайди.

¹ Уша асар, 282-бет.

² Н. Залесов. Уша асар, 283-бет.

1858 йилги Н. Игнатьев миссияси ҳақида шу миссия соста-
вьида қатнашган П. Назаров жуда қисқа бўлса ҳам сўзлаб ўта-
ди. Унинг бу мақоласи 16 бетдан иборат бўлиб, автор унда
миссия ҳайати, миссиянинг йўлга чиқишидан олдинги тайёргар-
лик ишлари, миссия маршрути, миссиянинг кун тартиблари, бо-
сиб ўтган йўллари ва у йўллардаги халқлар ҳақида сўзлайди.
Унинг бу мақоласи миссиянинг асосан Хева хонлиги чегарасига
келгунгача бўлган масофадаги воқеаларни ичига олади.

П. Назаров ўз мақоласида Ўрга Осиёга ҳеч қачон бунчалик
катта сафар ҳайати юборилмаганилигини, бу ҳайатда миссия
бошлиғидан ташқари турли соҳага мансуб бўлган 16 мутахас-
сис бўлганлигини айтади¹.

Автор ўз асарида Хева хонлигининг Россия билан олиб бор-
ган савдо ва иқтисодий алоқалари тўғрисида ҳеч нарса ёзмай-
ди. Шунинг учун биз бу асар устида тўхтаб, уни характерлаб
ўтирамадик.

Н. Игнатьев миссияси ҳақида шу миссия ҳайатида қатнаш-
ган Е. Кливейн ҳам ўзининг мақоласида маълумот беради.
Унинг бу мақоласи 14 бетдан иборат².

Автор ўз мақоласида миссиянинг Айбуғирдан ўтиши, Хева
элчилари томонидан кутиб олиниши, Н. Игнатьевнинг хон билан
биринчи мартаба учрашиши, миссия келган вақтда Хева хонли-
гидаги сиёсий аҳвол, Хева хонлигига яшайдиган халқлар, улар-
нинг сони, урф-одатлари тўғрисида маълумотлар беради.

Е. Кливейн мақоласида Н. Игнатьевнинг Хева хонлигидаги
дипломатик фаолияти ва Хева хонлигининг Россия билан олиб
борган савдо алоқалари устида тўхтамайди. Шунинг учун биз
унинг мақоласи устида фикр юритиб ўтирамадик.

Хулоса қилиб айтганимизда, мазкур авторларнинг асарла-
ри ҳажми жиҳатдан унчалик катта бўлмаслигига ва уларда ха-
то ва камчиликлар мавжуд бўлишига қарамай, XIX асрнинг
50-йилларида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги диплома-
тик муносабатларни ўрнатишда катта аҳамиятга эга бўлиб, би-
ғинчи даражали манбалар ҳисобланадилар. Тарих фанини
янги материаллар билан бойитишда бу кейинги авторларнинг
хизматлари катта. Чунки улар ўз асарлари билан Хева хонли-
гининг тарихи, унинг Россия билан олиб борган муносабатлар
тарихини ўрганишда Н. Муравьев, Г. И. Данилевский ва бошқа
авторлар берган маълумотларни бир мунча тўлдирадилар ва бу
маълумотларни сўнгти даврларга оид янги-янги материаллар
билан бойитадилар.

¹ П. Назаров. Ўша асар, 374-бет.

² Е. Кливейн. 195-бетдаги 5—сноскага қаранг.

Уларнинг асарлари тарихчилар учун XIX асрнинг 50-йилларида Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги муносабатларни ўрганишда, Хева хонлигининг тарихини ёритишда асосий манба сифатида хизмат қиласи.

* * *

XIX асрнинг 20—50-йилларида Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишда Россиядан Хева хонлигига юборилган элчи, миссия бошлиқлари, шу миссия составида қатнашган кишилар томонидан ёзилган асарлар, Хева хонлигидан асирикдан қочган рус кишиларининг ҳикоялари, айрим кишиларнинг оғзаки ва ёзма ҳолда берган маълумотлари асосида ёзилган асарлар, шунингдек Хева хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид босилиб чиққан документлар, ҳамда баъзи бир Шарқ қўлёзма асарларида берилган маълумотлар, биринчи даражали манба сифатида хизмат қиласи.

Бу манбаларда Хева хонлигининг Россия билан олиб борган савдо ва иқтисодий алоқалари, савдо йўллари, савдо буюмлари ва савдонинг икки мамлакат ҳаётидаги аҳамияти, хусусан Россия билан бўлган савдо алоқаларидан Хева хонлигининг манфаатдорлиги, Россиядан Хева хонлигига юборилган элчи ва миссиялар ва уларнинг вазифалари, Хева ҳукумати билан олиб борган музокаралари ҳақида жуда кўп маълумотлар бор.

Бу манбаларнинг аҳамияти яна шундаки, уларнинг авторлари икки ўртадаги савдо ва дипломатик алоқалар устида сўзлаш билан кифояланмасдан, балки Хева хонлигининг этнографиясига, тарихи ва географиясига оид жуда кўп қимматли маълумотлар берганлар.

Бу асарлар XIX асрнинг биринчи ярмида Хева хонлигининг социал, иқтисодий ва сиёсий аҳволидан, унда яшайдиган халқларнинг урф-одатларидан, Хева хонлигининг қўшни давлатлар билан олиб борган муносабатларидан, Хева, Бухоро ва Эрон ҳукуматларининг таловлари остида қолган туркман ва қорақалпоқ қабилаларининг аянч аҳволларидан хабар берувчи ягона манбалардир.

Мазкур манбаларнинг қиммати ана шундаки, уларда XIX асрнинг 30—40-йилларида инглиз колонизаторларининг Ўрта Осиёда, шу жумладан Хева хонлигидаги тажовузкорлик ишларининг кучайиши, уларнинг турли йўллар билан Ўрта Осиёга суқилиб киришга интилишлари ҳамда Ўрта Осиё хонликларининг Россия билан қадимдан давом этиб келаётган алоқаларини бузиш, Ўрта Осиёда Англия таъсирини жорий қилиш учун олиб борган агресив ишларининг барбод бўлиши ҳақида, умуман инглиз тажовузкорларининг агресив муддаоларини фош этишда ажойиб маълумотлар бор.

Бу манбаларнинг авторлари ўз асарларини ўз кўзлари билан кўрган ва сўраб билган маълумотлари асосида ёзганлар. Жуда кўп масалаларда уларнинг берган маълумотларининг тўғрилигини Шарқ қўлёзма асарлари ва Хева хонлигидаги асирикдан қочган рус кишиларининг берган маълумотлари тасдиqlайди.

Гарчи Шарқ қўлёзма асарларида, шунингдек, рус асириларининг ҳикояларида мамлакатнинг экономикаси ва Хева хонлигининг Россия билац олиб борган алоқалари ҳақида маълумот жуда оз бўлса ҳам, аммо асарда шарҳланган Н. Муравьев, М. Иванин, Г. И. Данилевский ва бошқа авторларнинг асарларида, Н. Залесов, П. Назаровларнинг мақолаларида бу масалалар тўғрисида жуда кўп ажойиб маълумотлар берилган.

Бу асарларнинг қиммати яна шундаки, унда Амударё ва Сирдарёлар, Қаспий ва Орол дengизлари, Хева хонлиги билан Оренбург ўртасидаги Қозоғистон чўллари, бу ерларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иқлими, физик-географик хусусиятлари ва бу ерлarda яшайдиган халқлар тўғрисида қимматли маълумотлар бор.

Гарчи бу маълумотлар Хева хонлигининг тарихи ва унинг Россия билан олиб борган алоқаларини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, шу вақтга қадар бизнинг манбашуносларимиз томонидан алоҳида текширилмади. Бу асарларнинг босилиб чиққанига бир асрдан ортиқроқ давр ўтиб, улар ҳозирги кунда нодир библиографик асар бўлиб қолганлар.

Юқоридаги асарларнинг авторлари қайси бир социал груп-пага мансуб бўлишлари ва уларнинг асарларида айrim камчилклар содир бўлиб туришидан қатъий назар, улар ўз асарлари билан рус шарқшунослигини Ўрта Осиё халқлари ҳақида янги янги маълумотлар билан бойитишада муҳим аҳамиятга эга.

Мавжуд ишда шарҳланган манбалар Хева хонлигининг тарихини ва унинг Россия билан олиб борган алоқаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиё халқларининг бойтариҳ хазинасини безатувчи бебаҳо маданий ёдгорлик ҳисобланади.

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ

I. МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ КЛАССИКЛАРИ

- Маркс К.** Британское владычество в Индии. Маркс К и Энгельс Ф., Сочинения, т. IX, М., 1933.
- Маркс К.** Будущие результаты британского господства в Индии. Маркс К. и Энгельс Ф., Сочинения, т. IX, М., 1933.
- Маркс К.** ва Энгельс Ф. Коммунистлар Партиясининг Манифести. Ўздавнашр, Тошкент, 1950.
- Энгельс Ф.** Русия Ўрта Осиёда. Ўздавнашр, Тошкент, 1940.
- Энгельс Ф.** Внешняя политика русского царизма. Маркс К. и Энгельс Ф. Сочинения, т. XVI, ч. II, М., 1936.
- Энгельс Ф.** Марксу К. „Письмо от 23 мая 1851 года“. Маркс К. и Энгельс Ф. Сочинения, т. XXI, М.—Л., 1929.
- Энгельс Ф.** Марксу К. „Письмо от 6 июня 1853 года“. Маркс К. и Энгельс Ф. Сочинения, т. XXI, М.—Л., 1929.
- Ленин В. И.** Империализм капитализмнинг юқори босқичи. Асарлар, т. 22, Тошкент, 1952.
- Ленин В. И.** Иқтисодий романтизм тарихи тўғрисида. Асарлар, т. 2, Тошкент, 1918.
- Ленин В. И.** Россияда капитализмнинг тараққиёти. Асарлар, т. 3, Тошкент, 1949.
- Ленин В. И. и Сталин И. В.** Статьи и речи о Средней Азии и Узбекистане. Сборник Ташкент, 1940.
- Сталин И. В.** О статье Ф. Энгельса „Внешняя политика русского царизма“. „Большевик“, 1949, № 9.

II. ТАРИХИЙ МАНБАЛАР

- Архив государственного совета.** Т. 1, ч. II, СПб., 1869.
- Аҳмад Маҳдум Дониш.** Рисолай таржумай аҳволи амирони Бухорои шариф. (رسله ترجمه احوال امیران بخارا شریف). Қўлзэм, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Инв. № 1987.
- Basiner, Th. F.** Naturwissenschaftliche Reise durch die Kиргisensteppe nach Chilwa. Sf. Petersburg 1848.
- Баёний М. Ю.** Шажараи-Хоразм шоҳи (شجره خوارزمشاھی). Қўлзэм, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Инв. № 9596.
- Беневени Ф.** [Реляции из Бухары], в кн. Попов А. Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом, ЗРГО, т. IX, 1853.
- Бернс А.** Путешествие в Бухару: Рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подъёмами Великобританского короля и отчёт о путешествии из Индии в Кабул, Татарию, Персию, предприня-

- том по предписанию Высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индской компанейской службы Александром Бернсом, Издание П. В. Голубкова, т. I—III, М., 1848—1849.
- Бланкеннагель.** Путевые заметки майора Бланкеннагеля о Хиве в 1793—94 гг. с примечаниями В. В. Григорьева, ВР. ГО, т. XXII, 1858.
- Богословский 2-й.** Записка о долине Зеравшана и горах ее окружающих. „Горный журнал”, СПб, 1842, кн. X, ч. 2.
- Будрин.** Русские в Бухаре в 1820 году [записки очевидца]. „Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год”. Оренбург, 1871.
- Бутаков А. И.** Эпизод из современной истории Средней Азии. „Отечественные записки”, 1865.
- Бутаков А. И.** Несколько страниц из истории Хивы. Материалы для статистики Туркестанского края, СПб, 1873.
- Бутенев К.** Минеральные богатства Бухарии. „Горный журнал”, 1842, ч. IV, кн. 1.
- Бутенев К.** Заводское дело в Бухарии. „Горный журнал”, 1842, ч. V, кн. 11.
- Бутенев К.** Монетное дело в Бухарии. Там же.
- Бутенев К. Ф.** Замечания о ковке булаты в Бухарии. Там же.
- Бутенев К. Ф.** Об увеличении сбыта изделий русских горных заводов в Бухаре. Там же
- Бутенев К. Ф.** Результаты метеорологических наблюдений на пути из Оренбурга в Бухару во время пребывания в ней 1841—1849 гг. Там же.
- Бухарские лекаря** (Из путешествия в Бухарию доктора Эверсмана). „Сибирский вестник”, 1823, ч. 4, кн. 20 и 21.
- Вамбери А.** Город Бухара. „Туркестанский сборник”, т. 6.
- Вамбери А.** Путешествие по Средней Азии. СПб, 1865.
- Вести от русских из Бухары** (Выписка из партикулярного письма) „Вестник Европы”, т. CXVII, № 7—8.
- Wolff, J.** Narrative of a Mission to Bokhara in the years 1843—1845 to ascertain the fate of Colonel Stoddart and captain Conolly. New-York, 1845.
- Галкин М. Н.** О военных силах Бухарского эмира. Показание русских пленных, возвращенных из Бухары в 1858—59 гг. В кн. Галкин М. Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю, СПб, 1868.
- Данилевский Г. И.** Описание Хивинского ханства. ЗРГО, т. V, 1851.
- Залесов Н.** Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843 гг. „Военный сборник”, кн. 27, № 9, 1862.
- Залесов Н.** Письмо из Бухары. „Военный сборник” т. XII, 1864.
- Залесов Н.** Посольство в Хиву и Бухару полковника Игнатьева в 1858 г. „Русский Вестник”. 1871, т. 91, № 2; т. 92 № 3.
- Залесов Н.** Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. „Военный Сборник”, 1861, № XI.
- Залесов Н.** Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. „Туркестанский Сборник”, т. 5, 1867.
- Залесов Н.** Письма из Хивы. „Военный Сборник” № 4—8, 1858; № 1, 1859.
- Захарьин И. П.** (Якунин). Граф. В. А. Перовский и его зимний поход в Хиву, ч. 1—2, СПб, 1901.
- Иванин М. И.** Описание зимнего похода в Хиву в 1839—1840 гг. СПб, 1874.

- Иванов П. П.** Хозяйство джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв., ИВА СССР, М.—Л., 1954.
- Игнатьев Н.** Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника Н. Игнатьева, СПб, 1897.
- Известия о возвращении императорской российской миссии в 1820 году из Бухарии**, „Сибирский Вестник“, 1821, ч. 15.
- Из архива джуйбарских шейхов.** Материалы по земельным и торговым отношениям Средней Азии XVI в., т. I, М.—Л., 1938.
- Кайдалов Е.** Караван-записки во время похода в Бухарию российского каравана под воинским прикрытием в 1824 и 1825 годах, веденные начальником оного над купечеством Евграфом Кайдаловым. В трех частях, М., 1827—1828 гг.
- Килемейн Е.** Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о ханстве во время правления Сейид-Мухаммед-хана. 1856—1860 гг., ЗРГО, 1861, № 1.
- Conolly A.** Journey to the North of India Overland from England through Russia, Persia and Afghanistan London. 1838.
- Костенко Л. Ф.** Город Бухара в 1870. „Военный сборник“, 1870, т. 76.
- Костенко Л. Ф.** Туркестанский край. Опыт статистического обозрения Туркестанского военного округа. (Материалы для географии и статистики России), т. I—III, СПб., 1880.
- Краткое описание Бухарии и Хивы. „Сибирский вестник“, издаваемый гр. Спасским, 1823 г., ч. 1, СПб., 1823.
- Kohler M.** Description d'un medallion rapporte de Boukharie par M. le Colonel Baron Georges de Meyendorff, B. kn. G. Meyendorff, pp. 321—328.
- Крестовский В. В.** В гостях у эмира Бухарского (путевой дневник), СПб., 1887.
- Lehmann A.** Reise nach Buchara und Samarkand in den Jahren 1841 und 1842. Nach den hinterlassenen Schriften Olesselben bearbeitet und mit Anmerkungen versehen von G. v. Helmersen. St. Petersb. 1852.
- Маҳмуд Маҳмуди.** تاریخ روایت سیاسی ایران و انگلیسی در فرن نو زدهم میلادی. تالیف محمود و محمودی. جلد دوم. اردبیل شهودت ماہ ۱۳۲۹، شهر تهران.
- Қўлёзма, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, инв. № 289.
- Материалы по вопросу о торговых путях в Среднюю Азию, СПб., 1869.
- Материалы по истории туркмен и Туркменистана.
- Иранские, бухарские и хивинские источники XV—XIX вв., т. II, Труды ИВ АН, XXI, М.—Л., 1938.
- Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. (Торговые сношения Московского государства с народами Средней Азии в XVI—XVIII вв.). Труды Историко-археографического института и ИВ АН СССР, т. 1, кн. 3. Л., 1932.
- G. Meyendorff.** Voyage d'Orenbourg à Boukhara fait en 1820, à travers les steppes qui s'étendent à l'est de la mer d'Arab et au-delà de l'ancien Jaxartes. Redigé par M. le baron G. de Meyendorff et revu par M. le chevalier Anikde Jaubert. Paris, 1826.
- G. Meyendorff,** Reise von Orenburg nach Bouchara im Jahre 1820. (Baron G. de Meyendorff), Nach dem franz. original bearbeitet von C. Herm. v. Scheider. Jena 1826.
- Мейендорф Г.** Краткое начертание путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году. „Северный архив“, 1822, №2.
- Мейендорф Г.** Нравственное состояние Бухарии (Из книги „Путешествие в Бухару“. Пер. А. Каменский. „Северный архив“, 1826, ч. 24—25

- Мейендорф Г.** О бухарской торговле (Из путешествия в Бухарию барона г. Мейендорфа в 1820 г.). „Журнал мануфактур и торговли”, 1832, № 6.
- Мейендорф Г.** Статистический взгляд на Бухарию, (Из книжки „Путешествие в Бухарию полковника барона Мейендорфа”. С франц. А. Каменский, „Северный архив”, 1826, ч. 23).
- Mir Abdoul Kerim Boukhary.** *Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khokand) depuis les derniers années du règne de Nadir-Chah (1153) jusqu'en 1233 de l'Hégira (1740—1818).* Publiéé, traduite et annotée par Charles Schefer. Paris 1876.
- Мирза-Шемс Бухари.** О некоторых событиях в Бухаре, Коканде и Кашгаре. Записки Мирзы-Шемса Бухари, изданные в тексте с переводом и примечаниями В. В. Григорьевым. Казань, 1861.
- Мулла Олим.** Тарихи Туркестан (ناریخ ترکستان). Тошкент, 1915.
- Мулла Ибодулла ва Мулла Мұхаммадшариф** Тарихи амир Ҳайдар Кўлёзма, ЎзССР Фанлар академияси (ناریخ امیر حبیر)
- Шарқшунослик институти, инв. № 1836.
- Мулла Ниёзмуҳаммед бин Ашурмуҳаммад** .Тарихи шоҳрухи“ (و خى) (ناریخ شهر) Кўлёзма, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, инв. № 1787.
- Мулла Нияз-Мухаммед-Бен Ашур Мухаммед.** Тарихи шаҳрухи. История владетелей Ферганы. Изд. Н. Н. Пантусов. Казань, 1885.
- Мулла Тииши Наханий.** Шарофнома" и шоҳи (شر فنامه شاهی) Абдулланома (عبدالله فنامه). Кўлёзма, ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, инв. № 2207.
- Мунис-Огаҳий.** Фирдавсул Иқбол (فردوسی الاقبال), Риёзуд-Довла (ریاض الدوله). Кўлёзма. ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Инв. № 821. Кўлёзма, СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти. Ленинград, инв. № Е-6.
- Муравьев Н. Н.** Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров, ч. 1—2, М., 1822.
- Morrerrost W. and Trebreak G.** Travels in Hindostan and Panjab In Jradak and Kashmir in Peshawer, Kabul Kundur and Bochara from 1819 to 1825. London. 1841.
- Назаров П.** Воспоминания о степном походе миссии флигель-адъютанта Игнатьева в ханства Хиву и Бухару. „Военный сборник“, 1864, № 4.
- Некоторые сведения о Бухарии. (Получены из достоверных источников) „Отечественные записки“, 1821, ч. 6, кн. XII—XVI и XVII.
- Новое путешествие россиян в Бухарию по делам торговли, касающимся. Историч. стат. и географич. журн. 1821, ч. 2, № 5.
- О путешествии Г. Мейендорфа в Бухарию. „Северный архив“, 1825, № 24.
- Описание пути из Оренбурга к Хиве и Бухарии с принадлежащими обстоятельствами бывшего при отправленном в 1753 году из Оренбурга в те места купеческом караване Самарского купца Даниила Рукавкина, „Новости литературы“, кн. 5, 1829.
- Об отправлении каравана из Оренбурга в Бухарию. „Азиатский вестник“. Январь, 1825.
- Отрывок из путешествия в Бухарию полковника барона Мейендорфа в 1820 - 1821 гг. „Северный архив“, 1824, № 1—3.

- О** торговом значении Средней Азии в отношении к России. „Русский вестник“, 1862, № 10.
- Отрывок из** „Путешествия доктора Эверсмана в Бухарию в 1820 и 1821 гг.“, Пер. с нем. В. Тилло. „Новости литературы“, 1824, ч. 8, № 15—16 и 17.
- Pander M.** *Histoire naturelle de la Boukharie*, в кн. G. Meyendorff, pp. 349—479.
- Путешествие из** Оренбурга в Бухару. „Казанский вестник“, ч. 18, 1826, кн. 12.
- Путешествие из** Оренбурга в Бухару в 1820. Изд. бароном Мейендорфом. „Русский инвалид“, 1827, № 45, 47 и 48.
- Путешествие из** Оренбурга в Бухару через степи, простирающиеся на восток от моря Аральского и древнего Яксарта, описанное Егором Мейендорфом, полковником Генерального штаба и просмотрено Амадеем Жобером. Париж, 1826. „Московский телеграф“, 1926, ч. X, № 15, ч. XI, № 16.
- Путешествие из** Сибирской линии до Ташкента и обратно в 1800 г. (Выбрано из бумаг г.г. шихтмейстеров Бурнашева и Поспелова). „Сибирский вестник“, изд. Гр. Спасским, 1818, ч. 4.
- Путешествие через Сибирь от Тобольска до Нерчинска и границ Китая** русского посланника Сиафария в 1675 г. СПб, 1882.
- Рассказ пленника Ф. Ф. Грушина.** Сочинение Владимира Даля. Новое издание, т. II, 1861.
- Рассказ вышедшего из хивинского плена Астраханского мещанина Тихона Иванова-Рязанова.** „Утренняя Заря“ (Альманах), СПб, 1839.
- Рассказ русского пленника из Хивы, Якова Зиновьева.** 1838 г., „С. Петербургские Ведомости“, 1839, № 22, 23, 24.
- Ризокулихон Лола боши.** Сафаратномай Хорезм (سفرنامه خوارزم)
- Париж, 1876.
- Российского унтер-офицера Ефремова, ныне коллежского ассессора, десятiletнее странствование и приключение в Бухарии, Хиве, Персии и Индии, возвращение оттуда через Англию в Россию, описанные им самим,** СПб, 1786.
- Савельев П.** Бухара в 1835 году. С присоединением известий обо всех европейских путешественниках, посещавших этот город до 1835 включительно, СПб, 1836.
- Сборник князя Хилкова,** СПб, 1879.
- Сведение о Бухарии.** „Журнал Министерства внутренних дел“, 1835, ч. 18.
- Семенов А.** Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле и промышленности с половины XVII-го столетия по 1858 год, ч. 1—3, СПб, 1859.
- Senkowski J.** *Description des monnaies Boukhares.* В кн. G. Meyendorff, pp. 309—320.
- Senkowski J.** *Nature sur la rauté commersale de semi—Palatynsk a Cashemire, Parles villes d Eileh, d' Akson, de Jarken et de Tibet.* В кн. G. Meyendorff, pp. 329—345.
- Серебренников А. Г.** Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания (1840—1852) Ташкент, 1912—1916.
- Спасский Г.** Новейшее описание Великой Бухары, составленное на основании сведений, большей частью на месте собранных. „Азиатский вестник“, 1825, кн. 1, 2, 4, 5 и 6.
- Статистические известия о Бухарии.** „Северный архив“, 1823, № 6.
- Странствование надворного советника Ефремова в Бухарии, Хиве, Персии и Индии и возвращение оттуда через Англию в Россию.**
- Новое испрavл. и умнож. издание,** СПб, 1794.
- Ханыков Н. В.** Описание Бухарского ханства, СПб, 1843.
- Ханыков Н. В.** Очерки Бухары. „Отечественные записки“, 1843, т. 26, № 2.

- Ханыков Н. В.** О населении киргизских степей, занимаемых Внутренней и Малой ордами. „Журнал Министерства внутренних дел”, 1844, ч. 10.
- Ханыков Н. В.** Городское управление в Средней Азии. Там же, 1843.
- Ханыков Н. В** Самарканд. Рассказ очевидца. „Русский инвалид”, 1868, № 161.
- Хрулев С.** Проект устава товарищества для развития торговли с Средней Азией. „Журнал промышленности”, 1865. № 1.
- Шавров Н. А.** Доклад Н. А. Шаврова о торговых путях в Азию (стенограмма на заседании комитета Об-ва содействия русской торговле и промышленности от 29/XI—1872. Тр. Общества содействия русской торговле и промышленности, вып. 2, ч. 11, 1873.
- Eversmann. E.** Reise von Orenburg nach Buchara, Nebst einem Wortverzeichniss aus der afghanischen Sprache, begleitet von einem naturhistorischen Anhange und einer Vorrede von N. Lichtenstein Berlin. 1823.
- Эверсман Э.** Письмо доктора Эверсмана, находившегося при Российской миссии в Бухарии, полученное 1 марта 1821 года в С. Петербурге. „Северный архив”, 1822.
- Юсупов Шемс.** Два рассказа Мирзы Шемса Бухары, СПб, 1859.
- Яковлев П.** Въезд в город Бухару Российской Императорской миссии в 1820 году (20 декабря 1820 г.), „Сибирский вестник”, 1822, ч. 19.
- Яковлев П.** Замечания на статью под названием „Некоторые сведения о Бухарии”, напечатанную в Отечественных записках в 1821 г. „Сибирский вестник”, 1824, ч. 2.
- Яковлев П.** Русский капран Топчи-баши у бухарского хана. „Отечественные записки”, 1822, ч. II, кн. XIX.

III. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

- Айний С.** Тарихи амирони Мангитиян Бухоро. Тошкент, 1925.
- Аленицын В.** Несколько замечаний о путешествии Джэнкинсона в Хиву в 1559 г. ЗРГО, т. VI, СПб, 1879.
- Бартольд В. В.** История изучения Востока в Европе и в России. Изд. 2-е, Л., 1925.
- Бартольд В. В.** История культурной жизни Туркестана. Л., 1927.
- Бартольд В. В.** К истории орошения Туркестана. СПб, 1914.
- Бартольд В. В.** Туркестан в эпоху монгольского нашествия. СПб, 1909.
- Бартольд В. В.** Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII в., ЗИРГО, т. 34, 1909.
- Богданов М. И.** Обзор экспедиций естественно-исторических исследований в Арабо-Каспийской области с 1720 по 1874 г., СПб, 1875.
- Брагинский И. С.** Раджабов С. и Ромодин В. А. „К вопросу о значении присоединения Средней Азии к России”. „Вопросы истории”, 1953, № 9.
- Бунаков Е. В.** К вопросу о сношениях России с среднеазиатскими ханствами в XIX в. „Советское востоковедение”, 1941, вып. П.
- Бунаков Е. В.** Развитие капитализма в Узбекистане Рукопись диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук.
- Бурнашев Т.** Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 г. и обратно в 1795 г. „Сибирский вестник”, 1818, ч. II—III.

- Вамбери А.** История Бухары или Трансоксания с древнейших времен до настоящего. т. I—II, СПб, 1873.
- Вамбери А.** Очерки Средней Азии (Дополнение к Путешествию по Средней Азии). М., 1868.
- Васильев А.** Путешествие доктора Эверсмана в Бухару. Труды Орен. учен. арх. комиссии, вып. XVI, Оренбург, 1905.
- Вельяминов-Зернов В. В.** Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России с Средней Азией со времени кончины Абуль Хайр-хана (1748—1765), т. I—2, Уфа, 1853—1855.
- Вельяминов-Зернов В. В.** Монеты бухарские и хивинские. Труды Восточного Отделения Археологического Общества, ч. IV, СПб, 1859.
- Венюков М.** Путешествия по окраинам Российской Азии и записки о них. (Краткий обзор внешней торговли через западную Сибирь в 1851—1860 гг), СПб, 1868.
- Веселовский Н. И.** Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего, СПб, 1877.
- Веселовский Н. И.** Приём в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях, СПб, 1884.
- Веселовский Н. И.** Русские невольники в среднеазиатских ханствах, Ташкент, 1883.
- Вяткин В. Л.** Материалы к исторической географии Самаркандинского вилаета. Справочная книжка Самаркандинской области. 1902, вып. VII.
- Вяткин В. Л.** О вакуфах Самаркандинской области. Самарканд, 1912.
- Вяткин В. Л.** Самаркандинский вилает. Справочная книжка Самаркандинской области. 1897, вып. V.
- Волин С.** К истории древнего Хорезма. „Вестник древней истории“. 1941, № 1.
- Галкин А.** Краткий очерк Бухарского ханства. „Военный сборник“, 1890, № 11—12.
- Галкин М.** Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. СПб, 1868.
- Гафуров Б. Г.** История таджикского народа, т. I, изд. 2-е, М., 1952. Изд. 3-е, М., 1955 г.
- Гептнер В. Г.** Эдуард Александрович Эверсмай. М., 1910.
- Глуховский А.** Записки о значении Бухарского ханства для России и о необходимости решительных мер для прочного подврорения нашего влияния в Средней Азии. СПб, 1867.
- Гнучева В. Ф.** Географический департамент Академии наук XVIII в. Тр. арх. АН СССР, М—Л, 1946.
- Гнучева В. Ф.** Материалы для истории экспедиции АН в XVIII и XIX вв. Тр. арх. АН СССР, вып. IV, М.—Л., 1940.
- Голосов Д.** Поход в Хиву в 1839 г. „Военный Сборник“, т. XXI, 1861 г.
- Гребенкин А. Д.** Заметки о Зеравшанской долине. „Туркестанские ведомости“, 1873, № 4—6.
- Греков Т. Д. и Якубовский А. Ю.** Золотая Орда и её падение. М.—Л., 1950.
- Григорьев В. В.** Неизданные Бухарские и Хивинские монеты. СПб, 1860.
- Григорьев В. В.** Об отношениях России к Востоку. Одесса, 1840.
- Григорьев В. В.** Примечание к переводу „Кабулистан и кафиристан“, СПб, 1867.
- Григорьев В. В.** Разбор сочинения Н. Небольсина. Очерки торговли России с Среднею Азию. СПб, 1860.

- Григорьев В. В.** Россия и Азия. Сборник исследований и статей по истории, этнографии и географии, написанные в разное время. СПб, 1876.
- Григорьев В. В.** Русская политика в отношении к Средней Азии. „Сборник государственных знаний“, т. I, СПб, 1874.
- Грулев М.** Соперничество России в Средней Азии. СПб, 1909.
- Гулямов Я. Г.** История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней (докторская диссертация) М., 1949
- Гулямов Я.** Новый источник по истории завоевания Туркестана русским царизмом. Известия узбекского филиала АН СССР, 1941, № 4.
- Дектяренко Ж. Я.** Туркмены накануне и в период завоевания их царской Россией в конце XIX в. (кандидатская диссертация) М., 1949.
- Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э., III в. н. э.).** Хрестоматия под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, 1940.
- Жуковский С. В.** Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. СПб, 1915.
- Завьялов В. В.** Исторический обзор путешествий в Бухарию. Уфа, 1854.
- Збруева А. В.** Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья. „Вестник древней истории“, 1946, № 3.
- Зияев Х.** XVI—XVIII асрларда Сибирдаги ўзбеклар. „Қизил Ўзбекистон“—1954, 27 март.
- Иванов П. П.** Архив Хивинских ханов XIX в., II, 1940.
- Иванов П. П.** Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве в 1821—1825, М.—Л., 1937.
- История народов Узбекистана, т. II, Ташкент, 1947.
- История СССР, т. II, Россия в XIX в. Кризис феодализма, утверждение капитализма. М., 1950.
- История Узбекской ССР, т. 1, кн. 2, Ташкент, 1956.
- Карыев Ага.** Туркменские племена в первой четверти XIX в. и их борьба против агрессии хивинских ханов и иранских шахов (докторская диссертация), М., 1949.
- Колужин А. Ф.** К истории завоевания Узбекистана царской Россией. Тр. УзГУ. т. XVI, Самарканд, 1939.
- Костенко А. Ф.** Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. СПб, 1870.
- Кун А. Л.** Бухарские порядки. Заметки о порядке взимания поземельных податей. „Туркестанские ведомости“ 1873, № 32.
- Кушева Е. Н.** Об одной дореволюционной публикации документов по истории Средней Азии. В кн. „Проблемы источниковедения“. Сб. 3, М.—Л., 1940.
- Кушева Е. Н.** Среднеазиатский вопрос и русская буржуазия в 40-е годы XIX в. „Исторический сборник“, Т. 3, Л., 1939.
- Лешков В.** О древне-русской дипломатии, М., 1947.
- Логофет Д. Н.** Бухарское ханство под русским протекторатом, т. II. СПб, 1911.
- Логофет Д. Н.** В горах и равнинах Бухары (Очерки о Средней Азии). СПб, 1913.
- Логофет Д. Н.** Страна бесправия (Бухарское ханство и его современное состояние), СПб, 1909.
- Лященко Н.** История народного хозяйства СССР, т. 1, М., 1950.
- Маев Н. А.** Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, вып. V, СПб, 1879.
- Макшеев А. М.** Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских, СПб, 1890.
- Макшеев А. М.** Описание Аравийского моря. ЗИРГО, т. V, СПб, 1851.

- Мартенс Ф. Ф.** Россия и Англия в Средней Азии, СПб, 1880.
- Масальский В. И.** Туркестанский край. Россия. Под редакцией В. П. Семенова-Тяньшанского, т. XIX, СПб, 1913.
- Масальский В. И.** Указатель главнейших источников и пособий по Туркестанскому краю, СПб, 1913.
- Массон М. Е.** К истории горного дела на территории Узбекистана. АН УзССР, Ташкент, 1953.
- Мейер Л.** Киргизская степь Оренбургского ведомства, СПб, 1865.
- Миллер Г. Ф.** История Сибири, т. II. М.—Л., 1941.
- Мильков Ф. Н.** Естествоиспытатели Оренбургского края. Чкалов, 1948.
- Мильков Ф. Н.** Оренбургские степи в трудах П. Н. Рычкова, Э. А. Эверсмана и С. С. Неустроева, М., 1949.
- Минаев И. П.** Сведения о странах по верховьям Аму-Дарьи, СПб, 1879.
- Мирзаев К. М.** Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. Ташкент, 1954.
- Мушкетов И. В.** Туркестан, т. I, СПб, 1915.
- Наливкин В.** Мангитская династия ныне царствующая в Бухаре. „Туркестанские ведомости“, 1876, № 26.
- Небольсин П. И.** Статистические записки о внешней торговле России с Средней Азией, СПб, 1856.
- Небольсин П.** Очерки торговли России с Средней Азией (Со стороны Оренбургской линии) ЗИРГО, т. X, СПб, 1855.
- Нейман К.** Афганистан и англичане в 1841—1842 гг., М., 1848.
- Никитин С.** Источниковедение истории СССР, т. II, М., 1910.
- Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии, ч. I, (1715—1856); ч. II, (1856—1869), составитель Маслова О. В., Ташкент, 1955—1956.
- О марксистско-ленинском освещении истории и истории культуры народов Узбекистана. Стенографический отчет расширенного заседания отделения гуманитарных наук АН УзССР, 21—27 апреля, 1951 г., Ташкент, 1951.
- О торговом пути в Среднюю Азию и Индию через Россию, предлагаемый Н. С. Платоном Голубковым, М., 1848.
- Очерки Бухарского ханства. Ежегодник, вын. V, СПб, 1879.
- Очерки истории исторической науки в СССР, т. I, под редакцией Тихомирова М. Н., Алпатова М. А. и Сидорова А. Л., М., 1955.
- Панков А. В.** К истории торговли Средней Азии с Россией в 1675—1725 гг. Торговля с Бухарой. Ташкент, 1925.
- Пичета В. М. Н. Тихомиров.** Источниковедение истории СССР с древнейших времен до конца XVIII в. „Исторический журнал“ 1941, № 4.
- Поездка миссионера Вольфа в Бухару. „Русский инвалид“, 1845, № 216.
- Покровский С. П.** Международные отношения России и Бухары в дореволюционное время и при Советской власти... Бюлл. САГУ, 1927, вып. XVI.
- Попов А. Л.** Борьба за среднеазиатский плацдарм. „Исторические записки“, 1910, т. 7.
- Попов А. Л.** Из истории завоевания Средней Азии. „Исторические записки“, 1910, т. 9.
- Попов А.** Сношения России с Хивою и Бухарою при Петре Великом, СПб, 1853.
- Пославский** Бухара. Описание города и ханства. Сборник материалов по Азии, вып. XVII, СПб, 1891.
- Пославский И. Т.** Город Бухара. Описание его и исследование вопроса о занятии его русскими. Ташкент, 1891.

- Поспелов О.** Материалы к истории Самаркандской области. Самарканд, 1912.
- Потанин Г. Н.** Караванной торговле с Джунгарской Бухарией в XVIII столетии. М., 1868.
- Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод и комментарии под ред. И. Ю. Крачковского. М.—Л., 1939.
- Раджабов С.** Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. Ташкент, 1955.
- Рейннер И. М.** Развитие феодализма и образование государства у афганцев. М., 1954.
- Ремез И. А.** Внешняя торговля Бухары до мировой войны. Опыт историко-статистического обзора внешней торговли ханства вне сферы таможенного объединения его с Российской империей. Под. ред. Д. П. Красновского. Ташкент, 1922.
- Рожкова М. К.** Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX в. и русская буржуазия. М.—Л., 1949.
- Романовский Д. И.** Заметки по среднеазиатскому вопросу. СПб, 1868.
- Ротиславов М. П.** Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае, т. I, СПб, 1876.
- Рябинский А. М.** История колониального порабощения Бухарского ханства царской Россией. М., 1910.
- Рычков П. И.** История Оренбургская, Оренбург 1896.
- Рычков П. И.** Топография Оренбургской губернии. Оренбург, изд. 2-е, 1887.
- Савельев П.** Археологические и нумизматические отрывки, кн. I, СПб, 1855.
- Савельев П.** Хива и хивинцы. „Журнал Маяк“. 1842.
- Сборник сведений по истории статистики внешней торговли России. Под. ред. В. И. Покровского, СПб, 1902
- Свенске К. С.** Обозрение главнейших путешествий и географических открытий в десятилетие с 1838 по 1848 г., ВИРГО, 1851, кн. 1.
- Семенов А. А.** Бухарский трактат о чинах и знаниях и об обязанностях посчителей их в средневековой Бухаре. „Советское востоковедение“. 1948, № 5.
- Семенов А. А.** К истории бухарских мангитов. Бюлл САГУ, 1924, № 6.
- Семенов А. А.** К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. „Известия АН УзССР“, 1951, вып. 1.
- Семенов А. А.** Очерк поземельно-податного и налогового устройства в Бухарском ханстве. Труды САГУ, № 1, 1929.
- Семенов А.** Средняя Азия (Очерк), М., 1899.
- Скопин В. Н.** Средняя Азия и Индия. М., 1904.
- Соболев А.** Новейшая история Бухарского и Кокандского ханств. „Туркестанские ведомости“, 1876, № 26—28.
- Соболев Л. Н.** Географические и статистические сведения о Зерзувшанском округе, ЗИРГО, т. IV, 1874.
- Соловьев М. М.** Экспедиция в Бухару в 1841—1842 гг. при участии натуралиста Л. Лемана, М.—Л., 1936.
- Страницы из истории Хивы, XII и XIV вв.** „Туркестанские ведомости“, 1875, № 30.
- Субботин А. Д.** Россия и Англия на среднеазиатских рынках, СПб, 1885.
- Терентьев М. А.** История завоевания Средней Азии, т. I—III, СПб, 1906.
- Терентьев М. А.** Россия и Англия в борьбе за рынки, СПб, 1876.
- Терентьев М. А.** Россия и Англия в Средней Азии, СПб, 1875.
- Тизенгаузен В.** Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, т. I, СПб, 1884.

- Тихомиров М. Н.** Источниковедение истории СССР, т. 1, М., 1940.
- Толстов С. П.** Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования, М. 1948.
- Толстов С. П.** По следам древнекорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948.
- Ульянинский В. А.** Сношения России со Средней Азией и Индией в XVI—XVII вв., М., 1889.
- Фиолетов Н.** Бухарское и Хивинское ханства и отношения их с Россией (XVI—XIX вв.) „Исторический журнал“. 1941, № 3.
- Фридрих Н. А.** Бухара. (Этнографический очерк). СПб, 1910.
- Халфин Н. А.** Три русские миссии. Труды САГУ, новая серия, вып. LXXXVII, кн. 13, Ташкент, 1956.
- Хамраев А. Х.** К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX в. Труды САГУ, 1948, вып. № 3.
- Ханыков Я. В.** Некролог. „Туркестанский сборник“, т. 239.
- Ханыков Я. В.** Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями, ЗИРГО, т. V, 1851.
- Ханыков Я. В.** Список мест северо-западной части Средней Азии, ЗРГО, СПО, 1855.
- Хорошин А. П.** Народы Средней Азии. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, Вып. 3, СПб, 1874.
- Хорошин А. П.** Сборник статей, касающихся до Туркестанского края, СПб, 1876.
- Хорошин А. П.** Узбеки кенегес. (Этнографический очерк). „Туркестанские ведомости“, 1870, № 43.
- Чехович О. Д.** Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып. 1. Акты феодальной собственности на землю. XVIII—XIX вв., Ташкент, 1954.
- Шварев В.** Забытая наука (Письмо в редакцию). „Вопросы истории“, 1951, № 12.
- Шешелев А.** Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азию до начала XIX в. Ташкент, 1895.
- Штейнберг Е.** Английская версия о русской угрозе в Индии. „Исторические записки“, т. 33, 1950.
- Шубинский П.** Очерки Бухары, СПб, 192.
- Эсадзе Б.** Краткий исторический очерк наступательного движения России в Среднюю Азию с торговыми и военными целями с самого начала до Ахал-Текинской экспедиции, 1880—1881.
- Энциклопедический словарь.** Ф. А. Бро́гаус и И. А. Ефрон, т. 79, СПб, 1904.
- Юлдашев М. Ю.** Новые архивные источники по истории Средней Азии. Краткие сообщения Института востоковедения, 1951.
- Якубовский А. Ю.** Феодализм на Востоке, Л., 1932.
- Якубовский А. Ю.** Из истории падения Золотой Орды. „Вопросы истории“, № 2, 1947.
- Якунин А. Ф.** Народы Средней Азии и Казахстана во второй половине 19 века. Присоединение Средней Азии к России. Лекция, прочитанная в Высшей партийной школе при ЦК КПСС., М, 1954.

МУНДАРИЖА

А. Мұхаммаджонов. Бухоро билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихига доир	5
<i>Кириш</i>	7
<i>Биринчи боб</i>	11
XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқаларга оид асосий манбалар	11
I. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Россия ва Бухоро савдо алоқалари	11
II. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Россия муносабатларига доир нашр этилган тарихий манбалар	18
III. Бухоро ва Россия муносабатлари түғрисида Урта Осиё манбаларида берилган баъзи бир маълумотлар	51
<i>Иккинчи боб</i>	62
XIX асрнинг 30—50-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга доир асосий манбалар	62
I. XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро хонлигидаги инглиз мустамлакачилари қўпорувчилик ҳаракатларининг кучайиши	62
II. XIX асрнинг 30—50-йилларида Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқалар	72
III. XIX асрнинг 30—40-йилларида Бухоро ва Россия ўртасидаги муносабатларга оид низр этилган манбалар	81
IV. XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро—Россия ўртасидаги муносабатларга оид баъзи бир манбалар	110
<i>Хуносас</i>	124
Т. Немагов. Хева билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихига доир	129
<i>Кириш</i>	131

Биринчи боб	139
XIX асрнинг 20-йилларида Хева ҳонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир босилиб чиқсан баъзи манбалар	139
Иккинчи боб	153
XIX асрнинг 30—40-йилларида Хева ҳонлиги билан Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид босилиб чиқсан баъзи манбалар	153
I. XIX асрнинг 30—40-йилларида Хева ҳонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида	153
II. XIX асрнинг 30—40-йилларида Хева ҳонлигида инглиз мустамлакачиларининг агресив ҳаракатлари ва уларни фош этувчи баъзи бир манбалар	157
III. XIX асрнинг 40-йилларида Хева ҳонлиги ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашиши ва Хева—Россия алоқаларига доир баъзи манбайлар	165
Учинчи боб	193
XIX асрнинг 50-йилларида Хева ҳонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга доир босилиб чиқсан баъзи манблалар	193
Библиография	211

На узбекском языке

Ахад Мухамеджанов и Талъат Нигматов

Некоторые источники о взаимоотношениях Хивинского и Бухарского ханств с Россией

Нашриёт редактори *F. Саломов*

Техредактор *З. П. Горьковая*

Корректорлар *Х. Сайдуллаева* ва *Р. Ҳасанова*

Р03689 Босишга руҳсат этилди 8/V—57 й. Қогоз 60×92¹/₁₈=7,0 қогоз л.
14,0 босма л. Нашриёт л. 13,6. Тираж 750. Баҳоси 9 с. 80 т. Муқоваси 2 с.

ЎеССР Фанлар академияси, Тошкент, Ҳоразм кӯчаси, 9, заказ 286. 1957 г.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
НАШРИЁТИ

(Тошкент, Куйидағи күчаси, 15)

ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТДИ:

В. П. ШЧЕГЛОВ

Джордано Бруно ва унинг космологияси

баҳоси 55 тийин

В. Т. КОРОЛЕНКО

Ўзбекистонда гибрид маккажұхорилар

баҳоси 75 т.

В. В. КУЗНЕЦОВ

Ўзбекистоннинг ёнғоқ мевали ўсимліклари

баҳоси 50 т.

М. ПҮЛАТОВ

Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири ҳақида

баҳоси 1 с. 75 т.

Русча-ўзбекча лугат. (Илова)

баҳоси 3 с. 40 т.

Ўзбек халқ достонларидан:

ЕДГОР баҳоси 2 с. 50 т.

МУРОДХОН баҳоси 4 с. 75 т.

БАЛОГАРДОН баҳоси 1 с. 75 т.

ИНТИЗОР баҳоси 5 с. 75 т.

ОРЗИГУЛ баҳоси 3 с.

Китобларни заказ қилиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳр: Киров күчаси, 36, Узглавкниготорг. Китоб билан савдо қызувлучи ташкилотларга скидка белгиланган.

Кишиларга, кутубхоналарга, ташкилотларга китоблар пулини почтада тұлаб ойш йүли биләм юборилади.